$B(y_1, y_2, y_3) = y_1^2 - y_2^2 - 4y_2y_3 - 4y_3^2.$ Жоқарыдағы процессти даўам еттирип, екинши белгисиздиң квадратын ажыратыў мәселесин қараймыз:

$B = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & -1 & -2 \\ 0 & -2 & -4 \end{pmatrix} \Rightarrow \begin{cases} t_1 = y_1 \\ t_2 = -y_2 - 2y_3 \\ t_3 = -2y_2 - 4y_3 \end{cases}$. Онда, бул түрлендириўдиң кери түрлендириўдиң матрицасы:

$$B^{-1}:\ \begin{cases} y_1 = t_1 \\ y_2 = -t_2 - 2t_3 \\ y_3 = t_3 \end{cases} \Rightarrow B^{-1} = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & -1 & -2 \\ 0 & 0 & 1 \end{pmatrix} \text{ болады.}$$

$$B + t_2^2 = y_1^2 - y_2^2 - 4y_2y_3 - 4y_3^2 + (-y_2 - 2y_3)^2 = y_1^2 \;\Rightarrow C(t_1,\ t_2,\ t_3) = t_1^2 - t_2^2 \cdot$$

Демек, бул оңда (теристе) анықланбаған квадратлық форманың нормаль түрдеги каноникалық көриниси екенлигин билдиреди.

Екинши тәрептен,

$$T:\ M(A^{-1})\cdot(B^{-1}) = \begin{pmatrix} 1 & 1 & -1 \\ 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 1 \end{pmatrix} \cdot \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & -1 & -2 \\ 0 & 0 & 1 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 1 & 1 & -3 \\ 0 & -1 & -2 \\ 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$ болғаны ушын $T:\ \begin{cases} x_1 = t_1 - t_2 - 3t_3 \\ x_2 = -t_2 - 2t_3 \\ x_3 = t_3 \end{cases}$ сызықлы түрлендириўин берилген квадратлық формаға қойыў арқалы $C(t_1,\ t_2,\ t_3) = t_1^2 - t_2^2$ көринисиндеги каноникалық түрине ийе болады.

Мысалы. Төмендеги квадратлық форманы айнымаған сызықлы түрлендириў арқалы каноникалық түрге келтириң.

$$f(x_1, x_2, x_3, x_4) = x_1x_2 + x_2x_3 + x_3x_4 + x_4x_2$$

Шешилиўи. Берилген квадратлық формада бир белгисиздиң квадраты болмағаны ушын

$$T:\ \begin{cases} x_1 = y_1 - y_2 \\ x_2 = y_1 + y_2 \\ x_3 = y_3 \\ x_4 = y_4 \end{cases} \Rightarrow M(T) = \begin{pmatrix} 1 & -1 & 0 & 0 \\ 1 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$ сызықлы түрлендириўин қолланамыз.

$$f = y_1^2 - y_2^2 + (y_1 + y_2)y_3 + y_3y_4 + (y_1 - y_2)y_4 = y_1^2 - y_2^2 + y_1y_3 +$$

$+y_2y_3 - y_3y_4 + y_1y_4 - y_2y_4$ болады. Бул түрлендириўдиң матрицасы

$\Phi = \begin{pmatrix} 1 & 0 & \frac{1}{2} & \frac{1}{2} \\ 0 & -1 & \frac{1}{2} & -\frac{1}{2} \\ \frac{1}{2} & \frac{1}{2} & 0 & \frac{1}{2} \\ \frac{1}{2} & -\frac{1}{2} & \frac{1}{2} & 0 \end{pmatrix}$ болғаны ушын квадратлық формадан биринши белгисиздиң квадратын ажыратыў ушын төмендегише түрлендириў киритемиз: $\Phi:\ \begin{cases} t_1 = y_1 + \frac{1}{2}y_2 + \frac{1}{2}y_3 \\ t_2 = y_2 \\ t_3 = y_3 \\ t_4 = y_4 \end{cases}$. Онда, бул түрлендириўге кери түрлендирлиўи: $M(\Phi^{-1})\ :\ \begin{cases} y_1 = t_1 - \frac{1}{2}t_3 - \frac{1}{2}t_4 \\ y_2 = t_2 \\ y_3 = t_3 \\ y_4 = t_4 \end{cases}$, ал оның матрицасы $\Phi^{-1} = \begin{pmatrix} 1 & 0 & -\frac{1}{2} & -\frac{1}{2} \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$ екенлигин көриў мүмкин. Бул жағдайда,

$$f - t_1^2 = -y_2^2 - \frac{1}{4}y_3^2 - \frac{1}{4}y_4^2 + y_2y_3 + \frac{3}{2}y_3y_4 - y_2y_4$$ екенлигинен, төмендеги

$$f = t_1^2 - t_2^2 - \frac{1}{4}t_3^2 - \frac{1}{4}t_4^2 + t_2t_3 + \frac{3}{2}t_3t_4 - t_2t_4$$ келип шығады. Оның матрицасы

$$S = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & -1 & \frac{1}{2} & -\frac{1}{2} \\ 0 & \frac{1}{2} & -\frac{1}{4} & \frac{3}{4} \\ 0 & -\frac{1}{2} & \frac{1}{4} & -\frac{1}{4} \end{pmatrix} \Rightarrow \begin{cases} z_1 = t_1 \\ z_2 = -t_2 + \frac{1}{2}t_3 - \frac{1}{2}t_4 \\ z_3 = t_3 \\ z_4 = t_4 \end{cases}$$

сызықлы түрлендириўине кери болған түрлендириў төмендегише болады:

$$S^{-1}:\begin{cases} t_1 = z_1 \\ t_2 = -z_2 + \frac{1}{2}z_3 - \frac{1}{2}z_4 \\ t_3 = z_3 \\ t_4 = z_4 \end{cases} \Rightarrow M(S^{-1}) = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & -1 & \frac{1}{2} & -\frac{1}{2} \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}.$$

Сонда $f + z_2^2 = t_1^2$ ямаса $f = z_1^2 - z_2^2$ түриндеги оң да ҳәм де терис те емес көринисте анықланған нормаль (квадратлық форманың коэффи-циентлери $\pm 1, 0$ лерлен ибират болыўы керек) түрдеги квадратлық формаға ийе боламыз.

Екинши тәреплтен, $M(T)\cdot M(\Phi^{-1})\cdot M(S^{-1}) = \begin{pmatrix} 1 & -1 & -1 & 0 \\ 1 & 1 & 0 & -1 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$ екенлигине тийкарланып, $V:\begin{cases} x_1 = z_1 - z_2 - z_3 \\ x_2 = z_1 + z_2 - z_4 \\ x_3 = z_3 \\ x_4 = z_4 \end{cases}$

сызықлы түрлендириўи арқалы $f = x_1x_2 + x_2x_3 + x_3x_4 + x_4x_2 = z_1^2 - z_2^2$ каноникалық түрдеги квадратлық форманың нормаль көрнисине келтириў мүмкин екенлиги келип шығады.

Мысалы. Квадратлық форманы каноникалық түрге келтириң ҳәм де ески белгисизлерди таза белгисизлер арқалы аңлатылыўын табың.

$$f = \sum_{i=1}^{n} x_i^2 + \sum_{1<I<j<n} x_i x_j$$

Шешилиўи. Берилген квадратлық формада x_1 диң алдындағы коэффициент $a_{11} \neq 0$ болғаны ушын белгисиздиң квадратларын ажыратып көрсетиў мүмкин. Буның ушын айнымаған сызықлы түрлендириўди әмелге асырамыз:

$$y_1 = x_1 + \frac{1}{2}\sum_{i=2}^{n} x_i;\ \ y_2 = x_2;\ \ \ldots\ \ y_n = x_n.$$

Онда, $f - y_1^2 = f - \left(x_1 + \frac{1}{2}\sum_{i=2}^{n} x_i\right)^2 = \frac{3}{4}\sum_{i=2}^{n} x_i^2 + \frac{1}{2}\sum_{2<I<j<n} x_i x_j$ көринисинде болып, $f = y_1^2 + \frac{3}{4}f_2$ болады; бул жерде $f_2 = \sum_{i=2}^{n} y_i^2 + \frac{2}{3}\sum_{2<i<j<n} y_i y_j.$ Төмендегише белгилеў киритиў арқалы қәлеген белгисиздиң квадратын ажыратамыз:

$$z_1 = y_1;\ \ z_2 = y_2 + \frac{1}{3}\sum_{i=3}^{n} y_i;\ \ z_3 = y_3;\ \ \ldots\ \ z_n = y_n.$$

Сонда $f_2 - z_2^2 = f_2 - \left(y_2 + \frac{1}{3}\sum_{i=3}^{n} y_i\right)^2 = \frac{8}{9}\sum_{i=3}^{n} y_i^2 + \frac{4}{9}\sum_{3<i<j<n} y_i y_j$ ҳәм де $f_2 = z_2^2 + \frac{8}{9}\sum_{i=3}^{n} y_i^2 + \frac{4}{9}\sum_{3<i<j<n} y_i y_j$

екенлигинен $f = z_1^2 + \frac{3}{4}z_2^2 + \frac{4}{6}f_3$ ге ийе боламыз; бул жерде $f_3 = \frac{8}{9}\sum_{i=3}^{n} z_i^2 + \frac{2}{4}\sum_{3<i<j<n} z_i z_j.$

Усындай етип, даўам еттире отырып үшинши белгисиздиң квадратын ажыратамыз ҳәм т. б. Буннан, биз ажыратылған белгисиз квадратлардың избе-излиги

$$f = u_1^2 + \frac{3}{4}u_2^2 + \frac{4}{6}u_3^2 + \ldots + \frac{k}{2(k-1)}u_{k-1}^2 + \frac{k+1}{2k}f_k$$ (16) түрине ийе екенин көремиз, бунда

$$u_1 = x_1 + \frac{1}{2}\sum_{i=2}^{n} x_i,\ \ u_2 = x_2 + \frac{1}{3}\sum_{i=3}^{n} x_i,\ \ldots, u_{k-1} = x_{k-1} + \frac{1}{k}\sum_{i=k}^{n} x_i,\ \ \ u_k = y_k, \ldots,\ \ \ u_n = y_n.$$

$$f_k = \sum_{i=k}^{n} u_i^2 + \frac{2}{k+1}\sum_{k<i<j<n} u_i u_j$$

Ҳәр қандай $k \le n$ лерде (16) аңлатпасының орынлы екенлигин көрсетиў ушын математикалық индукция методынан пайдаланамыз. $k = 1$ болғанда, (16) аңлатпасы орынлы болады. Буны, базыбир k ушын дурыс деп ойлайық. Сонда, қандайда бир белгисиз k ның квадратын алыў пройессин төменде-гише пайда етемиз:

$$v_1 = u_1 = x_1 + \frac{1}{2}\sum_{i=2}^{n} x_i,\ \ldots,\ v_{k-1} = u_{k-1} = x_{k-1} + \frac{1}{k}\sum_{i=k}^{n} x_i, \quad v_k = u_k + \frac{1}{k+1}\sum_{i=k+1}^{n} u_i =$$

$$x_k + \frac{1}{k+1}\sum_{i=k+1}^{n} x_i, \quad v_{k+1} = u_{k+1} = x_{k+1},\ \ldots,\ v_n = u_n = x_n.$$

$$f_k - \left(u_k + \frac{1}{k+1}\sum_{i=k+1}^{n} u_i\right)^2 = \frac{k(k+2)}{(k+1)^2}\sum_{i=k+1}^{n} u_i^2 + \frac{2k}{(k+1)^2}\sum_{k+1<i<j<n}^{n} u_i u_j,$$

$$f_k = v_k^2 + \frac{k(k+2)}{(k+1)^2}\sum_{i=k+1}^{n} v_i^2 + \frac{2k}{(k+1)^2}\sum_{k+1<i<j<n}^{n} v_i v_j.$$

$$f = v_1^2 + \frac{3}{4}v_2^2 + \frac{4}{6}v_3^2 + \ldots + \frac{k}{2(k-1)}v_{k-1}^2 + \frac{k+1}{2k}v_k^2 + \frac{k+2}{2(k+1)}f_{k+1}, \quad \text{бунда}$$

$$f_{k+1} = \sum_{i=k+1}^{n} v_i^2 + \frac{2}{k+2}\sum_{k+1<i<j<n}^{n} v_i v_j.$$

Буннан, (16) аңлатпасы $k+1$ ушын орынлы екенлиги келип шығады. Бул жерден, биз $k=n$ болғанда төмендегиге ийе боламыз:

$$f = t_1^2 + \frac{3}{4}t_2^2 + \frac{4}{6}t_3^2 + \ldots + \frac{n+1}{2n}t_n^2; \quad \text{бунда}$$

$$t_1 = x_1 + \frac{1}{2}\sum_{i=2}^{n} x_i, \quad t_2 = x_2 + \frac{1}{3}\sum_{i=2}^{n} x_i \quad , \ldots, \quad t_n = x_n.$$

Демек, берилген квадратлық форма каноникалық көриниске келтирилди. Бул сызықлы түрлендириўдиң матрицасы

$$T = \begin{pmatrix} 1 & \frac{1}{2} & \frac{1}{2} & \frac{1}{2} & \ldots & \frac{1}{2} \\ 0 & 1 & \frac{1}{3} & \frac{1}{3} & \ldots & \frac{1}{3} \\ 0 & 0 & 1 & \frac{1}{4} & \ldots & \frac{1}{4} \\ \ldots & \ldots & \ldots & \ldots & \ldots & \ldots \\ 0 & 0 & 0 & 0 & \ldots & 1 \end{pmatrix}$$

көринисине ийе болады.

Квадратлық форманы каноникалық көриниске келтириў теориясы екинши тәртипли орайға ийе иймекликтиң геометриялық теориясына тийкарланып дүзилди, бирақта улыўмаласқан көриниси болып есаплана алмайды. Ҳақыйқатында да, бизиң теориямызда қәлеген айнымаған сызықлы түрлен-дириўлерге кеңнен жол қойылды. Екинши тәртипли иймекликти каноникалық көриниске келтиретуғын болсақ, онда тегисликти бурыў болып есапланатуғын (2) көринисиндеги арнаўлы сызықлы түрлендирилиў арқалы әмелге асырылады. Бирақта, бул геометриялық теория n өзгериўшили ҳақыйқый коэффициентли квадратлық формалар ушын улыўмаластырылыўы мүмкин екенлиги келтирилди.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Ayupov Sh. A., Omirov B.A., Xudoyberdiev A.X., Haydarov F.H. Algebra va sonlar nazariyasi. T.- «Tafakkur Bustoni», 296 b, 2019 y.
2. Курош А. Г. Курс высшей алгебре.: М.-Наука 1972 г.
3. Kenneth Kuttler. Elementary Linear Algebra 2012. Ventus Publishing Aps, ISBN 978-87-403-0018-5.

Квадратлық формалардың сызықлы алгебрада базыбир қолланылыўлары.
Жузбаев Н. О. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақала квадратлық формалардың сызықлы алгебрада базыбир қолланылыўларын үйрениўге қаратылған.
Таяныш сөзлер: Натураль санлар, пүтин санлар, бөлшек санлар, әпиўайы ҳәм қурамалы санлар.

Квадрат шаклларнинг чизиқли алгебрада баъзи қўлланишлари
Жузбаев Н.О. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақола квадратик формаларнинг чизиқли алгебрада базибир тадбиқларини ўрганишга қаратилган.
Таянч сўзлар: Натурал сонлар, бутун сонлар, каср сонлар, туб ва мураккаб сонлар.

Некоторые приложения квадратичных форм в Линейной Алгебре
Джузбаев Н.О. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Статья посвящена изучению некоторых применений квадратичной формы в Линейной Алгебре.
Ключевые слова: натуральные числа, целые числа, дробные числа, простые и составные числа

Some applications of quadratic forms in Linear Algebra
Djuzbaev N.O. Karakalpak State University

Summary. The paper is devoted to the study of some applications of the quadratic form in Linear Algebra.
Key words: natural numbers, whole numbers, fractional numbers, prime and composite numbers

УДК 336.77.75

БАНКЛАРНИНГ ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

Пулатов Қ. Ш.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Кириш. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг чакана хизматлар амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар фикримизча, қуйидагилардан иборатдир:

1. Ипотека кредитлари бўйича муддатли кредитлар миқдорининг катта эканлиги.

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига 2020 йилнинг мос даврига нисбатан муаммоли кредитлар миқдорининг жами кредит қолдиғига нисбати 2,3 фоиздан 3,6 фоизга ошган бўлса, ушбу кўрсаткич ипотека кредитлари бўйича 0,3 фоиздан 1,4 фоизгача ошди. Шунингдек, жами муаммоли кредитлар қолдиғининг умумий ипотека кредити қолдиғидаги улуши 6,6 фоизни (1 931,7 млрд. сўм) ташкил этди. Жами ипотека кредитлари қолдиғи таркибида марказлашган маблағлар ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг қолдиғининг улуши 72,2 фоизга (21,2 трлн. сўм), тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар қолдиғи улуши эса 27,8 фоизга (8,2 трлн. сўм) тенг бўлди. Марказлашган маблағлар ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари бўйича муаммоли кредитлар миқдорининг жами кредит қолдиғидаги улуши 0,7 фоизни этган бўлса, ушбу кўрсаткич тижорат банклари маблағлари ҳисобидан ажратилган кредилар бўйича 3,3 фоизни ташкил этмоқда. Таҳлиллар муаммоли кредитлар миқдорининг (NPL) нисбатан юқори кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикасида 2,8 фоизни (54,6 млрд.сўм), Андижонда 2,8 фоизни (51,2 млрд.), Сирдарёда 2,5 фоизни (25,5 млрд. сўм), Самарқандда (61,0 млрд. сўм) ва Сурхондарёда 2,3 (47,2 млрд. сўм) фоизни ташкил этаётганлигини кўрсатди.

2020 йилда муаммоли кредит миқдорининг улуши Самарқандда 14,7 фоизни, Қорақалпоғистон Республикасида 13,2 фоизни, Андижонда 12,3 фоизни ҳамда Сурхондарёда 11,4 фоизни ташкил этди[2, 137-138]. Ўрганишлар жами кредит қолдиғининг 0,3 фоизи (102,8 млрд. сўм) 2010 йилгача, 16,3 фоизи (4 782,6 млрд. сўм) 2011-2016 йиллар давомида, 83,4 фоизи (24 504,3 млрд. сўм) 2017 йилдан жорий йил 1 апрелига қадар ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келаётганлигини кўрсатмоқда.


2010 йилгача ажратилган ипотека кредитлари бўйича муаммоли кредитлар миқдори (NPL) мазкур кредитларнинг қолдиғига нисбати 4,7 фоизни ташкил этаётган бўлса, ушбу кўрсаткич 2011-2016 йилларда ажратилган ипотека кредитлари учун 2,5 фоизни, 2017 -2020 йиллар ва 2021 йил I чораги бўйича эса 1,2 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, жорий йил I чорак якунлари бўйича 279,7 минг нафар фуқароларнинг жами 456,8 млрд. сўм (кредит графигига нисбатан 48 фоизга ёки 148 млрд. сўмга кўп) миқдоридаги ипотека кредитлари сўндирилди. Сўндирилган ипотека кредитларнинг 27,8 фоизи (126,9 млрд. сўм) Тошкент шаҳри, 9,3 фоизи (42,7 млрд. сўм) Самарқанд, 8,7 фоизи (39,9 млрд. сўм) Қашқадарё, 7,0 фоизи (31,8 млрд. сўм) Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларининг нисбатан юқори эканлиги ва захира ажратмалари суммасини банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан олиб қўйилаётганлиги уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, тараққий этган мамлакатларда Марказий банкларнинг мажбурий захира ставкалари паст бўлиб, захира ажратмалари суммаси банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобварағида сақланади[3, 364]. Республикамизнинг йирик тижорат банкларида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги уларнинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда. Тижорат банкларидаги баланслашмаган ликвидлилик муаммосини чуқурлашишига олиб келган муаммолардан яна бири – бу республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг нисбатан юқори эканлиги ҳисобланади. Халқаро Таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банкларида кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдори брутто активларга нисбатан 0,5 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Республикамизнинг қатор йирик тижорат банкларида (ТИФ Миллий банки, Саноатқурилишбанк, Ипотекабанк) ушбу кўрсаткич 1,5 фоиздан юқоридир[4,45-62].

Хулоса ва таклифлар. 2021 йил 1 апрель ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32 фоизга ўсган бўлса, муаммоли кредитлари миқдори қарийб 7,5 баробарга ошди. Мазкур ҳолат пандемия туфайли аҳоли тўлов қобилиятининг пасайиши билан изоҳланиши мумкин.

2. Аҳолининг ихтиёридаги пул маблағларини тижорат банкларига жалб этиш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги ҳисобланади.

Миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги миллий валютадаги омонатларнинг реал қийматини пасайишига олиб келмоқда.



1-расм. Миллий валюта-сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, сўм[1]

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2015-2020 йилларда миллий валюта-сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати юқори бўлган. Бу эса, миллий валютадаги жамғармаларнинг реал қийматини пасайишига олиб келади ва аҳолининг пул маблағларини тижорат банкларига жалб қилишга тўсқинлик қилади.

Аҳолининг пул маблағларини тижорат банкларига жалб қилишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган яна бир муаммо – бу республикамизда инфляция даражасининг юқори эканлигидир. 2020 йилда республикамизда инфляциянинг йиллик даражаси 11,1 фоизни ташкил этди. Инфляция даражасининг юқори эканлиги аҳолининг пул жамғариш имкониятини пасайтиради.

2020 йилда мамлакатимизда инфляция даражаси коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз, ички ва ташқи шароитларнинг салбий шаклланиши, ялпи талаб ва таклиф тебранишларининг бир пайтда юзага келиши ҳамда асосий озиқ-овқат таклифидаги маълум бир узилишлар фонида шаклланиб борди. Йил давомида истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича ҳисобланган инфляция даражаси пасаювчи тенденцияга эга бўлди ва йил якуни бўйича 11,1 фоизни ташкил этиб, Марказий банк прогноз коридорининг қуйи чегарасига яқин даражада шаклланди. Шунингдек, иқтисодиётдаги инфляция даражасининг муқобил кўрсаткичлари – ЯИМ дефлятори ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси кўрсаткичлари 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайди. Хусусан, ЯИМ дефлятори 2020 йил якуни бўйича 11,9 фоизгача (2019 йилда 18,6 фоиз), ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси эса 7,1 фоизгача (2019 йилда 28,2 фоиз) пасайди.

2020 йилнинг I ярим йиллигида инфляциянинг шаклланишида озиқовқат ва бирламчи эҳтиёж товарларига бўлган юқори талаб, 2019 йилги тартибга солинадиган нархлар ошиши иккиламчи таъсирининг сақланиб қолиши, апрель ойидаги миллий валюта курсининг девальвацияси ҳамда июнь ойида мева ва сабзавотлар нархлари мавсумий пасайишининг кутилганидан кўра секинроқ юз берганлиги каби омиллар муҳим ўрин тутди.

Жаҳон бозорларида асосий озиқ-овқат нархларининг ошиши, мавсумий ҳамда август ойи якунидаги карантин чораларининг юмшатилиши натижасида кечиккан талаб 2020 йил II ярим йиллигида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди. 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши умумий инфляция даражасидан сезиларли даражада юқори шаклланиб, йил якуни бўйича 15,3 фоизни ташкил этди. Бунда умумий инфляция даражасининг 6,5 фоиз банди озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўзгариши ҳисобига содир бўлди. Ҳисобот йилида картошка нархи – 42 фоизга, тухум – 38 фоизга, мой ва ёғлар – 27 фоизга, шакар – 21 фоизга, гўшт маҳсулотлари – 18,1 фоизга ва нон маҳсулотлари – 15,2 фоизга кўтарилди. Бу ўз навбатида, жаҳон бозорларида ушбу маҳсулотлар нархларнинг ошиши ҳамда ички бозорда таклиф омилларининг қисқариши билан изоҳланади. Хусусан, ёғ маҳсулотлари нархининг ўсиши асосий хомашёсини ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи давлатларда қурғоқчилик бўлганлиги натижасида кунгабоқар ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги билан боғлиқ. Картошка нархининг юқори даражада ўсиши, асосан, пандемия сабабли аҳоли томонидан картошка маҳсулотига юқори талабнинг сақланибқолганлиги, ёз мавсумида бозорларда эски ва янги ҳосил орасидаги узилиш даврида таклифнинг қисқариши билан изоҳланади.

3. Аҳолининг даромад даражасининг паст эканлиги. 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 69,3 % и) шаклланди. Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,2 %, молмулкдан олинган даромадларнинг улуши 3,0 %, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 25,5 % ни ташкил қилди.

4. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар. Республикамиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларнинг хорижий валюталардаги омонатларига нисбатан паст ставкаларда фоизлар тўланаётганлиги аҳолининг ихтиёридаги хорижий валюталардаги маблағларни тижорат банкларига кенг кўламда жалб этишга тўсқинлик қилади.

Республикамизда бирламчи уй-жой бозоридан квартира сотиб олиш учун ипотека кредитлари беришда уступорлик берилаётганлиги бирламчи уй-жой бозоридан сотиб олинадиган квартираларга ипотека кредитлари бериш уй-жой қурилишини рағбатлантириш имконини бериши билан изоҳланаади[5, 17].

[1]Расм муаллиф томонидан www.cbu.uz сайти (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

2018-2020 йилларда республикамиз тижорат банклари томонидан берилган ипотека кредитлари суммасини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги мамлакатда аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги, республикада инвестицион фаоллик ва уй-жой қурилиши суръатларининг ошганлиги, аҳоли реал даромадларининг ошиб бораётганлиги, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ҳудудларда урбанизация даражасининг ортиб бориши ва уй-жой қурилиши учун зарур инфратузилмаларнинг кенгайиши, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш тизимининг жорий этилиши натижасида тижорат банклари ипотека кредитлари ажратиш учун барқарор ресурс манбаи билан таъминланаётганлиги, якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ва улушдор жисмоний шахсларга ажратиладиган ипотека кредитларининг соддалаштирилганлиги каби сабаблар билан изоҳланади; 2021 йил январь-март ойларида тижорат банклари томонидан берилган ипотека кредитларининг фоиз ставкасини ўсиш тенденцияси кузатилди; 2017-2020 йилларда тижорат банклари томонидан жалб қилинган жисмоний шахсларнинг омонатлари миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлди, айниқса, таҳлил қилинган давр мобайнида жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитларининг ҳажми юқори ўсиш суръатига эга бўлди; 2018-2020 йилларда республикамиз тижорат банкларининг жисмоний шахсларнинг муддатли омонатларига нисбатан ўрнатилган фоиз ставкалари даражасини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги банкларнинг муддатли омонатлар жалб қилиш имкониятларини оширган; 2018-2020 йилларда республикамиз тижорат банкларининг жисмоний шахсларнинг муддатли омонатларига нисбатан ўрнатилган фоиз ставкалари даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлди.

Таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг чакана хизматлар амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги долзарб муаммолар аниқланди: ипотека кредитлари бўйича муддатли кредитлар миқдорининг катта эканлиги; миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги; республикамизда инфляция даражасининг юқори эканлиги; аҳолининг даромад даражасининг паст эканлиги; тижорат банклари томонидан жисмоний шахслаларнинг хорижий валюталардаги омонатларига нисбатан паст ставкаларда фоизлар тўланаётганлиги; тижорат банкларида балансланмаган ликвидлилик муаммосининг мавжудлиги.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.
2. Панова Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка. -М: Финансы и статистика, 2001. –С. 137-138.
3. Гурвил С. А. Управление активами коммерческих банков. Пер. с англ. – М: Дело, 2007. – 364 с.
4. Крис Дж. Барлтрон, Диана Мак Нотон“Банки на развивающихся рынках”. М, 1997. – С.45-62.
5. Алимардонов И.М. Ўзбекистонда ипотекали кредитлашни ривожлантириш истиқболлари. Иқ. ф.н. илм. дар. олиш учун тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2009. – Б. 17.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сонли Фармони. Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида//www.lex.uz.
7. Ипотека бозори.www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
8. Ипотека кредитлари шарҳи. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
9. Кредитлар. www.ipotekabank.uz (АТ “Ипотекабанк”).

Банкларнинг чакана хизматлар амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар

Пўлатов Қ. Ш. Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Резюме. Тижорат банкларининг ипотека кредитлари аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг ва қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шунинг учун банкларнинг ипотека кредитлари бериш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Мақолада республика тижорат банкларининг ипотека кредитлари бериш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, ипотека кредити, фоиз ставкаси, субсидия, таъминот, риск.

Основные вопросы, связанные с улучшением практики банков в розничных услугах

Пулатов К.Ш. Ташкентский государственный экономический университет

Резюме. Ипотечные кредиты коммерческих банков является обязательным условием обеспечения населения жильём и развития строительной индустрии. Поэтому создание необходимых условий для предоставления ипотечных кредитов банков является одним из актуальных вопросов социально-экономического развития страны. В статье разработаны научные предложения, направленные на совершенствование практики выдачи ипотечных кредитов коммерческих банков.

Ключевые слова: коммерческий банк, ипотечный кредит, процентная ставка, субсидия, обеспечения, риск

Current issues related to improving the practice of banks in retail services

Pulatov K.Sh. Tashkent State University of Economy

Summary. Mortgage loans from commercial banks are a prerequisite for providing the population with housing and the development of the construction industry. Therefore, the creation of the necessary conditions for the provision of mortgage loans of banks is one of the topical issues of the country’s socio-economic development. The article developed scientific proposals aimed at improving the practice of issuing mortgage loans of commercial banks.

Key words: commercial bank, mortgage loan, interest rate, subsidy, ensurings, risk

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИНГ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Ибрагимова Ш.


Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Кириш. Молиявий масалаларни муваффақиятли бошқариш ҳаётий жараёнинг ҳар бир босқичида муҳим аҳамиятга эга, бироқ одамларнинг ёши улғайган сари молиявий қарорлар қабул қилиш қийинлашиши мумкин. Ёши катта инсонлар умри давомида кўплаб молиявий ресурсларни бошқаришга ва молиявий қарорларни қабул қилишларига тўғри келади. Бундан ташқари, молиявий либераллаштириш янги молиявий маҳсулотлар ва хизматларнинг кўпайишига олиб келди, уларнинг аксарияти пенсионерларга таниш эмас. Бу ортиб бораётган мураккаблик кейинчалик молиявий саводхонлик даражасини пасайиши билан ҳам кучайиши мумкин. Шунга қарамай, кекса одамлар кўп йиллар давомида молиявий қарорлар қабул қилиб, бошқаларнинг қарорларини кузатиб, тажриба орттирган бўлишлари мумкин.

Адабиётлар шарҳи. Молиявий таълим молиявий қарорлар қабул қилиш ва фаровонликни яхшилаш, молиявий барқарорлик ва ривожланишни қўллаб-қувватлаш усули сифатида молиявий ҳимоя, тизимли ва тартибга солишнинг асоси сифатида белгиланади ва тан олинади (PISA) [1]. Молиявий саводхонлик - бу молиявий билимларнинг паст даражасига жавоб, бу молиявий тузилмага таъсир кўрсатувчи муҳим ва асосий элемент ҳисобланади. 2005 йилда OECD томонидан ишлаб чиқилган молиявий саводхонлик таърифи молиявий фаровонликни молиявий таълим жараёнининг асосий натижаларидан бири сифатида белгилаб қўйган: "молиявий истеъмолчилар/инвесторлар молиявий маҳсулотлар, тушунчалар ва рисклар ҳақидаги тушунчаларини яхшилайдиган, жараён, кўрсатма, объектив маслаҳатлар орқали молиявий таваккалчилик ва имкониятлар тўғрисида хабардор бўладиган, онгли танлов қилиш, ёрдам учун қайерга мурожаат қилишни билиш ва ўз молиявий ҳолатини яхшилаш учун бошқа самарали ҳаракатларни амалга ошириш кўникма ва ишончини ривожлантирадиган шахслардир. "(OECD) [2]. Молиявий таълим молиявий саводхонликни оширади, керакли молиявий хатти-ҳаракатларни рағбатлантиради ва истеъмолчилар ўртасида молиявий фаровонликни ҳам оширади (Лусарди ва Митчелл) [3].

Нобел мукофоти совриндори Стиглер дунёдаги иқтисодий саводхонлик пастлигининг учта сабабини кўрсатди [4]. Биринчидан, ҳар қандай фан бўйича юқори даражадаги билимларга эришиш қийин, чунки у амалиёт, ақл ва таълимий ёрдамни талаб қилади. Иккинчидан, Нобел мукофоти совриндорининг сўзларига кўра, иқтисодиёт алдамчи даражада содда, чунки иқтисодий оммавий маъруза, одатда, иқтисодий қоидаларга асосланган барча услубий (шу жумладан, математик) аппаратни четлаб ўтиб, жуда қулай тарзда ўтказилади. Бу ўрганувчиларга мураккаб иқтисодий механизмлар ҳақида нотўғри таассурот қолдириши мумкин. Учинчидан, баъзида одамлар ўз хоҳиш-истаклари билан кўпроқ банд бўлишади ва ўз муаммоларини оддий ва тўғридан-тўғри ҳал қилишни афзал кўришади, бу эса уларни иқтисодиёт, хусусан иқтисодий сиёсат қандай ишлашини билиш соҳасидаги тарғибот ва манипуляцияга мойил қилади .

Таҳлил ва натижалар. Молиявий саводхонлик даражаси давлатлар кесимида бир биридан фарқ қилади. Молиявий саводхонлик даражасининг мамлакатлар кесимидаги миқдорлари мавжуд (1-расм)



1-расм. Ўсмирларнинг молиявий саводхонлик даражаси (жами аҳолига нисбатан %да) [5]

Юқоридаги расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак кўришимиз мумкинки, Америка, Канада Австралия Болтиқ бўйи давлатларида молиявий саводхонлик даражаси юқори бўлиқ бу уларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижасидандир. Россия, Жанубий Америка давлатларида, Африканинг айрим давлатларида 45-54 фоиз атрофида, Ўрта Осиё давлатларида эса 20-24 фоизни ташкил этади.

Молиявий саводхонлик бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра молиявий саводхонлик молиявий қарорларни қандай шакллантириши кўриб чиқилган. Бошқа тадқиқотлар молиявий саводхонликнинг тўғридан - тўғри ўлчовларидан фойдаланган, кўпинча Лусарди ва Митчелл томонидан ишлаб чиқилган "Катта учлик" молиявий саводхонлиги саволларига асосланган [6]. Бинобарин, бу тадқиқотчиларга молиявий саводхонлик ва турли хил молиявий хатти-ҳаракатлар ўртасидаги боғлиқликни аниқроқ аниқлаш имконини беради. Масалан, Бучер-Коенен ва Зигелмейер, молиявий саводхонлик даражаси паст бўлган германияликлар қимматли қоғозлар

бозорига сармоя киритиш эҳтимоли камлигини ва молиявий инқирозларга ўз қийматини йўқотган активларни сотиш билан муносабатда бўлишганини кўрсатди. Тахминан 2000 та Голландиялик уй хўжаликларининг намунасидан фойдаланиб, Ван Роойнинг тадқиқотлари натижасига кўра, молиявий саводсизлик уй хўжаликларининг акцияларни сотиб олиш истагини камайтирган. Гуисо ва Жаппелли инвесторларнинг портфелини танлаш бўйича Италия маълумотларидан ва инфляция ва фоиз ставкалари ҳақидаги иккита саволга жавоблардан фойдаланганлар. Ўзбекистонда ҳам тадқиқотимиз доирасида молиявий қарорларни қабул қилишда молиявий саводхонликни аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди [7]. Ушбу тадқиқотда маркетинг агентлиги ёрдамида жамланган маълумотлар базасидан фойдаланилди. Ушбу сўровнома қатнашчилари 40 ёшдан 70 ёшгача бўлган эркаклар ва уларнинг турмуш ўртоқларидир. 2020-йил август ойидан буён ҳар ойги сўровларда 15000 га яқин шахслар қатнашди. Суҳбатлар Интернет орқали ўтказилади ва ёрдамга муҳтож ёки интернетга уланмаган респондентлар телефон орқали жавоб беришди. Респондентлар сўровда қатнашгани учун камтарона компенсация олди ва сўров гуруҳи респондентларни жалб қилиш учун турли хил тушунтириш ишлари олиб борилди.

Сўровномада жавоблар частотасининг турли хил бўлиши тадқиқот натижаларининг ишончли бўлишини таъминлайди Кредит бўйича қарзни қайтариш хатти -ҳаракатлари бўйича ҳар ойлик кузатувлар бизга кредит қолдиқлари тўланмаган ойлар сонини баҳолаш имконини беради, натижада жарималар бўйича фоизлар олинади. Бизнинг тўлиқ таҳлилий намунамиз тўлқинида 40-70 ёшдаги респондентлардан иборат бўлиб, улар молиявий саводхонликнинг ҳар уч саволига жавоб берган ва йиллик актив ва даромад модулларига жавоб берган (Н = 2573). Бизнинг таҳлилларимиз респондентлар даражасида ўтказилади, бунда оилада ресурслар биргаликда бошқарилади деган фаразга амал қилиниади. Молиявий саводхонлик индивидуал даражада стандарт бўлган Катта Уч (“Big Three”) савол ёрдамида баҳоланади.

“Молиявий хатти-ҳаракатларни” баҳолаш. Бу категорияни биз кредитларни ўз вақтида тўлаш даражаси, акциялар бозорида қатнашиши, активларни диверсификация қилиш даражаси билан баҳоланади.

Кредитларни ўз вақтида қайтарилиши: Ҳар ой респондентлардан кредитлари бор -йўқлигини ва агар шундай бўлса, кредит бўйича барча қарзлар ўша ойда тўланганми ёки йўқми, агар жавобгар кейинги ойга фоиз тўлаши керак бўлса қанча тўланиши сўралади. Ушбу маълумот ёрдамида биз респондент 2020 ва 2021 иштирок этилган ойлари учун ҳар ой кредит қолдиғини ўз вақтида тўлаган бўлса, 1 рақами орқали белгилан, акс ҳолда 0 билан белгиланадиган кўрсаткични шакллантирдик. Кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини таҳлил қилиш учун биз намунани камида битта кредит эгаси бўлган ва маълум календар йилида камида тўққиз ойлик сўровномада қатнашган реондентлар билан чекладик (н = 1875 ёки тўлиқ намунанинг 73%). Танловнинг охирги мезони, биз ҳар йили кредитларини қайтариш одатлари тўғрисида этарли маълумот олишимизни таъминлайди, шу билан бирга таҳлилдан тушган кузатувлар сонини камайтиради.

Қолдиқларни бир ойдан иккинчисига ўтказиш тўғрисида хабар берганлар орасида биз ҳисобланган даврда кечиктирилган тўловлар сонини ҳисоблаб чиқдик ва ҳисобланган фоиз тўловларини қўшдик. Баъзи ҳолларда, уй хўжаликлари кутилмаган харажатлар туфайли ликвидлик чекловларига дуч келиши мумкин, шунинг учун кредит балансининг кечиктирилиши ёмон ёки салбий молиявий хатти-ҳаракатларни англатмайди. Маркетинг агентлиги ҳар ой жамғарма ҳисобларидаги уй хўжаликлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни тўплайди, шунинг учун биз ҳар ой ликвидлилик чекловларини аниқлай олмаймиз. Шунга кўра, биз кредитни тўлашдан олдин ва кейин энг яқин мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаландик, бу ҳар бир ўтказма операциясини тахмин қилиш учун қўлланилади.

Акциялар бозорида қатнашиши даражаси: Қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиш уй хўжаликларига ўз капитал риски бўйича мукофот олиш имкониятини беради. Шу сабабли, кўплаб молиявий маслаҳатчилар уй хўжаликларига, ҳатто қариликда ҳам, ўз маблағларини сақлашни тавсия қилишмоқда ҳозир. Ушбу кўрсаткичда ҳам акциялар бозорида қатнашадиганларга 1, қатнашмайдилар эса 0 билан белгиланди.

Активларни диверсификация қилиш даражаси: Учинчи молиявий хатти-ҳаракатлар ёшга боғлиқ инвестицияларни диверсификациялаш билан боғлиқ. Инвестиция таваккалчиликлари тўғрисидаги қарорлар одамларнинг таваккалчиликларига, молиявий воситаларни билишга, ликвидликка ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқ. Инсонларнинг портфелини оқилона ташкил этилганлигини аниқлаш мақсадида “100-ёш” қоидасидан фойдаланилди (Аршанапалли анд Нелсон). Бунда инсон учун оптимал инвестицион портфел яъни қарз ҳамда хусусий капитал нисбати шу қоидага асосан белгиланади яъни агарда инсоннинг ёши 40 ёш бўладиган бўлса, 100-40=60, портфелдаги хусусий капитал улуши 60% бўлиши лозимдир, хусусий капитал капитал дейилганда акциялар назарда тутилмоқда. Қолган 40 % эса рисклилик даражаси паст бўлган облигация ёки қарз мажбуриятларини ифодаловчи бошқа қимматли қоғозлар орқали шакллантирилиши керак.

Молиявий саводхонлик баҳоси. Молиявий саводхонлик иқтисодий тежаш ва инвестиция қарорларининг асосини ("Лусарди ва Митчелл") текширадиган "Катта учлик" саволлари ёрдамида ўлчанади. Бу тушунчаларга ҳисоблаш ва фоиз ставкалари билан боғлиқ ҳисоб-китобларни бажариш қобилияти киради; инфляция ҳақида тушунча; ва рискларни диверсификация қилиш тушунчаси киради [8].

Саволлар: 1. Айтайлик, сизда жамғарма ҳисобида 100 доллар бор эди ва фоиз ставкаси йилига 2% эди. 5 йилдан сўнг, агар сиз пулингизни ошиши учун қолдирсангиз, ҳисобингизда қанча маблағ бўлади деб ўйлайсиз: 2. Тасаввур қилинг, жамғарма ҳисобингиздаги фоиз ставкаси йилига 1%, инфляция эса йилига 2% эди. 1 йил ўтгач, сиз қанча нарса сотиб олишингиз мумкин? 3. Сизнингча ушбу фикр нотоғрими ёки тўғрими "Битта компаниянинг акцияларини сотиб олиш, инвестиция фондига қараганда, хавфсизроқ даромад келтиради"

Биз бу учта саволга берилган жавоблардан FinLit (Financial literacy – молиявий саводхонлик) индексини (0-3 оралиғи) ҳисоблаш учун фойдаланганмиз, бу ҳар бир киши тўғри жавоб берган саволларнинг умумий сонига тенг. Агар респондент "Билмайман" деб белгилаган бўлса, у ҳам нотўғри жавоб сифатида қабул қилинган. Молиявий саводхонликнинг учта саволига ҳам жавоб бермаган респондентлар (яъни бир ёки бир нечта саволни бўш қолдирган) таҳлилдан чиқариб ташланган.

Саволлар бўйича тақсимотлар шуни кўрсатадики, респондентларнинг 81 фоизи фоиз ставкаси саволига тўғри, 72 фоизи инфляция саволига тўғри жавоб берган, 46 фоизи эса рискларни диверсификация қилиш саволига тўғри жавоб берган. Бизнинг намунадаги FinLit ўртача баҳоси 2.02 (SD = 0.97). Худди шу ёш гуруҳи бўйича АҚШда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 40-70 ёшли америкалик респондентларнинг 87 фоизи фоиз ставкаси саволига тўғри жавоб берди, 86 фоизи инфляция саволига тўғри жавоб берди, 43 фоизи таваккалчиликни диверсификация қилиш саволига тўғри жавоб берди ва FinLit-нинг ўртача баҳоси 2,16 бўлган. Шундай қилиб, биз FinLitнинг ўртача даражаси Ўзбекистонликларнинг ўртача кўрсаткичини АҚШдаги ёши катталарники билан солиштирганда, бир оз пастроқ эканлигини кўришимиз мумкин.


Бошқа кўрсаткичлар:

Кўп ўзгарувчили регрессия қуйидаги қўшимча демографик назоратни ўз ичига олади: респондентларнинг жинси, оилавий аҳволи, таълими (ўрта, олий), ирқи/миллати ва ёши. Бундан ташқари уйга эгалик қилиш ҳуқуқи, респондентларнинг иш ҳақи учун ишлаш ёки ишламаслиги ҳам киритилди. Бундан ташқари респондентларнинг молиявий ресурсларни бошқаришдаги тажрибаси, молиявий қарорларни қабул қилишдаги ўрни ҳам инобатга олинди. Шу билан биргаликда уй хўжаликларининг жами даромади ва соф даромадларининг логарифмини ҳам регрессияга киритдик.

1-жадвал. Маълумотларнинг статистик тавсифи [9]

Ўзгарувчилар	Ўратача (Стандарт четланиш)
Аёл	52%
Турмуш қурган	81%
Молиявий саводхонлик баҳоси (FinLit)	2.02
40–47	27%
48–55	31%
56–63	23%
64–70	20%
Таълим	
Ўрта таълимдан паст	21%
Ўрта таълим	41%
Ўрта таълимдан кейинги	38%
Оилавий молияни бошқариш	84%
Уйга эгалик қилиш ҳуқуқи	88%
Рискни қабул қилиш даражаси (0–1 оралиғида)	0.15
Ойликка ишлайдиганлар	54%
Ўртача соғлик	34%
Йиллик даромад (минг сўм)	60,554 (145,422)
Йиллик даромаднинг медиани (минг сўм)	27,700
Жами бойлиги (млн сўм)	1161 (1725)
Жами бойлигининг медиани (млн сўм)	662
Молиявий ресурслари (млн сўм)	196 (421)
Молиявий ресурсларининг медиани (млн сўм)	50
H	873

Юқоридаги жадвал маълумотлари респондентлар учун тавсифловчи статистикани кўрсатади (H = 873). Респондентларнинг ўртача ёши 54,8; ярмидан кўпи (52%) аёллар; ва учдан бир қисми ўрта маълумотдан кейинги маълумотга эга (10+ йиллик мактаб). FinLit индексининг ўртача кўрсаткичи 0,02 стандарт оғиш билан 0,97, бу Ўзбекистонликларнинг ўртача учта тўғри жавобдан иккитасини тўғри топганлигини билдиради. Фақат 46% рискларни диверсификация қилиш бўйича охирги саволга тўғри жавоб берган, бу 50-60 ёшли кекса одамлар акциялар ва инвестицион фондлар ҳақида яхши маълумотга эга эмаслигини кўрсатади. Респондентларнинг аксарияти турмуш қуришган (81%) ва уйларига эгалик қилиш ҳуқуқи уларда ҳисобланади (88%). Молиявий қарорлар бўйича респондентларнинг ўз-ўзини баҳолаган таваккалчилик даражаси паст эди: атиги 15% 0-10 шкала бўйича 5дан юқори балл тўплаган, бу эрда 10 энг юқори таваккалчилик толерантлигини билдиради. Танловнинг ярмидан кўпидан кўпроғи, улар ҳозирда иш билан банд ва иш ҳақи тўлайдилар.



2-расм. Йиллик кечиктирилган кредитлар тўловлари сони [10]

Юқоридаги расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, кредит қолдиғини ўз вақтида тўламаслик қимматга тушади ва баъзи респондентлар бундай тўловларни йилига бир мартадан кўпроқ пеня тўлайди.

2-жадвал. Регрессия натижалари [11]

	Кредит тўловларини вақтида тўлиш	Акция бозорида қатнашиш	“100-ёш” қоидасига амал қилиш
Ўзгарувчилар	Пробит	Пробит	Пробит
FinLit баҳоси	**0.015****	**0.083****	**0.017****
	(0.005)	**(0.009)**	**(0.006)**
Аёллар	0.015	0.028*	0.015
	(0.006) *	(0.012)	(0.008)
Еркаклар	0.007	0.120**	0.016
Ёш оралиғи 40-47	(0.010)	(0.021)	(0.013)
48-55	0.021*	0.012	0.040**
	(0.009)	(0.019)	(0.011)
56-63	0.037**	0.050*	0.075**
	(0.009)	(0.022)	(0.011)
64–70	0.030**	0.050*	0.125**
Таълим: ўрта таълимдан паст	(0.010)	(0.025)	(0.010)
Ўрта таълим	0.025	0.215**	0.087**
Ўрта таълимдан кейинги таълим	(0.015)	(0.022)	(0.017)
	0.016	0.301**	0.097**
Уй хўжалиги молиясини бошқариш	(0.015)	(0.025)	(0.019)
	0.019	0.003	0.007
Уйга эгалик қилиш	(0.012)	(0.020)	(0.013)
	0.009	0.195**	0.054**
Рискни қабул қилиш	(0.013)	(0.032)	(0.015)
	0.046**	0.113**	0.014
Лн Жами бойлиги	(0.012)	(0.021)	(0.013)
	0.029**	0.182**	0.017**
Лн Жами даромади	(0.005)	(0.013)	(0.005)
	0.002	0.031**	0.014**
Иш ҳақи учун ишлаши	(0.003)	(0.005)	(0.004)
	0.021*	0.051**	0.028**
Ўртача соғлик	(0.008)	(0.016)	(0.010)
	0.007	0.014	0.000
	(0.009)	(0.016)	(0.010)
N	*4321*	*6177*	*6318*
Pseudo R-sq	*0.10*	*0.25*	*0.09*
BIC	*2407.8*	*6520.5*	*5578.3*
Mean of dep. var.	*0.92*	*0.42*	*0.18*
Std.dev of dep. var.	*0.27*	*0.49*	*0.38*

Хулоса. Регрессия натижаларни таҳлил қилар эканмиз, тадқиқотда асосий ўзгарувчи сифатида олинган учта кўрсаткичга яъни кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши, акциялар бозорида қатнашиши, активларни диверсификация қилиш каби кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсир йўналишлари аниқланди. Молиявий саводхонлик баҳоси юқори бўлган респондентлар кредитларни ўз вақтида тўлаши, акциялар бозорида қатнашиши ҳамда активларини тўғри диверсификация қилиши аниқланди, яъни молиявий саводхонлик ошиб бориши асосий ўзгарувчиларга ижобий таъсир қилади. Охирги устунидаги натижалар шуни кўрсатадики, молиявий аҳволи юқори бўлган респондентлар ёшга қараб инвестиция қилиш қоидаларига риоя қилишган. Ўртача, FinLit баҳосининг бир поғона юқорилиги, бошқа омилларни доимий ушлаб турган ҳолда, ёшга

боғлиқ қоидага амал қилиш эҳтимоли 1,7 фоиз (п <0,01) юқори бўлиши билан боғлиқлиги аниқланади. Қатнашувчиларнинг рискни қабул қилиш кўрсаткичининг бир даражага юқори бўлиши кредитларни вақтида тўлаш ва акция бозоридаги фаолликга ижобий таъсир қилади. Қатнашчиларнинг даромадининг натурал логарифмининг бир даражага юқори бўлиши уларнинг акциялар бозорида қатнашиш, ёш бўйича активларни диверсификация қилиш кўрсаткичларининг ошишига олиб келади. Инсонларнинг ўз уйларига эгалик қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги ҳам уларнинг акциялар бозоридаги фаоллигига ижобий таъсир қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. PISA 2018 Financial Literacy Framework
2. 2015 OECD/INFE TOOLKIT FOR MEASURING FINANCIAL LITERACY AND FINANCIAL INCLUSION
3. Annamaria Lusardi, Olivia S. Mitchell, The Economic Importance of Financial Literacy: Theory and Evidence,
4. Journal of Economic Literature vol. 52, no. 1, March 2014
5. Stigler, G. J. (1983). The Case, If Any, for Economic Literacy. Journal of Economic Education, 60-66
6. S&P Global FinLit Survey
7. Lusardi, Annamaria, and S. Olivia Mitchell. (2007c). "Financial Literacy and Retirement Preparedness: Evidence and Implications for Financial Education," Business Economics, January 2007, pp. 35-44.
8. Luigi Guiso, Tullio Jappelli, Financial Literacy and Portfolio Diversification, Economics Working Papers 2008
9. Lusardi, Annamaria, and S. Olivia Mitchell. (2007c). "Financial Literacy and Retirement Preparedness: Evidence and Implications for Financial Education," Business Economics, January 2007, pp. 35-44.
10. Муаллиф томонидан STATA орқали ҳисобланди
11. Муаллиф томонидан тузилди
12. Муаллиф томонидан STATA орқали ҳисобланди

Молиявий саводхонликнинг аҳоли фаровонлигига таъсири
Ибрагимова Ш. Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Резюме. Мақолада Молиявий саводхонликнинг аҳоли фаровонлигига таъсири тахлил қилинади. Шунингдек мақолада молиявий саводхонликни оширишда жахон тажрибаси асосида қиёсий тахлиллар юргизилган ва таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: молиявий саводхонлик, молиявий ҳатти ҳаракатлар, инвестиция.

Влияние финансовой грамотности на благосостояние населения
Ибрагимова Ш. Независимый исследователь Ташкентского финансового института

Резюме. В статье анализируется влияние финансовой грамотности на благосостояние населения. Также в статье сделаны сравнительные анализы и предложения, основанные на мировом опыте повышения финансовой грамотности.

Ключевые слова: финансовая грамотность, финансовое поведение, инвестиции.

The impact of financial literacy on the well-being of the population
Ibragimova Sh. Independent researcher of the Tashkent Financial Institute

Summary. The article analyzes the impact of financial literacy on the welfare of the population. The article also made comparative analyzes and proposals based on global experience in improving financial literacy.

Key words: financial literacy, financial behavior, investments.

УДК:338.45:63

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҚЎШИМЧА ТАРМОҚЛАР ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Қалимбетов Х. Қ., Жузбаев А. О.
Қорақалпоқ давлат университети


Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида фермер хўжаликлари устувор равишда ривож топаётган бўлиб, қишлоқ жойларида асосий иш берувчи сифатида шаклланди. Фермер хўжаликларида мол-мулк ва ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга хусусий мулкчилик, қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан эса ижара шартномаси асосида (узоқ муддатли ижара) фойдаланиб келиши, ишлаб чиқаришга инвестициялар жалб қилишдаги юқори даражадаги таваккалчилик ҳамда давлат томонидан доимий равишда, молиявий, иқтисодий, ҳуқуқий эижиҳатдан қўллаб қувватлаш фермер хўжаликларининг ривожланиб боришидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган пойдевор ҳисобланади. Аммо, бугунги кунда фермер хўжаликлари олдида янада кўпроқ талаблар қўйилмоқда. Жумладан, Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «...Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овкат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади».[2] Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларининг иқтисодий мустаҳкам хўжалик юритиш субъектларига айланиши, фермер хўжаликларида ҳар томонлама билимли, тажрибали мутахассислар шаклланиши, рақобатбардош техника ва технологияларнинг жорий қилиниши асосида бозорга рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклиф қилиш имкониятлари кенгайиши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши доирасида маҳсулотлар етиштириш, етиштирилган маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва ташиш тизимларини йўлга қўйган ҳолда, тайёр

[2]2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. Тошкент-2017 - 129 б.

маҳсулотларни охирги истеъмолчиларга таклиф қилиш жараёни - иқтисодий моҳияти жиҳатидан аграр соҳа субъектларининг агробизнес фаолияти ҳисобланиб, аграр ишлаб чиқариши муносабатлари ривожланиб боришининг ҳозирги босқичда кластер тизими сифатида ҳам талқин қилинмоқда. Агробизнес фаолияти одатда – тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (дастлабки, чуқур қайта ишлаш) қайта ишлаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шу жумладан, қайта ишланган (асосан тез бузиладиган қишлоқ хўжалиги озиқ - овқат маҳсулотларини) сақлаш; янги узилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги хомашёси (қайта ишлашга мўлжалланган барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) савдосини йўлга қўйиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, қайта ишловчи субъектларга хизматлар кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш каби йўналишларини ўз ичига олади.

Юқоридаги фикрларга таянадган бўлсак, фермер хўжаликларининг кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйиши, бу агробизнес фаолияти сифатида талқин қилиниши ҳам мумкин. Айни пайтда фермер хўжаликларида ташкил қилинган қўшимча тармоқлар орқали тегишли ҳудудларда аграр тармоқ корхоналарига турли йўналишлардаги хизматлар кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий механизмларни такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйиш орқали агробизнесни ривожлантириш, қишлоқ жойларида етарли бўлмаган ва бозор талаб қиладиган хизматлар кўрсатиш кўлами кенгайишини таъмин этиши орқали деҳқон хўжаликларида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш имконияти пайдо бўлади. Кичик ҳажмли деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг товарлилик даражаси ортиши учун шароит кенгаяди. Хусусан, фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишдаги ташкилий ва иқтисодий асосларни қуйидаги расм орқали изоҳлаш мумкин (1-расм).




1-расм. Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий ва иқтисодий асослари[3]

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий жиҳатлари қуйидаги масалаларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ: республикадаги мавжуд ҳуқуқий базага таянган ҳолда фермер хўжалигининг қўшимча тармоқлари мақомини (фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш бўлинмаси ёки мустақил юридик шахс) танлаб олиш; фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг табиий - иқлим шароитлари ва маҳаллий бозорлардаги ишлаб чиқариш кўзда тутилаётган маҳсулотга бўлган талабни ҳисобга олиб қўшимча фаолиятнинг ишлаб чиқариш (қўшимча тармоқларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича ихтисослашуви) йўналишини танлаш; фермер хўжаликлари томонидан қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишда, қўшимча тармоқларни (агар мустақил юридик шахс бўлса) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш кейинги босқичда амалга ошириладиган масала ҳисобланади. Бунда фермер хўжалигининг қўшимча тармоқлари кичик корхона, маъсулияти чекланган жамият каби хўжалик юритиш шаклларида иш юритиши мумкин; фермер хўжалиги қошидаги қўшимча ишлаб чиқаришни зарур ер участкалари, сув, электр энергияси ва бошқа моддий - техник ресурслар ва мутахассислар билан мунтазам таъминлашнинг самарали фаолият юритадиган тизимини ташкил қилиш; қўшимча тармоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бозорларга чиқариш ва савдо тизимини ташкил қилиш масалалардан иборат бўлади.

[3] Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

2. «Rizq-ro`zimiz bunyodkori bo`lgan qishloq xo`jaligi xodimlari mehnatini ulug`lash, soha rivojini yangi bosqichga ko`tarish – asosiy vazifamizdir» nomli O`zbekistan Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Qishloq xo`jaligi xodimlari kuniga bag`ishlangan tantanali marosimidagi nutqi. // «Xalq so`zi» gazetasi, 2017 yil, 10-dekabr 248 (6942) - son.
3. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasini o`rganish va keng jamoatchilik o`rtasida targ`ib etishga bag`ishlangan ilmiy-ommabop qo`llanma [Matn]. – T.: «Ma`naviyat», 2019. – 312 bet.
4. Qunduzova Q. Erdan foydalanish samaradorligini oshirishning tashkiliy-xuquqiy omillari. // “O`zbekiston iqtisodiyaxborotnomasi”. −T., 2002, 10–11-sonlar. –52–53-b.
5. Salimov B.T., Xamdamov K.S., Yusupov M.S., Urokov N.I. va boshkalar. Dexqon va fermer xo`jaliklari iqtisodi. O`quv qo`llanma. –T.: O`zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamġarmasi, 2004.

Qishloq xójaligida er resurslaridan foydalanish samaradorligini baholash usullari
Inyatov A.R., Qosbergenova R.Q. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume. Maqolada hozirgi kunda qishloq xo`jaligida ekin erlaridan samarali foydalanish va uning samaradorligini oshirish yo`llari hamda qishloq xo`jaligida er resurslaridan foydalanish samaradorligini baholash usullari haqida aytilgan.

**Tayanch so`zlar:** qishloq xo`jaligi, dexqon xójaligi, fermer xo`jaligi, er resuslari, suv resurslari, samaradorlik, baholash.

Инятов А.Р., Косбергенова Р.К. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье описаны современные способы эффективного использования пашни в сельском хозяйстве и пути повышения его эффективности, а также методы оценки эффективности использования земельных ресурсов сельскохозяйственного назначения.

Ключевые слова: сельское хозяйство, крестьянское хозяйство, фермерское хозяйство, земельные ресурсы, водные ресурсы, эффективность, оценка.

Methods for assessing the efficiency of land use in agriculture
Inyatov A.R., Kosbergenova R.K. Karakalpak State University

Summary. The article describes modern ways of efficient use of arable land in agriculture and ways to improve its efficiency as well as methods for assessing the effectiveness of the use of agricultural land resources.

Key words: agriculture, peasant farming, farming, land resources, water resources, efficiency, assessment.

УДК: 332.012.322

РЕСПУБЛИКАДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Утемуратова Г. Х.
Қорқалпоқ давлат университети

Замонавий ахборот-технологиялари кенг тарқалиб, оммалашиб бораётган бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши шундай босқичга эришдики, ушбу ҳолат бутун ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли хил жабҳаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда ва ўзгартириб бормоқда. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги мазкур трансформациялашиш жараёнларини иқтисодчи олимлар шундай талқин қилмоқдаларки, у инсоният цивилизацияси тараққиётини янги босқичга, яъни рақамли иқтисодиётга ўтаётганлиги билан изоҳланади. Шундай экан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳал қилувчи омил бўлиб, ахборотлар ва

инсонларнинг билим (касбий) ва малакалари муҳим ўрин эгаллайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида мавжуд иш ўринларининг 75-80 %и хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг 85 %зи юқори даражадаги касбий билим ва малака кўникмаларига эга кадрлар ҳисобланади.

Шунга ўхшаш тенденцияни бошқа ривожланган, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Буюк Британия саноатида иш билан банд бўлганлар 14 фоизни, Японияда 18 фоизни, Италия ва Германияда 20 фоизни ташкил этади. "Economist" журналининг эътироф этишича АҚШ саноатида иш билан банд бўлганлар сони умумий меҳнатга лаёқатли аҳолининг 10 фоизини ташкил этади. Уларнинг деярли ярми бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлмасдан хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан (дизайн, товарларни тарқатиш, молиявий режалаштириш, маркетинг ва ҳ.к.) шуғулланишади[10].

Ҳозирги даврда жаҳон давлатлари тараққиёти ўзининг олдинги босқичларидан маъно ва мазмуни бўйича кескин фарқ қилади. Иқтисодий ривожланишнинг янгича мазмуни жаҳон иқтисодиёти фанида рақамли ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга асосланган концептуал ёндашувларни талаб қилмоқда. Хусусан, сервис иқтисодиётида натижани оширишга йўналтирилган фаолият индустриал ривожланишга нисбатан анча кенг таҳлил қилинганки, бунда авваламбор фаолиятнинг ижтимоий йўналтирилганлиги жамиятда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилганлиги асосида изоҳланади.

Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлилига эътибор қаратсак, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2017 йил бошига 8568,3 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йил бошига келиб, 21949,3 млрд. сўмга ошган. Минтақада ялпи ҳудудий маҳсулот ва ялпи қўшилган қиймат ҳажми ўтган йилга нисбатан 2017 йил бошида мос равишда 112,5 % ва 2021 йил бошида 102,1 %га ўсган. Саноат ишлаб чиқариш (қурилишни қўшган ҳолда) ҳажми 2017 йил бошида ўтган йилга нисбатан 134,6 % ва 2021 йил бошида 103,5 %га ўсган. Хизматлар кўрсатиш ҳажми бу даврларда (2017 йил – 104,7 %, 2021 йил – 100,4 %) саноат ишлаб чиқариш маҳсулоти ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ошишига нисбатан пастроқ ўсиш тенденциясига эга бўлган. Республикада рақамли иқтисодиётнинг ривожланши ахборот-технологияларига асосланган фаолият йўналишларининг мунтазам ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, минтақада ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари ҳажмини ўсиши 2017 йил бошида 105,0 % бўлган бўлса, 2021 йил бошида бу кўрсаткич 107,5 %га ўсган. Айниқса, алоқа ва ахборот хизматлари соҳаси жадал суръатларда ўсаётганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал). Таъкидлаш зарурки, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ривожланишини саноат тармоғига нисбатан ўзига хос хусусияти, саноатда меҳнат унумдорлиги доимий ошиш тенденциясига эга бўлса, хизмат кўрсатиш корхоналарининг айрим тармоқларида вақт ўтиши билан меҳнат унумдорлиги ошмаслиги мумкин. Бу унинг хизматларни ишлаб чиқариш хусусиятига боғлиқдир.

Хизмат кўрсатишнинг замонавий тармоқларини кенгайиб бориши республикада фаолият юритаётган соҳа мутахасис-ходимлари ҳозирги рақамли технологияларга мос хизмат кўрсатиш жараёнида унинг барча сир-атворлари бўйича юқори даражадаги касбий билим ва малака кўникмаларига эга бўлишлари лозим.

1-жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби (йил бошига)[11]

Кўрсаткичлар	**Ўлчов бирлиги**	**2017 й.**	**2018 й.**	**2019 й.**	**2020 й.**	**2021 й.**
ЯҲМ	млрд.сўм	8568,3	10855,1	15703,5	19715,0	21949,3
	Ўтган йилга нисбатан, %	112,5	106,1	105,8	107,0	102,1
Ялпи қўшилган қиймат	млрд.сўм	8163,1	10222,0	14469,8	17985,2	20501,6
	Ўтган йилга нисбатан, %	112,2	105,9	105,7	107,0	102,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	млрд.сўм	405,2	633,1	1233,7	1729,8	1447,7
	Ўтган йилга нисбатан, %	120,0	108,6	108,0	107,5	102,7
Саноат маҳсулоти (курилишни қўшган ҳолда)	млрд.сўм	2122,7	3219,8	5295,2	6542,2	7185,6
	Ўтган йилга нисбатан, %	134,6	109,2	108,4	109,3	103,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	млрд.сўм	2420,3	2783,7	4005,9	5034,1	6005,0
	Ўтган йилга нисбатан, %	108,3	103,5	101,4	107,5	102,4
Жами хизматлар, шундан:	млрд.сўм	3620,1	4218,5	5168,7	6408,9	7311,0
	Ўтган йилга нисбатан, %	104,7	105,6	106,5	104,3	100,4
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	млрд.сўм	527,9	616,4	755,7	879,7	988,0
	Ўтган йилга нисбатан, %	109,7	103,2	104,9	103,6	98,9
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	млрд.сўм	709,6	778,6	929,4	1053,6	1194,9
	Ўтган йилга нисбатан, %	105,0	105,2	112,2	107,0	107,5
Бошқа хизматлар	млрд.сўм	2382,6	2823,5	3483,6	4475,6	5128,1
	Ўтган йилга нисбатан, %	103,6	106,3	105,2	103,7	99,0

Бу ҳолат соҳада меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобга ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошиши ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланиши ва рақобатбардошлиги ошишига

[10] О сокращении занятости в мировой промышленности // БИКИ. 2005. № 138 (8934), -С. 4.

[11] Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

олиб келади. Хизмат кўрсатиш сифати асосан ўрнатилган меъёрлар ва хизмат кўрсатиш усул-услубларига боғлиқдир. Хизмат кўрсатиш усул-услублари соҳа корхоналарининг турлари ва ихтисослигига боғлиқ. Хизмат кўрсатиш сифатига механтнинг шарт-шароитлари тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, ушбу жараён истеъмолчилар талабларини тўлиқ қондирилишига бевосита таъсир кўрсатади.

Республиканинг иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида 2012-2021 йилларнинг бошида жами бандлар сони 19,9 %га ошган. Мазкур йиллар мобайнида хизматлар соҳасида жами иш билан бандлар улуши 20,2 %га ошган. Шундан, ўсишнинг юқори суръатлари қуйидагиларда содир бўлган: бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш – 2,8 марта, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлари – 121,4 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 118,1 %, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш хизматлари – 115,6 %, ташиш ва сақлаш – 114,3 %, улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш – 114,0 %, давлат бошқаруви ва мудофаа, мажбурий ижтимоий таъминот – 111,5 %, таълим соҳаси – 106,2 %. Республиканинг қолган соҳаларида 2021 йил бошида 2012 йил бошига нисбатан бандлар сонининг камайиши кузатилган. Бундай ҳолат коронавирус пандемияси оқибатларини камайтиришга бўйича қатъий чекловларни ўрнатилиши билан боғлиқдир (2-жадвал). Республиканинг хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида иқтисодий фаолиятнинг барча турлари бўйича таркибий трансформациялашув амалга ошмоқда.

Жумладан, 2017-2021 йиллар бошидаги дастлабки таҳлилий маълумотларга кўра, 2017 йил бошида жами хизматлар таркибида энг юқори кўрсаткич транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда) (34,1 %) ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2021 йил бошида эса савдо ва овқатланиш хизматларининг улуши (29,7 %) юқори бўлган.

2-жадвал. Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида банд бўлганлар сони [6] (йил бошига, минг киши)

Кўрсаткичлар	2012 й.	2017 й.	2019 й.	2021 й.	2012-2021 й.й. ўсиш, %
Бандлар – жами:	590,0	638,6	705,2	707,4	119,9
шу жумладан:					
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	168,8	190,9	192,5	193,5	114,6
Саноат	55,0	60,9	60,7	66,1	120,2
Қурилиш	50,0	58,6	59,5	67,7	135,4
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш	62,2	69,8	71,5	70,9	114,0
ташиш ва сақлаш	27,2	32,7	33,9	31,1	114,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	10,3	12,3	12,8	12,5	121,4
ахборот ва алоқа	2,6	2,6	2,7	2,0	76,9
молиявий ва суғурта фаолияти	3,9	3,1	3,5	3,2	82,1
Кўчмас мулк билан операциялар	2,1	2,6	1,7	1,3	61,9
профессионал, илмий ва техник фаолият	6,6	6,5	5,5	4,8	72,7
бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	1,7	1,7	3,4	4,7	2,8 марта
давлат бошқаруви ва мудофаа, мажбурий ижтимоий таъминот	31,4	31,1	33,7	35,0	111,5
Таълим	75,7	76,0	76,2	80,4	106,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	30,9	31,1	31,4	36,5	118,1
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	3,2	3,2	3,3	3,7	115,6
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	58,4	55,5	113,1	94,0	161,0

Ҳозирги вақтда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,7 %), компьютерли дастурлаш хизматлари (0,3 %), технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (2,0 %), қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (0,2 %), туризм-саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда) (0,6 %), маиший хизматлар (4,3 %), таълим хизматлари (3,7 %), соғлиқни сақлаш хизматлари (1,6 %), қишлоқ хўжалиги соҳаси хизматлари (0,6 %) кабиларда мунтазам ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда (3-жадвал).

3-жадвал. Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларининг таркиби [6], жамига нисбатан фоизда

Хизмат турлари	**2017 й.**	**2018 й.**	**2019 й.**	**2020 й.**	**2021 й.**
Жами – хизматлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	6,0	6,8	6,4	5,4	6,7
Компьютерли дастурлаш хизматлари	0,0	0,0	0,0	0,2	0,3
Молиявий хизматлар	6,1	8,0	8,3	8,4	10,8
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	30,4	27,7	25,0	27,8	28,1
Қурилиш хизматлари	14,8	13,2	11,7	4,8	6,0
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	0,7	0,8	0,8	0,5	2,0
Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	0,1	0,1	0,1	0,2	0,2

Туризм-саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда)	0,5	0,5	0,4	0,5	0,6
Савдо ва овқатланиш хизматлари	17,4	17,3	21,3	22,3	29,7
Маиший хизматлар	1,8	1,7	1,3	3,2	4,3
Таълим хизматлари	2,5	2,6	2,7	2,8	3,7
Соғлиқни сақлаш хизматлари	1,1	1,3	1,3	1,4	1,6
Қишлоқ хўжалиги соҳаси хизматлари	0,5	0,5	0,5	0,6	0,6
Бошқа хизматлар	18,1	19,5	20,2	21,9	5,4

Хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этишнинг асосий элементлари бўлиб, уни амалга оширувчи ходимлар, меҳнат воситалари ва предметлари ҳамда меҳнат шароитлари ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш корхонаси фаолиятининг самарадорлиги ташкилий-бошқарув ва ташкилий-иқтисодий жараёнларни самарали ташкил этишга бевосита боғлиқдир. Корхонанинг ташкилий-бошқаруви куйидагиларни ўз ичига қамраб олади: корхонанинг фаолиятини режалаштириш, хизматлар бозори ҳолатининг ёки хизматлар ассортиментининг кенгайиб боришига мос ривожланиш истиқболини аниқлаш; хизмат кўрсатишнинг меҳнат жараёнидаги барча харажатларини баҳолаш; хизматлар ассортименти ва сифат даражасини оширишга йўналтирилган замонавий технологик ускуналар, техник воситаларни модернизациялаш ва оптималлаштириш; истеъмолчилар билан ишлаш, уларнинг талабини тўлиқ қондириш учун ижтимоий-психологик лаёқатли бўлган мутахасисларни танлаб олиш; кадрлар касбий билими ва малака кўникмалари даражасини ошириш; меҳнат унумдорлиги ва меҳнат интенсивлигини ошириш; хизмат кўрсатишнинг натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудлар бўйича хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичларига эътиборимизни қаратсак, минтақада 2017 йилда жами хизматлар ҳажми 3611,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 8,3 %га ўсган. 2021 йилда бу кўрсаткич 8307,4 млрд. сўм хизматлар яратилиб, мазкур кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 19,3 %га ўсган. Ҳудудлар кесимида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига назар ташласак, 2017 йилда мазкур соҳада энг катта улуш Нукус шаҳри ҳиссасига, яъни – 54,2 % билан тўғри келган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич Нукус шаҳрида – 43,6 %ни ташкил қилган. Бундан кўринадики, республиканинг қолган ҳудудларида ҳам кейинги вақтларда хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий фаолликнинг ошиши натижасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми ҳам мунтазам ошиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. 2020 йил 30 январдаги ПҚ-4581-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори//lex.uz
2. Lotfi Zadeh. Toward a Generalized Theory of Uncertainty (GTU)–An Outline, Information Sciences, Elsevier, Vol. 172, 1-40, 2005.
3. Саати Т. Принятие решений. Метод анализа иерархий. - М.: Радио и связь, 1993.-316с.
4. Недосекин А.О., Максимов О.Б. Новый комплексный показатель оценки финансового состояния предприятия. //Электронный ресурс. Свободный доступ.
5. Халмуратов К.П. Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш // Дисс. иқтисодиёт фанларидан фалсафа доктори (PhD). – Нукус, 2021. 108-б.
6. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистик Бош бошқармаси маълумотлари
7. https://lex.uz/docs/-3610518

Республикада хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни ошириш омиллари таҳлили
Утемуратова Г. Х. Қорқалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада ҳозирги даврда иқтисодий ривожланишнинг янгича мазмуни жаҳон иқтисодиёти фанида рақамли ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга асосланган концептуал ёндашувларни талаб қилаётгани асосланган. Хусусан, сервис иқтисодиётида натижани оширишга йўналтирилган фаолият индустриал ривожланишга нисбатан анча кенг таҳлил қилинганки, бунда авваламбор фаолиятнинг ижтимоий йўналтирилганлиги жамиятда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилганлиги асосида изоҳланади.

Калит сўзлар: трансформациялашиш, хизмат кўрсатиш, инсоният цивилизацияси, билим, малака

Анализ факторов повышения инвестиционной привлекательности сферы услуг Республики
Утемуратова Г.Х. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье обосновывается, что настоящее время новое содержание экономического развития требует концептуальных подходов, основанных на цифровом производстве и услугах в мировой экономике. В частности, результативная деятельность в сфере услуг анализируется более широко, чем промышленное развитие, что в первую очередь объясняется тем, что социальная направленность деятельности направлена на повышение благосостояния населения в обществе.

Ключевые слова: трансформация, сервис, человеческая цивилизация, знания, умения

Analysis of factors for increasing the investment attractiveness of the service sector of the Republic
Utemuratova G.Kh. Karkalpak State University

Summary. In the article it is stated that at present, the new content of economic development requires conceptual approaches based on digital production and services in the world economy. In particular, productive activities in the service sector are analyzed more widely than industrial development, which is primarily due to the fact that the social orientation of activities is aimed at improving the well-being of the population in society.

Key words: transformation, service, human civilization, knowledge, skills

ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Багбекова Л. К.
Тошкент давлат педагогика университети

XXI аср жаҳонда ахборот технологиялари асри эканлигини тан олиш жоиз, чунки биз яшаб турган ушбу даврда ахборотлар оқими шу даражада жадал ривожланиб бормоқда-ки, бу жараённи кўрмаслик мумкин эмас ва ҳар биримиз ушбу жараённинг маълум маънода иштирокчисига айланиб улгурдик. Замон талаблари ва саноат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда "Компьютер графикаси" фани ҳар бир соҳа билан узвий боғланиб, унга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бораётганлигини кузатиш қийин эмас.

Маълумки ахборот алмашинувида инсоннинг кўриш сезги органи ёрдамида қабул қилинган ахборот энг самарали қабул қилинади ва у хотирада ҳам чуқур из қолдиради. Жумладан; товуш воситасида берилган ахборот ҳам ижобий таъсир этади, аммо ахборот алмашинуви нафақат сўзлар ва товушлар, балки тасвирлар, ранглар ва шакллар билан ҳам амалга оширилади. Бунинг ёрқин далили сифатида турли хил китоблар, дафтар ва журналлар муқовалари, кўчалар ёқасида ва бинолар пештоқида илинган рекламалар, оммавий ахборот воситаси бўлган телевидения орқали узатилаётган турли хилдаги кинолар, клиплар ва бошқа ижтимоий-маданий кўрсатувлар, газета ва интернет орқали берилаётган манбаларнинг нақадар дид билан ишланганлиги, уяли алоқа воситаларининг платформаларида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 20 майдаги ПҚ–1533-сон қарори, "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2013 йил 26 мартдаги ПҚ–1942-сон қарори, шунингдек "2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизасия қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури" олий таълим соҳасида қатор йўналишлар бўйича фаолият кўрсатиш ва таълим мазмунини такомиллаштиришни талаб этди. Жумладан ўқув ва илмий лабораторияларни лингафон кабинетлари ҳамда улардаги илмий асбоб-ускунлари, жиҳозлари замон талабига мос равишда янгиланишини жадаллаштириш, фаннинг энг илғор ютуқлари билан бойитилган ўқув адабиётлари, замонавий компьютер технологияларининг техник ва дастурий воситалари билан таъминлаш, ахборот ресурс марказларининг автоматлаштирилиши ва Интернет тармоғига чиқиш имкониятини яратиш каби вазифалар белгиланган.

Юқорида келтирилган қарорлар давоми сифатида сўнгги йилларда Республикамизнинг барча жабҳаларида кенг кўламли ва шиддатли ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида таълим тизимида ҳам кескин бурилиш рўй бердики, унинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон "Таълим тўғрисида" Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2909 сонли ("Халқ сўзи газетасининг 2017йил 21 апрелдаги 79(6773)-сонида эълон қилинган) Қарорини айтишимиз мумкин. Унда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта ишлаб чиқиш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахасислар тайёрлаш учун зарур шарт шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида қатор вазифалар белгиланган.

Операцион тизимнинг барча график объектлари, шунингдек, бошқа барча тасвирлар қандайдир йўл билан компьютерда хосил қилиниши ёки унга киритилиши керак. График тасвирларни компьютерга киритиш учун махсус ташқи қурилмалари ишлатилади. Компьютерга тасвирни киритиш учун уни албатта сканерлаш, расмга олиш ёки уни юклаб олиш шарт эмас. Тасвирни компьютернинг ўзида ҳам хосил қилиш мумкин. Бунинг учун график мухаррирлар деб аталувчи махсус дастурлар синфи ишлаб чиқилган[1].

Ахборотни график шаклда ишлаб чиқиш, тақдим этиш, уларга ишлов бериш, шунингдек, график объектлар ва файлларда бўлган нографик объектлар ўртасида боғланиш ўрнатишни информатикада компьютер графикаси деб аташ қабул қилинган [1]. ЭҲМлар функционал имкониятларининг кенгайиши компьютер графкасининг ривожланишига асос яратди ва тасвирлар анимациясини таъминловчи тизимлар яратилишига олиб келди. Ақлий тасаввур ва қийматлар тўпламини ифодаловчи чизмаларни тузиш жараёни графиклаштириш дейилади, унинг натижаси эса графика дейилади. Графики шартли равишда воқеликни ёки қандайдир жараённи тасвирлайди. Графикада қўлланиладиган ҳамма белгилар ғоялар белгиси бўлиб, унинг ўзи яхлит ҳолатда ғоялар тўпламини ифодалайди. Графика икки элементга бўлинади: график қиёфа ва экспликация.

График қиёфа – чизмалар тўплами бўлиб, улар ўзаро боғланишлари билан биргаликда тушунилади. Экспликация – график образ моҳиятини очиб берувчи шартли белгилар тўплами. График образ – символ, геометрик шакл кўринишида бўлиши мумкин. Шартли белгилар ёрдамида ифодаланган график образ маъноси унинг геометрик шаклига боғлиқ эмас, шароитга боғлиқ ҳолда тушуниладиган образлар символли образларга талуқлидир. Шартли белгилар қандайдир тушунчалар (символлар) билан пухта боғланган бўлиши, аниқ бир соҳадаги белгилар тўплами эса махсус символлар билан ифодаланиши мумкин[2].

Компьютер графикаси тушунчаси ҳозирда кенг қамровли соҳаларни ўзида мужассамлаштириб, бунда оддий график чизишдан то реал борликдаги турли тасвирларни ҳосил қилиш, уларга зеб бериш, дастур воситаси ёрдамида ҳатто тасвирга оид янги лойиҳаларни яратиш кўзда тутилади. У мултимедиа муҳитида ишлаш имкониятини беради. Одатда, компьютер графикаси атамаси бир қанча маъноларни ифодалайди: тасвирий ифоданинг компьютер томонидан намойиш этиш ва ҳаракатлантириш (бошқариш); суратни яратиш ва ҳаракатлантиришда қўлланиладиган турли хил технологиялар; компьютер илми соҳасига кирувчи (уни ичидаги, мансуб) соҳа бўлиб, қайсики рақамли синтезлаш ва кўрилаётган таркибий қисмни бошқаришнинг усулларини ўрганади. Компьютер графикаси – компьютер ёрдамида яратилган, асосан, махсус график аппарат ва дастурий таминотлар воситасида яратилган тасвирий ифода, яъни суратлар ва филмлардир. Бу компьютер илмий оламидаги улкан ва энг сўнгги соҳалардан биридир. Компьютер графикаси ибораси 1960- йилда биринчи бўлиб Boeing компанияси компьютер графикаси тадқиқотчилари Verne Hudson va William Fetter томонидан кашф этилган. Иборанинг қисқартма шакли CG (Computer Graphics) бўлсада, баъзан уни CGI («Computer Generated Imaginary», яъни компьютерда ҳосил бўлган тасаввур) деб талқин қилинади[6]. Қуйида компьютер графикаси тушунчасига берилган изоҳлар билан танишамиз. Компьютер графикаси – ЭҲМ бошқарувида график объектларни киритиш, чиқариш, тасвирлаш, ўзгартириш ва таҳрирлашдир. Компьютер графикаси – информатиканинг маҳсус қисми бўлиб, дастурий-аппарат ҳисоблаш комплекслари ёрдамида тасвирларни яратиш ва қайта ишлаш усуллари ва воситаларини ўрганади. Компьютер графикаси – бу график дисплей экранида тасвирий информацияни визуаллаш (кўринадиган қилиш) деган маънони англатади. Тасвирни қоғозда, фотоплёнкада, кинолента ва бошқаларда акс эттириш усулидан фарқли равишда компьютер графикасида компьютерда ҳосил қилинган тасвирни дарҳол ўчириб ташлаш, унга тузатиш киритиш, исталган йўналишда торайтириш ёки чўзиш, яқинлаштириш ва узоқлаштириш, ракурсни ўзлаштириш, буриш, ҳаракатлантириш, рангини ўзгартириш ва бошқа амалларни бажариш мумкин. Китобларни безаш, расм ва чизмаларни тайёрлашда буюмларни лойиҳалаш ва моделларини ясашда, телерекламалар яратишда, телевизион эшиттиришлар қистирмалари (заставкалари)ни, мултфилмларни яратишда, кинофилмларда қизиқарли кадрлар ҳосил қилиш ва бошқа кўп соҳаларда қўлланилади[3].

Компьютер графикаси деганда одатда график маълумотларни компьютер воситасида тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва намойиш этиш жараёнларини автоматлаштириш тушунилса, график маълумот деганда объект моделлари ва тасвирлари тушунилади[4]. Бизнингча, компьютер графикаси нафақат бўлажак информатика ўқитувчисининг касбий маҳоратини шакллантиришда, балки барча бўлажак ўқитувчилар учун дарс самарадорлигини таъминловчи воситалардан биридир. Сабаби, бугунги кунда кўряпмизки кўргазмали ташкил қилинаётган дарслар ҳам замонавий ҳам самарали натижа бермоқда. Дарсларни кўргазмали ташкил қилиш жараёни бевосита компьютер графикаси билан боғлиқдир. Фан юзасидан барча турдаги график кўргазмаларни компьютер график дастурлари ёрдамида яратишга имкон беради. А.В.Саловов[5] Компьютер графикаси таълимда иллюстратив ва когнитив функцияга эга деб ҳисоблайди. Компьютер графикасининг иллюстратив функцияси дунёдаги барча маълум ва мавжуд ёки янги ғояларни визуал тасвирлашни ўз ичига олади. Когнитив функцияси эса, номаълум график тасвирлар ёрдамида янги, ҳали мавжуд бўлмаган билимни ҳосил қилади ёки ҳеч бўлмаганда бу билимни ўзлаштиришда интеллектуал жараёнга ёрдам беради. Компьютер графикаси геометрик жисмлар, шакл ва тамойилларнинг математик моделлари ҳамда уларни намойиш етиш усуллари тўғрисидаги фан сифатида қаралиши мумкин. Компьютер графикаси курсининг вазифаси қуйидагилардан иборат: ўқувчиларга ҳозирги замон компьютер графикаси бўйича назарий ва амалий билим кўникмасини ҳосил қилиш; фойдаланувчиларнинг ҳозирги замон компьютер графикаси воситалари ва уларни ишлатилишини ўзлаштиришларига эришиш; компьютер графикасининг технологик тузилишини ва ҳар хил тақдимот материалларини тайёрлаш намойиш этишни ўрганиш; ҳозирги замон компьютер графикасидан ўзининг ўқув соҳаси ва профессионал фаолиятида фойдаланишни билиш; компьютер графикасининг техникавий воситалари ва замонавий дастурларидан фойдаланишни билиш.

Ҳозирги кунда компьютер графикасининг қўлланиш соҳалари анча кенгайди, яъни уни кенг тадбиқ қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Натижада компьютер графикаси фаолияти дастурлаш ва компьютер техникаси билан боғлиқ бўлмаган мутахассисларнинг иш воситасига айланди. Компьютер графикасининг янги йўналишларидан бири ҳақиқий тасвирларни шакллантиришнинг услуб ва тамойилларини ишлаб чиқишга бағишланади.

Компьютер графикасининг қуйидаги туркумларини ажратиб кўрсатиш мумкин: Тижоратга оид; Намойишларга оид; Муҳандисликка оид; Илмий; Кўргазмавий; Анимацион.

Тижоратга оид графика электрон жадвалларда ёки берилган базасидаги ахборотларни акс эттириш учун хизмат қилади. Бу ахборотлар компьютер монитор экранида график, гистограмма, диаграмма ва хоҳлаган бошқа кўринишларда акс эттирилиши мумкин. Бунда графиклар матн изоҳлари ва маълум жойларда шартли белгили изоҳлар билан таъминланади. *Намойиш қилиш графикаси* – матн, схема, эскиз каби ҳужжатларнинг машинавий тасвирини ҳосил қилиб уни намойиш этишга тайёрлаш учун хизмат қилади. Бу ерда энг асосий вазифа – юқори сифатли ва чиройли кўринишдаги тасвирлар ҳосил қилишдан иборат. Бу турдаги графиканинг энг афзал томони шундаки, ундаги тасвирлар тўплами ва кўринишини ўзгартириш мумкин. *Муҳандислик (инженерлик) графикаси* – бундай графика чизмачилик, лойиҳалаш ва конструкторлик ишларини автоматлаштиришда кенг қўлланилади. Инженерлик графикаси анализ, синтез, моделлаштириш, чизмачилик, бошқариш ва шу каби лойиҳалаш ишларини автоматлаштиришнинг ҳамма босқичларини ўз ичига олади. *Илмий графика* – илмий изланишлар учун хизмат қилади ва географик, физик, биологик ва бошқа жараёнларни тадқиқ қилишда қўлланилади. Илмий

графиканинг энг асосий мақсади илмий изланишларда ҳосил бўладиган ахборотлпрни визуаллаштириш – кўзга кўринарли шаклда ифодалашдир. Шунингдек, илмий изланишлар натижаларини керакли шаклда диаграммалар, ҳариталар, жадваллар ва турли математик формулалар шаклида тасвирлашда ишлатилиши мумкин. *Кўргазмавий графика* – намойиш ва тижорат графикаларининг ривожи бўлиб, шу иккала графика имкониятларининг йиғиндисини ташкил етади. Бу графика айрим графикаларни слайдлар кетма – кетлигидан иборат слайдфилм қилиб яратиб, сўнгра уни маълум вақт ичида екранда кетма – кет кўргазма шаклида намойиш етади. Ҳар бир слайднинг экрандаги тасвири овоз ва визуал эффектлар билан қўшиб олиб борилиши мумкин. Бундан ташқари, тайёр графикни таҳрир қилиш имконияти ҳам мавжуд. *Анимацион графикада* - ранг билан ишлашдаги муваффақиятлар муҳандислик графикасидаги уч ўлчовли объектларни моделлаштиришдаги ютуқлар билан (масалан реклама эълонлари ва телекўрсатувдаги бир тасвир ичига иккинчисини киритиш) қўшиб уйғунлаштирилган. *Машина графикаси* – бу компьютер ёрдамида объект шакллари, унинг моделини яратиш ва сақлаш учун хизмат қилувчи компьютер графикасининг бир бўлими. Компьютерда турли график тасвирларни ҳосил қилиш мумкин, бироқ улар бир – биридан фарқланади, чунки ҳозирги замон компьютерлари ўтган асрнинг 90 – йилларидаги тизимларга нисбатан шаклларни аниқ тасвирлаш имкониятига ва махсус дастурлар билан кенгайтириладиган тизимларга ега. *Интерфаол графика* – компьютер графикасининг энг асосий бўлимларидан бири бўлиб, унда фойдаланувчи тасвирни динамик бошқариш имкониятига ега бўлади, яънитасвирнинг шакли, ўлчамлари ва монитор юзасидаги рангларни ўзаро тасир қилувчи мослама (клавиатура ёки сичқонча) ёрдамида бошқаради[2]. Компьютер тасвирларига бўлган қизиқиш уларда жуда катта ҳажмдаги маълумотлар сақланиши билан изоҳланади: тасвирларни яққол намойиш этиш имконияти мавжуд бўлиб, уларни ташкил этиш учун ахборот технологиялари соҳасида махсус билимлар талаб қилинмайди. Компьютер графикасининг уч тури мавжуд бўлиб, булар: ***растрли***, ***фрактал*** ва ***векторли*** графикадир. Улар бир-бири билан монитор екранида тасвирланиши ва қоғозда босиб чиқилиши билан фарқланади. Растрли қурилмаларда тасвирларни ташкил этувчи нуқталар мажмуасидан вужудга келади. Бу нуқталар пикселлар деб аталади. Растр - бу экраннинг бутун майдонини қопловчи пикселлар матритсасидир. Демак, растрли графиканинг асосий элементи нуқтадан иборат.

Растрли графика билан ишлаш дастурлари бир нечта вазифаларни бажариш имконини беради: Тасвирни импорт қилиш - сканер, рақамли фотоаппаратдан киритиш, бошқа форматдаги расмларни киритиш (bmp, jpg, png, tif, gif, psd, pdf, wmf ва бошқалар); Тасвирни таҳрирлаш - ўзгартиришлар киритиш, ранглар билан бўяш, чизиш, ўчириш, ёркинлик ва аниқлик даражасини ўзгартириш; Ранг тизимини ўзгартириш; Чоп этиш; Бошқа ном ва кенгайтма билан сақлаш; Ҳар хил эффектларни қўллаш.

Компьютер графикаси билан ишловчи дастурлар сирасига бир қанча дастурларни санаб ўтиш мумкин. Жумладан, Microsoft Paint, Adobe Photoshop, Adobe Illustrator, Corel Draw, Macromedia va Adobe Freehand, Adobe InDesign, Adobe ImageReady, Macromedia va Adobe Flash, Discreet va Autodesk 3ds Max, Cinema 4d, Alias va Autodesk Maya, LightWave, Adobe Brush ва ҳоказолардир. Ушбу дастурларда компьютер графикасига оид ишларни амалга ошириш мумкин. Баъзиларида оддий расм чизиш мумкин бўлса, баъзиларида уйлар проектлари, баъзиларида эса уч ўлчамли моделлаштириш ва ҳаттоки тўрт ўлчамли моделлаштириш мумкин бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Tillaboyev I.N., Mahmudov A.Z. «Kompyuter grafikasi» o‘quv - uslubiy qo‘llanma // Namangan-2010 yil. 40 б – Б 4.
2. SH. I. Razzoqov, SH. S. YO‘ldoshev, U. M. Ibragimov Kompyuter grafikasi // Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. Тошкент – 2013. 137 б. – Б 9-10
3. O‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
4. F.F.Meliyev, U.J.Asqarov, J.M.Maxmudov “Kompyuter grafikasi” CorelDraw dasturi // O’quv qo’llanma // Samarqand – 2017, 104b – B 5.
5. Саловов А.В. Компьютерная графика в инженером образовании // Высшее образование в России, - М., 1998. №2. – 90-92с.
6. https://uz.wikipedia.org/wiki/Kompyuter_grafikasi

Рақамлаштириш шароитида компьютер графикасини ўқитишнинг илмий-назарий асослари
Багбекова Л. К. Тошкент давлат педагогика университети

Резюме. Мазкур мақолада талабаларнинг ўқув юртида касбий фаолиятга тайёргарлиги, рақамлаштириш шароитида компьютер графикасини ўқитишнинг илмий-назарий асослари механизми ва уни амалга ошириш бўйича илмий ёндашувлар баён қилинган.

Таянч сўзлар: Компьютер графикаси, график қиёфа, график образ, тижоратга оид графика, намойишларга оид графика.

Научно – теоретические основы обучения компьютерной графике в цифровых условиях
Багбекова Л.К. Ташкентский государственный педагогический университет

Резюме. В данной статье описывается подготовка студентов к профессиональной деятельности в вузе, механизм научно-теоретических основ обучения компьютерной графике в цифровой среде и научные подходы к ее реализации.

Ключевые слова: компьютерная графика, графическое изображение, коммерческая графика, демонстрационная графика, инженерная графика

Scientific and theoretical basis of teaching computer graphics in digital conditions
Bagbekova L.K. Tashkent State Pedagogical University

Summary. This article describes the preparation of students for professional activities at a higher educational institution, the mechanism of scientific and theoretical foundations for teaching computer graphics in a digital environment, and scientific approaches to its implementation.

Key words: computer graphics, graphic image, commercial graphics, demonstration graphics, engineering graphics

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОМАДАНИЯТИ РИВОЖИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ РОЛИ

Собирова М.А.

Тошкент давлат педагогика университети

Маълумки, этномаданият муҳим категория сифатида муайян халқнинг ҳаётида ҳар доим ниҳоятда муҳим мавзу бўлиб келган, бундан кейин ҳам унинг долзарблиги ошиб бораверади. Чунки у миллат мавжудлигининг асоси, унинг тили, маданияти, урф-одатлари ва қадриятларининг қайта тикланиши ва ривожланишидаги муҳим омил, бугунги куни ва истиқболини таъминлайдиган маънавий бойлик ҳисобланади. Айни пайтда этномаданият миллий ва умуминсоний қадриятлар, маданий, маънавий ва ахлоқий ва эстетик анъаналарнинг битмас-туганмас манбаи ҳамдир. Этномаданиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши ворислик орқали таъминланади. Лекин бу ворислик ирсий йўл билан эмас, ижтимоий тараққиёт жараёнида, кекса авлод томонидан маданий анъаналарни ёш авлодга сингдириш, узатиш орқали шаклланади. Этномаданият этник стереотипларда, анъана ва қадриятларда, фольклорда намоён бўлади. Этник ўзини ўзи англаш этномаданият асосида юз беради. Бу ҳол этномаданиятнинг халқлар ва миллатлар ривожланишида нақадар муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Этномаданият халқнинг, миллатнинг узоқ ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлари, турмуш тарзи, тили, урф-одатлари, ташқи дунёни ўзлаштириш ва ўзгартириш, ўзини, ўзлигини идрок этиш, англаш усуллари, хуллас, этноснинг, миллатнинг мавжудлигини, тарих саҳнидан тушиб кетмаганлигини ифода этувчи ижтимоий воқеликдир.

Россиялик тадқиқотчи М.О. Шаваеванинг фикрича, этномаданият биринчи навбатда, унга этник хусусиятларга эга бўлган маданий элементлар ва тузилмалар мажмуи сифатида қарашни тақозо этади[4, 29-37]. Шу элементлар орасида тасвирий санъатнинг ҳам алоҳида ўрни борки, этномаданият ривожини санъатнинг бу тури ривожисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, инсон ҳис туйғулари, воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввур ва хаёлларини чизиқлар, ранглар, оқ қора бўёқларда, ҳажмли ёки ҳажмсиз, рангли ёки рангсиз шаклларда бирор юза ёки маконда акс эттириш, уларни эстетик ҳис этиш тасвирий санъатга хос. Тасвирий санъат илм-фан каби дунёни, ҳаётни, табиатни, халқлар тарихини билишга хизмат қилади.

Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Бу вақтда кишилар воқеаларни, одам ва ҳайвонларни тошларга тасвирини чизиб, уларни кесиб турли кўриниш ва мазмунда ҳайкаллар ясаганлар. Қадимдан кишилар санъат табиат ҳодисалари ва кишиларнинг ўзаро муносабатлари, фаолиятларига, хулқига ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисоблаганлар. Шу қатори тасвирий санъат асарлари кишиларга катта куч билан таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга. Кишилар тасвирий санъат асарларини томоша қилиш орқали уларда ифодаланган гўзалликни кўриш орқали ўз ҳаётига ана шундай гўзалликни киритишга ҳаракат қиладилар, асарлардаги қаҳрамонона ҳаракатларни кўриб уларга ўхшашга интиладилар. Санъат асарларидаги хунук воқеалар, ҳаракатларни кўриш орқали улардан жирканадилар. Айниқса, тарихий жанрдаги санъат асарларини томоша қилганда ўша даврдаги табиат манзаралари, нарсалар, кишилар ҳаёти, меҳнат ва жанг қуроллари, уларнинг кийимлари, урф-одатлари билан танишадилар, қурилишлар, бинолар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Рассомлар ўз асарларида ҳаётни қандай кўрсалар ўшандай эмас, балки ундаги характерли кўринишларни танлаб оладилар, керакмас иккинчи даражали кўринишларни тушуриб қолдирадилар, муҳимларини бўрттириб кўрсатадилар. Танишиш ва бўрттириш орқали рассомлар нарса ва ҳодисаларни кишиларнинг тафаккури ва ҳиссиётларига самарали таъсир кўрсатишга эришадилар. Рассом борлиқни шунчаки биладиган шахс эмас, балки у бой тасаввур ва тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган кишидир. У ўз ижодида борлиқни шунчаки акс эттирибгина қолмай, балки унга асосланган ҳолда нималарнидир ўйлаб топади, тасаввур этади ва тўқийди. Энг муҳими санъат асарлари ўз мазмунида борлиқни акс эттирибгина қолмасдан, у рассомнинг ғояларини ифодалайди, уни бойитади, Шу билан бирга бундай асарлар томошабинга эмоционал таъсир кўрсатиш кучига ҳам эга.

Аслида тасвирий санъатнинг вужудга келишиёқ кишиларнинг табиатни тушунишга интилиши, ўй-фикрларни тасвирлашлари билан боғлиқдир. Уни “санъатлар маликаси” деб аташларига ҳам айнан инсон кўнглига яқинлиги сабабдир. Қадимги дунё мусаввирлари томонидан яратилган, уларнинг манфаат ва эҳтиёжларига мос бўлган тимсоллар, яъни, қояларда тасвирланган воқелик ҳодисалари, ҳаёт манзараларида ҳам ўзига хос эстетик дидни кўриш мумкин. Санъатнинг эндигина юзага келаётган шаклларида соғлом ҳис-туйғулар, идрок ёркинлиги ва тиниқлиги, кузатиш зийраклиги намоён бўлганлигини кўриш мумкин. Бунда инсоннинг ўз атрофидаги оламни қиёфали яратишга бўлган кучли интилишининг бошланғич шакллари намоён бўлади. Тасвирий санъат фойдали-амалий мақсадлар ҳукмронлигидан тобора “фориғланиб” бадиий фаолиятнинг ихтисослаштирилган шаклига айланиб борди, бу жараён эса кўп асрларга чўзилиб кетди.

Тасвирий санъат ўзининг нафосатли хислатларига ва эстетик нафосатли мақомига эга бўлиб боргани сари унинг айрим турлари ва жанрлари ажралиб чиқа бошлади. Унинг мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм каби турлари ва жанрлари секин-аста мустақил тасвир кўламига ва тасвирий-ифодавий воситаларига эга бўла бошлади. Тасвирий санъатнинг мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм турлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик баъзан ошкора, очиқ тарзда амал қилади. Тасвирий санъат турларининг бир-биридан фарқ қилиши – уларнинг ҳар бири воқелик манзарасини акс эттириши билан белгиланади, лекин пировардида улар бир тизимга бирлашадилар. Мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расмнинг ифода воситалари хилма-хил бўлиб тасвирланаётган ва ифодаланаётган нарсалар ўртасидаги чегаралар шартлилик ҳамда нисбийликка эгадир. Ҳар бир санъат турида тасвир билан ифода чирмашиб кетган бўлади. Ифодалилик, яъни санъаткорнинг воқеликка

муносабати тасвирий санъатнинг ҳам муҳим хусусиятидир. Мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расмнинг умумий хусусияти улар барчасининг тасвир орқали ифода этишидадир. Мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм санъатнинг фазоли хиллари бўлиб, улар воқеликни фазоли инъикос эттиради. Уларда тасвирланаётган ҳодисалар мўътадиллик хусусиятига эга бўлиб, битта воқеа ёки унинг бир лаҳзасини танлаб тасвирлаш орқали ҳаракатдаги ва ривожланишдаги ҳаётнинг бутун мураккаблиги ва бойлигини кўрсатиш қудратига эга. Улар фазовий ҳодисаларни бевосита, вақт ўлчовидагиларни эса билвосита томошабинда ўй-хаёллар ва тасаввурлар ҳосил қилиш орқали намоён қилади. Тасвирий санъат турлари ҳаётда бевосита жисмий ифодаси бўлмаган туйғули ва ақлий жараёнларни акс эттиришда адабиёт ва мусиқа турларига ён берган ҳолда, ҳаёт муқимлиги ва мўътадиллигини, ундаги ўлмас ва барқарор қадриятларни очиб беришда бошқа санъат турларидан устунлик қилади. Мусаввир кўз кўриб турган моддий ижодий тасаввурида қайта ишлаб, текисликда тасвирлайди. Бўёқлар, чизиқлар ва улар аралашмасидан фойдаланиб, дунёнинг барча манзараларини акс эттиради, унинг марказида эса инсон туради. Мусаввирликда инсон қиёфаси тўғридан-тўғри ҳамда унинг атрофидаги моддий дунёга муносабати ифодаланади. Мусаввир ранг орқали бўёқлари мутаносиблигини, унинг моддий моҳиятини, одамлар ҳис-туйғусини, ирода кучини, ҳатти-ҳаракатларини хилма-хил кўринишларда ифодалайди. Тасвирий санъатда нур-соя воситасини воқеликдаги нур ва соя уйғунлиги вужудга келтиради. Тус, ранг воқеликдаги барча нарсалар ва ҳодисаларга хос. Мусаввир дунёнинг нур-соя бойлигини айнан кўчирмайди, балки уни синчковлик билан танлаб ажратади, нур-соя воситасида одамлар ва нарсалар ҳажмлигини, табиат гўзаллигини, ҳаво тиниқлигини тасвирлаб, воқеликда нур ва соя товланишининг энг нозик қирраларини намойиш қилади. Нур-соя дунёнинг кўз илғаётган нарсалар рангларини бадиий яратибгина қолмай, у мусаввир бадиий режаси мазмунини, унинг воқеликка бўлган муносабатини ҳам ифодалайди.

Мусаввирликнинг илк асоси – расмдир. Расм суратнинг ўзига хос умуртқасини, синч-устунини англатиб, жисм шаклини, атроф чизиқларини, бадиий тизимини белгилайди, жиҳозлар ва одамлар ҳар бирининг ўз ўринларини, асосий белгиларини кўрсатиб беради. Бир қатор буюк мусаввирлар ўз асарларини дастлабки кўмир ва қалам билан туширилган расмларсиз яратганликлари расмнинг мусаввирлик санъатидаги аҳамиятини камситмайди. Улар мазкур асарларни яратиш жараёнида мўйқаламларини шу қадар юксак маҳорат билан ишга солганларки, бир вақтнинг ўзида ҳам расм солганлар, ҳам сурат яратганлар.

Манбаларда қайд этилишича, Ўзбекистонда унгурлар ва қоятошларга ишланган расмлар мезолит даврида пайдо бўлган. Неолит даврига келиб эса ривожланган босқичга кўтарилган. Калтаминор, Ҳисор, айниқса Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг турли намуналари топилган. Ўрта Осиёнинг тоғлик ҳудудларида кенг тарқалган қоятош расмлари ишланиш усулига кўра икки хил. Бир хиллари бўёқ (охра) билан, иккинчи хиллари эса уриб-ўйиб ишқалаш, чизиш усули билан ишланган (петроглифлар) расмлардир [3, 240].

Ўзбекистондаги қоятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Бironсой, Кўксарой, Такатош, Тераклисой кабилар бўлиб, улар юздан зиёддир. Бу ердаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакилларининг расмларини кузатиш мумкин. Улар ибтидоий буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайрон кабилардир. Расмлар орасида ўқ-ёй, узун қилич, ханжар, дубулға, қопқон каби нарсалар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Қадимшунослар энг қадимги расмлар Зараутсой (Сурхондарё) бўлиб, бу расмлар мезолит-неолит, яъни милоддан аввалги VIII-IV минг йилликларга оид эканлигини алоҳида қайд этишади. Биз қоятошлардаги расмлар орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуролларини билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, қоятош расмлари қадимги аждодларимизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш жоизки, ибтидоий санъатнинг энг ривожланган босқичи неолит даврига оид. Бу давр Жойтун, Калтаминор ва Ҳисор маданиятларига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг жуда кўплаб намуналари топилган. Неолит даври одамлари идишларга ҳар хил рангдаги бўёқ билан турли нақшлар, одам ва ҳайвон тасвирларини ифода этганлар. Шу билан бирга лойдан ясалиб, пиширилган аёл ҳайкалчалари неолит даври санъатининг нодир намуналари ҳисобланади. Сурхондарё воҳаси худудидан топилган тасвирий санъатга оид энг қадимги макон – Зараутсой ёдгорликлари бўлиб, у нафақат тасвирий санъат, балки миллатнинг маънавий бойлиги, қимматбаҳо археологик, тарихий ва санъат ёдгорлиги ҳисобланади. Қоя тошларга чизилган бу ибтидоий суратларда одамлар, ҳайвонлар яъни ҳўкиз (буқа), тоғ эчкиси, жайрон, ит ва бошқа ҳайвонлар ҳамда ўқ-ёй тасвирлари каби асосан ов саҳналари тасвирланган. Расмларнинг бирида одамлар қушларга ўхшаш ниқоб кийишганлар. Бу тасвир ҳақида олимлар турлича фикр юритганлар. Улардан бири у шу жойларда кўп учрайдиган тувалоқ қуш шаклига кирган ҳолда ҳайвонларга яқинлашаётган одам деса, бошқа бири ёввойи ҳайвонларни қўрқитиш учун овга махсус кийимлар билан кирган, деган ғояни билдирган.

Бу тасвирлар нима мақсадда чизилган, унинг тагида қандай маъно ва мазмун, қандай ғоя ва тасаввур ётган деган савол туғилиши табиий ҳол. Тасвирни ўрганган кўплаб мутахассислар олиб борган тадқиқот ва изланишлар натижасида қоя тошлардаги суратлар ва ифода этилган манзаралар қандайдир сеҳрли маънони билдиради, улар негизида ибтидоий ва қадимги давр одамларининг кундалик турмуши, диний эътиқоди билан боғлиқ бўлган тасаввурлар ётади, деган фикр келиб чиққан. Расмлар кўпчилик назаридан узоқда ва овлоқ жойда бўлгани учун ибтидоий одамларнинг муқаддас даргоҳи бўлган, улар қоялар ёнида ибодат қилиб ирим-сиримлар ўтказган деган тахминлар ҳам учрайди. Диний удумлар ўтказган бўлса, демак уларга бу қоятошдаги расмлар қандайдир маънавий қувват ва маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин. Ирим-сиримлардан бири қояларга расм чизиш бўлса, улар бу орқали қандайдир илоҳий тасаввур ва илоҳий кучга эга бўлганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Тарихчи олим Ж. Кабиров “ибтидоий аждодлар қоятошдаги расмлар ҳар хил бало қазолардан асраши, одамларга бахт келтиришига умид қилганлар” деган фикрни билдиради [2, 92]. В. Ф. Зьбковес эса “тош асри санъатининг намуналарини диний тушунчалар ва сеҳргарликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар ёшларга таълим ва тарбия берадиган марказлардир. Расмлар эса ибтидоий давр ёшларига таълим тарбия бериш, улар билан амалий машғулот олиб бориш мақсадида ишланган” [2, 96] деб мулоҳаза юритган. Юқорида айтилган фикрлардан қайси бирига мансуб бўлишидан қатъий назар бу суратлар Марказий Осиёда санъат тараққиётининг ўзига хос илк босқичи ҳисобланади.

Аслида санъатнинг бошқа турлари қатори тасвирий санъат ҳам инсонларнинг меҳнат фаолияти, эътиқодлари ва диний қарашлари замирида пайдо бўлади. Зараутсойдаги қоя тасвирлари ибтидоий одамларнинг меҳнат фаолияти яъни овчилик, ибтидоий эътиқодлари ва диний қарашлари замирида пайдо бўлган, содда ва оддий кўринишлар деб айтишимиз мумкин. Расмлар ибтидоий одамларнинг оламни билишдаги ижтимоий онгини шакллантиришда, уларнинг орзу-умидларини ифодалашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Ибтидоий давр рассоми овчининг бутун руҳий-маънавий кучларини табиат қонунларини билиб олишга қаратган. Ахир овчи мансуб бўлган жамоанинг ҳаёти ва фаровонлиги ҳам шунга боғлиқ бўлган. Рассом овчиларнинг ҳамкорликда ов қилаётганликларини тасвирлаб, ҳамкорлик қобилиятининг, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланганлигини кўрсатиб беради. Ҳайвонлар хавфи ва кучли қаршилиги ҳамкорлик қобилиятини фаоллаштириб юборади. Унда овчи ҳиссиётларини жиловлаб жамоадаги уйғунликка боғланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, тарих ҳар бир даврда ўзбек халқининг фанга, санъатга қизиқиши, интилиши, этномаданияти ривожланиб борганлигига гувоҳлик беради. Бунга Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларидаги ҳунармандчилик, Бақтриядаги зеб-зийнат буюмлари, Юнон-Бақтрия ва Кушон ёдгорликларининг юксак санъатидаги ҳайкалтарошлик, Афросиёбдаги деворий суратлар, Самонийлар, Хоразмшохлар ва Темурийлар давридаги маданий ҳаёт ҳамда кейинги давр илм-фан ва санъат ютуқлари мисол бўла олади.

Биз бу маънавий бойликларни ўрганганимиз сари, фикримиз чархланади, ўзимизни аждодларимизга яқинроқ сезамиз. Уларнинг бизга қолдирган бой маънавий-маърифий мероси, буюк Шарқ миниатюра санъати, ижрочиликнинг энг сара намуналаридан бири бўлган ўлмас мақомларимиз, анъанавий мумтоз мусиқамиз, мумтоз адабиётимиз ўсиб келаётган ёш авлод маънавий тарбиясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Буларнинг барчаси наинки ёш авлод, балки, катта-ю кичикни, барча-барчамизни комиллик сари етаклайди, маънавий тарбиямизни, фикримизни бойитиб, келажакка ишонч билан қарашга, янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун қадам ташлашга ундайди. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек**, “**Вужудимизда, қонимизда аждодларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади**”** [1, 1].

АДАБИЁТЛАР

1. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси/Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи//Халқ сўзи. 2021 йил, 1 сентябрь.№ 190 (7970).
2. Кабиров Ж. Сармишсой қоя тошларидаги расмлар. – Тошкент:Фан, 1976 йил.
3. Массон М.Е. Средняя Азия и Древний Восток.- Москва: Ленинград: Наука, 1984 год.
4. Шаваева М.О. Этнокультура как многофункциональная система взаимодействия. Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. – Ростов-на-Дону: 2004.

Ўзбек халқи этномаданияти ривожида тасвирий санъатнинг роли
Собирова М. А. Тошкент давлат педагогика университети

Социологияда генлар дастлаб фақат жинсга қараб таърифланган бўлса, кейинчалик сиёсий, маданий ва ижтимоий характерга эга бўлди. Хусусан, жамиятда бўла бошлади. Гендердан фарқли ўлароқ, гендер психологик, маданий ва ижтимоий қадриятларда муваффақиятли мақомдир. Бу фарқ феминистик адабиётда 1960—1970-йилларда намоён бўла бошлади. Гендер - шахслараро ўзаро таъсир тизими бўлиб, унинг асосида аёл ёки эркак тушунчаси ижтимоий тузум категорияси сифатида шаклланади ва қайта тикланади. Аёлни эркакдан биологик жиҳатдан ажратиб турувчи 4 та функция мавжуд: цикл; ҳомиладорлик; туғиш; эмизиш. Қисқаси, Симона де Бовуар айтганидек, аёл туғилмайди, у шаклланади. Оиладаги гендер сиёсатига келсак, у оиладаги гендер роллари ва аёлларнинг ўзгариши билан бевосита боғлиқ. Иқтисодиётдаги гендер тенглик соҳасида, ютуқлари ва сўнгги йилларда тараққиёт фаол ривожлантириш қарамай, кўплаб ривожлантириш режалаштириш дастурлари, уларнинг ривожланишида хотин-қизларнинг ролини тан эмас. Бундай камчиликларни бартараф этиш зарурати иқтисодий адолат билан тавсифланади. Аёллар иқтисодий тизимнинг муҳим аъзоларидир. Жамиятнинг миқдорий ва сифат жиҳатдан ривожланиши ҳам аёллар билан боғлиқ. Аҳолининг асосий қисмини аёллар ташкил қилади, шунинг учун уларнинг улушини инкор этиб бўлмайди. Ҳатто Ўзбекистон таълим тизимида ҳам аёллар улуши 72 фоизни ташкил этади. Ҳозирги вақтда гендер интеграциясининг ҳар қандай иқтисодий лойиҳалари ишлаб чиқувчилар томонидан қуйидаги сабабларга кўра халқаро ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши талаб қилинади: иқтисодий масалаларни ҳал қилишда баъзи гендер жиҳатларига эътибор бермаслик; гендер таҳлили гендер муносабатларини тушунишда аёллар ва эркаклар ўртасидаги меҳнат тақсимотига ёрдам беради; гендер таҳлили ресурсларга назорат ва фойдаланишни ўз ичига олади; атроф-муҳит муаммоларини ҳал қилиш ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда аёлларнинг иштироки зарурати ва бошқалар.

Фикр тенглигига ҳеч ким қарши эмас, лекин тенглик ўзбек менталитети ва анъаналарига мос келиши керак. Гендер тенглиги аёлнинг ҳокимият учун курашини англатмайди. Гендер тенглиги истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Гендер сиёсати - бу давлат ва жамиятнинг эркаклар ва аёллар тенглигига эришишга қаратилган фаолияти. Жамиятнинг барча жабҳаларида гендер тушунчаси нафақат аёллар, балки эркаклар шахсиятини ҳам ҳимоя қилади. Кўпчилик "жинс" сўзини тўғри тушунмайди. Рашк тушунчасида бу атама кўпинча аёл муаммоси, аёлнинг ҳокимият учун кураши маъносида қабул қилинади. Аслида гендер эркак ва аёл ўртасидаги муносабатдир. Бугунги кунда олимлар этногендерология соҳаси ҳақида муҳим муаммоларни қизғин муҳокама қилмоқдалар. Бу соҳани тадқиқ қилишда ҳар бир халқнинг ўзига хос генлари мавжуд. Бу соҳани ўзбек урф-одатлари, тарихидан бошлаб чуқур ўрганишимиз керак. Ҳар бир халқнинг ўз менталитети бор, бизда ҳам ўз менталитетимиз бор.

Умуман олганда, генлар эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлардир. Ўзбек тилида эса бу этногендерология орқали эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар, эркакларга ҳурмат, катталарга ҳурмат, қизлар тарбияси ва бошқа кўп қадриятларни кўрсатамиз. Асосан, кўпчилик генларни одамга босим сифатида ўйлайди. Менимча, ундай эмас, демоқчиманки, ўзбек халқининг ўзига хос генлари бор. Мақсадимиз уни ўрганиш ва ёш талабаларга кўрсатишдир. Бу, ўз навбатида, оилавий қадриятларни асраб-авайлашда катта ёрдам бўлади. Лекин менталитетимизда қарама-қаршиликлар мавжуд. Бугунги кунда кўп оилаларда турли хил шароитлар мавжуд. Нега бундай бўляпти, нега ажралишлар кўп, нега энди қизлар турмушга чиқмасдан туғишяпти, қанчадан-қанча бобо ва бувиларимиз қариялар уйида яшашга мажбур бўляпти. Буларнинг барчаси айни шу йўналишда жиддий тадқиқотларни тақозо этмоқда.

Кечагина статистика шуни кўрсатдики, эркакларнинг 30 фоизи фарзанд кўрмайди. Оилаларнинг бир неча қисми сунъий уруғлантиришдан фойдаланади. Нима учун бу содир бўлмоқда? Илгари бундай бўлмаган. Бундай муаммоларга ечим топиш керак. Энди биз буни гендер оила сиёсати концепцияси деб атаймиз. Яъни, биз оилани ўз ичига оламиз. Чунки ҳамма нарса оиладан бошланади. Илгари аёллар масаласи кўтарилган бўлса, энди эркаклар масаласи ҳам кўтарилмоқда. Улар учун махсус имтиҳон хоналарининг очилиши стратегия туфайлидир. Илгари сиёсатда аёллар унчалик кўпчиликни ташкил этмаган, ҳозир эса уларни сони йил сайин ортиб бормоқда. Давлат хизматидаги аёллар 55 фоизга етди. Аммо иккинчи муаммо шундаки, ҳокимиятда асосан эркаклар фаолият олиб бормоқда. Стратегия муҳим қарорлар қабул қилиш учун ҳокимият тепасига аёлларнинг камида 30 фоизини жалб этишни мақсад қилган. Мамлакатнинг бир ёки икки вилоятида бу кўрсаткичга аллақачон эришилган. Ва бу ҳолат бошқа ҳудудларда пастроқ кўрсатгичага эга. Зўравонлик ва ўз жонига қасд қилиш кўпайди. Ҳозир кескин ошиб бормоқда. Бу бизнинг гендер сиёсатимизнинг бир қисми, биз буни жуда кўп ўрганганмиз. Биз кўплаб семинарлар ўтказамиз. Ички ишлар вазирлигидан мутахассислар келиб, қизларимизга дарс беришади. Қизлар жуда кўп қизиқарли саволларни беришади. Энди инқироз марказлари мавжуд. Баъзида қизларимиз буни билишмайди. Зўравонлик шунчаки эрини калтаклаш эмас. Жамиятда таҳқирланиши ҳам мумкин. Шунинг учун қизлар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларини қонуний ҳимоя қила олишлари керак.

Оила ва гендер сиёсати концепцияси 2030 йилгача белгиланган. Тезда ҳал қилиниши керак бўлган энг долзарб муаммолар: Ажралишлар ва никоҳсиз туғилишлар сони ортиб бормоқда. Тахминан ҳар учинчи никоҳ ажралиш билан тугайди. Вояга етмаган болалари бор эр-хотинларнинг ажралиш даражаси ошди. Тўлиқ бўлмаган оилалар сони ортиб бормоқда. Эркакларнинг гендер эркинлиги оталарнинг фарзанд тарбиясига камроқ жалб этилишига ва болаларни қўллаб-қувватлаш муаммосига олиб келади. Бугунги кунга келиб, ёлғиз оналар бундай вазиятларда эри билан яшаётган аёллар билан бир хил ҳуқуқларга эга эмаслар. Аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш жараёнига жамиятда эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий роллари ҳақидаги стереотипларнинг мавжудлиги таъсир кўрсатади. “Зеро, умуммиллий сиёсатнинг маъноси –хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан қўллабқувватлашга қаратилган давлат сиёсатини умумжамият ишига айлантириш демакдир”[1, 8]

Инсоният жамияти замонавий цивилизацияга интилиб, нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки экологик, маданий, ижтимоий ва маънавий соҳаларни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратмоқда. Улардан бири жаҳон гендер тадқиқотлари майдонидаги сўнгги тенденция ва ундан келиб чиқадиган йўналишлар: гендер сиёсати, гендер таълими, гендер тенглиги муаммосидир. Шу муносабат билан бугунги кунда гендершуносликни ривожлантиришнинг энг муҳим бўғинларидан бири бу гендер таълимидир. Содда қилиб айтганда, гендер сиёсий ва ижтимоий асосли, бир томондан, илмий асосланган, иккинчи томондан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган камситишга қарши ижтимоий ҳаракат, махсус доктрина ва ўзига хос ёндашувдир. Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги масаласи қадим замонлардан буён қизғин баҳсларга сабаб бўлиб келган. Милоддан 400 йиллар аввал яшаган софист Антифонт ўз асарларида барча одамларнинг табиат томонидан тенг қилиб яратилганлиги ҳақидаги ғояни биринчилардан бўлиб илгари сурган. Унинг фикрича, табиат барчани: аёлни ҳам, эркакни ҳам тенг қилиб яратади, лекин инсонлар ўзларини тенгсиз ҳолатга солувчи қонунлар одамларнинг ўзаро келишуви натижасидир [2, 322.]

Гендер тушунчасини фақат аёллар тенглигини ҳимоя қилиш ёки унинг ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш тенденцияси сифатида тушунмаслик керак. Гендер нафақат аёллар, балки эркаклар шахсиятини ҳам ҳимоя қиладиган, камситиш ҳолатларида унинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳисса қўшадиган ижтимоий жараёндир. Инсоннинг биологик, ижтимоий, сиёсий, психологик каби кўп қирралари борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, аслида эркак ва аёл мутлақо тенг бўла олмайди. Бунда “тенглик” тушунчаси “тенглик” тушунчаси билан баъзи ғарб қарашлари билан алмаштирилади. Шунинг учун улар иккала жинснинг биологик табиатини мувозанатлаштиради. Натижада, Буюк Британияда туғилганлар сони камайиб бормоқда ва яқин 40-50 йил ичида Англияда инглиз миллатига эга бўлмаслик хавфи мавжуд. Шунинг учун ҳам гендер соҳасидаги кўп қиррали мураккаб масалаларни тушунтириш, унинг бирёқлама саёз қарашларига барҳам бериш, эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўзларини тенг ҳис қилишлари учун ёшларга махсус ва тизимли равишда гендер таълими бериш зарур. Бу дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўрганилиб, аниқ чора-тадбирлар даражасида амалга оширилмоқда. Мамлакатимиздаги гендер таълими эса бирёқлама ғарбий, шарқона, диний парадигмаларга кўр-кўрона тақлид қилибгина қолмай, балки классик негизга асосланган миллий билимларни ҳам биринчи ўринга қўйиши, яъни ўзининг Ўзбекистонча вариантига эга бўлиши ва олиб борилиши керак. Чунки собиқ тузум даврида “1919-1920 йилларда хотин-қизлар институтлари, ўрта техник ўқув юртлари ташкил этилиб, уларда маҳаллий миллатга мансуб қизлар ҳам таълим олган. Бироқ, улар таълим олувчиларнинг 7-8 фоизини ташкил этар эди, холос. Қизларнинг ўқишга кам қатнаши сабабларини ҳокимият реакцион руҳонийлар ҳаракатлари, совет мактаби олдида қўйилган вазифаларга қўшиладиган ўқитувчилар етишмаслиги, сиёсий саводли дарсликлар ва қўлланмалар йўқлиги билан изоҳлар эди [3, 375.] Аҳолининг янги мактаблар борасидаги эҳтиёткорлиги аслида қизлар мактабларида олиб борилган динга қарши тарғибот туфайли пайдо бўлган эди [4, 52].

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга гендер таълими алоҳида таълимот сифатида амалга оширилиб, у ўзига хос методология, илмий услуб ва мазмун, таълим тизимига асосланиб, ёшлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Яқинда Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида ёшлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, уларнинг 65 фоизи гендер тушунчасидан хабардор, 72 фоизи эса мамлакат таълим муассасаларида гендер таълими жорий этилишига қарши эмас ва улар бу соҳа билан яқиндан танишиш истагидадир. Масалан, "Инсон

ва жамият" фанида "Адолатли жамият" (5-синф), "Инсоннинг биоижтимоий табиати" (6-синф), "Қарама-қаршиликлар, оқилона муроса, бошқаларни тушуниш қобилияти" (7-синф), " Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси "(8-синф)," Жамият ва оиладаги эркак ва аёл "(9-синф) ва бошқалар. Бир қарашда бошқа мавзулар оз даражада ушбу компетентликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ, қоидага кўра, турли-туманлик, тенглик, у ёки бу масалалар жиҳатлари, гендер ролларнинг тақсимланиши ижтимоий соҳадаги ҳар қандай мавзуда мавжуд [5, 5].

Таълим жараёнида бошланғич мактаб ўқувчиларининг гендер ўзига хослигини шакллантириш модели педагогик шарт-шароитларни модулли лойиҳалашга асосланади, тизимли хусусиятга эга ва инструментал ва йўналтирувчи функцияни бажаради. Уни амалга ошириш педагогик шартларнинг иккита блокининг мантиқига мос келадиган маълум кетма-кетликка эга бўлиши керак: ўқитувчиларнинг гендер компетенциясининг асосий блоки ва ўқув жараёнининг ташкилий-фаолият блоки. Бу жараёнда ишлаб чиқилган модел бошланғич мактаб ўқувчиларининг гендер идентификаторининг барча таркибий қисмларига педагогик назорат остида таъсир қилишнинг бир вақтдалигини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Иномова С.Т. Эъзозли аёл иқболи. Т.: Ўқитувчи. - 2005. 8 б.
2. Антология мировой философии. М., 1969. Т.1. -с. 322
3. История Узбекской ССР в 4-х тт. Т.3.Т., «Фан», 1967, с. 375.
4. Тохтаходжаева М. Между лозунгами коммунизма и законами ислама Т. 2000, с. 224
5. Бирга яшашни ўрганамиз: Гендер тенглик ва камситмаслик соҳасида ўқувчиларнинг асосий компетентлигини шакллантириш бўйича услубий қўлланма. – Бишкек, 2020. 62–б.

Гендер таълими , методологияси ва модели

Аннаева Н. Р. Урганч давлат университети

Резюме. Мақолада ёшларга махсус ва тизимли равишда гендер таълими бериш зарурлиги таъкидланади. Унинг ёшлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланиши, таълим жараёнида мактаб ўқувчиларининг гендер ўзига хослигини шакллантириш модели педагогик шарт-шароитларни модулли лойиҳалашга асосланиши каби масалалар таҳлил этилади.

Калит сўзлар: гендер тенглик, гендер интеграцияси, гендер таҳлили, гендер муносабатлар, гендер таҳлили ресурслар, ўқитувчиларнинг гендер компетенцияси, гендер идентификатори, педагогик назорат.

Гендерное образование, методология и модель

Аннаева Н.Р. Ургенчский государственный университет

Резюме. В статье отмечается необходимость систематического специального обучения гендерным знаниям молодежи, оно имеет свою научную методику и методологию, и такие вопросы, как модель формирования гендерной идентичности школьников в образовательном процессе на основе модульного проектирования педагогических условий.

Ключевые слова: гендерное равенство, гендерная интеграция, гендерный анализ, гендерные отношения, ресурсы гендерного анализа, гендерная компетентность учителей, гендерный идентификатор, педагогический контроль

Gender education, methodology and model

Annaeva N.R. Urgench State University

Summary. The article notes the need for systematic special training in gender knowledge of young people, it has its own scientific technique and methodology, and such issues as the model for the formation of gender identity of schoolchildren in the educational process based on the modular design of pedagogical conditions.

Key words: gender equality, gender integration, gender analysis, gender relations, gender analysis resources, gender competence of teachers, gender identifier, pedagogical control

---

YOSHLAR TADBIRKORLIGI: NAZARIYA VA AMALIYOT

Rajapova E. B.

Urganch davlat universiteti

Yoshlar ijtimoiy taraqqiyotni ta’minlovchi, o’zining kreativ faolligi, tashabbuskorligi va raqobat olamida ishtirok etishga ma’naviy- ruhiy tayyorligi, dadilligi bilan har qanday yangilikni qo’llab-quvvatlovchi kuch hisoblanadi.

Keyingi yillarda O’zbekistonda yoshlardagi salohiyat va shijoatni, ijtimoiy va intellektual faollikni davlat tomonidan qo’llab-quvvatlash uchun 5 ta qonun, Prezidentimizning 7ta farmoni, 14ta qarori, 2ta farmoyishi,Vazirlar Mahkamasining 23qarori va 4 farmoni qabul qilingan.Mamlakatimiz tarixida ilk marotaba 30 iyun Yoshlar kuni deb belgilandi va keng nishonlanadigan bo’ldi. Ayni paytda Oliy Majlis Senatida Yoshlar, madaniyat va sport masalalari qo’mitasi, Qonunchilik palatasida Yoshlar masalalari bo’yicha komissiya, Yoshlar parlamenti faoliyat yuritmoqda. Prezidentimiz tashabbusi bilan Yoshlar ishlari agentligi, innovatsion rivojlanish vazirligi huzurida Yoshlar akademiyasi, viloyatlar- hududlarda «Loyihalar fabrikasi» ishga tushirildi. Qoraqolpog’iston Respublikasi Vazirlar kengashi raisi, hududlardagi hokimlarning yoshlar ishlari bo’yicha o’rinbosarlari, oily ta’lim muassasalarida talaba-yoshlar bilan ishlovchi prorektor lavozimlari joriy etildi. Hududlarda 4ta Prezident maktabi, 9ta ijod maktabi, Toshkent shahri, Farg’ona, Xorazm va Samarqand viloyatlarida “Temurbeklar maktabi” tashkil qilindi. Shuningdek, yoshlar tashabbusini o’rganish va amaliyotga joriy etish maqsadida “Yoshlar qabulxonalari ochildi. “Yoshlar daftari” har bir yosh yigit –qizning ahvoli, qiziqishi, ishga, kasb- korga intilishi, bandligi bilan shug’ullanishda aniq manzillarni ko’rsatib turadi.”Yoshlar kelajagimiz” davlat dasturi doirasida yoshlarning 7690 ta biznes-loyihasiga jami 1 trillion 614 milliard so’m miqdorida imtiyozli kredit ajratilgan, 39 ming 577 ta yangi ish o’rni yaratilgan. Dastur doirasida

yoshlarning 30,2 milliard so'mlik 57 loyihasiga kafillik taqdim etilgan, shu tarzda yoshlarning tadbirkorlik va ishbilarmondagi kreativ tashabbuslari qo'llab-quvvatlangan [1].

Yoshlar tadbirkorligining o'ziga xos jihatlari mavjud. Ularga: Yoshlar ishlash va izlanishga intilish kuchli, ular raqobatdan, qiyinchiliklardan, hatto bankrot bo'lishdan qo'rqishmaydi; Yoshlardagi shijoat, dadillik goho irratsional xususiyatgaega; Tadbirkor yoshlarda maxsus bilim va hayotiy tajriba yetishavermaydi; Mehnat jamoasini tashkil etish va boshqarishda sensitiv- emotsional omillar ta'siriga berilish kuzatiladi; Strategik biznes- reja tuzish, butun kreativ faoliyatini ana shu rejaga yo'naltirish texnologiyasidan xabardorlik yetishmaydi.

AQShdagi "Mustaqil biznes federatsiyasining xulosalariga ko'ra, mamlakatdagi biznes va tadbirkorlik subektlarining deyarli 40foizdan ziyodi 35 yoshgacha bo'lgan yoshlardir. AQShdagi innovatsiyalarning 55foizi ana shu subektlarning tashabbuslari, kreativ izlanishlariga to'g'ri keladi. G'arbiy Yevropa davlatlarida bu ko'rsatkich 60% ga boradi. Ulardagi biznes jamoalarining 98-99% kichik korxonalar va tadbirkorlik uyushmalariga to'g'ri keladi [2]. Shunga yaqin misollarni Buyuk Britaniyadagi kichik biznes va volyonterlik harakati Assotsatsiyasi- ARNOVA, Fuqarolik jamiyati va notijorat sektorini tadqiq etish markazi (VShE, Moskva) ham keltiradi [O'sha manbada]. Xullas jahondagi iqtisodi rivojlangan davlatlarda kichik biznes va tadbirkorlikning milliy taraqqiyotdagi o'rni juda katta, ularda asosiy e'tibor kreativ fikrlovchi, innovatsion izlanishlarga moyil yoshlarga qaratilgan. Ularda yoshlarda qiyinchiliklardan, raqobatdan qo'rqmaslik instinkti mavjud. Bu instinct yoshlardagi maksimalizm bilan bog'liqdir [3, 84]. Yoshlardagi dadillik, shijoat goho irratsional xususiyat kasb etadi. Bu o'rinda "irratsional" tushunchasi chuqur e'tiqod, o'z fikri va g'oyasiga qattiq ishonish ma'nosida ishlatilmoqda.

Yoshlar o'zining psixofiziologik tuzilishiga muvofiq dadil, shijoat bilan ishlashga moyildir. Goho ular bu sifatlarini irratsional tarzda namoyish etishdan tortinmaydilar. O'zimiz kuzatgan va o'rgangan 12 yosh tadbirkorlik sub'ektlari (ularning 8 tasi Urganch, 2 tasi Xiva shaharlaridan, 2 tasi Qo'shko'pir va Urganch tumanlaridan) dadil fikrlash va shijoat bilan ishlash biznes uchun mihimligini qayd etadilar. Ulardan 3 tasi hatto bankrot ham bo'lishgan, ammo banklardan olgan kreditlari tufayli faoliyatini qayta tiklab olgan. O'sha tadbirkorlarning ikkitasi 40-42 yoshda, qolganlariniki 27-36 yoshda. Ularning 4 tasi savdo- sotiq, 3 tasi qurilish, 2 tasi maishiy xizmatlar ko'rsatish, qolgan 3 tasi kompyuter, ma'rifiy xizmatlar ko'rsatish bilan shug'ullanadi. Qiziqarli hol shundaki, savdo-sotiq bilan shug'ullanuvchi tadbirkorlarning hammasi oily ma'lumoti, biri maxsus bilimga ega emas. Oliy ma'lumotli tadbirkor yoshlar mudom moliyaviy savodxonligini oshirib borishga intilishadi. Qolgan tadbirkorlarda boshqalarni, ayniqsa yaxshi mutaxassislarni yollab ishlatish kuzatiladi. Ushbu tadbirkorlarda irratsionallik kuchli, ular xodimlariga talabchan, gohida esa haddan tashqari talabchan. Chamasi, ular o'zining nokompetentligi yoki chalamullaligini shu tarzda yashirmoqchi bo'ladilar.

Yoshlar tadbirkorligining rivojlanishi mahalliy boshqaruv organlari va ma'sul xodimlarning qo'llab-quvvatlanishiga bog'liqdir. Hududlardagi muammolardan yaxshi xabardor bo'lish, ularga to'g'ri yechimlar topish ular zimmasiga yuklangan. Tadbirkorlar tashabbuslarini qaysi mahalla yoki xizmat turiga yo'naltirish mumkinligini, mahalliy aholi ehtiyojmand xizmatlar nimalarda ekanini ulardan ko'ra yaxshi va aniq biladigan sub'ekt yo'q. Shuningdek Prezidentimiz aynan ularni jon kuydirib ishlashga, tadbirkorlik va ishbilarmonlik harakatini faol qo'llab- quvvatlashga undaydi. Bu borada Uning "Qonunchilik hujjatlari ijrosini samarali tashkil etishda davlat boshqaruvi organlari va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari rahbarlarining shaxsiy javobgarligini kuchaytirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmonini (2021 yil 10 fevral) eslash joiz. Mazkur hujjat mahalliy hokimiyatning tadbirkorlikni rivojlantirish borasidagi faoliyatini electron nazorat qilib borish, business.gov.uz yagona interaktiv portaliga kelib tushgan murojaatlarini o'rganish va ularning ijrosini mahalliy hokimiyat organlariga yuborish kabilarni bajarishni kun tartibiga qo'yadi. Vazirlar Mahkamasida Bosh vazirning tadbirkorlar murojaatlarini ko'rib chiqish qabulxonasi tashkil etilgan. Bu muassasa joylardagi tadbirkorlikning real holatini o'rganib boradi, murojaatlarni tez va qonuniy hal etishini yo'lga qo'yadi. Masalan, 2021 yilda Bosh vazir qabulxonalariga tadbirkorlardan 37379 ta murojaat tushgan. Murojaatlarning 23715 tasi tuman va shaharlar kesimiga to'g'ri kelgani uchun ular mahalliy boshqaruv organlariga yuborilgan[4]. Ular o'z tashabbuskorlarini inobatga olmaydigan ma'sul xodimlarni ochiq tanqid qilishadi, ular g'ayriqonuniy harakatlariga qarshi chora- tadbirlar ko'rishga undashadi. Masalan, 2021 yili Bosh vazir qabulxonalariga kelib tushgan murojaatlar o'rganilib, kamchiliklarga yo'l qo'ygan 547 nafar (105 nafari mahalliy hokimiyat organlari, 325 nafari bank muassasalari, 117 nafari tashkilot va idoralarning) ma'sul rahbar va xodimlarga tegishli choralar ko'rilgan. Ularning 359 nafariga hayfsan, 106 nafariga maoshidan ushlab qolish jarimasi qo'llanilgan, 64 nafari lavozimidan ozod etilgan, 18 nafari ma'muriy javobgarlikka tortilgan[5]. Yoshlar tadbirkorligining ijtimoiy- hududiy jihatlari ularning: mahalliy shart- sharoitdan kelib chiqib faoliyat yuritishi; ko'proq va tez daromad keltiradigan yo'nalishlarda (savdo-sotiq va maishiy- madaniy xizmatlar ko'rsatish; investitsiyalar kiritilayotgan va talab katta sohalar (uy-joy qurilish) da ish yuritishida namoyon bo'ladi. Shu bilan birga noqonuniy tadbirkorlik "(" xufyona" biznes") ham keng tarqalgan.

Xullas, yoshlarni ish bilan band etishning turli- tuman shakllari mavjud, ammo ular ichida tadbirkorlik ularning g'ayri, shijoati va intilishlariga ko'proq muvofiq keladigan ijtimoiy muhim faoliyatdir. Yoshlar sanoat zonalaridagi tadbirkorlarning ijtimoiy- iqtisodiy tashabbuslari hududlarni rivojlantirishga katta hissa qo'shmoqda. Masalan, Navoiy viloyatidagi Yoshlar sanoat zonasida qurilish materiallarining 80 dan ziyod turlari ishlab chiqariladi, bir yilda 280 tonna qishloq xo'jaligi mahsulotlari qayta ishlanadi, aholiga yetkaziladi, 120-130 tonna mahsulot chet ellar (Qozog'iston, Rossiya va Turkiya) ga chiqariladi. Yoshlar sanoat zonasida xizmat qilayotganlarning 70- 75 foizi 30 yoshlik tadbirkor va ishbilarmonlardir [6]. Bunday misollarni yana keltirish mumkin. Masalan, Buxoro viloyati Jondor tumanida yashovchi Zarina Jo'rayeva ish topolmay yurgan. Uning istagidan habardor bo'lgan "Rumish MFY" Zarinani "Yoshlar

daftari" ga kiritib, subsidiya ajratgan. Tadbirkor xotin-qizlar uchun go'zallik saloni, erkaklar uchun sartaroshxona ochgan. 29 yashar tadbirkor ayol o'z ishidan xursand, endi yoniga boshqa xotin-qizlarni ham olmoqchi[7]. Joylardagi tadbirkorlarning ijtimoiy- iqtisodiy faolligini quyidagi raqamlardan ham bilsa bo'ladi. Masalan, 2021 yili o'tkazilgan sayyor qabulxonalar paytida 33700 dan ortiq tadbirkorlar ishtirok etgan. Ularning 3711 tasi (Qashqadaryo 185 ta, Farg'onada 218 ta, Namanganda 294 ta, Buxoroda 404 ta, Navoiyda 266 ta, Samarqandda 232 ta, Surxondaryoda 313 ta, Jizzaxda 418 ta, Sirdaryoda 412 ta, Xorazmda 441 ta, Andijon viloyatida 331 ta va Qoraqolpog'iston Respublikasida 197 ta) muammoli masalalar ko'tarilgan [8]. Demak, tadbirkorlar hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga oid dolzarb muammolarni hukumat, ijro hokimiyati oldiga qo'ya oladi.

Xullas, yoshlarning intellectual o'sishi, kreativ faolligi yanada oshadi. Bu esa ulardan innovatsion jamiyatda, intermuhitda yashashga o'rganishni, o'zining va xalqning manfaatlari yo'lida ijtimoiy faollik ko'rsatib ishlashni ham taqozo etadi. Olingan bilim, axborot ularning va xalqning real ehtiyojlariga, manfaatlariga xizmat qilishi darkor. Buyuk faylasuf Platonning ta'kidlashicha, qism butunning qo'ynida baxt- saodatga, yetuklikka erishadi[4,s.186.]. Ayrim olgan shaxs, kishi butunning, jamiyat va davlatning qismidir. Demak, shaxs, kishi o'zi uchun mehnat qila turib xalqi, davlati uchun mehnat qiladi, ushbu uyg'unlik tufayli jamiyat, davlat bir butundir.

Taraqqiyot strategiyasida yoshlarni ish bilan band etish, ularning tadbirkorlik va ishbilarmonlik tashabbuslarini qo'llab- quvvatlash mahalliy hokimiyatning, hududlardagi ma'sullarning vazifasi ekani uqtiriladi. Bizning hisob- kitoblarimizga ko'ra, bugun respublikamizdagi tadbirkorlarning 60-62 foizini 35 yoshgacha bo'lgan kishilar tashkil etadi. Ular ichida oliy ma'lumotlilar 30- 35 foiz, 15 foizga yaqini o'rta ma'lumotlidir. Oliy ma'lumotli tadbirkor yoshlar asosan shaharlardagi biznes-markazlar, madaniy- ma'rifiy, huquqiy, iqtisodiy maslahatxonalarda ishlashi kuzatiladi. Qurilish sohalaridagi kompaniyalarni asosan oliy ma'lumotli mutaxassislar boshqaradi. Tibbiy xizmatlar ko'rsatish sohasidagi tadbirkorlarning ham asosiy qismi oliy va o'rta maxsus bilimga ega kishilardir. Biroq savdo-sotiq, qishloq xo'jaligi, transport xizmati sohalaridagi tadbirkorlarning deyarli 85- 90 foizi o'rta maxsus yoki o'rta ma'lumotli kishilardir. Yoshlarning shahar biznesi bilan shug'ullanishga intilishi yuqori, chamasi, shaharda mijozlar ko'p, faoliyat doirasini kengaytirish imkoniyatlari mavjud.

Tadbirkorlik uchun maxsus bilim va hayotiy tajriba zarur. Aynan ushbu fazilatlarning yetishmasligi tadbirkorlikka aks ta'sir etadi. Maxsus bilimlarga avvalo tashkilotchilik va boshqaruv salohiyati, iqtisodiy, moliyaviy va huquqiy savodxonlik kiradi. Yuridik fanlari doktorlari, professorlar O.Oqyulov va F. Otaxonovlarning ta'kidlashicha, tadbirkorlikning samarali samarali bo'lishi sub'ektlarning iqtisodiy va huquqiy bilimlariga bevosita bog'liqdir. Hatto ular ma'lum bir bilimlarga ega bo'lishsa-da, aksariyat hollarda huquqshunoslar maslahati va himoyasiga muhtojdirlar. Bu avvalo ob'ektlarning xususiyatlari bilan bog'liq huquqiy himoya mexanizmlarining o'ta rang- barangligi bilan izohlash mumkin[4,38-44]. Tadbirkorlik faoliyati ma'lum bir hududda amalga oshiriladi. Bu hududda mudom ma'lum bir etnomadaniy an'analar, stereotiplar, mahalliy hokimiyat boshqaruv tizimidagi o'ziga xosliklar mavjud. Hatto mahalliy hokimiyat markaziy idora tomonidan o'rnatilgan tartiblar va mexanizmlardan foydalanishga da'vat etilgan bo'lsada, boshqarish psixologiyasiga xos jihatlar tadbirkorlikka ijobiy yoki salbiy ta'sir etish kuchiga ega. Mahalliy hokimiyat bilan tadbirkorlikni rivojlantirish muammolarini maxsus tadqiq etgan yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent D. Bekchanovning ta'kidlashicha, bu jarayon to'rt shaklda davom etadi; 1) mahalliy davlat hokimiyati tomonidan maxsus tuzilmalar tashkil etish orqali to'g'ridan to'g'ri; 2) davlat va nodavlat notijorat tashkilotlar bilan o'zaro hamkorlikda; 3) biznes tashkilotlari va nodavlat notijorat tashkilotlari bilan hamkorlikda; 4) mahalliy hokimiyat faqat sof raqobatning nazoratchisi sifatida tadbirkorlikni rivojlantirish [5,96 b.]. Tadqiqotchi milliy tajribalarni o'rganib va tahlil qilib "mahalliy davlat hokimiyati tomonidan tadbirkorlikni rivojlantirishning yagona modeli mavjud emas," degan xulosaga keladi [5,98 b.]. Ammo turli davlatlarda o'zining ichki xususiyatlarini ifoda etuvchi milliy modellar mavjud. Bu eng avvalo aholining, ayniqsa tadbirkor va ishbilarmon yoshlarning biznesga moyilligi, ulardagi maxsus bilimlar hamda hayotiy tajribalar bilan bog'liqdir.

Tadbirkorlik mehnat jamoasi faoliyatini tashkil etish va boshqarish bilan bog'liq faoliyat turidir. Uning ixtiyoriy mehnat ekani boshqarish omilini rad etmaydi, balki uning samarasi boshqaruv mexanizmlaridan mohirona foydalanishni taqozo qiladi. Yuqorida misol qilib keltirgan 12 tadbirkorlik sub'ektlarining 3 tasi bankrot bo'lishga ham ulgurgan. Buning asosiy sababi ikkita- biri, maxsus bilim va hayotiy tajribaning yetarli emasligi, ikkinchisi, boshqaruvda ko'pincha sensitive-emotsional munosabatga erk berishdir. Ha, kishilararo munosabatlar, boshqaruv sensitive-emotsional kechinmalar ta'sirisiz ro'y bermaydi [6,s.17-21.]. Shunday ekan, tadbirkorlarda ham ular uchrashi tabiiy holdir. Ming afsuski, bunday kechinmalar goho kishilararo munosabatlarga salbiy ta'sir etadi, bu esa mehnat samarasini kamaytiradi. Bankrotga uchragan tadbirkorlar ushbu holdan saqlanish zarurligini qayd etadilar. Bosiqlik, tahlil qilish, quloq tutish va ular bilan maslahatlashish: birinchi tomondan, mehnat jamoasida demokratik boshqarishni qaror toptiradi; ikkinchi tomondan, mehnat jarayoniga, jamoa kayfiyatiga ijobiy ta'sir etadi. Bir-biriga dialektik bog'liq ushbu ikki omil, pirovard natijada tadbirkorlik faoliyatiga ijtimoiy mohiyat baxsh etadi, jamoa a'zolarida o'z mehnatidan, shaxsan unga e'tibordan mamnunlik uyg'otadi.

Strategik biznes-reja tuzish oson emas, u chuqur bilimlar va hayotiy tajribani taqozo etadi. Uzoq yillarga mo'ljallangan tarzda ishlash tadbirkorlikni barqaror mehnat turiga, daromad manbaiga aylantiradi. Strategik reja tadbirkorlikning kelajagini prognozlashtirish, mehnat jamoasini ana shu rejadagi maqsadga yo'naltirishdir. Tadbirkorning kreativ faollagi daromad keltirishni nazarda tutadi, ammo bu yagona maqsad emas [9,57-68 b.].

Bugungi kuda "Inson qadri uchun" gumanistik tamoyili asosida yoshlarning ijodiy potensialidan, kreativ tashabbuslaridan samarali foydalanish strategik vazifa sifatida e'lon qilingan. Bugungi yoshlarda intellektual

rivojlanishga, ko'proq axborotlar olishga, kerakli manbalarga tayangan holda o'z fikri va kasbiga, mehnat jabhasiga ega bo'lishistagi juda kuchli.

Yoshlar tadbirkorligi ham umumiy iqtisodiy hayotning, bozor munosabatlarining qonunlariga bo'ysunadi. Yoshlarga xos psixologik va fiziologik jihatlar bu qonunlardan chekinishni anglatmaydi. Yoshlarning alohida ijtimoiy qatlam ekani tadbirkorlikni yanada kreativ, maftunkor va dolzarb qiladi.

ADABIYOTLAR

1. Sa'dullayev A. Xalqaro maydonda raqobatga kirisha oladigan, zamonaviy fikrlaydigan, har sohada bilimdon yoshlar mamlakatga tayanch bo'ladi //"Yangi O'zbekiston", 2021, 30 iyun.
2. Qarang: PROSTOBIZ, ua/biznes/ Razvitie
3. Психология бизнеса и предпринимательства. Учебное пособие.- Ростовна Дону, РГУ, 2001.
4. Qarang: yuz. Official. 2021, 10 iyul.
5. Otaxanov F.,Oqyulov O. Tadbirkorlik sub'ektlarini tashkil etishning huquqiy asoslari.- Toshkent: TDYUI, 2006.
6. Bekchanov D. Tadbirkorlikni rivojlantirishda davlat organlari tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlar shakllari// Jamiyat va boshqaruv, 2002. N2(88).
7. Qarang: yuz. uz. news. 2021,14 iyul.
8. Qarang: Психология управления Учебное пособие.-Москва: Наука, 1988.
9. Дусмухамедов О.С. Основы креативного предпринимательства. Учебное пособие.- Тошкент ГИИКУЗ, 2021.

Yoshlar tadbirkorligi: nazariya va amaliyot (ijtimoiy – falsafiy tahlil)
Rajapova E. B. Urganch davlat universiteti

Rezyume. Maqolada yoshlar tadbirkorligining o'ziga xos jihatlari, uning yoshlarning iqtisodiy va huquqiy bilimlari, hayotiy tajribalari bilan bog'liq tomonlari ochib beriladi.

Kalit so'zlar: tadbirkorlik, strategik reja, iqtisodiy bilim, daromad, boshqarish, jamoani tashkil etish.

Молодежное предпринимательство: теория и практика (социально-философский анализ)
Раджапова Э.Б. Ургенчский государственный университет

Резюме. В статье раскрываются особенности предпринимательства молодежи, его связи с экономическими и юридическими знаниями, жизненным опытом.

Ключевые слова: предпринимательство, стратегический план, экономическое знание, прибыль, управление, организация коллектива.

Youth Entrepreneurship: Theory and Practice (socio-philosophical analysis)
Radjapova E.B. Urgench State University

Summary. The article describes the specific features of youth entrepreneurship, its aspects related to the economic and legal knowledge and life experiences of young people.

Key words: entrepreneurship, strategic planning, economic knowledge, income, management, team building.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛЛИКНИНГ ИММАНЕНТ БЕЛГИЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Кўпалов С.У.
Урганч давлат университети

"Интеллектуал фаоллик" деганда илм фан, таълим тарбия, илмий техник, инновация, хуллас, ақлий меҳнат соҳасидаги фаолият назарда тутилади. Ушбу фаолият жараёнида яратилган янгиликлар ва инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш, ақлий меҳнат имкониятларидан кенг фойдаланиш, орқали оғир жисмоний меҳнатни камайтириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Имконияти чекланган шахсларни нтеллектуал фаолиятга жалб этиш бир томондан, ақлий, ижодий потенциалидан самарали фойдаланиш орқали уларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш ҳисобланса, иккинчи томондан, ногиронларда ижобий психологик установкани, яъни жамият учун зарурлигини англатувчи ҳаётий позицияни, оптимизмни шакллантиришга хизмат қилади. Ўзаро диалектик боғлиқ мазкур икки йўналиш интеллектуал фаолиятни яхлит воқелик сифатида намоён этади. Шу билан бирга, имконияти чекланган ёшлар ичида ақлий, сенсор камчилиги бор болалар ҳам учрашини унутиб бўлмайди. Ушбу боларнинг дифференциал психологик хусусиятларини ўрганиш, ва уларга эътибор қаратиш бизни муаммонинг ижтимоий фалсафий жиҳатларидан йироқлаштирган бўларди. Имконияти чеклангшан ёшларни турли гуруҳларга ажратиш, уламрни ўзига хос дифференциал руҳий масалаларини очиб бериш, бизнинг фикримизча, инклюзив педагогика ва психологиянинг мавзусидир[1]. Интеллектуал фаолиятни, ижтимоий фалсафий маънода, инсоннинг ақлий меҳнати, тафаккури ва илмий салоҳиятини ифода этувчи изланиш деб қараш мумкин. У жисмоний меҳнатдан тубдан фарқ қилиб, инсон фаолиятини самарали, камхарж ва ранг-баранг, қизиқарли жараёнга айлантиради. Интеллектуал фаолият баъзи тадқиқотчилар назарда тутганидек, фақат илмий техник ижод эмас, у инсон ақлу идроки, тафаккури, ҳатто бадиий-эстетик хаёлот оламини ифода этувчи изланишлар ифодасидир.

Интеллектуал фаоллик ақлу идроки жойида ҳар бир инсонга хос жиҳатдир. Тўғри, у ҳар бир кишида, ҳар бир гуруҳда дифференциал тарзда ўзини акс эттиради, бироқ у моҳиятан инсоннинг онги, тафаккури маҳсули ҳисобланади. Мазкур онг, тафаккур, Анри Пуанкаре ибораси билан айтганда, "ҳақиқат излаш"дир. "Фаолиятимиз мақсадига мувофиқ келадиган ягона нарса бор, деб ёзади у, у ҳақиқатни излаш"[2]. Бу "ҳақиқат" икки --- илмий ҳақиқат ва ахлоқий ҳақиқат. Илмий ҳақиқатни онг, тафаккур ташқи, объектив оламдан излайди, шунинг учун улар илм, фан, техника ва аниқ фанларни кашф этган. Кўпинча инсон ахлоқий ҳақиқатни излайди, бу борда у ижтимоий гуманитар фанларни, дин, маънавият, психологияни кашф этган. Фалсафа ҳам ахлоқий ҳақиқатни

излаш билан банд. А.Пуанкаре фикрича, ҳақиқатни топиш мушкул, лекин уни излаш “ягона объектив реаллик ва ундаги гармонияни топиш”га йўналтирилган. Ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган “ҳақиқат”ни излаш муҳимроқдир. Агар ушбу умумметодологик аҳамиятга эга фикрдан келиб чиқсак, биз, интеллектуал фаолият негизида ижтимоий тараққиёт учун зарур бўлган ҳақиқатни излаш ётади, дейишимиз мумкин. Бу изланиш Анри Пуанкаре назарда тутган икки ҳақиқат нуқта назаридан тадқик этилиши мумкин. Тадқиқотимизнинг хусусиятидан келиб чиқиб, интеллектуал фаолликни “ахлоқий ҳақиқат”, яъни фалсафий билимлар билан боғлиқ томонинини ўрганишдан, очиб беришдан бошлаймиз. Фалсафий билимлар боғлиқ интеллектуал фаолликнинг имманент белгилари қуйидагилардан иборат: миллий тарихий-фалсафий меросни ўрганиш, ундаги фундаментал ғояларни билиш; замонавий фалсафий қарашлардан хабардор юриш, улар ҳақида ўз фикларига эга бўлиш; инсон ва жамият борасидаги концептуал ғояларни тўғри талқин қилишга оид илмий дунёқарашга эга бўлиш; ҳаётий мақсадни шакллантиришга ёрдам берувчи тафаккур маҳсулларини ўзлаштириш, улардан ибрат, тажриба ва маънавий психологик озуқа олиш; жамиятга фойда келтирадиган интеллектуал ғояларни англаш асосида ижтимоий фаол яшаш, чекланган имконият доирасини кенгайтиришга интилиш. Мазкур йўналишларда назарий-фалсафий ёндашувга эътибор бераётганимиз бежиз эмас. Масалан, имконияти чекланган ёшлардан миллий тарихий фалсафий билимларни ўрганиш билан боғлиқ интеллектуал фаолликни кутиш, талаб этиш ғайриҳаётий туюлади. Бироқ ногиронлиги бор шахслар ҳаётини кузатиш, уларнинг қизиқишлари, ҳаёт, умр мазмуни, келажак ҳақидаги фикрларини ўрганиш уларда ижтимоий-фалсафий мушоҳадаларга берилиш барқарор воқелик эканини кўрамиз. Айниқса ўспиринлик ёшида, мактаб интернатни битираётган ногиронларда фалсафа учун азалдан муаммо бўлиб келаётган “мен кимман”, “қандай қилсам бахтли яшайман”, “бу дунёда нималар қилсам халқим, авлодлар хотирасида яшайман”, “қандай касб кор эгаллашим керак” “ҳаёт нима, унда инсоннинг ўрни қандай” саволлар пайдо бўлади, улар умр моҳиятини англашга, уни қандайдир қадриятлар билан бойитишга интилиш кучаяди. Тўғри, бу саволлар профессионал файласуфлар қўядиган даражада илмий қобиққа ўралмаган, гоҳо ўта содда, мавҳум ва бетартиб. Бундай бетартиб фикрлаш соғлом ёшларга ҳам хосдир. Ногиронлиги бўлган ёшлар ушбу саволларга жавобни мавҳум борликдан, ўзларининг ҳали аниқ кўринишга, шаклга тушмаган метафизик мушоҳадаларидан, априоридан излашмайди, улар учун манба реал ҳаёт, уларнинг тенгқурлари ва тарбиячилар, тиббиёт ходимлари билан муносабатларидир.

Минг афсуски, имконияти чекланган болаларнинг ушбу фалсафий мушоҳаларга мойиллиги, тарбиячиларда илмий фалсафий тажриба ва билимларнинг етишмаслиги сабабли, кейинчалик ривожланмай қолади. Шунинг учун ҳам имконияти чекланган шахслар ичидан республикамизда таниқли файласуф чиққани маълум эмас. Бироқ бадиий эстетик ижод, илмий техник изланишлар, таълим тарбия соҳаларида улар етарлича топилади. Буларнинг ҳеч бири фалсафий ғояларсиз, мушоҳадаларсиз амалга оширилмайди. Демак, фалсафий- илмий билимлар бутун таълим тарбия, бадиий эстетик ва илмий техник ижодга, фаолият моҳиятига сингган. Масалан, Олга Ивановна Скороходова ҳаётидан, илмий изланишларидан мисол келтирайлик. У кўриш ва эшитиш имконисиз туғилган. Аммо у ўзининг тиришқоқлиги, ён атрофни ўзига хос идрок этиши ва илмий ижодга қизиқиши туфайли пеадагогика фанлари номзоди бўлган, Россия ФА Дефектология институтининг катта илмий ходими бўлиб ишлади, таниқли олима сифатида танилди, кўплаб илмий асаралар ёзди. Академик, психология фанлари доктори, профессор А.Н.Леонтьев шундай деб ёзади: “Ольга Скороходованинг ўткир ақли ва ҳиссиётлари, унинг нафақат ёзув тили ва диадактологияни, балки товушли оғзаки нутқни ҳам мукаммал эгалаганлиги (ҳатто мажлислардаги жонли чиқишлари) феномен каби нодир иқтидор натижаси сифатида қабул қилинадиган тасодифий ҳодисадай таассурот туғдиради, ҳатто бир қарашда жумбоққа ўхшаб кетади” [3]. О.Скороходованинг ўзи фалсафий психологик мазмунга эга китобида ёзади: “Менинг кўзим ёруғликни умуман сезмайди, бироқ бўйи ўзимдан паст бўлган бирор нарсаси бор жойдан ўтсам, гўё ёруғлик таъсири остида тургандек ҳиссиёт пайдо бўлади. Қизиғи шундаки, бу сезги ҳамиша ҳам бир хил бўлавермайди, у ён атроф, муҳит таъсирида ўзгариб туради, умумий ҳолатим яхши бўлмаган, асабийлашган ва чарчаган пайтларимда сезги заифлашиб кетишидан эркин муҳитни ҳис қила олмайман. Жисмоний ва руҳий ҳолатим яхши бўлганида ҳарорат, ҳавонинг ҳаракати, эркин муҳит сезгиси кучаяди. Мен тағин ёруғликни кўзларим билан эмас, бутун юзим ва ҳолатим билан ҳис қилаётгандай бўламан”. Бу тасаввуф фалсафасида “ҳол”, яъни сўфийнинг маълум бир транс пайтидаги оламни, ён-атрофни идрок, ҳис этишига айнандир. О.Скороходова китобида инсоннинг бутун вужуди билан оламга боғлиқлигини, у кўрмаса-да, бутун вужуди билан уни идрок этиши, англаши мумкинлигини таъкидлайди. Ўзбекистонлик тадқиқотчи Ш.Т.Холиқованинг таъкидлашича, имконияти чекланган, кўришда нуқсони бор ўқувчиларда тафаккурий салоҳият, аниқса маълум бир ҳаётий ёки илмий муаммо устида бош қотириш савияси юқори бўлади. Уларнинг организми бир томондан кўришни чекланганлигини эътироф этади, тан олдаи, иккинчи томондан эса, ушбу қусурни, нуқсонни тафаккурий фаоллик билан билан тўлдиришга, компенсация қилишга интилади[4]. Демак, инсон организмида нуқсонли томонни бошқа органнинг фаоллигини ошириш, тўлдириш, компенсация қилиш орқали гармонияни таъминлашга имкон бор. Ушбу имкондан фойдаланиш шахснинг ҳаётий мақсади ва психофизиологик фаоллигига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, имконияти чекланган ёшлардаги ҳаёт, умр мазмуни, келажак ҳақидаги тасаввурларни миллий тарихий фалсафий меросдаги ибратли, фойдали ғоялар билан тўлдириш мумкин. Масалан, Абу Али ибн Синонинг ҳаётий мақсадга эришмоқ борасидаги аҳд паймон кучи ҳақидаги қуйидаги фикрини келтиишимиз мумкин. Олий мақсадларга етмоқлик майлим менинг, Мартабалар пастига рози эмасман ҳеч қачон. Ё етарман мақсадининг чўққисига охири, Ё бу йўлда шум ажалдантопгуси ором бу жон” [5]. Бошқа жойда у илм эгаллашнинг ҳаётий мақсад, келажакка йўлни кўрсатувчи шамчироқ, саломатлик мағзи сифатида улуғлайди. Умр

беҳуда ўтказиладиган нарса эмас, у ҳикмат асосидир. Инсон умридан. Илмдан, тириклигидан ҳикмат излаб яшаб келажагини шамчироқ билан ёритади. Тарк қил бор нарсани, жон барчадин аълодурур, Жон камоли илмдандир, илмдандир сўлу соғ. Жон агар бир шиша бўлса, илм унда шамчироқ, Ҳикмати инсонни билгил ул чироқда мисли ёғ. Ул агар равшан ёнар, сен ҳам саломат, ҳам тирик, Ул чироқ сўнса, сенинг ҳам ўлганингмасму шу чоғ". Умуман, ҳаётдан, умридан маъно излаётган ёшларни миллий тарихий фалсафий мерос билан таништириш уларнинг бу борадаги саволларига ўринли, асосли жавоб бўлади, уларнинг интеллектуал ўсишига,камол топишига ёрдам беради. Интеллектуал фаоллик замонавий илмий, фалсафий ва тафаккурий қарашлардан хабардор бўлишни тақозо этади. Аслида замонавий таълим тарбия, ижтимоий гуманитар фанларнинг барчаси ана шу вазифага қаратилган. Имконияти чекланган болаларга қаратилган ўқув тарбия жараёнлари ҳам замонавий педагогика ва илмий назарий ишланмалар ва тавсияларга мувофиқлаштирилган. Болалар психологияси ва уни ўқитиш методикаси, Болалалар физиологияси, Ногирон болалар билан жисмоний машқлар методикаси, Дефектология, Сурдопедагогика, Имконияти чекланган болалар билан ишлаш методикаси, Болалар ижодиётини ташкил этиш услубияти, Ногиронлиги бор болалар спорти психологияси, Ногирон болалар тиббиёти асослари каби йўналишлардаги фанлар замонавий илмий, фалсафий ва тафаккурий билимларга қурилган. Улардаги асосий ижтимоий фалсафий концепция шундан иборатки, барчани, шу жумладан, имконияти чекланган болаларни ҳам, у ёки бу нарсага, айниқса интеллектуал фаолликка ўргатиш мумкин. Онгли ҳар бир инсон илмий фалсафий ва тафаккурий меросни, бойликларни эгаллаш имконига эга, чунки инсоннинг билиш қобилияти, интеллектуал изланиш қобияти чексиз Мутахасисларнинг таъкилашича, инсон мияси имкониятларидан фойдаланиш атиги 3-5 фоиз атрофидадир. Шундай экан инсондаги интеллектуал имконият, ақлий изланишлар доираси ҳали "ўзлаштирилмаган қўриқ". Замонавий фалсафий қарашларни билиш ногиронлиги бор ёшлар учун мажбурий эмас, албатта. Лекин интеллектуал изланишларга мойил ёшлар бу муаммога дуч келади. Бу қарашлардан хабардор бўлмай, улар ҳақида маълум бир илмий позицияни эгалламай тадқиқотлар ўтказиш, интеллектуал бойлик яратиш соҳасида бирор эътиборли янгилик яратиш, янги фикр айтиш қийин. Замонавий фалсафий билимлар ранг баранг, ҳатто бир бирини рад этувчи хусусиятга эга. Тафаккурий плюрализм, танқидий ёндашув, мустақил, эркин фикрлашга интилиш уларда кенг тарқалган, шунинг учун улардан қайси бирига эргашиш ёки қайси бирини қўллаб қувватлаш зарурлигини гоҳо танлаш қийин кечади. Эркин тарзда фикрлаш бошқаю, илмий фикрлаш бошқа. Биринчисида муаллифнинг шахсий позицияси ва тажрибалари, оламни идрок этиш услуби етакчилик қилади, иккинчисида эса илм, фанда шаклланган тартиблар доирасида фикрлаш тартиби қарор топган. Улардан қайси бирини, ёндашувни танлаш шахс ихтиёрида. Шу ўринда маълум бир ҳаётий тажрибага эга, илмий изланишлар технологиясидан хабардор тарбиячининг, устознинг роли катта. Тажриба кўрсатадики, имконияти чекланаган болалар ичида эркин фикрлашга, бадиий эстетик ижод турлари билан шуғулланишга мойиллик кучли. Илмий фалсафий изланишларга мойиллик кейинроқ келади. Чамаси А.Шопенгауэр ҳақ: "Киши 40 ёшигача романлар, қирқ ёшидан кейин эса уларга изоҳлар ёзади"[6]. Шундай бўлса да, замонавий илмий фалсафий қарашлардан хабардор қилиш ёшларда интеллектуал фаолликни, илмий изланишларга қизиқишни шакллантиришини унутиб бўлмайди. Барча ёшлар каби имконияти чекланган ёшлар ҳам инсон ва жамият тараққиёти ҳақида зарур билимларга, дунёқарашга эга бўлиши даркор. Мазкур дунёқарашсиз уларнинг жамиятга, ижтимоий ҳаётга, ўзраётган дунёга мослашуви жуда қийин кечади. Имконияти чекланган болалар мактабдан кейин дунёни ўзгартириш ёки қайта қуриш орқали эмас, балки ижтимоий муҳит ва унинг талабларига мослашиш орқали ўз ўрнини топади. Шунинг учун адаптация масаласи уларнинг келгуси ҳаёти учун ўта муҳим жараён ҳисобланади. Инсон ва жамият ўртасидаги билимлар, дунёқарашни бир қолипга солиш, моноидеологик тизимга келтириш жуда қийин. Деярли барча интеллект эгалари, файласуфлар улар ҳақида фикр юритишган, назарий концепциялар яратишга интилишган. Имконияти чеклаган болалар учун улардан хабардорлик талаб қилиш ғайриҳаётийдир. Аммо, бизнинг фикримизча, кенг ижтимоий ҳаётга тайёрланаётган ёшлар жамият тараққиёти, унда инсоннинг ўрни масалаларига оид асосий билимлардан хабардор бўлиши лозим. Имконияти чекланган болалар мактаб интернат қарамоғида қолмайди, улар мактабдан кейин ижтимоий ҳаётга киради, у ёки бу билимлари, кўникмалари, ғоялари билан жамият ҳаётида иштирок этади. Бу иштирок пассив бўлмаслиги, балки имконияти доирасида фаол бўлиши керак. Ана шунда имконияти чекланган шахс ўзининг ҳаётидан, умридан манун яшайди, давлат ва жамият яратиб берган имкониятларни объектив баҳолайди, қадрлайди. Минг афсускаи, имконияти чекланган ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мактаб интернатлардаги таълим тарбиянинг бош мақсади эмас. Улар ёшларнинг саломатлиги устида қайғуришади, у ёки бу тўгаракларга жалб қилишади, дам олишини уюштиришади, аммо уларнинг Меҳрибонлик уйларидан, мактабдан кейинги ҳаётга мослашиши жуда оғир кечади.

Интеллектуал фаолликнинг имманент белгилари ва ижтимоий хусусиятлари имконияти чекланган шахсларда соғлом кишилардагидан бошқачароқ кечади, намоён бўлади. Бу нафақат уларнинг психофизиологик имконияти чекланганлиги, шунингдек, жамият тараққиёти қонунларини шахсий амалий тажрибаси, эмпирик изланишлари орқали эмас, балки тайёр илмий-назарий ишланмалар, яъни китоблар, модуллар, ишланмалар орқали қабул қиладилар. Интеллектуал қобилиятнинг ўсиши учун зарур бўлган бундай саъй-ҳаракат, маълумки, диққатни бир жойга жамлаш, кўп вақтни ўйлашга, мушоҳадага сарфлашга ундайди. Имконияти чекланган ёшларда бу жиҳатлар етарлича, вақт эса мудом етарлидир. Шундай бўлса-да, имконияти чекланган ёшлар ичида ўз ҳаётини илм-фанга бағишлашга тайёрлари кўп эмас.

Имконияти чекланган ёшларни ўқтиш, тарбиялаш, касб-корга ўргатиш, ушбу жараёнларда меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш қанчалик муҳим рол ўйнамасин, шахс ҳам ўзининг ҳаёти, келажаги ва ўзлигини намоён

қилишга интилиши зарур. Тайёр шарт-шароитлар кишида истеъмолчилик кайфиятини уйғотиши мумкин, у маълум бир субъектив қарама-қаршиликларни ҳам енгиб яшашга ўрганиши керак. Инсон характери шундайки, унга қанчалик шарт-шароитлар яратиб берсангиз, у шунчалик ёлқовликка, боқимандалик ва дангасаликка мойил бўлиб ўсади. Инсон организмига ҳам, маънавий руҳий шаклланишига ҳам тўсиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш муҳим. Ҳатто оддий организм ҳам ер тортишиш кучини ёки бошқа табиий тўсиқларни енгиб, бартараф этиб, ўзига қувват олади, куч йиғади. Оғир жисмоний машқлар мушакларни бақувват қилганидек, махсус маънавий-руҳий машқлар интеллектни ривожлантиради, ақлу идрокни чиниқтиради. Юқоридаги интеллектуал фаолиятнинг имманент белгилари ва ижтимоий хусусиятлари ҳам маълум бир тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган. Бу тўсиқлар имконияти чекланган ёшлар учун, уларнинг ақлий ва руҳий чиниқишлари, тажриба орттиришлари учун лозимдир. Мазкур тўсиқлар орқали улар ижтимоий ҳаётга тайёрланадилар, мураккаб ва зиддиятларга тўла жамиятда яшашга ўрганадилар. Ижтимоий фалсафий аҳамиятга эга жиҳат шундаки, имконияти чекланган ёшларда интеллектуал фаолликни ривожлантириш инсондаги ички маънавий- руҳий, онг, тасаввур, идрок ва бошқа когнитив-психологик қувватларни ўрганиш, прогнозлаш ва йўналтиришга ёрдам берадиган диагностик тизимни яратишга олиб келади. Жамият тараққиёти билан инсон тараққиёти ўртасидаги уйғунлик, боғлиқлик, социум талаблари билан ногирон ёшларнинг ички потенциали ўртасидаги алоқалар ҳар икки субъект учун ҳам диагностик аҳамиятга эга. Биз жамият тараққиёти ҳақида ижтимоий-фалсафий тадқиқотларга, тавсияларга эгамиз, аммо инсон руҳи, маънавияти ривожи, диагоностикаси борасида ҳали аниқ тасаввурлар шаклланмаган. Шахснинг индивидуал конитив психологик хусусиятлари борлигингини тан олиш, эътироф этиш етарли эмас, уларни йўналтириш технологияси, психодиагностикаси ҳам зарурдир. Шунинг учун интеллектал ривожланишга шахсдаги ички руҳий-маънавий салоҳиятдан фойдаланишнинг самарали усулларини яратиш орқалигина эришиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахметова Д.З. Педагогика и психология инклюзивного образования. −Казань, “Познание”, 2013;
2. Пуанкаре А. О науке. --Москва: Наука, 1983. С.155.
3. “Бир сафда” Ж.,2018, № 1. 28 б.
4. Халиқова Ш.Т. Кўришда нуқсони бор ўқувчилар тафаккури ривожланишининг ўзига хос хусусиялари. Психология фан. номзоди...дисс. автореферати. --Тошкент: 2005. 14-17 б.
5. Абу Али ибн Сино. Мен англаган дунё.- Тошкент: Шарқ, 2015. 59 б.
6. Шопенгауэр А. Афоризми житейской мудрости.-Москва: Интербук, 1990. С.87.

Интеллектуал фаолликнинг имманент белгилари ва ижтимоий жиҳатлари
Кўпалов С.У. Урганч давлат университети

Резюме. Мақолада имконияти чекланган ёшларни интенллектуал, илмий техник ва бадиий эстетик ижодга жалб этиш борасидаги ижтимоий амалий тажрибалар, мактаб интернатларда олиб борилаётган тадбирлар ва уларнинг шахс имкониятларини кенгайтиришга қаратилган жиҳатлари тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: Интеллектуал фаоллик, инклюзив таълим, интеллектуал ижод, имконияти чекланган болалар, илмий техник ва бадиий эстетик ижод.

Имманентные признаки и социальные аспекты интеллектуальной деятельности
Купалов С.Ю. Ургенчский государственный университет

Резюме. В статье приведены конкретные социально-демографические характеристики молодых людей с инвалидностью, которой государство и общество предоставляют особые льготы. Раскрыто содержание социальных мер, призванных к расширению возможностей молодых людей с ограниченными возможностями, к развитию их интеллектуальных, научно-технических, художественно-эстетических способностей.

Ключевые слова: инвалидность, демографический признак, инвалидность, общество, физическое поведение, психическое состояние, личностная потребность.

Immanent features and social aspects of intellectual activity
Kupalov S.Yu. Urgench State University

Summary. This article contains specific socio-demographic characteristics and features of young people with disabilities, due to which the state and society provide them with special benefits. The content of social measures designed to empower young people with disabilities, to develop their intellectual, scientific-technical, artistic-aesthetic abilities has been disclosed.

Key words: disability, demographic character, disability, society, physical behavior, mental state, personal need.

TA’LIMNINIG UZVIYLIGI VA UZLUKSIZLIGINI TA’MINLASHDA O‘QUV DASTURLARIGA QO‘YILAYOTGAN TALABLAR

Mirzayeva F. O.
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Respublikamizda bugungi kunda ta’lim standartlari va mazmunini takomillashtirish bo‘yicha bir qator ustuvor vazifalar belgilangan. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi PF-5712-sonli Farmonida mamlakatimizni 2030-yilga kelib PISA (The Programme for International Student Assessment) xalqaro miqyosda 30 ta

ilg‘or mamlakat qatoriga kirishiga erishish, uzluksiz ta’lim tizimi mazmunini sifat jihatdan yangilashni asosiy maqsad qilib belgilangan [1][12].

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini rivojlantirish konsepsiyasida xalq ta’limi tizimiga oid qonunchilikda, institutsional rivojlanishda, maktab yoshidagi bolalarga zamon talablariga mos ravishda ta’lim-tarbiya berishda ayrim bo‘shliq va kamchiliklarni bartaraf etish, o‘quv jarayonini tashkil etishda davlat ta’lim standartlarini kompetensiyaviy yondashuv asosida takomillashtirish, o‘qitish va baholash metodlari, shuningdek darsliklar va boshqa o‘quv materiallarini tanqidiy fikrlash, axborotni mustaqil izlash va tahlil qilish ko‘nikmalari va boshqa malakalarni rivojlantirishi asosiy vazifalardan biri sifatida qo‘yildi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5 sentyabrdagi “Xalq ta’limi tizimida boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida" gi 3931-sonli qaroriga asosan umumiy o‘rta ta’lim uchun Milliy o‘quv dasturi loyihasi tayyorlandi. Milliy o‘quv dasturi doirasida ishlab chiqilayotgan umumta’lim fanlarining o‘quv dasturlari Vazirlar Mahkamasi huzuridagi ta’lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 6-noyabrdagi “Ta’lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4884-sonli qaroriga muvofiq uzluksiz ta’lim dasturlari majmuasi sifatida tizimga tatbiq etildi.

Milliy o‘quv dasturlari 6 komponentdan iborat iborat bo‘lib, konsepsiya, standart, o‘quv rejasi, o‘quv dasturi, metodologiya va baholashdan iborat. Amaldagi o‘quv rejasi kompleks ishlab chiqilgan bo‘lib, o‘quv predmetga yo‘naltirilgan, o‘quvchilarga real hayotda muvaffaqiyat qozonishi uchun zarur bo‘lgan bilim va ko‘nikmalarni rivojlantirishga yordam beradi. O‘zbekiston Respublikasida umumiy o‘rta ta’lim tizimini sifat jihatdan yangi bosqichga ko‘tarishda Finlyandiya tajribasidan foydalanilmoqda. Islohotlarning maqsadi fin tajribasidan foydalanish hamda ta’lim tizimi va tez o‘zgaruvchan va global muammolarga javob topish lozim. Xususan, bilim, o‘quvchilarning faolligi va sog‘lom turmush hayoti, ta’limdagi tenglik bilan bog‘liq masalalar o‘qitish bilan birga olib boriladi.

Finlyandiya ta’limining asosiy qoidasi teng va sifatli ta’lim bolalar va bolalikni hurmat qilishning, ham shaxslar, ham butun mamlakat uchun barqaror kelajakni barpo etishning eng yaxshi usuli deb hisoblaydi. Ta’limning maqsadi hayot davomida o‘qitishni targ‘ib qilish, barcha o‘quvchilarning har tomonlama rivojlanishi va sog‘lom va farovon hayotni ta’minlash va barqaror hayot tarzi bo‘yicha ularning kompetensiyalarini rivojlantirishdir.

O‘zbekiston Respublikasida Finlyandiya tajribasi asosida ta’lim dasturlarini sifat samaradorligini oshirish maqsadida maktabagcha va umumiy o‘rta ta’lim dasturlari takomillashtirilmoqda.

Xorijiy davlatlarning ta’lim mazmuni va sifatidan kelib chiqib, O‘zbekistonda ta’lim mazmunida mavjud kamchiliklar bo‘yicha tegishli omillar aniqlandi. Jumladan, har bir fan kesimida o‘quv yili yakunida o‘quvchi faoliyati natijalariga qo‘yiladigan talablar hamda uni baholash mezonlari mavjud emasligi; o‘qitish metodikasi va baholash tizimi kompetensiyaviy yondashuvga asosan ishlab chiqilmaganligi; umumiy o‘rta ta’lim maktabi bitiruvchisi egallashi lozim bo‘lgan kompetensiyalarni baholash tizimi yaratilmaganligi; shuningdek, o‘quvchi 4-sinf (10 ta fan o‘qitiladi)dan 5-9 sinf (18 ta fan o‘qitiladi)larga o‘tish davrida o‘rganiladigan fanlar sonining keskin oshib, 8 taga ko‘payishi ularning o‘zlashtirishida bo‘shliqlar, o‘qishning qiyinligidan zo‘riqishni keltirib chiqarishi mumkinligi va natijada ularda o‘qishga bo‘lgan motivatsiyaning pasayishiga olib kelishi mumkin.

Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida, o‘quv jarayonini tashkil etishda ilg‘or xorijiy tajribalarni qo‘llash, o‘quvchilarning qiziqishlarini inobatga olish, maktab bitiruvchilarining oliy o‘quv yurtlariga kirish imtihonlariga tayyorgarlik ko‘rishlariga keng imkoniyatlar yaratish maqsadida 2019-2020-o‘quv yilining 3-choragidan boshlab, 10-11-sinflarda variativ o‘quv rejalarini tajriba-sinovdan o‘tkazish ishlari boshlandi.

2020-2021 o‘quv yilida esa mazkur tajriba-sinov 7-11-sinflar uchun amalga oshirildi. Mazkur o‘quv rejaning tajriba-sinovni tashkil etishda kutilayotgan natijaga erishish uchun belgilangan tanlov yo‘nalishlaridagi fanlarga ajratilgan soatlarda o‘qitishning ilg‘or usullaridan foydalanish belgilangan. [2][13].

Barqaror rivojlanish maqsadlarini amalga oshirish jarayonlari bilan O‘zbekiston ta’lim tizimi uchun bir qator yangi maqsadlarni ilgari surdi. Ta’lim sohasining 2019-2023-yillarga mo‘ljallangan rejasi mavjud o‘quv dasturini yanada tahlil qilish va qayta ko‘rib chiqishga mo‘ljallangan bo‘lib, bunda «o‘quvchilarning bilim olish va qo‘llash ko‘nikmalarini oshirishdan ko‘ra" bilimlarni "to‘g‘ridan-to‘g‘ri berishga ko‘proq e’tibor qaratilayotganligi aniqlandi. Bundan tashqari, Jahon banki tomonidan 2018-yilda O‘zbekistonda ijtimoiy-emotsional ko‘nikmalar bo‘yicha o‘tkazilgan so‘rovda, Toshkent viloyatidagi 60 ga yaqin maktablar qamrab olinib, 9-sinf o‘quvchilarining "hissiyotlarni boshqarish" va "imkoniyatlarni kengaytirish" kabi sohalarda o‘zlarining ijtimoiy-iqtisodiy ko‘nikmalarini o‘rtacha darajadan past baholadilar. Ushbu omillar o‘z-o‘ziga ishonch, moslanuvchanlik, stressni boshqarish va sinovlarni yengishdagi chidamlilikda gender taqsimlanishining noto‘g‘ri taqsimlanganligini ko‘rsatadi.

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining o‘quv rejalarining samarali ishlab chiqilganligi YUNICEF tomonidan o‘tkazilgan so‘rov natijalarida ijobiy baholanib, o‘quvchilarning 62% (til o‘rganish) va 69% (matematika fani bo‘yicha) 2018 o‘quv yilida o‘tilgan fanlar bo‘yicha yetarli bilimlarga egaligida ko‘rindi. O‘quvchilarning o‘z bilimlarini amalda qo‘llash qobiliyatlari past bo‘lib, natijalar kutilganidek samara bermadi (faqat 41-43% ijobiy baho olindi). Bu esa til bo‘yicha o‘tkazilgan test sinovida o‘z tasdig‘ini topib 59% o‘quvchilar matndan ma’lumot topib aniqlashga muvaffaq bo‘lgan bo‘lsada, ammo 47% o‘quvchilar berilgan vazifani talab etilgan darajada bajara olmadilar. Matematikada o‘quvchilarning 63 % hisob-kitoblarni bajarishlari va raqamlar bilan ishlashlari aniqlangan bo‘lsada, ammo ularning faqatgina 36 % muammolarni yechish strategiyalarini namoyish eta oldilar.

[12] https://lex.uz/docs/4312785

[13] Xalq ta’limi vazirligining 2019-yil 28-dekabrdagi 405-sonli buyrug‘i.

Demak, amaldagi o‘quv dasturi o‘ta murakkab va mavzuga yo‘naltirilganligi, u o‘quvchilarga real hayotda muvaffaqiyatga erishish uchun zarur bo‘lgan bilim va ko‘nikmalarni yetarli darajada bermayapti. Bu esa, O‘zbekiston Respublikasi hukumati YUNISEF bilan kompetensiyaga asoslangan ta’lim uchun keng imkoniyatlar va umumiy asos yaratadigan o‘quv dasturlarini ishlab chiqish ustida ish olib borishini taqozo qilmoqda. Xalq ta’limi vazirligi o‘quv-uslubiy materiallar, jumladan darsliklarni chop etish va o‘qituvchilar malakasini oshirish hamda baholash jarayonini takomillashtirish kabi salohiyatni oshirish bo‘yicha uzluksiz ishlashi zarurligini ko‘rsatmoqda.

YUNISEFning “Ta’limni qo‘llab-quvvatlash dasturi doirasida” O‘zbekiston hukumati milliy ta’lim tizimi duch kelayotgan muammolarni hal etish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar rejasini taqdim etdi. Ular orasida o‘rta ta’lim tizimidagi o‘quv dasturlarini isloh qilish choralari ham bo‘lib, bu o‘quv dasturining sifati o‘quvchilarning bandlik salohiyatini oshirishning muhim omili ekanligini ko‘rsatmoqda. O‘quv dasturlarini isloh qilish asosiy kompetensiyalarga, mehnat ko‘nikmalariga, yumshoq ko‘nikmalarga va yuqori darajadagi fikrlash ko‘nikmalariga ko‘proq e’tibor qaratishga yo‘naltirilgan. Bundan tashqari, o‘quv dasturlarini isloh qilish o‘quvchilar va o‘qituvchilar uchun mavjud ta’lim yuklamalarini kamaytirishga, o‘qituvchilarga har yili o‘quv dasturlarini yetarlicha yoritish uchun imkoniyatlarni taqdim etish va shu orqali uzatiladigan va yuqori darajadagi fikrlash ko‘nikmalarini rivojlantirishni rag‘batlantiruvchi keng qamrovli ta’lim berish usulini shakllantirishga yo‘naltirilgan.

O‘quv jarayonida sifatni ta’minlashda o‘quv-uslubiy ta’minotsiz erishib bo‘lmaydi. Shu sababli islohotlarning bir qismi yangi o‘quv-uslubiy materiallarini ishlab chiqishga qaratilgan bo‘lib, yangi kompetensiyalarga asoslangan yo‘nalishni aks ettirish uchun keng ko‘lamda moslashtirishga qaratilgan. Shu o‘rinda, o‘qituvchilarning kasbiy malakalarini oshirish, hamda imtihonlar, baholash va o‘quv natijalariga umumiy yondashuvini o‘z ichiga olgan ta’lim dasturini yangi yo‘nalishiga to‘liq moslashtirish maqsadida magistrlik dissertatsiyasida asosiy vazifalar belgilangan.

Yangilangan o‘quv dasturlari va uslubiy materiallar bo‘yicha darsliklar yaratish hamda nashr etish tizimi ham qayta ko‘rib chiqiladi. Yangi didaktik va uslubiy qo‘llanmalar, zamonaviy va kompetensiyaga asoslangan darsliklar ishlab chiqilib, xalqaro darajadagi ilg‘or amaliyotga moslashtirish uchun dunyoning yetakchi nashriyotlar bilan hamkorlik qiladi. Ushbu hamkorlik aloqalarini yaxshilash va ilg‘or xorijiy tajribalarni tatbiq etish, inson kapitalini ichki va tashqi mehnat bozorida hamda umuman mamlakatda o‘quvchining raqobatbardoshlik darajasini belgilovchi asosiy omil sifatida rivojlantirish maqsadida: o‘quvchi shaxsi, uning intilishlari, qobiliyati va qiziqishlari ustuvorligini ta’minlash; umumiy o‘rta ta’lim mazmunining insonparvarligini saqlab qolish; davlat ta’lim standartining ta’lim sohasidagi davlat va jamiyat talablariga, shaxs ehtiyojiga mosligini ta’minlash; umumiy o‘rta ta’limning boshqa ta’lim turlari va bosqichlari bilan uzluksizligi, ta’lim mazmunining uzviyligini takomillashtirish; umumiy o‘rta ta’lim mazmunining Respublikadagi barcha hududlarda birligi va yaxlitligini ta’minlash; umumiy o‘rta ta’limning mazmuni, shakli, vositalari va usullarini tanlashda innovatsion texnologiyalar asosida shakllantirish; o‘quvchilarda fanlarni o‘rganish va ta’lim olishni davom ettirish uchun tayanch va fanlarga oid umumiy kompetensiyalarni rivojlantirish; rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ta’lim sohasida me’yorlarni belgilash tajribasidan milliy xususiyatlarni hisobga olgan holda foydalanish.

Tahlillar asosida, xalqaro tajribalardan kelib chiqib, shuni aytish mumkinki, muayyan DTS, o‘quv dastur, o‘quv reja, baholash tizimini yaratish va o‘qitish metodikasini tubdan takomillashtirish – o‘quvchilarda hayotiy intellektual, shaxsiy, ijtimoiy va emotsional ko‘nikma va kompetensiyalarini rivojlantirishga yordam beradi.

Xalqaro tajribalar asosida DTS, o‘quv dastur, o‘quv reja, baholash tizimini takomillashtirilishi o‘qitish metodikalariga quyidagi vazifalarni qo‘yadi: o‘quvchilarda liderlik sifati, qobiliyati va kelajakda insoniyat, xalq va jamoani ezgu yo‘lda birlashtira olish ko‘nikmalarini shakllantirish; vatanparvarlik va Vatanga muhabbat tuyg‘usini, bag‘rikenglik, qonunlar, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat bilan munosabatda bo‘lish hamda qat’iy ishonchni shakllantirish; o‘quvchilarning intellektual, ilmiy va ijodiy salohiyatini ochib berish; tabiiy va aniq fanlarni chuqur o‘rgatish, xorijiy tillar, muhandislik va axborot texnologiyalarini o‘zlashtirishni tashkil qilish, o‘quvchilarning innovatsion g‘oyalari va ishlanmalarini rivojlantirish; ta’lim berishning hamda bilim, ko‘nikma va kompetensiyalarni baholashning zamonaviy uslublarini, shuningdek ta’lim dasturlarining integratsiyalashuviga asoslangan o‘qitishning fanlararo yondashuvini joriy qilish; o‘quvchilarni kelajak kasblarga bo‘lgan qiziqishini orttirish, ularda yetakchilik ko‘nikmalari va notiqlik san’atini rivojlantirish, tanqidiy fikrlash, axborotni izlash, tahlil qilish va qayta ishlash, olingan bilimlarni amaliyotda qo‘llash malakasini oshirish; o‘quvchilarning umumta’lim fanlari bo‘yicha xalqaro olimpiadalar, tanlovlar va musobaqalarda munosib ishtirokini ta’minlashdan iborat bo‘lishi; o‘quvchilarning iste’dodi va qobiliyatini har tomonlama rivojlantirish, ularning ilm-fanni egallashga bo‘lgan intilishlarini qo‘llab-quvvatlash, iqtidorini ro‘yobga chiqarish, uzluksiz ta’lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta’lim xizmatlaridan foydalanish imkoniyatlarini oshirish; o‘quvchilarning intellektual va ijodiy salohiyatini rivojlantirish va ularni barkamol, jismonan va ruhan sog‘lom shaxs sifatida Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash, bolalarda mehnatsevarlik, vatanparvarlik, fidoyilik, keng dunyoqarashga ega komil inson bo‘lishga intilish tuyg‘usini shakllantirish; o‘quvchilarda boy adabiyotimiz va ona tilimiz bilan ongli ravishda faxrlanish, ajdodlarga munosib bo‘lish, ularda ona xalqimiz tarixi, madaniyati, milliy qadriyatlarga nisbatan hurmat tuyg‘ularini shakllantirish va rivojlantirish; o‘quvchilarda yon-atrofda va jahonda ro‘y berayotgan siyosiy-ijtimoiy jarayonlarga to‘g‘ri munosabat bildirish ko‘nikmasini, mafkuraviy immunitetni shakllantirish va dunyoni ma’rifat, ilm-zakovat, qalam bilan olish mumkinligi haqidagi g‘oyani ular qalbiga singdirish; o‘quvchilarga xalq og‘zaki ijodi, boy va o‘lmas yozma adabiyotlarni chuqur o‘rgatish va uning mazmun-mohiyatini tahlil qilish, nafaqat mamlakatimiz, balki dunyo xalqlari uchun sevib o‘qiladigan asarlar yaratish, jahon adabiyoti durdonalaridan tarjimalarni amalga oshirish ko‘nikmalarini shakllantirish; o‘quvchilarga chet tillarni chuqur o‘rgatish, aniq va tabiiy fanlarni yuqori darajada o‘rgatish orqali ularda badiiy va ilmiy adabiyotni xorijiy tillarga professional tarjima qilish malakasini shakllantirish; o‘quvchilarda san’atga bo‘lgan qiziqishlarni, qarashlarni, qobiliyatlarni tanqidiy rivojlantirishni qaror

toptirish; o‘quvchilarning ijodiy g‘oyalarini rivojlantirish orqali shaxs, jamiyat va mamlakat farovonligini qo‘llab-quvvatlay olish ruhida tarbiyalashdan iborat bo‘lishi; o‘quvchilarida vatanparvarlik, Vatanga beqiyos muhabbat va sodiqlik tuyg‘ularini, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga nisbatan chuqur hurmatni shakllantirishga yo‘naltirilgan ta’lim-tarbiya jarayoni sifatini oshirish; ta’limning keyingi bosqichi uchun zarur bo‘lgan fanga oid bilim, ko‘nikma va kompetensiyalarni rivojlantirish; bitiruvchilarning davlat tili va bir necha chet tillarini mukammal o‘rganishini ta’minlash; axborot, tajriba va g‘oyalarni almashish, atrofimizdagi olamni o‘rganish, tushunish va unda samarali ishtirok etish maqsadida raqamli axborotlashtirishdan foydalanish ko‘nikmasini rivojlantirish; muayyan fikrlash qobiliyatlarini shuningdek, aqliy va metakognitiv anglashni o‘z ichiga olgan holda o‘quvchilarda intellektual rivojlanish bilan bog‘liq bilim, ko‘nikma va kompetensiyalarni shakllantirish; mavjud imkoniyat va sharoitlarda innovatsion g‘oyalarni yaratish ko‘nikmalarini shakllantirish; o‘quvchilarni egallagan bilimlaridan tashqarida fikrlashda tavakkal qilishga o‘rgatish bo‘lishi kerak.

Umumiy o‘rta ta’lim o‘quv dasturlarini sifat samaradorligini baholashning nazariy va ilmiy asoslari tahlili asosida, o‘quv dasturlarining sifat samaradorligini baholashning ilmiy, nazariy asoslari, baholashning mazmun va mohiyati yaratiladigan o‘quv dasturining umumiy o‘rta ta’lim bosqichlari integratsiyaisiga asoslanishi, yosh xususiyatini hisobga olishi va jamiyat taraqqiyotining ilg‘or yondashuvlarini qamrab olishi lozim. O‘quvchilarda bilim, ko‘nikma va malakani shakllantirishda, sinfda berilgan bilimning o‘quv dasturlari talablariga mosligini baholab borilishi, uzluksiz ta’limda yangi bilim va unga qo‘yiladigan talablarning doimiy takomillashib borishini ta’minlaydi.

АДАБИЁТЛАР

1. Abdullaev Yu.N. Xorijiy oliy ta‘lim. tajriba va taraqqiyot yo‘nalishlari. Darslik. -T.: O‘zbekiston, 2000. - 200 bet.
2. Fayzullaeva N., Miralieva D. ―Jahon ta‘lim tizimi‖ O‘quv qo‘llanma.-T.: Iqtisodiyot, 2011.-145 bet.
3. Bobrova, L.V. Анализ методик отсенки качества образования [Текст] / Л.В. Боброва // Наука и Мир. – 2015. – Т.2. – № 4. – С. 62–63. 5.
4. Belokon, O.V. Осенка качества среднего профессионалного образования с точки зрения работодателей [Текст] / О.В. Белокон // Мир науки, културы, образования. – 2019. – №3(76). – S. 130–133.

Ta’limninig uzviyligi va uzluksizligini ta’minlashda o‘quv dasturlariga qo‘yilayotgan talablar
Mirzayeva F. O. Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Rezyume. Mazkur maqolada, butun dunyo tajribasida ta’lim sifati amaliyotga joriy etilgan o‘quv dasturlarini tahlil qilish orqali ham baholanishi, o‘quv dasturlari sifat samaradorligini oshirishda xalqaro tajribalarning mazmun va mohiyati yoritib berildi. O‘quv dasturlari sifat samaradorligini baholash mexanizmlarini ishlab chiqish orqali xalqaro anzodalarga mos ta’limni joriy etish bo‘yicha o‘quv dasturlari sifat samaradorligini baholash mezonlari ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: baholash, o‘quv dasturi, ta’lim, ta’lim sifati, mazmun, metodika, samara, mexanizm, tahlil, tajriba.

Требования к образовательным программам по обеспечению целостности и непрерывности образования
Мирзаева Ф.О. Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Резюме. В данной статье освещается важность международного опыта повышения качества и эффективности учебных программ, а также проводится анализ образовательных программ, реализуемых на практике во всем мире. Разработаны критерии оценки качества образовательных программ для приведения образования в соответствие с международными стандартами путем разработки механизмов оценки эффективности образовательных программ.

Ключевые слова: оценка, учебная программа, образование, качество образования, содержание, методология, эффективность, механизм, анализ, опыт.

Requirements for educational programs to ensure the integrity and continuity of education
Mirzayeva F.O. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Summary. This article highlights the importance of international experience in improving the quality and effectiveness of curricula, as well as the analysis of educational programs implemented in practice around the world. Criteria for evaluating the quality of educational programs have been developed to introduce education in line with international standards by developing mechanisms for evaluating the effectiveness of educational programs.

Key words: assessment, curriculum, education, quality of education, content, methodology, effectiveness, mechanism, analysis, experience.

МОТИВАЦИОННАЯ ГОТОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ К УЧЕБНОМУ ПРОЦЕССУ С ПОМОЩЬЮ МЕТОДА ПРОЕКТОВ

Альджанова Г. А.
Каракалпакский государственный университет

Современное информационное общество ставит перед высшим профессиональным образованием задачу подготовки специалистов, способных к саморегуляции и саморазвитию, владению различными профессиональными навыками и компетенциями, представлению о себе как о профессионале. Несомненно, что это задача не столько содержания образования, сколько используемых методов обучения.

Актуальность требований предъявляемых к системе высшего образования в области организации образовательного процесса, к совершенствованию традиционных и разработке новых образовательных технологий, является одной из центральных проблем в педагогике и педагогической психологии Мотивационный аспект учебной деятельности студентов является предметом пристального внимания как отечественных, так и зарубежных ученых. Возможность развития учебной мотивации определяется самой образовательной системой, организацией учебного процесса, субъектными особенностями обучающегося и педагога, спецификой учебного

предмета. Сегодня специалисты приходят к мысли о необходимости целенаправленного формирования у студентов мотивации учебной деятельности. Для формирования познавательной мотивации студентов вуза ключевой является проблема развития эмоционального отношения к предмету, которое вызывает у студентов желание познать изучаемый предмет, стимулирует увлечение этим предметом, вовлеченность в исследовательский поиск, использование различных форм самостоятельной работы, привлечение на занятие технических средств обучения и т.д.

Теоретическая разработка проблемы мотивации учения позволила выявить ряд условий, которые создают благоприятную почву для развития положительной мотивации учения: усвоение научных понятий, раскрытие условий их происхождения, формирование специфической учебной деятельности (П.Я. Гальперин, В.В. Давыдов, А.К. Маркова, Д.Б. Эльконин и др.) профессиональной направленности (В.К. Вилюнас, В.А. Сластенин и др.); создание противоречий между известным и неизвестным (Ю.М. Орлов, В.И. Шкуркина и др.); организация коллективной деятельности (В.Я. Ляудис, П.И. Пидкасистый и др.); использование системы поощрений и порицаний (Б.Г. Ананьев, И. Лингарт и др.); показ значимости знаний (В.С. Ильин, А.А. Вербицкий, В.И. Беляков и др.); создание перспектив (А.К. Маркова, А.Б. Орлов и др.), использования развивающего обучения, (Д.Б. Эльконин, В.В.Давыдов, М.Н.Скаткин, Л.В.Занков, С.Н.Лысенкова. В.Т.Кудрявцев), использование проектного обучения (Т.В.Кудрявцев, М.М.Махмутов, И.Я.Лернер, К.Дункер, С.Л.Рубинштейн, А.М.Матюшкин). использование конструктивистских подходов (Д. Дьюи, Л.С.Выготский, П.Я.Гальперин, Т.В.Кудрявцев, В.В.Давыдов, Б.М.Бим-Бад, Д.В.Эльконин, М.И.Махмутов), компетентностного обучения (О.В.Акулова, Н.Ф. Ефремова, А.П.Тряпицына, А.В. Хуторских и др

Многие авторы рассматривают мотивационную готовность в рамках деятельностного подхода в качестве одного из компонентов психологической готовности к различным видам деятельности. Так профессиональная готовность к педагогической деятельности, рассматривается как сложное структурное образование, центральным ядром которого является позитивные установки, мотивы и освоенные ценности учительской профессии. В эту готовность входят также профессионально важные черты характера, педагогические способности, совокупность профессионально-педагогических знаний, навыков, умений, определенный опыт их применения на практике. Профессиональная готовность находится в единстве с направленностью на профессиональную деятельность и устойчивыми установками на труд" [1, 4]. Как фактор психологический готовности к профессиональной педагогической деятельности мотивационная готовность рассматривается как: сложное структурное образование, центральным ядром которого является позитивные установки, мотивы и освоенные ценности учительской профессии; целостное личностное образование, характеризующееся совокупностью внешних и внутренних мотивов, побуждающих студентов к реализации своих профессиональных знаний, навыков и умений в современной социокультурной сфере; наличием высокого уровня сформированных общепрофессиональных компетенций, представлений о себе как о профессионале.

На основе изучения теоретических подходов к понимаю «мотивационной готовности», были выявлены ее компоненты: мотивационный, когнитивный, личностно-деятельностный, рефлективно-оценочный .

Современное образование находится в стадии трансформации от старой модели школы знаний к новой, школе компетентностей. Педагоги ищут ответа на старый вопрос о том, чему учить и как учить в условиях трансформации цивилизации. Активные и интерактивные методы обучения, обучение через создание обучающей среды, основывающиеся на принципах прагматического конструктивизма, а также различные формы самоорганизации в обучении, выходят на передний план инноваций в образовании в развитых странах. В настоящее время приоритет отдается смешанным формам обучения, взаимодополнению одних другими. Таким образом, мы также можем рассматривать мотивационную готовность студентов, как способность управлять своими действиями, моделировать, планировать способы своей деятельности и взаимодействия; реализовывать намеченные программы; контролировать ход и адекватно оценивать результаты своих действий, взаимодействий; рефлексировать свою деятельность [2]. Анализ педагогической литературы, диссертационных исследований последних десятилетий показал, что интерес к педагогическим технологиям, их широкому внедрению в практику школьного и вузовского образования существенно возрос. Наиболее популярной из современных образовательных технологий является технология проектного обучения, разрабатываемая зарубежными и отечественными учеными, которые рассматривают проектное обучение как целостную технологию, способствующую овладению обучающимися методологическими знаниями, умениями, способами деятельности; как основу дальнейшего самообразования; как средство развития творческих способностей обучаемых, коммуникативной, исследовательской, информационной и др. компетенций [3; 4; 5].

Применительно к образовательному процессу вуза сущность технологии проектного обучения заключается в стимулировании интереса студентов к определенным, реально существующим проблемам, к поиску самостоятельных решений. Технология проектного обучения имеет высокий внутренний потенциал для развития самостоятельности, формирования профессиональных компетенций и мотивационной готовности студентов педагогических вузов, так как организация проектной деятельности студентов позволяет научить студентов не столько получать профессионально значимые знания в готовом виде, сколько приобретать их самостоятельно, побуждает и направляют их к более глубокому изучению и осмыслению будущей профессиональной деятельности; развивает коммуникативные и исследовательские умения, творческие способности, формирует познавательную мотивацию. Все это в свою очередь предполагает разноплановое и многообразное общение,

аналитическую деятельность, выявление проблем, построение гипотез, планирование и проведение эксперимента, наблюдение за результатами и их анализ, обобщение, выводы.

При анализе метода проектов с точки зрения компетентностного подхода, сравнивая принципы метода проектов и характеристики профессиональной компетентности, мы пришли к заключению, что метод проектов (по умолчанию) работает на формирование профессиональных (как новых так и традиционных) компетенций. Так принцип опоры на опыт обучающегося формирует аналитическую компетенцию, а принцип проблемности — научно-исследовательскую и т. д.

- Принцип метода проектов; Профессиональная компетенция; Опора на опыт обучающегося; Аналитическая, а также коммуникативная; Проблемность; Научно-исследовательская; Развитие образовательных потребностей; Методологическая; Контекстность; Технологическая; Результативность; Проектная, а также информационная системность; Психолого-педагогическая подготовка.

Во втором разделе «Опытно-экспериментальное исследование эффективности формирования мотивационной готовности к профессиональной деятельности студентов на основе использовании в обучении метода проектов на базе педагогического вуза» представлены ход и результаты практической работы по исследованию.

Моделирование процесса формирования мотивационной готовности студентов основано на требованиях высшего профессионального образования и общества, отражающих социальный заказ к уровню подготовки современного специалиста, обладающего высшим профессиональным образованием. Использование метода проектов в учебно-воспитательном процессе высшего учреждения создаёт необходимый комплекс новых инструментов, стимулирующих студенческий коллектив к достижению высоких результатов образовательной деятельности, содействуют обеспечению выбора адекватных технологий деятельности, способствует созданию потокового состояния у студентов во время выполнения проекта. Исходя из предположения, что одним из результативных средств достижения поставленных задач является использование в учебном процессе метода проектов, который обеспечивает предоставление возможностей образовательному учреждению и самой личности формирования мотивационной готовности к профессиональной деятельности, их саморазвитие и самореализацию, определены принципы, этапы и педагогические условия, способствующие формированию мотивационной готовности студентов.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Дурай-Новакова К.М. Профессиональная готовность как подструктура личности будущего учителя — М.: МГПИ, 1980.
2. Кашлев, С. С. Педагогические условия развития субъектности студента в педагогическом процессе вуза / С. С. Кашлев [Электронный документ]. Режим доступа: http://charko.narod.ru/tekst/sb_2002/09-Kashlev.htm. Дата доступа: 07.01.2009.
3. Пахомова Н.Ю. Проектное обучение — что это? // Методист. — 2004 — № 1. — С. 42-45.
4. Ступицкая М.А. Новые педагогические технологии: учимся работать над проектами. — Ярославль: Академия развития, 2008.
5. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: учеб. пособ. для пед. вузов и институтов повышения квалификации. — М.: Народное образование, 1998.
6. Бим И. Л. Личностно-ориентированный подход — основная стратегия обновления школы / И. Л. Бим // Иностранные языки в школе. — 2002. — № 2. — С. 11–15.

Loyiha usulidan foydalangan holda o'quvchilarning o'quv jarayoniga motivatsion tayyorgarligi

Aljanova G. A. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume. Ushbu maqolada asosiy e'tibor ta'lim jarayonida loyiha usulidan foydalanishga qaratilgan, bu quyidagi motivlar to'plamini shakllantirishni ta'minlaydigan zaruriy pedagogik shart: o'rganishga ijobiy munosabat, chuqurroq o'rganishga rag'batlantirish. va kelajakdagi kasbiy faoliyatni tushunish.

Tayanch so'zlar: aqliy harakatlar, tushunchalar, faoliyat yondashuvi, algoritm, loyiha usuli.

Мотивационная готовность студентов к учебному процессу с помощью метода проектов

Альджанова Г.А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В настоящей статье основное внимание сосредоточено на использовании в образовательном процессе метода проектов, как необходимого педагогического условия обеспечивающего формирование совокупности таких мотивов как: позитивное отношение к обучению, побуждение к более глубокому изучению и осмыслению будущей профессиональной деятельности.

Ключевые слова: умственные действия, понятия, деятельностный подход, алгоритм, проектный метод.

Motivational readiness of students for the educational process using the project method

Aljanova G.A. Karakalpak State University

Summary. In this article, the main attention is focused on the use of the project method in the educational process, as a necessary pedagogical condition that ensures the formation of a set of such motives as: a positive attitude to learning, an incentive to deeper study and comprehension of future professional activity.

Key words: mental actions, concepts, activity approach, algorithm, project method.

ТАЪЛИМ 1.0 ДАН ТАЪЛИМ 2.0 ОРҚАЛИ ТАЪЛИМ 3.0 ГА ЎТИШ

Адизов С. Р.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Бугунги кундаги Интернет инсон тушунчаси, тафаккури ва хулқ-атворининг улкан ойнаси ва порталига айланди. Демак, мантиқан олиб қараганда, умумтаълим мактаблари болалар ва ёшларнинг бугунги кунда соғлом,

интерактив ва ижтимоий тарафдан ҳаракат қилишлари, ўрганишлари, ишлашлари ва турли ўйинлар ўйнашларига ёрдам бериш учун Интернет орқали содир бўлаётган воқеаларни мослаштиришда давом этишади, деб ўйлаймиз. Лекин афсуски, бундай эмас. Бугунги кунда аксарият ўқитувчилар Таълим 3.0 ни режалаштириш ва амалга оширишлари керак бўлган бир пайтда Таълим 1.0 билан шуғулланишмоқда ва Таълим 2.0 ни амалга ошириш ҳақида гапиришмоқда.

Таълим 1.0: Педагогик таълим. Таълим 1.0, бу уч "Тингловчи"га, яъни, ўқитувчини тинглаш орқали қабул қилишга, эслатмалар ёзиш, матн ўрганиш ва иш варақаларини бажариш орқали жавоб беришга ва барча талабалар каби бир хил баҳо олишга асосланган таълими туридир. Ўқувчиларга ўша билимнинг идишлари сифатида қарашади, бироқ идишлар сифатида улар ўзига хос хусусиятларга эга бўлишмайди. Барча ўқувчиларга бир хил деган назария билан қараш асосидаги стандартлаштирилган ёки универсал таълимдир.

Бугунги кунда шуни англаб етдикки, Интернетдан олдинги вақтларда ўқитувчилар маълумотларнинг асосий сақловчиларидан бири бўлишган. Таълим 1.0 тарихнинг ўша давридаги ресурслари ва технологияларини ҳисобга олган ҳолда кўпинча энг яхши танлов бўлган. Кутубхоналар ва янгиликлар нашрларидан ташқари, талабаларни маълумот билан таъминлаш ўқитувчига боғлиқ бўлган. Шундай қилиб, Вебнинг бошланғич босқичларига ўхшаб, ўқитувчининг асосий роли ўқувчиларга бир томонлама, кўпинча дидактик шаклда сермазмун билимларни бериш эди. Таълим 1.0 ўқитувчидан ўқувчига бир томонлама тарқатилувчи билимлар мавжуд бўлган Web 1.0 билан таққосланиши мумкин. Таълим 1.0 нинг Web 1.0 билан қандай ўхшашлиги борлигини таққослаб кўрайлик. Таълим 1.0, Webнинг биринчи авлоди сингари, асосан бир томонлама жараёндир. Ўқувчилар ўқитувчилардан таълим олиш учун мактабга боришади, у ўқувчиларга мунтазам равишда турган ҳолатда маълумот беради, у синф конспектлари, тарқатма материаллари, дарсликлар, видеофильмлар ва сўнгги пайтларда Интернетдан фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин. Талабалар асосан уларга етказиладиган ахборот ресурсларининг истеъмолчиларидир ва гарчи улар ушбу манбалар атрофидаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин бўлса-да, бу фаолиятлар аксарият ҳолларда ажратилган. Ушбу фаолиятларнинг натижалари камдан-кам ҳолларда талабалар уларни амалга оширишда қабул қиладиган ахборот ресурсларига ҳисса қўшади.

Таълим 1.0 ни фалсафий йўналишни ўргатиш ва ўрганиш эссенциализми ёки инструктивизми деб таснифлаш мумкин. Ушбу таълим тизимлари ёки фалсафалари Таълим 1.0 ёки анъанавий педагогик ўқитиш тизимининг хусусиятларига мос келади.

Эссенциализм барча талабаларни энг муҳим ёки асосий академик билим ва кўникмаларга эга бўлишларига ва шахсни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Эссенциалистик тизимда талабалар кейинги юқориоқ синфга кўтарилишидан олдин ўз даражаларидаги маълумотларнинг асосий қисмини ва асосий техникаларини ўзлаштиришлари талаб этилади. Эссенциалистлар синфлар ўқитувчиларга йўналтирилган бўлиши кераклигини таъкидлашади. Ўқитувчилар ёки талабалар қизиқишини деярли ҳисобга олмасдан талабалар учун нимани ўрганиш муҳимлигини ҳал қилишади. Ўқитувчилар, шунингдек, ўсишни баҳолаш воситаси сифатида эришилган синов натижаларига эътибор беришади.

Инструктивистик таълим назариясида билим ўқувчидан мустақил равишда мавжуд бўлиб, ўқитувчи томонидан талабага берилади. Ўқитувчига йўналтирилган модел сифатида инструктивистик қараш талабага маъруза шакли орқали маълумот тарқатиш билан намоён бўлади. Ушбу назария талабадан инструктор (ўқитувчи) томонидан тақдим этилган маълумот ва билимларни пассив равишда қабул қилишни талаб қилади.

Таълим 1.0 нинг фалсафий асосларини тушунишнинг сўнгги қисми - бу педагогика. Европада ва Америкада таълимнинг энг устун шакли, ёки баъзи одамлар дидактик, анъанавий ёки ўқитувчига йўналтирилган ёндашувларни педагогика деб номлайди. Таълимнинг педагогик модели дастлаб ўрта асрларда Европанинг монастир мактабларида ривожлантирилган. Ёш болалар монастирларга қабул қилинарди ва бу болаларни итоаткор, содиқ ва черковнинг самарали хизматкорлари бўлишларини талаб қиладиган кўрсатма тизимига биноан роҳиблар ўқитдилар. Педагогик моделда ўқитувчи нима ўрганилишини, қандай ўрганилиши, қачон ўрганилиши ва материал ўрганилганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Одатда, педагогика ёки ўқитувчига йўналтирилган таълим ўқувчини бўйсунувчи ролида ўқитувчининг кўрсатмаларига бўйсунишини талаб қилади. Бу эса ўқувчилар фақат ўқитувчи уларга нимани ўргатса, ўшанигина билишлари керак, деган тахминга асосланади. Ушбу эссенциалистик, инструктивистик, педагогик ўқитиш модели ҳар ерда учровчи ахборот ва технологияларнинг ҳозирги замонавий даврида ҳам болалар боғчаларидан тортиб, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ҳам энг устун модел бўлиб қолмоқда.

XXI аср технологиялари асосида ўқувчи эссенциалистик, инструктивистик ва педагогик таълим муҳитида ва ўқитувчининг кўрсатмаси билан қуйидагиларни амалга ошириши мумкин: Электрон китоблар ва Веб-сайтлар орқали маълумотлар олиш, аммо булар кўпинча ўрганувчиларнинг шарҳлашлари, баҳам кўришлари ёки маълумот билан ўзаро алоқада бўлишлари учун ҳар қандай интерактивлик турига ёки имкониятларига эга эмас.

• Материални ва маълумотни дидактик равишда тарқатишга қаратилган жонли ёки видео маърузаларни томоша қилиш, ўрганиш ва қайд қилиш.

• Мобил иловалардан фойдаланиш, бунда ўқувчиларга ушбу технологиялар орқали йўналиш бўйича кўрсатмалар берилади ва викторина саволлари орқали тўғри жавобларни беришлари сўралади.

Таълим 2.0: Ўқитиш ва ўрганишга андрагогик, конструктивистик ёндашув. Веб 2.0 сингари Таълим 2.0 ҳам материал ва фойдаланувчилар ўртасида ва фойдаланувчиларнинг ўзлари ўртасида интерактивликка рухсат беради. Веб 2.0 ёрдамида фойдаланувчилар шунчаки маълумот ва материалга кириш босқичидан, уни

шарҳлаш ва ижтимоий тармоқлар орқали баҳам кўриш орқали материал билан бевосита алоқада бўлиш имконияти мавжуд бўлган босқичга ўтишади. Web 2.0 да шунингдек, фойдаланувчиларнинг бир-бири билан тўғридан-тўғри синхрон ва асинхрон равишда алоқада бўлишига имкон берувчи ижтимоий тармоқларнинг ривожланишини кўриш мумкин. Web 2.0 сингари Таълим 2.0 ҳам ўқитувчи ва талаба ўртасида, талабадан талабага ҳамда талабадан материалга ва мутахассисга қаратилган кўпроқ ўзаро алоқаларни ўз ичига олади. Таълим 2.0 ўрганиш учун инсон элементи муҳим бўлган илғор илдизларга эга. Ўқитувчи-ўқувчи ва ўқувчи-ўқувчи ўртасидаги муносабатларга ўқув жараёнининг бир қисми сифатида қаралади. Таълим 2.0 уч ҳаракатга, яъни мулоқот қилиш, ҳисса қўшиш ва ҳамкорликда ишлашга қаратилган.

Таълим 2.0 таълимга анъанавий ёндашувларни кенгайтириш учун Web 2.0 технологияларидан фойдаланилганда юз беради. Таълим 2.0 блоглар, ижтимоий шарҳлар ва тегишли иштирок этиш технологияларидан фойдаланишни ўз ичига олади, аммо технологиялар қўлланиладиган шароитлар ҳали ҳам асосан Таълим 1.0 доирасида амалга оширилади. Гарчи кенгроқ ўзгартириш учун замин яратилаётган бўлса-да, таълим жараёнининг ўзи сезиларли даражада ўзгармайди.

Баъзи умумтаълим мактаблари раҳбарлари ва ўқитувчилари босқичма-босқич қадам ташлаб, синфда лойиҳавий ва сўровли ўрганиш, кооператив таълим, глобал таълим лойиҳалари, Skyредан фойдаланиш орқали янада боғланган, ижодий Таълим 2.0 га ўтишади ва синфда блоглар ва бошқа ижтимоий тармоқларни баҳам кўришди. Шундай бўлишига қарамасдан, Таълим 2.0 да ўқитувчи ҳали ҳам ўрганишнинг бошқарувчиси ҳисобланади. Бунда у ҳали ҳам ўқув фаолиятини ривожлантиради ва ўрганишнинг йўналтирувчиси ҳисобланади.

Таълим 2.0 фаол, тажрибавий, ҳақиқий, долзарб ва ижтимоий тармоқдаги ўқув тажрибаларининг принциплари синф ёки курс тузилмасига киритилган ҳолда, андрагогик, янада конструктивистик таълим йўналишларининг хусусиятларини қабул қилади. Андрагогика катталар таълимини ўргатиш учун тавсифланган, аммо асосий принциплар андрагогикадан ажратилиши ва кўпчилик ёш гуруҳларини ўқитишда қўлланилиши мумкин.

Андрагогик модел - бу ўрганувчиларга маълумот ва кўникмаларни эгаллашга ёрдам берувчи босқичлар ва манбаларни таъминлаш билан боғлиқ жараён. Ушбу моделда ўқитувчи ўқувчиларни жараёнга жалб қилиш учун бир қатор процедураларни тайёрлайди: (а) ўрганиш учун қулай муҳит яратиш, (б) ўзаро режалаштириш механизмини яратиш, (в) ўқув эҳтиёжларини ташхислаш, (г) ушбу эҳтиёжларни қондирадиган дастур мақсадларини (таркибини) шакллантириш, (д) ўқув тажрибаларининг тузилмаларини лойиҳалаш, (е) ушбу ўқув тажрибаларини мос техника ва материаллар билан ўтказиш ва (ж) ўқув натижаларини баҳолаш ҳамда ўқув эҳтиёжларини қайта ташхислаш.

Асл, ҳақиқий дунё муаммоларига, тармоқ орқали ўрганишга ва ҳамкорликдаги рақамли воситалардан фойдаланишга йўналтирилган лойиҳа асосида ўрганиш андрагогик йўналишга мос келади.

Бугунги кунда ўқитувчилар сони тобора кўпайиб бораётгани илғор технологияларга асосланган таълим воситалари даври келганини билдиради. Таълимни ривожлантириш учун ўқув дастурлари ва онлайн воситалардан фойдаланиш кўпчилик умумтаълим мактабларида янгилик эмас. Кўплаб ўқитувчилар ўқувчиларни таълимий Интернет-сайтларга йўналтиришган ва PowerPointда ҳисоботларни тақдим этиш одатий ҳолга айланган эди. Энди эса ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳамкорлик, таҳлил ва тақдимотларнинг янги даражасига имкон берувчи тобора кенгайиб бораётган рақамли воситаларни танлашлари мумкин.

Андрагогик, конструктивистик ўқув муҳити одатда қуйидаги хусусиятларга эга: 1. Конструктивистик ўқув муҳитлари ҳақиқатнинг бир нечта кўринишларини таъминлайди. 2. Ушбу кўринишлар ҳақиқий дунёнинг мураккаблигини намойиш қилади. 3. Билим репродукциясида билим конструкцияси таъкидланади. 4. Ўқувчилар ҳақиқий вазифаларда мазмунли контекстларда қатнашишади. 5. Ҳақиқий дунё созламалари тақдим этилади. 6. Тажриба бўйича чуқурроқ мулоҳаза юритиш тавсия этилади. 7. Ўқувчилар орасида ҳамкорлик ва ижтимоий музокаралар тавсия этилади. 8. Олдинги билимларни бирлаштириш ва фаоллаштириш мавжуд. 9. Изланишли ўрганиш, биргаликдаги фаолият ва амалий фаолиятлар кўпинча ўқув фаолиятига қўшилади.

Таълим 3.0: Ўқитиш ва ўрганишга коннективистик ёндашув. Web 3.0 бизга шахсий манфаатларга асосланган бепул, осонликча мавжуд бўлган ва мослаштирилган муҳим, интерактив ва тармоқли контентни тақдим этмоқда. Web 3.0 фойдаланувчиларга янада бой ва муҳим тажрибаларни тақдим этади. Кўпчилик, шунингдек, Web 3.0 ёрдамида ҳар бир фойдаланувчи шу фойдаланувчининг ташриф тарихига асосланган ҳолда ноёб Интернет-профилга эга бўлишига ишонишади. Web 3.0 ташриф тажрибасини ҳар бир шахсга мослаштириш учун ушбу профилни ишлатади. Web 3.0 теглар ва ёрлиқларни излаши ва энг зарур натижаларни фойдаланувчига қайтариши мумкин бўлади. Таълим 3.0 шахсийлаштирилган, мустақил белгиланувчи таълим тушунчасига асосланган. Таълим 3.0 муаммоларни ҳал қилиш, инновация ва ижодкорлик таълимни юритишга хизмат қилувчи мустақил белгиланувчи, қизиқишга асосланган таълимдир.

Таълим 3.0 ўқувчиларнинг ўзи баҳам кўрилган билим артефактларининг яратувчиси сифатида асосий рол ўйновчи ва ижтимоий тармоқ ва ижтимоий имтиёзлар таълимда кучли рол ўйновчи таълим имкониятлари билан тавсифланади. Артефактлар, одамлар ва жараён ўртасидаги фарқ, макон ва вақт фарқлари каби ювилиб кетади. Сиёсат ва стратегияларни ўз ичига олган институционал механизмлар тақдим этилган имкониятларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун ўзгаради. Чегараларнинг бузилиши билан (ўқитувчилар ва талабалар, муассасалар, ва фанлар ўртасидаги) ўрганиш ва ўргатиш жараёнларига алоҳида эътибор берилади.

Таълим 3.0 ҳам, шунингдек, уч ҳаракат ҳақида, аммо бошқа тўпламдаги, яъни - боғловчилар, яратувчилар ва конструктивистлар ҳақида. Улар Таълим 2.0 нинг уч ҳаракатидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Энди улар

мустақил бўлиб, ўқитувчининг ёрдами билан ўрганишни “бажариш”га эмас, балки ўз тақдирини ўзи белгиловчи ўқувчи бўлиш санъатига айланишади. Ўрганувчилар ўқитувчи ҳақиқатан ҳам ён томонда кўрсатма бериб туриши билан, ўзларининг ўқув тажрибаларининг муаллифлари, ҳайдовчилари ва баҳоловчиларига айланишади.

Европа мамлакатларида ўтказилган сўровларга кўра, бутун мамлакат бўйлаб, олий таълим муассасаларида асосан тегишли ўқув жараёни бўлмаган тақдирда, талабалар тобора кўпроқ ўзларининг таълимий тақдирларини ўз қўлларига олишмоқда ва ўзларининг шахсий ҳаётларида фойдаланадиган турли хил воситаларни ўқув эҳтиёжларини қондириш ва ўзларини келажакка тайёрлаш учун мослаштирмоқдалар. Ушбу “мустақил ўрганувчи” талабалар профили бугунги кундаги талабаларнинг кўп қисми таълимга яқинлашиш йўлини аниқ тасвирлайди. Ушбу ўқувчилар учун мактаб, ўқитувчи ва дарслик энди билим, таркиб ва ҳаттоки таълим жараёни бўйича эксклюзив монополияга эга эмас. Бу талабалар аудиторияда содир бўлаётган воқеаларни ўз ичига олиши ёки олмаслиги мумкин бўлган шахсийлаштирилган ўқув тажрибасини яратиш учун турли хил ўқув манбаларини, воситаларини, дастурларини, ташқи мутахассисларни ва бир-бирларини қўллашади.

Web билан ўзаро алоқада бўлиш орқали ўзларининг норасмий ўқув тажрибалари туфайли талабалар аллақачон мустақил ўрганиш билан боғлиқ кўплаб кўникмаларга эгадирлар. Ўқитувчилар талабаларга ушбу қобилият ва кўникмаларни кўпроқ расмий таълим шароитларига ўтказишда ёрдам беришлари мумкин ва ёрдам беришлари керак. Таълим 3.0 да ўқитувчининг ўрни ҳақиқатан ҳам ён томондан йўл кўрсатувчи, мураббий, ресурс таклиф этувчи ва жонкуярга айланади, чунки талабалар ўзларининг таълим сафарларини ўзлари яратишади. Ўқитувчи кўпроқ ҳаётий тажрибага эга, ўрганиш жараёни ҳақида билади ва таълим мақсадлари учун ахборот ресурслари ҳамда ижтимоий тармоқларни қандай топиш, аниқлаш ва фойдаланиш бўйича кўпроқ билимга эга.

Демак, ўқитувчи нафақат талабаларни янада самарали йўналишларга йўналтиришга ёрдам беради, балки у мустақил ўрганиш жараёнини моделлаштиради ва шу билан талабаларнинг ушбу таълим турига бўлган қобилиятини оширади. Талабаларнинг ўзлари ҳам бир-бирлари учун устоз, ўқитувчи ва намунали ўқувчига айланиб, самарали таълим учун энг яхши амалиёт ва стратегияларни баҳам кўришади.

Таълим 3.0 ўқитувчилар, ўқувчилар, тармоқлар, алоқалар, оммавий ахборот воситалари, манбалар ва воситалар индивидуал ўрганувчиларнинг, ўқитувчиларнинг ва ҳатто жамият эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлган ўзига хос субъектни яратади. Таълим 3.0 ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчининг ўқув йўли ўзига хос, шахсийлаштирилган ва мустақил бўлишини тан олади. Ўқитиш ва ўқишда Таълим 3.0 да ўқувчилар юқори даражада автоном ва мустақил, бунда ўқувчиларнинг салоҳияти ва қобилиятини ривожлантиришга аҳамият берилади. Гарчи Таълим 3.0 кўпинча катта ёшли ўқувчилар учун таърифланиб, тавсифланса-да, аммо ҳозирги пайтда биз очиқ таълим манбалари ва маълумотларнинг кўплиги шароитида яшаяпмиз.

Бошланғич даражадаги ёш ўқувчилар таълимга асосланган таълим тажрибалари билан шуғулланиш имкониятига эга. Бошқача қилиб айтганда, улар нафақат ўзларининг ўқув йўли йўналишини белгилашлари, балки улар билан боғлиқ таркиб соҳасига ёки ўқув майдонига қадр-қиймат қўшадиган таркибни ҳам ишлаб чиқаришлари мумкин бўлган мустақил белгиланадиган ва мустақил бошқариладиган таълим билан шуғулланишлари мумкин.

Мазкур янги ўқув манзараси чуқур, кенг ва глобал алоқалар учун имкониятлар яратди. Жорж Сименс коннективизмнинг хусусиятларини қуйидагича белгилаган: Таълим ва билим турли хил фикрлардан туғилади. Таълим бу ихтисослашган тугунларни ёки ахборот манбаларини улаш жараёнидир. Таълим инсонга тегишли бўлмаган қурилмаларда яшаши мумкин. Кўпроқ билиш қобилияти ҳар қачонгидан кўра муҳимроқдир. Узлуксиз ўрганишни осонлаштириш учун алоқаларни шакллантириш ва сақлаб қолиш зарур. Соҳалар, ғоялар ва тушунчалар ўртасидаги алоқаларни кўриш қобилияти асосий нарса ҳисобланади. аниқ, долзарб билимлар) - бу барча коннективистик ўқув фаолиятининг мақсади. Қарор қабул қилишнинг ўзи ўқув жараёнидир. Нимани ўрганишни танлаш ва кирувчи маълумотларнинг маъноси ўзгарувчан ҳақиқат призмаси орқали кўринади. Ҳозир тўғри жавоб бўлса-да, қарорга таъсир қилувчи ахборот муҳитидаги ўзгаришлар туфайли эртага нотўғри бўлиши мумкин.

Ушбу барча ўрганиш тамойиллари табиий равишда Таълим 3.0 га олиб келади. Таълим 3.0 коннективистик ўқув муҳитида ўқувчилар: Нималарни ўрганишни хоҳлашларини аниқлашади ва керакли курс натижаларининг кенг доирасига асосланиб, таълим олишлари учун ўзларининг ўқув мақсадларини ишлаб чиқишади. Қандай қилиб ўрганишларини ҳал қилиш учун ўзларининг ўқув афзалликлари ва технологияларидан фойдаланишади. Ўқитувчи томонидан тавсия этилган ёки ташкил этилган ижтимоий тармоқ воситаларидан фойдаланиб, ўзларининг ўқув жамоаларини шакллантиришади. Бугунги кунда кўпгина тегишли дастурларга эга бўлиши мумкин бўлган тармоқларга қуйидагилар киради: *Facebook, Twitter,* Instagram, блог сайтлари, YouTube ва бошқа ижтимоий тармоқлар. Талабалар ўқув артефактларини намойиш қилишда ва ишлаб чиқаришда фойдаланишлари мумкин бўлиши учун таркиб билан боғлиқ манбаларни жорий этиш ва Web 2.0 ҳамда бошқа онлайн воситаларни таклиф қилиш мақсадида ўқитувчилар ва уларнинг ўқув жамоаларининг бошқа аъзолари тажрибасидан фойдаланишади. Ўзларининг билимларини ўзлари учун энг мос келадиган усул ва воситалар ёрдамида намойиш этишади. Бунга блог юритиш, фоторепортажлар яратиш, видео ёки подкастлар тайёрлаш, расм чизиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш ва ҳ.к.лар учун ўзларининг мобил қурилмаларидан фойдаланиши киритилиши мумкин. Ўқитувчилар ва уларнинг ҳамкасбларидан фикр-мулоҳазалар олиш учун ташаббус кўрсатишади. Аммо ушбу мулоҳазалардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик уларнинг танловидир.

Шундай қилиб, Таълим 3.0 учун вақт етиб келганлигини, биз бепул ва мавжуд онлайн манбалар, маълумот яратиш ва алмашиш учун воситалар ва тармоқ имкониятлари мукаммал шароитида эканлигимизни ҳисобга олсак, маъмурлар ва ўқитувчиларга Таълим 3.0 ёндашувини амалга оширишга нима халақит беради? ҳеч бўлмаганда бир оз вақтга? Ўқитувчилар таъкидлаган баъзи сабабларга қуйидагилар киради: “Менинг етарлича вақтим йўқ”; “Менда етарли манбалар йўқ”; “Мен кўпроқ ривожланишим керак”; “Мен дарсликдан фойдаланиб дарс беришим керак”; “Мен синовга ўргатишим керак”; “Мен синф назоратини йўқотишим мумкин”; “Мен ҳар доим одатдаги йўл билан муваффақиятли таълим бериб келмоқдаман”.

Бу ўқитувчиларнинг Таълим 1.0 муҳитида қатъий ўқитувчи бўлиш ҳақидаги маҳкам ўрнашган фикрлашининг аломатларидир. Кўп ўқитувчилар ўқитишнинг ушбу парадигмасида қолишга мажбур бўлишади. Аммо, аслида, бу ташқи тўсиқлардир, бунда ўзгаришларга қаршилик кўрсатишда айбнинг аксарияти ўқитувчи жавобгарлигидан ташқарида бўлади. Натижада ўрганилган ожизликнинг қатъий фикри: “Мен ўзгара олмайман, чунки тизим менинг ўзгаришимга имкон бермайди”, бўлади. Баъзан ўқитувчилар ўзлари учун аслида мавжуд бўлмаган баъзи тўсиқларни яратишади. “Улар билан суҳбатлашиш” ёки муайян ўзгаришларни талаб қилиш кўпинча қаршиликнинг янада кучлироқ тўсиқларини яратади.

Психологик силжиш, кўпинча ўрганилган ожизликка олиб келадиган қатъий фикрлашни ўсиш ва ижобий фикрлаш тарзига ўзгартирганда пайдо бўлади, бунда қуйидаги вариантлар мавжудлигига ишонилади: шахс ўсиши, ўзгариши ва аҳамиятли бўлиши мумкин. У иш бермайдиган нарсадан кўра, нима иш бериши мумкинлигига эътиборни қаратади. Бунда мақсад ўқитувчилар дуч келадиган тўсиқларни қадрсизлантириш эмас. Бунда ўзгариш мумкин бўлган жойни таъкидлаш ва ўқитишда кичик ўзгаришлар киритиш ҳақида гап боради. Кичик ўзгаришлар кўпинча катта, тизимлироқ ўзгаришга олиб келади.

Ўқитувчилар, аввалambор, ўқувчиларга дарс беришлари учун ўқитувчи бўлишди. Ўқувчи барча ўқитишга қаратилган саъй-ҳаракатларда марказий ўринда бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Azman, N., Sirat, M. and Ahmad, A.R. (2014) ‘Higher education, learning regions and the Malaysian transformation policies’, Higher Education Policy 27(3): 301–321.
2. Becker, G.S. (1975) Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education, New York: Columbia University Press.
3. Benos, N. and Zotou, S. (2014) ‘Education and economic growth: A meta-regression analysis’, World Development published online 2 August. http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/ S0305750X14002009.
4. Bo¨hm, S., Grossmann, V. and Steger, T.M. (2015) ‘Does expansion of higher education lead to trickle- down growth?’, Journal of Public Economics published online 9 October. http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0047272715001681.
5. Cui, Y.P. (2001) ‘On contributions of Chinese higher education to economic growth’, Education and Economy 1(1): 1–5.
6. Hassan, G. and Cooray, A. (2014) ‘Effects of male and female education on economic growth: Some evidence from Asia’, Journal of Asian Economics published online 28 September. http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1049007814000682.
7. Krueger, A. and Lindahl, M. (2001) ‘Education and growth: Why and for whom?’, Journal of Economic Literature 39(4): 1101–1136.
8. Li, J. (2016) ‘The global ranking regime and the reconfiguration of higher education: Comparative case studies on research assessment exercises in China, Hong Kong, and Japan’, High Education Policy 29(4): 473–493.
9. Ma, P.Y. and Mi, H. (2012) ‘The nexus of higher education scale and economic growth: An empirical study’, Education and Economy 2(1): 17–21.
10. Pereira, J. and St Aubyn, M. (2009) ‘What level of education matters most for growth? Evidence from
11. Portugal’, Economics of Education Review 28(1): 67–73.
12. Schultz, T. W. (1961) ‘Investment in human capital’, American Economic Review 51(1): 1–17.
13. Self, A. and Grabowski, R. (2004) ‘Does education at all levels cause growth? India, a case study’, Economics of Education Review 23(1): 47–55.
14. Solarin, S.A. and Yen, Y.Y. (2016) ‘A global analysis of the impact of research output on economic growth’, Scientometrics 108(2): 855–874.

Таълим 1.0 дан таълим 2.0 орқали таълим 3.0 га ўтиш

Адизов С. Р. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,

Резюме. Мақола Интернет ва Веб ривожланишни таълим ривожланиши билан таққослайди. Маълумки, Веб, Интернет, ижтимоий тармоқлар, ривожланаётган ва янги пайдо бўлаётган технологиялар, ресурслар, воситалар очиқ ва бепул маълумот олишнинг мукаммал шароитини яратди. Натижада одамлар нафақат нимани ўрганишлари, балки қандай, нима учун ва қаерда ўрганишлари масалалари бўйича ҳам ўзгаришлар содир бўлди.

Калит сўзлар: Таълим 3.0, эссенциализм, инструктивизм, электрон китоблар, инновацион жараён, инновацион экотизим, илмий-инновацион ривожланиш, илмий - инновацион салоҳият.

Обучение от Образования 1.0 через Образование 2.0 к Образованию 3.0

Адизов С.Р. Министерство высшего и среднего специального образования

Резюме. В статье сравнивается Интернет и веб-разработка с образовательной разработкой. Эволюцию Интернета от Web 1.0 до Web 2.0, а теперь и до Web 3.0 можно использовать как аналогию необходимости развития образования, а также движения образования от образования 1.0 к образованию 3.0. Интернет, социальные сети, появляющиеся технологии, ресурсы, инструменты создали идеальные условия для открытого и свободного доступа к информации. В результате произошли изменения не только в том, чему люди учатся, но и в том, как, почему и где они учатся.

Ключевые слова: Образование 3.0, эссенциализм, инструктализм, электронные книги, инновационный процесс, инновационная экосистема, научно-инновационное развитие, научно-инновационный потенциал

Learning from Education 1.0 through Education 2.0 to Education 3.0

Adizov S.R. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education

Summary. This article compares Internet and web development with educational development. The evolution of the Internet from Web 1.0 to Web 2.0 and now to Web 3.0 can be used as an analogy for the need for education to evolve, as well as the movement

of education from Education 1.0 to Education 3.0. It is known that the Internet, social networks, emerging technologies, resources, tools have created ideal conditions for open and free access to information. As a result, there have been changes not only in what people learn, but also in how, why and where they learn.

Key words: Education 3.0, essentialism, instructionalism, e-books, innovation process, innovation ecosystem, scientific and innovative development, scientific and innovative potential

---

KO'P O'ZGARUVCHILI FUNKSIYA EKSTREMUMI MAVZUSINI O'QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH.

Abduganiyeva O.I, Abdusattorov A.U.
Toshkent davlat texnika universiteti

Malakali kadrlarni tayyorlash uzoq muddatli , murakkab jarayon bo'lib,uni amalga oshirishda ilg'or o'qitish texnologiyalarini qo'llash va axborot texnologiyalaridan samarali foydalanishni taqazo etadi.Oliy matematikani o'qitishdan maqsad-talabalarda mantiqiy,algoritmik,matematik tafakkurni shakillantirish va rivojlantirish. Axborot texnologiyalarini ta'lim jarayonida qo'llash asosan ikki xil ko'rinishda amalga oshiriladi. Birinchi sharti bu texnik jihozlar bo'lsa, ikkinchisi sharti esa maxsus dasturiy ta'minotlar bilan ta'minlanganligidir.

Maple tizimi xatoliklarni qayta ishlash va ko'rsatish, ifodalar va ular bilan ishlash,ifodalarni baholash va hisoblash, tenglama va tengsizliklarni yechish. Matematik analiz masalalari (ketma-ketliklar ustida amallar, funksiya xosilasi, funksiya integrali, differensiallash, qatorlar ustida amallar, Teylor va Makloren qatoriga yoyish, funksiya ekstremumini aniqlash, uzluksizlikka tekshirish) bilan ishlash, aniq integralni taqribiy xisoblash, funksiyalarni grafiklarini chizish, chiziqli bo'lmagan transendent tenglamalrni yechish, differensial tenglamalarni yechish, ikki va uch o'lchamli oshkormas funksiyalrni grafini yasash kabi bir qator matematik imkoiyatlarga ega.


Funksiyalarning hamma hususiyatlarini aniqlab beruvchi vositalar mavjud emas Shuning uchun funksiyalarni individual ravishda tahlil qilishga to'g'ri keladi.

Maple tizimida funksiyalarning ekstremumlarini (maksimal va minimal) qiymatlarini hisoblash uchun qator funksiyalar mavjud. Ulardan biri ***extrema*** *(exp, constrs, vars)* funksiyasidir. Uning yordamida *expr* ifodaning *constrs* cheklashlarda *vars* o'zgaruvchilar bo'yicha ekstremumlari aniqlanadi. Cheklashlar va o'zgaruvchilar yakka holda yoki ro'yhatlar ko'rinishida berilishi mumkin. Aniqlangan ekstremumlar *"s"* o'zgaruvchiga taqdim qilinadi. Agar tenglik yoki tengsizlik ko'rinishidagi cheklashlar berilmagan bo'lsa ularning o'rniga bo'sh figurali qavs yoziladi:

```
> extrema(2x^2+3x+1,{},x,'s');s;
```

$$\left\{-\frac{1}{8}\right\} \qquad \left\{\left\{x=-\frac{3}{4}\right\}\right\}$$

```
> plot(2x^2+3x+1,x=-3..1,y=-1..5);
```





```
> extrema(sin(x)^2,{},x,'s');s;
```

$$\{0,\ 1\}$$

$$\left\{\left\{x=\frac{1}{2}\pi\right\},\ \{x=0\}\right\}$$

```
> plot(sin(x)^2,x=-1..3,y=-1..1);
```



Ko'p o'zgaruvchili funksiyalarni ekstremumga tekshirish.

Ko'p o'zgaruvchili funksiyalarda ham yuqoridagi kabi kiritiladi.

Masalan: $f(x,y)=x^2+y^2-3x+3y+3$ funksiyani minimumini aniqlaylik.

$$minimize\left(x^2-3x+y^2+3y+3, location\right);$$
$$-\frac{3}{2}, \left\{\left[\left\{x=\frac{3}{2}, y=-\frac{3}{2}\right\}, -\frac{3}{2}\right]\right\}$$

Aynan shu misolni ma'lum shartlar ostida ya'ni $x\in[2;4]$ va $y\in[-4;-2]$ oraliqda tekshiramiz:

$$minimize\left(x^2-3x+y^2+3y+3, x=2..4, y=-4..-2, location\right);$$
$$-1, \{[\{x=2, y=-2\}, -1]\}$$

$f(x,y)=-x^2-y^2+3x+3y+3$ funksiyani maksimumini aniqlaymiz.

$$maximize\left(-x^2+3x-y^2+3y+3, location\right);$$
$$\frac{15}{2}, \left\{\left[\left\{x=\frac{3}{2}, y=\frac{3}{2}\right\}, \frac{15}{2}\right]\right\}$$

Bu misolni ma'lum shartlar ostida ya'ni $x\in[2;4]$ va $y\in[-4;-2]$ oraliqda tekshiramiz:

$$maximize\left(-x^2+3x-y^2+3y+3, x=2..4, y=-4..-2, location\right);$$
$$-5, \{[\{x=2, y=-2\}, -5]\}$$

$f(x,y,z)=axyz$ funksiyani $x^2+y^2+z^2=1$ shartni qanoatlantiradigan ekstremum nuqtalarini quyidagicha aniqlanadi:

$$extrema\left(axyz, x^2+y^2+z^2=1, \{x,y,z\}\right);$$
$$\left\{\max\left(0, -\frac{1}{9}\sqrt{3}\,a, \frac{1}{9}\sqrt{3}\,a\right), \min\left(0, -\frac{1}{9}\sqrt{3}\,a, \frac{1}{9}\sqrt{3}\,a\right)\right\}$$

Agar funksiyaga beriladigan shartlar ko'p bo'lsa quyidagicha yozish mumkin:

$$> f:=\left(x^2+y^2\right)^{\frac{1}{2}}-z;\ g1:=x^2+y^2-16;\ g2:=x+y+z=10 \quad f:=\sqrt{x^2+y^2}-z \quad g1:=x^2+y^2-16$$
$$g2:=x+y+z=10$$
$$>extrema(f, \{g1, g2\}, \{x,y,z\}, 's')$$
$$\left\{-6-4\sqrt{2}, -6+4\sqrt{2}\right\} >s$$
$$\left\{\left\{x=-2\sqrt{2}, y=-2\sqrt{2}, z=4\sqrt{2}+10\right\}, \left\{x=2\sqrt{2}, y=2\sqrt{2}, z=-4\sqrt{2}+10\right\}\right\}$$

Agar natija murakkab holatda chiqsa *normalizer* funksiyasidan foydalaniladi: Masalan,


$$>f:=\left(x^2+y^2\right)^2+\frac{1}{x^2+y^2}+\left(x^2-2x+1+y^2\right)^2+\frac{1}{x^2-2x+1+y^2}: \quad >minimize(f)$$

Maple dasturi yordamida ko'p o'zgaruvchili funksiya grafigini yasash.

Maple dasturida funksiyalar grafiklarini yasashda biz *implicitplot, rotate, impllicitplot3d* kabi funksiyalardan keng foydalanamiz.


Oshkormas funksiyani grafigini *implicitplot* funksiyasi yordamida chiziladi.

$$> with(plots):$$
$$implicitplot\left(y^2-3=x^3-1, x=-10..10, y=-10..10\right):$$



Oshkor funksiyani grafigini *plot funksiyasi yordamida chiziladi*

$$> plot\left(\left[x^2, x, x=-10..10\right]\right);$$




Funksiya grafigini burish uchun *rotate* funksiyasidan foydalaniladi

```
> with(plottools) :
> with(plots) :
> p := plot([x^2, x, x = -10 ..10]) :
> r := rotate(p, π) :
> display(p, r)
```

$9x^2 + 16y^2 - 90x + 32y + 97 = 0$ ikkinchi tartibli egri chiziqni chizish uchun

```
with(plots) : implicitplot(9*x^2 + 16*y^2-90*x + 32*y + 97 = 0, x = 0 ..10, y = -6 ..6);
```



Uch o'zgaruvchili oshkormas funksiyalarni chizish uchun *impllicitplot3d* funksiyasidan foydalaniladi. Masalan, birlik sharni grafigini chizaylik: $x^2 + y^2 + z^2 = 1$

```
with(plots) :
implicitplot3d([x^2 + y^2 + z^2 = 1], x = -2 ..2, y = -2 ..2, z = -2 ..2, grid = [13, 13, 13]);
```

Yuqorida bayon etilgan fikrlar yordamida talabalarda matematikaga qiziqishini yanada oshirish, fanlararo uzviy bo'liqlikni ko'satish,ertangi mutaxasisni matematik modellar bilan ishlash ko'nikmasini shakillantirish mumkin.Bu esa talabalarni o'z ustida ishlashiga,izlanishiga turtki bo'ladi.

ADABIYOTLAR

1. Abduqodirov A.A,Yuldoshev I.A. Informatika o'qitish metodikasi.Toshkent .Fan va texnologiyalar.2010y.
2. Azlarov T., Mansurov H., "Matematik analiz "1,2-qism T. O'qituvchi, 1994.
3. Yo.Soatov."Oliy matematika" 3-qism.Toshkent.1996y.
4. Говорухин В.Н., Цибулин В.Г. "Введение в MapleV". Математический пакет для всех. М.: Мир, 1997.

Ko'p o'zgaruvchili funksiya ekstremumi mavzusini o'qitishda Maple dasturidan foydalanish.
Abduganiyeva O.I, Abdusattorov A.U.TDTU

Rezyume. Keltirilayotgan ushbu Келтирилаётган ушбу **"**Ko'p o'zgaruvchili funksiya ekstremumi mavzusini o'qitishda Maple dasturidan foydalanish" nomli maqolada informatika asoslarini matematika faniga tatbiqi bo'yicha qo'llash usullarining muhim ba'zi qismlari keltirilgan. Maple dasturi yordamida funksiyalarning grafiklari chizib ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: matematika, informatika, dasturlash, innovasion,funksiya, ekstremum, o'sish, kamayish, maksimum, minimum, grafik, algoritm, yaqinlashuvchi, uzoqlashuvchi, nuqta, son, chekli, cheksiz, soha.

Использование программы Maple при обучении темы «Экстремум функции многопеременных»
Абдуганиева О.И., Абдусаттаров А.У. Ташкентский государственный технический университет

Резюме. В этой статье под названием «Использование программы Maple при обучении темы «Экстремум функции многопеременных»» представлены некоторые из наиболее важных частей того, как применять основы компьютерных наук к математике. Графики функции строят с помощью программы Maple.

Ключевые слова: математика, информатика, программирование, инновации, функция, экстремум, увеличение, уменьшение, максимум, минимум, график, алгоритм, приближение, удаление, точка, число, конечное, бесконечное, площадь

Using the Maple program when teaching the topic of the extremum of a function of many variables

Abduganieva O.I., Abdusattarov A.U. Tashkent State Technical University

Summary. The article titled “Using the Maple program in learning the theme «Extremum of the function of multivariables»” introduces some of the most important parts of how to apply computer science fundamentals to mathematics. Function graphs are built by using the Maple program.

Key words: mathematics, computer science, programming, innovations, function, extremum, increase, decrease, maximum, minimum, graph, algorithm, approximation, removal, point, number, finite, infinite, area

---

ОТА-ОНАЛАРНИ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ДОИР ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАР

Байджанова И. А.

Урганч давлат университети

Кўҳна давлатимиз ва миллатимизнинг ёруғ ва маданиятли келажаги ёш авлодни тўғри тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқлиги илмий-маданий ва тарихий манбалардан маълум. “Авесто”да оила- никоҳ муносабатлари, оилавий бурч ва фарзанд тарбияси хусусида бир қатор фикрлар баён қилинган. Унда қариндошларнинг ўзаро оила қуриши қатъий ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Унда кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги, бир йўла 2-3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовор эканлиги уқтирилади[1, 66]. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маонавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди»[2, 5]. Бир қасидада Зардўшт шундай савол беради: «Ким ойнинг ҳам чиқиб, ҳам сўнишини яратган? Ким ерни ва тушиб кетмасин деб булутларни ушлаб туради? Ким сув ва дарахтларни яратган? Ким шамол тезлигини булутлар билан қовуштирган? Қайси мусаввир нур ва зулматни, туш ва бедорликни яратган? Ким эрталаб, тушки пайт ва кечага итоат этувчининг руҳини бошқаради? Ким отанинг юрагига ўғил кўриш орзусини солган? Бунинг ҳаммасини Ахура-Мазда бунёд этган. Уни ўз руҳидан, одамни жонли, онгли, ўзини-ўзи англагувчи қилиб яратган»[3, 32].

Келажак авлодни ҳар доим тарбиялаш ва камол топтириш оилани тўғри ташкил этиш, оилавий тарбияни шакллантиришдан келиб чиқади. Чунки оила қонун нуқтаи назаридан ҳам, ислом маърифати нуқтаи назаридан ҳам асосий ижтимоий бирлик бўлиб, оилани ташкил этиш, фарзандлар тарбияси жамият олдидаги энг катта вазифалардан биридир. “Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар, аввало, ижтимоий қадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда. Шу нуқтаи назардан, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир”[4, 43]. Оила мустаҳкам ва мустаҳкам, маънавий-ахлоқий соғлом бўлса, жамият барқарор бўлади. Шарқ мутафаккири Муҳаммад Ғаззолий “Насиҳат-ул-мулук” асарида: “Ота-она сув манбаига ўхшайди, агар сув мусаффо бўлса, қуйи оқим ҳам мусаффо бўлади”, деган эди. Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда фарзандларимиз ота ва она бўлишади. Оилада тарбиявий муҳитни яратиш ва унинг шароитида болаларни тарбиялаш уларнинг маданий-маърифий дунёқарашининг кенгайишига олиб келадики, буларнинг барчаси миллий ўзликни англашга эришиш воситасидир.

Ота-она учун фарзанднинг касби, гўзал хулқ-атвори ифтихор асоси бўлса, ота-онанинг ҳаётининг барча жабҳалари, ибратли фаолияти фарзанд учун фахр-ифтихордир. Ота-оналар фарзандларининг билимли, касб-ҳунарли бўлиб етишиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришлари, ўзлари танлаган касбни танлаш ва тайёрлашга кўмаклашиши керак. Форобий бу ҳақида шундай дейди: “Раҳбарлар (эр ёки хотин) ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни хам ўзгартирмоғи керак. Акс холда ўтмиш талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч кандай енгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди”. Шунингдек, “Бахт саодатга эришув йулида нимаики (билим, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар) ёрдам берса, уни сақламоқ, мустахкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур”[5, 224].

Фарзанд тарбиясида оилага мактаб ва маҳалланинг кўмаги доимий бўлиши керак. Ривоятда ёш ота-оналар Абу Али ибн Синодан етти кунлик фарзандимизни қачон тарбиялашни бошлашимиз керак, деб сўрашган. У етти кун кечиккан, чунки тарбия туғилган кундан бошланади, деб жавоб берди. Бунга жавобан Абу Али ибн Синонинг тингловчини ўйлантириб қўядиган буюк маъноси бор: болани яхши ном қўйиш ва уни ёмон хулқ-атвордан асраш, ўз фарзандини яхши билиш ва унга бола тарбиясининг ягона воситаси мушоҳада эканлигини ўргатиш”.

Аллоҳ таоло бу дунёни мана шундай улуғворлик ила яратганида, бу дунёнинг ободлигини барча махлуқотлари орасидан одам фарзандига нисбатлади. У зот барча зоҳирий ва ботиний неъматларни ўз ихтиёрига қўйди, токи одамлар бу дунёнинг омон қолиши ва обод бўлиши учун ҳаракат қилсинлар. Инсон ҳаётининг табиати Худо томонидан шундай тартибга солинганки, бу дунёдаги инсон ҳаёти бирин-кетин ўтиб кетади. Авлодлар навбатма-навбат ўтади, ота-она ўрнини болалар эгаллайди. Шунинг учун ҳам дунё ободлиги, инсон ҳаёти аждодлари ота-боболари фарзандларига қандай мерос қолдирса, яъни тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимизда буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари ва алломаларнинг ҳаёти улар қолдирган маънавий мерос, нодир қўлёзмаларни тадқиқ қилиш, асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш бўйича давлатимизнинг кенг кўламли сиёсати амалга оширилмоқда [6, 2]. Инсон ҳаётидаги бола боғбоннинг

етиштиришига боғлиқ бўлган ёш дарахтга ўхшайди. Боғбон ўз боғига ғамхўрлик қилиш учун кўп меҳнат қилса, тез орада мевали дарахт етиштиради. Боғбон ўз боғига бепарволик қилса, мевасиз, бефойда дарахтдан бошқа ҳеч нарсага эриша олмаслиги аниқ. Аллоҳ таолонинг инсонга берган энг ширин неъмати бўлган фарзанд дарахтга, ота-она эса боғбонга ўхшайди. Шундай экан, Аллоҳ таоло фарзанд берган ҳар бир ота-она уларнинг тарбияси учун раҳмдил Парвардигори олдида жавобгардир. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримда: (“Таҳрим” сураси, 6-оят) Яъни, Аллоҳ таоло ушбу муборак оятда ҳар биримиз ўз ҳаётимизни, фарзандларимизни охиратда ёнаётган оловдан қутуладиган тарзда яшашимиз кераклигини таъкидлайди. Шу боисдан ҳам Махдуми Аъзам: “авлиё-ю анбиёларнинг хаттиҳаракатларининг сири никоҳда, бўлиши мумкин. Зероки, уларнинг ёр ясаганликлари ундан кейиндур, бу кишининг яқини бўлиши ёхуд ҳар киши ўз жузъиёти (иккинчи қисм) жиҳатидан бўла олар эди,” деб ёзади [7, 13].

Албатта, ота-она фарзандни дунёга келтиргач, туғилган пайтданоқ болага таълим-тарбия бериш, тарбиялаш, унга гўзал инсоний одоб-ахлоқ, одоб-ахлоқни ўргатишни бошлайди. Фарзандни тарбиялашдан мақсад озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, машина, пул, мулк каби моддий шароит яратиш эмас, балки ҳақиқий тарбия маънавий тарбиядир. Насиҳатчи бўлган Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўгитларида гўзал ахлоқ ва тўғри тарбияга маълум даражада урғу берилган. Жумладан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида: “ Ота-онанинг фарзандларига берган энг яхши ва энг азиз неъмати уларни гўзал одобли қилиб тарбиялашдир”, дедилар. (Маорифул-Ҳадис, Термизий ривояти). Фарзанд ота-онанинг саъй-ҳаракати билан эзгу инсон бўлиб, билим, кўникма ва касб-ҳунар эгалласа, жамият фахрига, ота-оналарнинг бугунги саховатига айланади. Аммо ота-она фарзанд тарбиясига бепарволик қилса, бола ахлоқсиз, безори, сотқин ва қотилга айланади, даҳшат ва ватанпарварлик қилади, бу ота-оналар учун бундан ортиқ даҳшат эмас, лекин шунга қарамай, ота-оналар Аллоҳнинг ҳузурида уларнинг тарбияси учун масъулдирлар. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Бахтиёр оила” асарида никоҳни шарафли, муборак аҳд, деб таъкидлайди. Аллоҳ таоло уни бандалари фойдаси, эзгу мақсадларга эришишлари учун жорий қилган [8, 528].

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам яна бир ҳадиси шарифларида: “Фарзандларингизни ҳурмат қилинглар ва уларга гўзал одобларни ўргатинглар” , дедилар. (Ибн Можа ривояти, Маориф ал-Ҳадис). Ота-онанинг фарзандга бўлган ҳурмати, ота-онанинг уни Аллоҳнинг неъмати ва омонати деб билиши ва бу қимматли омонатга хиёнат қилмасликка ҳаракат қилишидир. Чунки омонат катта масъулият ва омонат эгаси Аллоҳ бўлса, бундан ҳам улуғроқ бўлади. Бу бобда буюк мутафаккир Абдуҳамид Муҳаммад Ғаззолий ўзининг “Бахт кимёси” асарида шундай дейди: Ер мусаффо бўлгани учун ундаги ҳар бир уруғ ўсимликдир. Эзгулик уруғини эксанг, дин ва дунё саодатига эришасан. Агар итоатсизлик қилсалар, бадбахт бўлади, агар у ёмон иш қилса, ота-онаси ўша боланинг дунё ва қиёматда азобига шерик бўлади. Бошқа бир ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Фарзандларингизга совға беришда тенг бўлинглар .. Бундан келиб чиқадики, муқаддас ислом дини ва Муҳаммад алайҳиссалом шариати барча учун олий йўл-йўриқ бўлган таълим-тарбия ва ахлоқ билан боғлиқ фикрларга тўла. Бу ҳақда Қуръоннинг бир қатор сураларида оятлар келтирилади: «Эр-ўзлари ва оиласига тааллуқли барча нарсалар тўғрисида доимо хотини билан бамаслаҳат иш қилиши лозим, чунки улар сўзсиз равишда тенг шерикдирлар» (3-сура, 159-оят)[9.49]. «Аллоҳ сизларни оналарингиз қорнидан бирон нарса билмаган ҳолингизда чиқарди ва шукур қилишингиз учун сизларга қулоқ, кўзлар ва дилларни берди» (16-сура, 78-оят) [10.190]. «Эркаклар хотинлари устида раҳбардурлар. Бунга сабаб Оллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-ҳаражат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва эрлари йўқлигида Оллоҳнинг ҳифзу ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз иффатларини) сақловчи хотинлар яхши хотинлардир»[11, 59].

Дарҳақиқат, бугунги кунда айрим ота-оналар фарзандининг таълим-тарбиясига унчалик эътибор бермаяпти. Бир томондан, меҳнат миграцияси ва савдосига интилиш, иккинчи томондан, тўғри таълим олиш зарурлигини тушунмаслик барча ўсмирларнинг таълимга тўлиқ жалб этилмаслигига олиб келди. Афсуски, бугун ҳар куни соатлаб қўни-қўшнилар билан кўча суҳбати, кино томоша қилиш, бозорда сайр қилиш ва бошқа маъносиз ўйин-кулгилар билан ўтказаётган оналарни кўрамиз, лекин бу соатларни фарзанд тарбиясига ажратаолмайди. Яъни, бир онанинг нотўғри тарбиясидан яна юзлаб, ҳатто минглаб инсонлар азоб чекмоқда. Афсуски, бугунги кунда бундай ахлоқсиз, тарбиясиз болаларни жамиятнинг барча жабҳаларида учратиш мумкин, бунга ота-оналарнинг ўзлари айбдор. Чунки кўпчилик олимларнинг фикрича, агар бола хулқ-атворининг 30 фоизи ирсий бўлса, унинг 70 фоизи таълимга боғлиқ.

Сўнгги йилларда таълим жараёнига таъсир кўрсатаётган яна бир ҳодиса – глобаллашув ва турли ахборот манбаларидан эркин фойдаланиш, чет эл маданияти ва қадриятларининг кириб келишидир. Шундай экан, ҳар биримиз фарзандларни тўғри тарбиялаш, ўз-ўзини англайдиган, юксак ахлоқли инсон бўлиб вояга етиши учун Аллоҳ, жамият ва болаларнинг ўзи олдида масъул бўлишимиз зарур. Буларнинг барчаси ўз зиммамизга олган масъулиятни тўлиқ ва содиқлик билан бажарсакгина амалга ошади. Фарзанд тарбияси жамиятнинг асосий вазифасидир. Жамият таълими баркамол, муҳит соғлом бўлса, тарбия жараёни самарали бўлади. Оила тарбияси муҳим вазифа бўлиб, ота-онадан катта эътибор ва масъулият талаб қилади. Фарзандлар тарбиясига бирдек масъул ота-оналарнинг вазифаси ҳам фарзандларни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялаш, жамиятга ҳисса қўшишдир. Болани шундай тарбиялаш керакки, унда энг аввало одоб-ахлоқ, юксак инсоний интеллект бўлсин. Шунда у яхши китобхон, ўқишга иштиёқли бўлиб улғаяди. Инсонпарварлик, ватанпарварлик ғурури, миллий, умуминсоний ва маданий қадриятларга ҳурмат кўрсатиш янада маънавий хусусиятга эга бўлиб, у инсон онгида бутун умри давомида доимий равишда шаклланиб боради. Бундай тафаккурнинг шаклланишида атроф-муҳитнинг таъсири

ҳам асосий рол ўйнайди. Фарзандларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг яхши йўлларидан бири ота-оналарнинг ўзларининг ибратли хулқ-атворидир. Болалар эътиборини миллий ютуқларга қаратиш, халқ қаҳрамонлари ҳақида онгни шакллантириш ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришга хизмат қилади. Болалар онгига ғаразли фикрлар, жумладан терроризм кириб келишининг олдини олиш учун уларни кучли ва чидамли қилиб тарбиялаш зарур.

Тарих гувоҳлик берадики, маданиятли халқимиз азалдан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб, ўз фарзандларини ватанпарварлик, ўз-ўзини билиш, билим ва маърифат, ёшлик ва одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашга доимо ҳаракат қилиб келган. Чунки айнан оилани мустаҳкамлаш, соғлом ва билимли авлодни тарбиялаш ва тарбиялаш жамият тараққиёти, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, цивилизациялар барқарорлигини таъминлаш воситаларидан биридир.

АДАБИЁТЛАР

1. Арапбаева Д. К., Арапбаева В. К. Шарқ мутафаккирларининг оила ва тарбия ҳақидаги қарашлари. Т.: “Замонавий таълим”, 2015. -Б. 66.; Хасанов С. Хоразм маърифати - олам кузгуси. - Т.: «Укитувчи», 1996. –Б.304.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, //Мулоқот. - Тошкент: 1998, 5-сон, 5-б.
3. Маҳмудов Т., Авесто ҳақида. - Тошкент: «Шарқ», 2000 , 32- б.
4. Тошкентда ИҲТ ТИВКнинг 43-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза си. // https://kun.uz/56106155?q=%2F56106155
5. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. - Т.: Абдулла Кодирий номидаги халк мероси нашриёти, 1993. Б.224.
6. Мирзиёев Ш.М. “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. Т. 2017 йил, 15 июнь.
7. Ахмад Хожагий Косоний. Асрор-ун- никох. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ. № 501/И ; - Б. 13.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Бахтиёр оила”. –Тошкент; «Hilol» нашриёт-матбааси, 2022. –Б.528.
9. Қуръони карим. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Аллоуддин Мансур). – Т.: Чўлпон. 49-б.
10. Шу нашр. «Наҳл» сураси, 190-б.
11. «Нисо» сураси, 34-оят, 59-б.

Ата-аналардың перзент тәрбиясындағы жуўапкершилигин асырыўға тийисли педагогикалық қараслар
Байджанова И.А. Ургениш мәмлекетлик университети

Резюме. Мақалада ата-аналар перзентлериниң билимли, кәсип өнерли болып жетисияи ушын зәрүр шәрт-шараятларды жаратып бериўлери, өзлери таңлаған касипти таңлаў ҳәм таярлаўға көмеклесиў ҳәм де перзент тәрбиясында шаңараққа мектеп ҳәм мәҳаллелердиң көмеги турақлы болыўы кереклиги, инсан өмириниң тәбияты, ата-ана перзентти дүньяға келтиргеннен соң, туўылған пайытында ак балаға тәлим тәрбия бериў, тәрбиялаў, оған гөззал инсаныйлық әдеп-икрамлылықты үйретиў маселелери сөз етиледи.

Таяныш сөзлер: тәлим-тәрбия, әдеп –этиканы үйретиў, шаңарақты беккемлеў, мәмлекетлик ҳәкимиятты беккемлеў.

Ота-оналарни фарзанд тарбиясидаги масьулиятини оширишга доир педагогик қарашлар
Байджанова И. А. Урганч давлат университети

Резюме. Мақолада, ота-оналар фарзандларининг билимли, касб-ҳунарли бўлиб етишиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришлари, ўзлари танлаган касбни танлаш ва тайёрлашга кўмаклаш ҳамда фарзанд тарбиясида оилага мактаб ва маҳалланинг кўмаги доимий бўлиши кераклиги, болага таълим-тарбия бериш, тарбиялаш, унга гўзал одоб-ахлоқни ўргатишни бошлаши каби масалалар ҳақида сўз боради.

Таянч тушунчалар: таълим-тарбия, одоб-ахлоқни ўргатиш, оилани мустаҳкамлаш, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш.

Педагогические подходы к повышению ответственности родителей к детям
Байджанова И.А. Ургенчский государственный университет

Резюме. В статье раскрывается информация о том, как родители должны создать необходимые условия для того, чтобы их дети росли образованными, как стать профессионалами, помочь им выбрать и подготовиться к избранной профессии, а также о постоянной поддержке школы и общества в воспитании детей, характер человеческой жизни, также там можно найти о воспитании ребенка с рождения, его взрослении и о том, как научить его хорошим человеческим манерам.

Ключевые слова: воспитание, нравственное воспитание, укрепление семьи, укрепление государственной власти

Pedagogical approaches to increasing the responsibility of parents to children
Baydjanova I.A. Urgench State University

Summary. This article reveals the information about how parents should create the necessary conditions for their children to grow up educated, how to become professionals, help them choose and prepare for their chosen profession, and the constant support of the school and society in raising children, the nature of human life, also there you can find about raising a child from birth, growing up and about teaching him good human manners.

Key words: upbringing, moral upbringing, strengthening the family, strengthening state power

---

5-7-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИККА ОИД ИЖОДКОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ


Шомирзаев М. Х.
Термиз давлат университети

Технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси дидактика, шунингдек, методика фанлари соҳасидаги янги, замонавий йўналиш бўлиб, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосини тадқиқ қилиш анъанавий мавзуларни ўрганишдан кўра мураккабдир. Анъанавий мавзуларда илмий тадқиқот ўтказиш йўллари, воситалари, илмий жамоатчилик тан олган принциплар маълум даражада аниқланган, сайқалланган бўлса-да, технология таълимида

ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишда қўлланиладиган тадқиқот усуллари ва воситалари етарли ўрганилмаган ва уларни аниқлаш принциплари таҳлилга тортилмаган.

Технология таълимида 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш муаммосида – билимларни, эмпирик қарашларни "таълим", "ижодий фаолият", "лойиҳа", "лойиҳалаштириш" каби категориялар воситасида баён қилиш "моҳиятдан воқеликка", "воқеликдан моҳиятга" ўтишни тақозо қилади. "Моҳиятдан воқеликка ўтиш – бу ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш механизмлари бўйича мавжуд билимлар, ижодий фаолият жараёнида фойдаланиладиган тажрибалардан янги билимларга, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш технологиясининг такомиллашган тажрибасига қараб боришни англатади. Воқеликдан – биз таклиф қилаётган технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш механизмлари моҳиятига ўтиш – бу янги тажриба хусусиятлари, ишлатилган усул, восита, риоя қилинган принциплар асосида таълимни лойиҳалаштириш муаммосининг ривожланган шакли" *(Ш.М.)*. Миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларни ривожлантириш муаммоси билан мамлакатимиз, МДҲ мамлакатлари ва хорижий мамлакатлар олимларининг илмий ишларида тадқиқ этилган. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мустақил ижодий фаолият юрита олиши, креатив фикрлай олиши, конструкторлик ва моделлаштиришга оид билими, кўникма малака ва компетенцияларига эга бўлиши, ижодкорлик компетенциялари ривожланиши, ўз-ўзига нисбатан талабчанлик қилиш ҳамда тарбиялашга бўлган эҳтиёжининг шаклланиши билан тавсифланади. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенциялари ривожланиши натижасида 5-7-синф ўқувчилари технология фанини ўзлаштириш жараёнида турли табиий материаллардан хилма-хил маҳсулотларни ўз қўллари билан ясайдилар ёки уларга яқин (мато, қоғоз, рангли металлар ва бошқалар) материалларга қўлда ишлов бериб, санъат асарини яратади. Миллий ва халқ ҳунармандчилиги турли соҳалари гиламчилик, наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, суяк ва металл ўймакорлиги, каштачилик, миллий пазандачилик асослари, миллий қандолатчилик, эгар-жабдуқлар тайёрлаш, сўзаналар тикиш, пичоқ тайёрлаш, темирчилик, кандакорлик, рехтагарлик (қўнғироқсозлик), чармдўзлик, этикдўзлик, дўппи ва чопонлар тикиш, миллий иморатсозлик, сандиқлар ва бешик ясаш, миллий деҳқончилик асослари ва бошқа шу каби турларга бўлинади. Бу соҳалардаги умумтаълим мактабларида қўлланилишининг илмий-педагогик асослари, методик йўллари, воситалари, мазмуни, услублари бутунлигича мужассамлантирилган ҳолда шакллантирилмаган. Миллий ҳунармандчиликнинг турли соҳаларини амалиётга қўллаш, ёш авлодга ўргатиш жараёнида технология таълими, тарбияси ва бошқалар бир бутун тизим ҳолида ишланмасдан, халқ таълими тизимида қўлланилмасдан келинмоқда. Зеро, давлатимизнинг мустақил республика сифатида шаклланиши, турли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳар бир халқнинг миллий қадриятини улуғлаш даври тадқиқ этилганлигини кўрсатади.

Технология таълимида 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш умумтаълим мактабларида таълим жараёнининг алоҳида нуқтаи назари бўлиб, у "тадқиқотчи-муаммо-муаммонинг оптимал ечими" тизимида амал қилади. Муаммони яхлит тизим сифатида тасаввур этиб, унинг таркибий қисмлари ажратилди. Ажратилган таркибий қисмлар – кичик бўлимларга кўра, ҳамкорлик алоқа, муносабатлар белгилаб олинади. Булар компонентларнинг иерархик – юқоридан қўйи, умумийдан хусусийга йўналган боғланишларни ажратишга замин тайёрлайди. Тизимли таҳлилга кўра, технология таълимини миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ташкил этишнинг ўзаро дахлдор қисмлари ажратилади: ижодкорликка йўналтирилган таълимни ташкил этиш; янги билимлар мазмунини ижодий ўзлаштириш; ўқувчиларда миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш. Технология таълимини ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш муаммоси тўғрисидаги тасаввурларимизни ойдинлаштириш мақсадида 1-расм келтирилган.



1-расм. Технология таълимида миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш муаммосининг таркибий тузилмаси схемаси.

1-расмда ташқи чизиқлар ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш жараёнини ўрганиш кетма-кетлиги акс эттирилган. Ҳақиқатан ҳам, ижодкорликка йўналтирилган таълимни ижодкорликка йўналтирилмаган таълимдан фарқлаш орқали ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган таълимни ташкил этиш, ўқувчиларнинг ижодий ўзлаштиришини таҳлил қилиш ва уларда миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришга қараб борилади.

Кузатишимизча, психологик-педагогик олимларнинг олиб борган тадқиқот ишида ижодкорликка қуйидагича таъриф берилган: “Ижодкорлик – материя ривожининг зарурий шарти бўлиб, у янги шаклларнинг пайдо бўлиши билан ижодкорлик турларининг алмашинуви”. Бу таъриф ортиқча умумлаштирилган аниқлик. Уни тўғридан тўғри педагогика соҳасига кўчириб бўлмайди. Ҳар қандай ижоднинг, Гегель сўзлари билан айтганда, “ўз демиурги – яратувчиси” мавжуд. Табиат ижод қилмайди, аксинча, ривожлана туриб, тараққий этади. Ижод субъекти инсон фаолияти. Инсонгина ижод қила олади. Дарсларни кузатиш ва қайд қилишда ўзимиз ишлаб чиққан дарс турларини асос қилиб олдик [1, 79]. Бунда қуйидаги дарс турлари қайд қилинган: янги ўқув материалини ўргатиш ва мустаҳкамлаш дарслари; ўтилганларни такрорлаш ва малака ҳосил қилиш дарслари; билим ва малакаларни умумлаштириш дарслари; билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш дарслари.

1-жадвал. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик ишларини ташкил этишга оид кузатилган дарслар тақсимоти

Ўрганилган машғулотлар сони	Машғулот турлари			
	Машғулотларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш	Машғулотларни такрорлаш ва малака ҳосил қилиш	Билим, кўникма малака ва компетенцияларни умумлаштириш	Билим, кўникма малака ва компетенциялар-ни назорат қилиш
180	53	123	8	12

Жадвалдан кўринадики, технология фанига оид дарс турларининг ҳар бирида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълимни ташкил этишнинг спектриал-вариатив имкониятлари ниҳоятда кенг. Биринчи дарс тури – технология фанидан янги ўқув материалини ўргатиш ва мустаҳкамлаш дарсининг негизи ўқувчиларни янги мавзуни ўрганишга тайёрлаш, янги таъриф, қоидаларни, мавзуга оид далилларни идрок қилишни таъминлаш, идрок қилиши таъминланган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантириш усулларини қўллашдан иборат. Таълим жараёнини бошқариш бевосита ва билвосита таълим берувчиларнинг назоратида бўлиб, унда таълим берувчи “йўналтирувчи”, “маслаҳат берувчи”, “йўл кўрсатувчи” ва шу каби вазифаларни бажаради. Таълим олувчиларга машғулот вақтида мавзуга муаммоли вазиятларни келтириб чиқариш, ижодкорликка ундовчи саволларни ўртага ташлаш, қийин ўқув ҳолатлари ҳосил қилиш йўллари билан ўқувчилар диққати янги мавзуга ҳамда янги маълумотларга, ғояларга қаратилган ҳолда мавзунинг мазмун моҳиятини ўзлаштиришга эришилади [10, 77]. Ушбу мақсадга эришиш учун тўртта вазифани белгилаб олдик. Улар қуйидагилар: 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш жараёнига таъсир кўрсатадиган психологик, педагогик, методик омилларни таҳлил этиш.

Ўқувчиларда миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш мазмунининг касбга, фаолиятга йўналтирилган фаолиятли моделини такомиллаштириш; миллий ҳунармандчилик намуналари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-касбий тарбиялаш тизими компонентлари ва ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш; 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмлари мезонларини аниқлаштиришга оид методик тавсиялар ишлаб чиқиш.


Компетенциянинг таянч, касбий ва махсус турлари таркибини аниқлаштириш асосида 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш. Умумтаълим мактабларининг 5-7-синф ўқувчиларида миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмининг элементлари сифатида қуйидагилар таклиф этилди: мақсад ва вазифалар; 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш босқичлари; ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари; натижавий-баҳолаш. Педагогик жараёнда таълим бериш сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш ҳамда ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришда ўқитишнинг инновацион усул, шакл, метод ва воситалари, ролли ўйин технологиялари, хусусан, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари муҳим ўрин тутади.

Ижодкорлик компетенциялари – бу таълим-тарбиявий жараёнда таълим олувчиларнинг амалий ишларни бажаришда ясаладиган буюмининг технологик харитасининг бирор қисмига ёки берилган технологик харитани ўзгача дидактик принциплар асосида тузиш ва ўзгартирилган ёки креатив ёндашувлар асосида тузилган технологик харита асосида буюм ясай олиш кўникмалари тушунилади. Технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенциялари – ўқувчиларнинг бизга аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган миллий ҳунармандчилик элементларига замонавий ёндашувлар асосида ўзгача креатив ёндашиб амалий ишларни ташкил этган ҳолда қобилиятларни ривожлантириш жараёни тушунилади.

Технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмлари таркибан ўта мураккаб бўлиб, ўзига хос методик вазифалар, ўқув топшириқлари, ўқув материали, ўқитиш методларини қамраб олишни таълим берувчилардан талаб этади. Технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларининг алгоритмик харитаси ва босқичларини тузиб чиқдик (2-расмга қаранг).

1-босқич. Ўқувчиларда репродуктив ижодий ишларни бажариш ҳамда таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш орқали ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантиришда репродуктив даражадаги топшириқлар берилди. Ўқувчиларнинг таълимий машғулотларни ташкил этишга тайёргарлиги,

техник объект ва конструкторлик жараёнларни амалга оширишда кириш йўриқномаси каби масалаларни ҳал этиш бўйича бошланғич компетенциялари ривожлантирилди.



2-расм. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларининг ривожланганлик харитаси ва босқичлари.

2-босқич. Продуктив ижодий фаолият компетенцияларини ривожлан-тиришда ўқувчиларнинг синфдан ташқари ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантирувчи муаммоли топшириқлар, ижодкорликка йўналтирилган масалалар асосида педагогик-технологик жараёнларни бошқаришда жорий йўриқномалар асосида интерфаол метод ва усуллардан фойдаланган холда, муаммоларнинг оптимал ва самарали ечими топилди ва аввал ўзлаштирган материални иккиламчи ҳолатга кўчиришни бажаришди. Ўқувчиларнинг амалий машғулотлар жараёнида буюм ясаш ва ясалган буюмларини ўзлари баҳолаш орқали танқидий фикрлашини ривожлантиришда кичик гуруҳларда ишлаш методлари қўлланди.

3-босқич. Ижодкорлик янги билимларни эгаллаш ва мустақил ўрганиш методик ишланмалардан фойдаланишда ўқувчилар креатив фикрлашга ва ижодий ечимлар топишга йўналтирилди. Машғулотда ўқувчилар янги ғоялар ва хулосаларга эга бўлди. Техник объект ва педагогик-технологик жараёнда иш самарадорлигини оширувчи навоторлик ишланмалари таклиф этилди.

5-7-синф ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида қуйидаги хулосаларга келинди: Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўрни, фан-техника тараққиёти ва унинг ривожланиши даражаси, бозор иқтисодиёти шароитининг кундалик турмуш тарзига таъсирини инобатга олган ҳолда, коммуникатив, ахборот билан ишлаш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, умуммаданий, технологик саводхонлик, фан-техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциялари ва имкониятларига асосланган ДТС ва ўқув дастурлари такомиллаштирилди.

Технология фанини ўқитиш жараёнида психологик таъсир кўрсатиш омилларини (когнитив, аффектив ва психомотор) асослаш ҳамда амалий машғулотларни ташкил этишнинг методик таъминоти унумли фойдаланиш орқали 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш босқичлари аниқлаштирилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Shomirzayev, M. K. (2020). Education is personally focused technology. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *8*(8), P.79
2. Shomirzayev, M. K. (2020). National handicrafts of Uzbekistan and its social–economic significance. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(8), P.131
3. Shomirzayev, M. K. (2020). The concept of pedagogical technology and basic principles. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(11), P.1557
4. Shomirzayev, M. K. The Concept of Pedagogical Technology and Basic Principles. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal.(Affiliated to Kurukshetra University, Kurukshetra, India), Vol. 10, Issue 11, November 2020 Scientific Journal Impact Factor (Sjif 2020-7.13). P.1555
5. Shomirzayev, M. K. (2019). The Ethical Characteristics of Traditional Embroidery of Fergana Valley People. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *7*(12). P.89
6. Shomirzayev, M. K. (2020). Technology of Educational Process in School Technology Education. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *2*(07), P.217
7. Shomirzayev, M. K. (2020). Ethnic characteristics of national traditional crafts. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *8*(12), P.221

8. Shomirzayev, M. K. (2021). Combined In Technology Courses Use Of Technologies. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(05), P.393
9. Kh, S. M. (2021). Young People from" Technology" to Profession Training as a Factor of Competitive Personnel Training. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, *8*(4), P.589
10. Shomirzayev, M. K. (2022, April). Developing Educational Technologies In School Technology Education. In *Next Scientists Conferences* P. 17.
11. Shomirzayev, M. K. (2021). Practical lessons in technology: Characteristics of organization and conduct. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *10*(4), P.997

5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш
Шомирзаев М. Х. Термиз давлат университети

Резюме. Мақолада умумий ўрта таълим мактаблари 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: таълим, мактаб, синф, ўқувчи, миллий, ҳунарманд, ижодкор, компетенция, ривожлантириш, касб, фаолият, мазмун, шакл, метод, восита, сифат, самарадорлик, натижа.

Развитие творческих компетенций национального ремесленничества учащихся 5-7 классов
Шомирзаев М.Х. Термезский государственный университет

Резюме. В статье разработаны рекомендации по развитию творческих компетенций народных промыслов учащихся 5-7 классов общеобразовательных школ.

Ключевые слова: образование, школа, класс, студент, национальный, ремесленник, создатель, компетенция, разработка, профессия, деятельность, содержание, форма, метод, инструмент, качество, эффективность, результат.

Development of creative competences of national craftsmanship of 5-7 grade students
Shomirzaev M.X. Termez State University

Summary. The article elaborates recommendations on the development of creative competences of national crafts of 5-7th grade students of general secondary schools.

Key words: education, school, grade, student, national, artisan, creator, competence, development, profession, activity, content, form, method, tool, quality, efficiency, result.

ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ АСОСИДА ТАЖРИБА МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ядгаров К. А.
Термиз давлат университети

Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган умумкасбий фан [1,19] ҳисобланган “Ёнилғи мойлаш материаллари” фанидан тажриба машғулотларини олиб боришда ишнинг мақсади, иш бўйича кўрсатмалар, ишни бажариш тартиби ва бажариш усуллари муҳим роль ўйнайди. Шу мақсадда бензинларнинг асосий хоссаларини бўйича сифатини аниқлаш мисолида кўриб чиқамиз.

Лаборатория ишларини бажаришдан мақсад: 1. Бензиннинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш йўллари билан танишиш. 2. Бензин маркалари тўғрисидаги билимни мустахкамлаш ва ГОСТ билан танишиш.

3. Бензин сифатини баҳолаш ва ишлатиш шароитини белгилаш.


Ишни бажариш бўйича кўрсатмалар. Бензинларнинг ташқи кўринишига қараб бахолаш: ранги, тиниқлиги, ҳиди ва таркибида сув, механик аралашмалар бор йўқлиги.

Бензинларнинг ранги: А-76 сариқ, АИ-93 қизғиш, А-95 рангсиз, АИ-98 кўк. Бензин ўзига хос сезиларли ҳидга эга бўлиб, унинг буғлари заҳарли ҳисобланади. Бензиннинг тиниқлиги: бензинлар тиниқ бўлиши керак, таркибида ҳеч қандай кўзга кўринадиган механик аралашмалар ва сув бўлмаслиги лозим.

Ишни бажариш тартиби: Бензиннинг тиниқлигини шиша идишда аниқланади. Агар бензин таркибида сув ва механик аралашма мавжуд бўлса унинг ранги хира бўлади ва бундай ҳолларда у тиндирилади ва фильтрлардан ўтказилади. Агар бундай қилинмаса ишлаш пайтида механик аралашмалар ёнилғи йўлларини тўсиб қўйиши, карбюратор-инжектор қисмларини, цилиндр ва поршенларни кўп ейилишига сабаб бўлади [3, 77].

Бензин таркибида сувда эрийдиган кислота ва ишқорларни аниқлаш. Бензин таркибида сувда эрийдиган минерал кислота ва ишқорларни аниқлаш учун унга дистирланган сув қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва унинг нордонлик муҳити текширилади (1-расмга қаранг).

Ишни бажариш тартиби: 1.Колбада 10 мл ёнилғи яхшилаб чайқатилиб, шунча миқдорда дистирланган сув солинади, аралашма ажратиш воронкасига қуйилади ва яхшилаб чайқатилади. 2. Тиндирилган аралашмани ажраткич ёрдамида пастки қисмидаги сувли эритмани пробиркага туширилади. 3.Биринчи пробиркага 1-2 томчи метилоранж индикаторини қўшиб минерал кислоталар борлигини, иккинчи пробиркага 1-2 томчи фенолфтален индикаторини қўшиб, ишкор борлигини сувли эритманинг ранги ўзгаришига қараб аниқланади.




1-расм. Ёнилғи таркибидаги кислота ва иншқорларни аниқлаш асбоби
1-ажратиш асбоби; 2-пробиркалар; 3-индикаторлар.

1-Жадвал

Муҳит	Индикаторлар	
	Метилоранж	Фенолфтален
Ишқорли	Сариқ	Тўқ қизил
Нейтрал	Тўқ сариқ	Рангсиз
Кислотали	Қизил	Рангсиз


Бензин таркибида тўйинмаган углеводородларни аниқлаш. Нефтни қайта ишлаш жараёнида тўйинмаган углеводородлар ҳосил бўлади [2, 60]. Булар битта ёки иккита қўшбоғли бирикмалардир. Қўшбоғлар жуда бўш бўлиб, тез узилиш натижасида бириктириб олиш реакцияси кетади. Улар осон оксидланиб смолалар, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар ҳосил қилади. Натижада нефт маҳсулотлари сифати ёмонлашади ва двигателларни ишлашига салбий таъсир кўрсатади (1-жадвал).

шароитлар яратиш, бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» [1] ва 2022 йилда амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил 4 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлисининг 19-сон баёни ва 3-иловасидаги топшириқлар ижроси бўйича республика олий таълим муассасаларида олий таълим муассасалари талабаларининг бандлигини таъминлаш бўйича иш режалар ва топшириқларни бажариш учун муддати ва масъул шахслар белгиланиб «Йўл харитаси» тасдиқланди [2]. Шунингдек шу «Йўл харитаси»нинг бандларинининг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартда 105-сонли бўйруғи асосида хар бир олий таълим муассасаси талабаларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ўзининг муассасаларидаги бўш турган хоналарни инвентаризациядан ўтказиб, шу хоналарда ўзининг бизнесини очиш учун ҳамда бошқада пуллик хизматларни кўрсатиш истагини билдирган талабаларга бепул фойдаланиш учун ажратиш ва шунингдек ўқув муассасанинг ўзидан талабалар бандлигини таъминлаш мақсадида 10тадан пуллик курслар очиш (туризм, эркаклар сартарошхонаси, аёллар гўззаллик салони, дизайнерлик хизмати, бизнес режалар ишлаб чиқиш, проект-смета, автомобилларга хизмат кўрсатиш, теле-радиоаппаратура полиграфия, бухгалтерия) хизматларини кўрсатувчи пуллик курслар ташкиллаштириш топшириқлари берилган эди. Ҳозирги кунда ушбу берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалардаги бўш иш жойларига талабаларни ишга қабул қилиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, педагогика йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун 2-курсдан бошлаб мактабларда дарс бериш имконимяти яратилди. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бўш иш ўринларига 24 нафар талабалар қабул қилинди ҳамда ҳозирги кунда мехнат фаолиятларини олиб бормоқда. Шунингдек, талабалар билан биргаликда пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича жойларини очиш ва фаолиятини йўлга қуйиш мақсадида институтда бўш турган хоналар ажратилиб, бўш турган хоналарда кийим тикув цехи, фотостудия, эркаклар ва аёллар сартарошхоналари ва бошқа хизмат турлари ташкил қилинди. Зеро талабаларимиз орасида ўзлари қизиқиш билдирган талабаларга институт ҳудудидан ер ажратилиб берилиб, ўзлари экин турларини экиш ва тарбиялашг ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, ветеренария таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга бўш турган хоналардан қўй-эчки боқиш учун жойлар ажратилди. Бугунги кунда қўй-эчкиларни тарбиялаш жараёнлари олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти U3-202010131 “Қовун пашшаси (Myiopardalis pardalina Big)га қарши феремон тутқишлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” феремонда илмий инновацион ҳақ тўланадиган лойиҳасига 4 нафар талабалар ишга қабул қилинди.

Шунингдек талабаларнинг бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишлари этиб олий таълим муассасаларида мавжуд инфратузилмалардан, шу жумладан ўқув бинолар, спорт иншоотлари, маданият саройлари, талабалар турор жойлари, ўқув-хўжалик майдонларидан талабалар учун иш ўринларини яратишда фойдаланиш ва олий таълим муассасаларида мавжуд бўш иш ўринларига (ўқув ёрдамчи ва техник лавозимлар, кабинет мудири, архив мудири, компьютер зали мудири, услубчи, лаборант кабиларга) талабаларни ишга қабул қилишда устуворлик бериб талабаларни касбий ривожлантириш, иш берувчига ўзини тақдим этишга тайёрлашга қаратилган янги бошқарув механизмларини жорий этиш топшириқлари белгиланган. Институтнинг ўқув ёрдамчи ва техник лавозимлар, кабинет мудири, архив мудири, компьютер зали мудири, услубчи, лаборант лавозимларига жами 20 нафар талаба қабул қилинди. Ҳозирги кунда ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Талабаларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, шу жумладан Республика миқиёсида социологик тадқиқотлар, сўровлар ва хатловлар ўтказиш ишларига жалб қилиш, олий таълим муассасалари талабаларини расмий меҳнат фаолиятини олиб боришларини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан солиқ имтиёзларини бериш ҳамда ўрнатилган чекловларни енгиллаштириш ёки тўлиқ олиб ташлаш, муносиб иш ўринларини таклиф этишга қаратилган электрон платформа яратиш, магистратура босқичининг биринчи курсидан бошлаб тўлиқ ставкада меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш, талабаларнинг бандлигини таъминлашни олий таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгилаб берилди. Шунингдек Вазирлик тизимидаги Олий таълим муассасаларидаги иктидорли талабаларни вазирлик марказий аппарати ва унинг тизимидаги ташкилотларга стажировкалар ташкил этиш тўғрисидаги 2022 йил 14 апрельдаги Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 83-сон бўйруғига асос, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг бакалавриат таълим йўналиши 3-босқич талабаларидан 40-нафари 2022 йил 27-апрельдан 16 июлгача хак тўланадиган амалиёт стажировкаларига тақсимланди. Бу дегани улар қишлоқ хўжалиги тизимидаги ташкилотларда хақ тўланадиган амалиёт стажировкаларини ўтайди.Уларга хақ тўлаш корхона муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойига энг кам иш ҳақининг 3 баравари этиб белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқларининг илғор мутахассисликлари ва экспертларини жалб қилган ҳолда талабаларни касбга йўналтириш, меҳнат бозоридаги мавжуд ва истиқболдаги ҳолат, муайян касбга, иш жойларига ва иш берувчиларга, истиқболли корхоналарга оид замонавий маълумотлар билан таништириш ва меҳнат органлари, таълим муассасалари, манфаатдор идоралар ва ташкилотлар иштирокида иш ўринлар ярмаркалари, карьера кунлари ташкил этиш ва талабаларни келажакда касбий фаолиятига (карьераси) тўғрисида ҳамда ушбу йўналишдаги бошқа таҳлилий материалларни таёрлаш ва нашр қилиш вазифалари юклатилган.

Талабалар бандлигини таъминлашни мувофиқлаштириш мақсадида республика олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ва Ўзбекистон

Республикаси Президенти администрациясининг топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Республика олий таълим муассасалари талабаларини бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойихасида Олий таълим муассасаларининг талабаларининг бандлигини таъминлаш ва буш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида кенг тармоқли «Карьера марказлари» ташкил этилиб унинг асосий вазифалари ўқишдан бўш вақтларида меҳнат фаолиятини олиб бориш истагини билдирган талабаларнинг расмий бандлигини таъминлаш ва таълим муассасаси ихтисосликларидан келиб чиқиб, иш берувчилар базасини шакллантириб онлайн платформа билан интеграциясини таъминлаш [3]. Карьера марказларининг иш фаолиятини олиб бориш учун намунавий низом тасдиқланиб таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларда меҳнат бозори талаблари ва меҳнат қонунчилиги ҳамда кўникмаларига эга бўлишига ёрдамлар кўрсатиш вазифалари белгиланган бўлиб хар ойда икки марта карьера кунларини мунтазам равишда ташкил этиш, корхоналарга расмий ташрифлар уюштириш, муваффақиятга эришган бизнес ва давлат хизмати вакиллари билан маҳорат дарсларини ташкил этиш вазифалари белгиланган. Шунингдек потенциал иш берувчилар билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаш, улар томонидан тақдим этилган вакансиялар ва кадрларга бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш, талабалар стажировка ва амалиётларини ташкил этиш учун иш бериувчилар билан доимий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш билан бирга талабаларнинг келгуси ҳаётида зарур бўладиган кўникма ва хунарларни касбга ўқитиш марказларида ўргатишни ташкил этиш, иш билан банд бўлган талабалар ҳисобини юритиш ва ушбу йўналишда уларга барча консалтинг хизматларини кўрсатиш. Шунингдек норасмий секторда банд бўлган талабаларни мониторингини юритиш ва уларни расмий секторга ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Каръера марказини фаолиятини йўлга қўйиш ва сақлаш билан боглиқ харажатлар олий таълим муассаси бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилган. Марказларни олий таълим муассасаси факультет декани мақомига тенглаштирилган бош менеджер ва олий таълим муассасаси декани ўринбосари мақомига тенглаштирилган ҳамда кундузги талабалар сонидан келиб чиқиб белгиланадиган менеджерлар бошқаради. Марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш , улар ишининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда методик кўллаб-қувватлаш олий таълим муассасаларининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича бириншчи проректорларига (филиал директор ўринбосарларига) юклатилган.

Шунингдек Олий таълим муассасалари «Карьера маркази» ёнидан коворкинг офисларини ташкил этиш вазифалари юклатилганин талаба ёшларга таълим тарбия бериш ва касб ўргатишнинг замонавий киёфаси сифатида олиб карасак бўлади. Коворкинг марказида талабалар қизиқарли архитектура лойиҳалар устида ишлашлари, мустақил ёки гуруҳ билан ишлаган ҳолда тажриба алмашиш ва ўз ғояларини ривожлантириши, жамоат ишлари билан шуғулланишлари мумкин. Марказда хар хил шаклга эга бўладиган (трансформер) мебел, тақдимот ускуналари, маркерли тахта(доска)лар билан жиҳозланган бўлиб, ишлаш учун компьютер хоналари ва барча керакли ускуналар мавжуд. Эътибор берсак, яқинда турли ҳужжатлар ва қоидаларда янги атамалар пайдо бўлди. Кеча биз блокчейин хақида гаплашсак ва бугун коворкингни оддий сўзлар билан тушинтирамиз. Сўнги йилларда масофавий ишлаш тобора оммалашиб бормоқда. Уйда юмшок диванда ўтирган холда хисоботлар тайёрлаш, матнларни таҳрирлаш, ёки реклама баннерларини яратиш қанчалик ажойиблигини тасаввур қилинг. Эрталаб соат 7да туриш, тирбандликда ёки метрода оломонида туришнинг ва эрталаб соат ўндан кечги олтигача бўлган офисда ўтиришнинг хожати йўк. Иш учун сизга керак бўлган нарса-бу ноутбук ёки компьютер ва интернет. Иш эмас, балки орзу.

Коворкинг- инглиз тилидан таржима қилганда (co-working-бирга ишлаш) деган маънони англатади. Оддий қилиб айтганда, коворкинг- бу маълум бир ишни бажариш учун бир хонада йиғиладиган турли касбдаги эркин ва мустақил одамлар жамоаси. Веб-дизайнерлар, дастурчилар, копирайтерлар, фрилансерлар, тадбиркорлар, шунингдек, бутун офис ишини бир жойда ёнма-ён ижарага олишни фойдасиз деб хисоблайдиган кичик компаниялар ходимлари. Шундай қилиб, коворкинг-бу ишни ташкил етишдаги янгилик. Коворкинг марказлари тўлақонли ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча нарсалар билан жихозланган бўлиши керак. Қойда тариқасида, улар иш жойидан ташқари, дам олиш маскани, ошхона ёки озиқ-овқат ва ичимликлар сотиладиган автоматлар, йиғилиш хонаси ва шахсий кутубхонани ўз ичига олиши керак. Лекин олий таълим муассасаларидаги «Карьера марказ» лари ёнидан ташкил этилган коворкинг офисларида бундай имкониятлар чекланган бўлади. Факат ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган атмосферада талаба-ёшлар хар хил сохада бирга ишлайдилар [4]. Бироз коворкинг тарихига кайтсак 2005 йилда ёш америкалик дастурчи Бред Ньюнберг ўзининг томи остида бир нечта ўхшаш фикирдаги фрилансерларни бирлаштирган биринчи коворкинг майдонини бошлади. Ғоя оддий офис ва уй ўртасида жойлашган иш жойини яратиш эди. Ғоя муваффакиятли бўлди ва асосчига жахон шухратини келтирди. Ўшандан бери коворкинг жуда машхур бўлди.

Айтиш жойизки, Ўзбекистонда ва асосан олий таълим муассасаларида Коворкинг офисларини очиш хорижга қараганда анча секинроқ ривожланмоқда. Бунинг сабаблари бир белгиланган иш низоми хозирча ишлаб чиқилмаганлиги ва офис дизайннинг архитектураси мураккаблиги ётади. Бир вақтнинг ўзида бир нечта муҳим параметрларга жавоб берадиган офисни барпо этиш осон эмас. Хонанинг тартиби атипик бўлиши керак. Хеч қандай холатда компаниялар офисларини нусха қилмай одамлар завқланадиган ноёб ижодий жой яратилиш керак. Энг муҳими барқарор интернет-бу зарурий шарт, бусиз марказ нормал ишлай олмайди.

Ёшларга таълим-тарбия бериш ва касб ўргатишнинг замонавий йўналишларидан бири сифатида- олий таълим муассасаларида очилиши режалаштирилаётган бизнес акселлераторлар фаолиятини атаб ўтсак бўлади.

Бизнес акселераторлар- ёшларда қизиқиши кўникмаларини шаклланириш ва инновацион фаолиятга бўлган қизиқишини уйғотиш, уларни иш билан таъминлаш, шунингдек худуднинг ижтимойи ҳолатини яхшилаш мақсадида қабул қилинган тегишли қарори асосида ташкил этилган мазкур касб-хунар маркази бўлиб муассасанинг асосий вазифаси тадбиркорлик субъетларига ўз бизнесини юритишда яқиндан ёрдам бериш, илғор ахборот, инновацион ва педагогик технологияларёёрдамида тадбиркорлик курсларини ташкил этишдир. Яъний «акцелерация»- бизнесга ёрдам берамиз деганидир. Олий таълим муассасалари ёнидан шундай марказларни ташкил этишда мақсадга мувофиқ бўлиб, талаба-ёшларнинг буш вақтларини самарали ўтказишда ва ўз бизнесини ва стартап проектларини ривожлантириш учун яна бир кадам бўлади. Бу марказларда бизнес ва тадбиркорликга қизикиши бор талаба-ёшлар ўкитилиб, сартарошлик, ошпазлик, кандолатчилик, тикувчилик, компьютер саводхонлиги, електро газ пайвандлаш, автотеххизмат, теле ва радио устаси йўўналишлари ва бошқада талабаларнинг қизиқишларига кура курсларни ўқитиш мумкин. Шунингдек чет тилларини ўрганиш соҳасида инглиз, рус, япон, корейс ва бошқада тилларни замонавий педтехнология асосида ўрганиш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, сертификат олганлар банкга мурожаат қилиб, тадбиркорликни бошлаш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни кредит асосида олишлари ҳам мумкин. Ушбу марказни касб-хунар кластери деб аташ мумкин, чунки унга ёндош педагогика коллежи мавжуд бўлиши баробарида, бизнес акселератор машғулотларида хатто боқча болалариҳам иштирок этиши мумкин. Бу марказларда таълим олган талаба-ёшлар тадбиркорлигини йўлга кўйиш учун ҳар томонлама, хусусан молиявий жихатданҳам кўллаб-кувватланади. Хуллас, мақсад иштиёқни пулга, бизнесга айлантириш ва бунинг учун энг кичик технологиялар ҳам алохида эътиборга олинади» [5].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йили 4 март кунги видеоселектор мажлисида олий таълим муассасалари талабаларининг бандлигини таъминлаш, ишлаш эркинлигини бериш ва бўш вақтларинин самарали ўтказиш бўйича топшириқларининг ижроси юзасидан Олий таълим муассасаларида олий таълим муассасалари талабалари учун Мехнат ярмаркасини ўтказиш ва талабаларни иш билан таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлигида Бандлик ва мехнат муносабатлари вазирлиги, олий таълим муассасалари билан биргаликда бўш иш ўринлар «Мехнат ярмарка»ларини ўтказиш бўйича тасдиқланган график тузилиб, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 10-та олий таълим муассасаларида мехнат ярмаркалари ўтказилди. Бу тадбирларга хар бир соҳага мос келадиган корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринларини тақдим этилиб, талабаларнинг кўпчилигининг бандлиги таъминланиб, кўпчилиги ишга йўлланмалар олди. Қорақалпогистон Республикаси бўйича 10-та олий таълим муассассидан хар биридан камида 30 нафар талаба иш билан таъминланса бу дегани Қоракалпоғистон Республикаси бўйича 300-та талаба иш билан таъминланади дегани. 300-та хонадонга даромат киради дегани. Республика буйича Олий таълим муассасаларида ўтказилганда, бў курсаткич таҳминан 2500-3000-га якин бўлади. Бунга кўшимча хар бир олий таълим муассасасидаги вакант ўринлар инвентаризациядан ўтказилиб, буш турган вакант ўринларга талабаларни ишга олиш бўйича биргина, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ўзида 24-та талаба иш билан таъминланган бўлса, ва 5-та талаба бўш турган биноларда ўз бизнесларини бошлади. Бу кўрсаткиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 300-400га яқин талабаларнинг бандлиги таъминланиб, Республика бўйича 3000-4000 талаба даромат олади дегани.

Хулоса қилиб айтганда Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев рахбарлигида ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласи биринчи ўринга чиққан бўлиб, давлатимиз томонидан бу борада олиб борилаётган сиёсат ижобий натийжаларни кўрсатмоқда. Албатда бундай тадбирлар ва берилаётган имкониятлар ёшларда кучли мотивация ўйготиб уларни касб танлаш ва мехнат бозорида ўзларини кашф этишда куч-қувват ва катта тажриба бўлиябди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги «2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА»ги ПФ-60-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг рахбарлигидда 2022 йил 4 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилидидаги «Олий таълим муассасалари талабаларига ишлаш эркинлигини бериш орқали бандлигини таъминлаш, ва уларнинг бўш вактларини самарали ташкил қилиш» бўйича 19-сон бани 3 иловаси топшириқлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23-июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 16-июль кунги ўтказилган 34-сонли йиғилиш баёни тўғрисида»ги 314-сонли буйруги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясининг (08-729-сон, 01.04.2022 й.) топшириғи
4. Х.Режапов “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017 йил «ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ»
5. Республика Инновацион вазири И.Абдурахмоновнинг Сурхондарё вилоятидаги «Бизнес акселератор» маркази очилиш маросимидаги нутки

Ёшларга таълим-тарбия бериш ва касб ўргатишнинг замонавий йўналишлари
Бердимуратов М. Е. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Резюме. Мақолада олий таълим муассасаларида талабалар бандлигини таъминлаш бўйича янгидан ташкил этилаётган Карьера марказлари ва коворкинг офисларининг ташкил қилиниши ҳамда фаолияти ҳақида сўз юритилади. Шунинг учун мақолада ёшларни иш таъминлашнинг энг янги замонавий усули ва шакли билан таништирилади, шунингдек бугунги кунда меҳнат бозорида ёшлар учун берилаётган имкониятлар ва қулайликлар тўғрисида баён қилинган

Калит сўзлар: Карьера маркази, меҳнат ярмаркаси, бандлик, коворкинг офислари, WorldSkills стандартлари, мехнат бозори, касбий кўникма, бизнес акселератор.

Бердимуратов М.Е. Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологии

Резюме. В статье рассматривается создание и деятельность созданных Центров карьеры и коворкинг-офисов для обеспечения трудоустройства студентов в высших учебных заведениях. Поэтому в статье представлены новейшие современные методы и формы занятости молодежи. Рассказывается о возможностях и удобствах, предоставляемых молодёжи на рынке труда сегодня.

Ключевые слова: центр карьеры, ярмарка вакансий, трудоустройство, коворкинг офисы, стандарты World Skills, рынок труда, профессиональные навыки, бизнес акселератор

Modern directions of education and vocational training of youth

Berdimuratov M.E. Karakalpak Institute of Agriculture and Agrotechnology

Summary. The article discusses the creation and activities of the established Career Centers and Co-working offices to ensure the employment of students in higher educational institutions. It tells about the opportunities and conveniences provided to young people in the labor market today.

Key words: Career Center, job fair, employment, Co-working offices, World Skills standards, labor market, professional skills, business accelerator

---

FIZIKA O'QITISH TEXNOLOGIYALARINI INNOVATSION MODUL-REYTINGLI LOYIHALASH

Babaxova G.Z.

Nukus davlat pedagogika instituti

Kirish. Strukturaning modulligi tizimni tashkil etishning asosi va belgisi sifatida qaralishi mumkin.. Shuning uchun tizimli yondashuv murakkab bo'lgan metodik tizimlarni o'rganishda foydalanadigan nazariy yondashuvlardan biri edi [1,136]. Funktsional tizimlar nazariyasi sohasidagi ilmiy ishlarni tahlil qilish modulli-reyting texnologiyasining tarkibiy qismlarini ta'kidlash imkonini berdi: kontseptual (kompleks maqsad va texnologiya tamoyillari), mazmunli (umumiy va xususiy didaktik ta'lim maqsadlari, texnologiya talablari, o'quv materiallarining mazmuni, ta'limning boshlang'ich shartlarini tashxislash) va protsessual (o'quv jarayonini tashkil etish shakllari, o'qitish usullari, diagnostika va o'quv jarayonini boshqarish).

O'z- o'zini boshqarish va o'z -o'zini tashkil etish asosida-har qanday murakkab tizimda bo'lgani kabi, ular o'rtasidagi o'zaro munosabatlar o'z-o'zini boshqarish va tizimning o'z-o'zini rivojlantirishga olib kelishi kerak. G. Haken o'zining ilmiy ishlarida sinergetika makroskopik darajadagi yangi fazilatlarning paydo bo'lishi nazariyasini ko'rib chiqishi mumkinligini ko'rsatadi [2, 45]. Shuning uchun, o'quv modulli tashkillashtirishni o'rganish uchun, biz ham ta'lim texnologiyalari o'z ichiga ochiq tizimlarida o'z-o'zini tashkil etish va o'z-o'zini rivojlantirish jarayonlarini nazorat qilish aniqlash orqali sinergetik yondashuv, ishlatilgan. A. P. Usoltsev uslubiy tizimlari sinergetik sohasidagi tadqiqotlariga ko'ra," boshqariladigan tizimlar rivojlanishining sinergetik qonuniyatlarini hisobga olgan holda qurilgan pedagogik texnologiyaning asosiy vazifasi o'qituvchining faoliyatini aniqlash va algoritmlashda emas, balki o'quvchilarning atrof-muhit bilan faol axborot o'zaro ta'sirini tashkil etishda bo'ladi " [2,102]. Umuman olganda, muallifning fikriga qo'shilgan holda, biz aniqlik kiritish mumkin deb hisoblaymiz: sinergetik pedagogik texnologiyaning tarkibiy qismi sifatida o'quvchilarning atrof-muhit bilan faol o'zaro ta'sirini tashkil etish, bizning fikrimizcha, dastlab o'qituvchining faoliyatini belgilaydi.

A. P. Usolcev tomonidan olib borilgan axborot tushunchalarini tahlil qilish asosida biz tizimni loyihalash uchun sinergetik yondashuv asosida modulli-reyting texnologiyasini ishlab chiqishga imkon beradigan bir qator shart-sharoitlarni aniqladik: o'quv mazmunini aniqlash jarayonida o'quvchilarning semantik va kognitiv qiyinchiliklari tufayli o'rganishlari mumkin bo'lgan ta'lim ma'lumotlarining miqdori ehtimolligi hisobga olinishi kerak, bu axborotning o'ziga xos ajralmasligi darajasi va uning o'quv-uslubiy materiallarda namoyish etilishi, shuningdek, o'quvchini abstraktlashda tajriba; ta'lim mazmunini taqdim etish shakli, ta'lim usullarini tanlash miyaga kiruvchi ta'lim ma'lumotlarini tanlash va assimilyatsiya qilishni amalga oshiradigan va ta'lim maqsadlariga erishishga imkon beradigan o'quvchilarning fikrlash bilim va vakillik tuzilmalarini faol shakllantirishga qaratilgan bo'lishi kerak; modulli texnologiya doirasida o'quv jarayonini loyihalashda samarali o'qitish usullariga ustunlik berilishi kerak, chunki tizimning o'zi ichiga yangi axborot paydo bo'ladi, bu o'z-o'zini rivojlantirishga turtki bo'ladi; modulli ta'limni amalga oshirishda muammoli, rivojlanish va o'yin uslublarini qo'llash, talabalarning ob'ektiv va sub'ektiv ta'lim maqsadlariga yaqinlashishiga yordam beradigan qo'shimcha sinfdan tashqari fizika tadbirlarini o'tkazish kerak, bu har bir o'quvchining ob'ektiv qimmatli ma'lumotlarini tanlab olish va o'z-o'zini boshqarish jarayonlarini boshlash uchun asos bo'lib xizmat qiladi. shaxs va jamoa; modulli ta'limni tashkil etish o'quv faoliyatining o'zgarishi va atrof-muhitning prognozli ta'siri sifatida tushuniladigan usul, shakl, o'qitish tezligi nisbiy erkinligini ta'minlashi kerak. O'quvchilarning tizimli ravishda o'zgarib borayotgan tashqi muhitga munosabati ularni o'z-o'zini boshqarish va o'z-o'zini rivojlantirishga majbur qiladi.

Yuqorida aytib o'tilganlarni umumlashtirib, biz har bir o'quvchini va guruhni o'z-o'zini tashkil etish jarayonlarini kuchaytiradigan modulli-reytingli ta'lim texnologiyasini bunday tarkib va bunday tashkilotni loyihalashtirish zarurligini xulosa qilamiz, bu esa o'z navbatida o'z-o'zini boshqarish va o'z-o'zini rivojlantirish tuzilmalarini shakllantirishga olib keladi. Eng muhim tizim tuzuvchi sifatlar ta'lim tamoyillariga xos bo'lib, ular o'quv jarayonini rejalashtirilgan pedagogik maqsadlarga erishishga yo'naltiradi. Tadqiqotlar tahlili asosida biz kasb-hunar ta’limida fizika o‘qitishning modul-reyting texnologiyasining quyidagi tamoyillarini belgilab oldik: ta'lim mazmunini modulli tuzilish tamoyili; o'quvchilarning ta'lim ehtiyojlarini hisobga olish tamoyili; ta'lim mazmuni va usullarining faoliyatga yo'naltirilganligi printsipi; ta'lim jarayoni sub'ektlari o'rtasidagi munosabatlarda paritetlik tamoyili; nazorat va baholash faoliyatida izchillik tamoyili.

Ushbu tamoyillarning mohiyatini va tizimli xususiyatlarini ko'rib chiqing. Ta'lim mazmunini modulli tuzish printsipi quyidagilarni belgilaydi ta'lim mazmuni, tashkiliy shakllari va o'qitish usullari tarkibida aks ettirilgan ta'lim yondashuvi. Modulli o'quv dasturi muayyan didaktik maqsadlarga erishish uchun mo'ljallangan alohida funktsional tugunlar shaklida ishlab chiqilishi kerak: bilimlarga asoslangan o'quvchilarning ko'nikmalarini o'rganish. Ta'lim oluvchilarning modulli shu tarzda tashkil etilishi kerakki, ob'ektiv bilimlarni o'zlashtirish o'quv dasturining modullarida belgilangan ta'lim maqsadlariga to'liq mos keladigan o'quv ma'lumotlarining yaxlit, avtonom qismlarini o'rganish orqali amalga oshiriladi. O'quv dasturining modullari alohida va bir vaqtning o'zida o'zaro bog'liq va o'zaro bog'liq bo'lgan o'quv elementlariga tuzilgan bo'lib, ularning har biri o'ziga xos bilim va faol didaktik maqsadga ega. Shu bilan birga, ta'lim mazmunini modulli tuzish printsipi tarkibiy elementlarning o'quv materiallarini butun modulli dasturning didaktik maqsadini amalga oshirishga qaratilgan yagona yaxlitlik sifatida ko'rib chiqishni talab qiladi. Modullarning strukturaviy elementlarini ierarxik jihatdan quyi tartibli modullar deb hisoblash mumkin, ularda avtonomiya va mustaqillik kamroq. Sinergetik yondashuv nuqtai nazaridan modularlik printsipi modulli dasturining strukturaviy elementlarining o'quv ma'lumotlarining optimal hajmini aniqlashni, o'quvchilarning o'z-o'zini tashkil etishni va o'z-o'zini aks ettirishni rag'batlantiradigan ta'lim usullari va vositalarini tanlashni tartibga soladi. Talabalarning ta'lim ehtiyojlarini hisobga olish printsipi o'quv dasturining individual qobiliyatlari, tayyorlash darajasi va talabaning ehtiyojlariga moslashishini talab qiladi. Modulli texnologiya faqat har bir modulni o'rganishdan oldin emas, balki modulli dastur bilan ishlashni boshlashdan oldin o'qitiladigan bilim va ko'nikmalar darajasini majburiy kiritish diagnostikasini o'z ichiga olishi kerak. Kirish testining natijalarini tahlil qilish sizga o'rganiladigan modullarning ro'yxatini aniqlash imkonini beradi, ya'ni individual o'quv dasturini yaratishga imkon beradi. Bundan tashqari, o'qitishning modulli yondashuvi asosan ta'lim mazmunini mustaqil ravishda o'zlashtirishga asoslanadi, shuning uchun o'quv jarayoni zarur miqdorda o'quv - uslubiy broshyuralar (o'quv dasturining o'quv elementlari), asboblar, uskunalar va boshqalar, o'quv-ishlab chiqarish yoki laboratoriya uskunalari bo'yicha ish jadvali, qo'shimcha va ma'lumotnoma adabiyotlar, uslubiy konsultatsiya bilan ta'minlanishi kerak Ushbu tamoyil talabalar uchun ob'ektiv va sub'ektiv ta'lim maqsadlarini yaqinlashtirishni talab qiladi, bu taklif qilinayotgan texnologiyaning sinergetik xususiyatini hisobga oladi. Shu nuqtai nazardan, ta'lim jarayonida ta'lim berishga barqaror turtki berishga qaratilgan ta'lim shakllari va usullari, ta'limotga ijobiy munosabat yaratishga yordam beradigan guruhda ishlash qobiliyati qo'llanilishi kerak.

Ta'lim mazmuni va usullarining faol yo'nalishi printsipi amaliy faoliyatni amalga oshirish uchun treningni yo'naltirishni va fan yoki kasbiy faoliyat tuzilishiga mos keladigan o'qitishning modulli tuzilmasini yaratishni talab qiladi. Ushbu tamoyil modullarni o'rganishning ta'lim maqsadlari, modulli dasturning tarkibiy elementlari mazmunini tanlash, o'qitish usullari, shakllari va vositalarini tanlashda o'z aksini topishi kerak. Bunday holda, modul kelajakdagi mutaxassisning tizimli sifatini shakllantirish uchun mo'ljallangan. Ta'lim mazmunini o'zlashtirish faoliyat jarayonida amalga oshirilishi kerak - bu holatda nafaqat samarali, balki tezkor bilim va ko'nikmalar ham shakllantiriladi, bu esa mutaxassisni o'qitish uchun juda muhimdir. Modulli ta'lim uchun dasturning strukturaviy elementlarining muayyan ta'lim maqsadlariga muvofiq, o'quvchilarning intellektual va shaxsiy fazilatlarini rivojlantirishga yordam beradigan va faoliyatning turli turlari va usullarini o'rganishga imkon beradigan optimal usullar, shakllar va o'qitish vositalari tanlanishi kerak. Ushbu printsip rivojlanish dinamikasini va standartlarni o'zgartirishni, muayyan malakali mutaxassislarga bo'lgan talabni, zarur kasbiy malakani hisobga olgan holda ta'lim dasturlarini qurishni talab qiladi. Shunday qilib, ko'rib chiqilayotgan printsip ijtimoiy-iqtisodiy va ilmiy - ishlab chiqarish talablarini hisobga olgan holda o'quv dasturi modullarining mazmunini o'zgartirish imkoniyatini beradi. Sinergetika nuqtai nazaridan o'rganish mazmuni va usullarining faol yo'nalishi printsipi ta'lim jarayonida samarali o'qitish usullaridan foydalanishni talab qiladi.

Nazorat-baholash faoliyatining tizimli printsipi modullarning mazmunini assimilyatsiya qilish va uni amalga oshirishni ta'minlash uchun o'quv jarayonining tegishli tashkiloti sifatini kiritish, joriy, oraliq va chiqish nazorati tizimini loyihalashni talab qiladi. Ta'lim mazmunini rivojlantirish natijalarini uzluksiz tashxislash va unga asoslangan tuzatish modul ta'lim jarayonini qayta ko'rib chiqish va boshqarish uchun uslubiy tizimning elementlari zarur. Texnologiya sinergiyasi o'z o'quv faoliyatini nazorat qilish va boshqarish funktsiyalarini kengaytirish va talabalarning tegishli funktsional qobiliyatlarini rivojlantirish uchun maqsadli pedagogik shart-sharoitlarni yaratishda namoyon bo'lishi kerak. O'quv jarayoni sub'ektlarining o'zaro munosabatlarining paritetligi printsipi o'qituvchiga o'quvchilar bilan samarali munosabatlarni o'rnatish, o'quvchilarni jamoada sog'lom munosabatlarni shakllantirish bo'yicha birgalikdagi faoliyatga jalb qilish uchun samarali pedagogik texnika va pedagogik psixologiya yutuqlarini qo'llashni talab qiladi. O'quv dasturining modulli tuzilishi o'qituvchining talaba bilan muloqot shakllarini o'zgartirishga, individual talabalar bilan ishlashni shaxsiylashtirishga, individual yordamni dozalashga, talabalarga yaqin rivojlanish zonasida ishlashga yordam beradi. Modulli ta'lim texnologiyasini amalga oshirishning muvaffaqiyati ko'p jihatdan o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi teng munosabatlarga rioya qilish bilan belgilanadi. Modulli ta'limda tenglik munosabatlarini o'rnatish ta'lim jarayonida o'qituvchining hamkori bo'lish huquqini tan olishni va o'quv faoliyati natijalari uchun javobgar bo'lishni anglatadi. Bunday munosabatlar, o'z navbatida, o'z-o'zini takomillashtirish va shaxsning ijtimoiylashuvi jarayonlarini amalga oshirishi va boshqarishi mumkin bo'lgan talaba va o'qituvchining o'z-o'zini anglashiga yordam beradi. Shunday qilib, talabalar va o'qituvchilar o'rtasidagi munosabatlarning paritetligi printsipi modulli-reyting texnologiyasini amalga oshirishda talabalarning rivojlanishini boshqarishning sinergetik xususiyatini to'g'ridan-to'g'ri belgilaydi.

Pedagogik texnologiya (G. K. Selevko tomonidan) quyidagi asosiy metodologik talablar: tizimli (murakkablik, yaxlitlik); ilmiy (kontseptual, rivojlanish belgisi); struktura (ierarxiya, mantiqiylik, algoritmiklik, protsessual, uzluksizlik, o'zgaruvchanlik); boshqarish (diagno-stichik, prognozlash, samaradorlik ,maqbullik, takrorlanuvchanlik O'tish: saytda harakatlanish, qidiruv [4,150]. Ular kelajakda pedagogik jarayonning texnologik mezonlari sifatida xizmat qiladi. Modulli


ta'lim texnologiyasini loyihalash modulli o'quv dasturini tayyorlash va ishlab chiqish maqsadlari va maqsadlarini aniqlash bilan boshlanadi.

Ta'lim mazmunining maqsadiga qarab, biz ko'rib chiqqanimizdek, modulli dasturni qurish uchun kognitiv yoki faol yondashuvni qo'llash mumkin, bilim yoki faoliyatning modulli dasturlarini shakllantirish (retsept yoki tizimli faoliyat) turlari. Kasbiy ko'nikmalarni o'rgatish uchun, qoida tariqasida, o'quv ma'lumotlarini taqdim etishga retsept bo'yicha yondashuv qo'llaniladi. Mutaxassis tomonidan fundamental va professional bilimlar tizimini sotib olish uchun ishlab chiqilgan dasturlar, amaliy ko'nikmalar rivojlanishi bilan bir qatorda tizimli faoliyat turiga ham tegishli. Asosiy, fundamental ta'lim olish uchun bilim turi dasturlari ishlab chiqilmoqda. Kognitiv o'quv dasturlarini loyihalash ta'lim mazmunini tematik tuzishga asoslangan[6,88]. Albatta, fizika o'qitish dasturlari asosiy ta'lim uchun mo'ljallangan. Shu bilan birga, fizika bo'yicha o'quv dasturini ishlab chiqish jarayonida faoliyatning turli turlari va usullari (o'quv materiallarini umumlashtirish va tizimlashtirish, muammolarni hal qilishda, laboratoriya ishlarini bajarishda, jismoniy modellar va loyihalarni amalga oshirishda, jismoniy eksperimentlar o'tkazishda va hokazo) o'qitiladi. Bizning fikrimizcha, kasb-hunar ta'limi asosida mutaxassislar uchun zamonaviy malaka talablariga muvofiq ta'limga (shu jumladan, umumta'lim tsiklining fanlarini, shu jumladan, fizikani o'z ichiga oladi) faol yondashuv. Shu bois, modulli-reytingli ta'lim texnologiyasini loyihalashda biz modulli dastur tarkibining strukturasini va o'qitish maqsadlari va usullarini aniqlashga faol yondashishni aniqlashning mavzuiy yondashuviga asoslanamiz, shuning uchun mavzu-faol tipdagi modulli dasturni shakllantiramiz.

Nazariy va uslubiy tadqiqotlar tahlili va modulli dasturlar va modul qurish pedagogik tajriba umumlashtirish, bizga rivojlantirish uchun talablarni belgilash imkonini berdi: modulli dasturi tarkibiy elementlari maqsadlari birikmasi; o'quv moddiy modul maqsadli; to'liqligi va modul mazmuni mantiqiy to'liqligi; tarkibiy nisbiy mustaqillik modul elementlari; modullarning o'quv ma'lumotlarini uzatish usullari, shakllari va vositalarini optimallashtirish; qayta aloqa qilish. Aniq, aniq va erishish mumkin bo'lgan ta'lim maqsadlarini belgilash modulli ta'lim texnologiyalarining o'ziga xos xususiyati hisoblanadi. Modulli dasturning strukturaviy elementlarining didaktik maqsadlari kombinatsiyasi uning tuzilishini loyihalash jarayonida amalga oshiriladi. Modulli dastur, modulli ta'limning asosiy vositasi bo'lib, alohida modullardan iborat. P. A. Yatsyavichene, M. A. Choshanov, P. I. Tretyakov, A. V. Morozov va D. V. Chernilevskiy tomonidan taklif etilgan modul ta'riflarini tahlil qilish natijasida biz modul kontseptsiyasining ma'nosini o'rganish texnologiyasida aniqladik.

Modul ostida biz nafaqat o'quv ma'lumotlarining to'liq avtonom mazmunini, balki uslubiy tizimning barcha tarkibiy qismlarini (maqsadlar, o'qitish mazmuni, tashkiliy shakllar va o'qitish usullari, o'qitish vositalari, o'quv natijalarini nazorat qilish va baholash) o'z ichiga olgan funktsional mustaqil birlikni tushunamiz[5,118]. Modulning tarkibiy qismlari tarkibiy va funktsional jihatdan o'zaro bog'liq va bir-biriga bog'liq bo'lgan strukturaning birliklari bo'lgan o'quv elementlari hisoblanadi. Modulning mazmuni yaxlitlikning tizimli sifatiga ega, shuning uchun uning funktsional mustaqilligi modul va modulli dasturning umumiy maqsadlariga va o'quv elementlarining mazmuniga bo'ysunishi kerak.

O'quv jarayonini loyihalashning texnologik yondashuviga asoslangan (umumiy maqsadlar va ta'lim mazmunini aniqlash, muayyan o'quv maqsadlarini aniqlash, o'qitish, baholash, tuzatish) [3, 20], biz modulli fizika o'quv dasturini loyihalash jarayonining quyidagi tuzilishini aniqladik (1-shakl):



1-Shakl. Modulli dasturni ishlab chiqish jarayoni o'quv jarayonining barcha tarkibiy qismlarining maqsadlarini amalga oshirish darajasini baholash asosida aniq belgilangan maqsadlarga erishish va tuzatish bo'yicha o'quv jarayonining yo'nalishi, ya'ni. qayta aloqa qilish ta'lim dasturining texnologik dizayniga xosdir. Shu bilan birga, maqsadlarni belgilash va o'qitishning maqsadli yo'nalishini aniqlash muammosi pedagogik texnologiyalarni loyihalashda asosiy rol o'ynaydi.

Yakunlab aytganda, modul-reyting texnologiyalar va didaktik tadqiqotlar sohasidagi ko'plab tadqiqotchilar (yu. K. Babanskiy, VP Bespalko, P. ya. Galperin, M. V. Klarin, B. T. Lixachev, VM Monaxov, GK Selevko, N. F. Talizina, M.A. Choshanov, V.M. Shepel, P.M. Erdneyev va boshqalar). Biz pedagogik texnologiyalarning maqsadli yo'naltirilganligi ta'limning umumiy yo'nalishi bilan bir qatorda, muayyan shaxsiy tuzilmalarni (asosiy vakolatlar, zun, sud, so'm, sen va boshqalar G.K. Selevk tomonidan) shakllantirishga, shuningdek, o'quv faoliyatini tashkil etish va boshqarish usullari, o'qituvchi va stajyor o'rtasidagi munosabatlarning tabiati, rejalashtirilgan o'quv natijalariga erishish darajasini va ta'lim natijalarining takrorlanuvchanligi ko'rsatkichi. Modulli ta'limni amalga oshirishda didaktik maqsadlar o'quv faoliyatining muhim natijalari bo'lib xizmat qilishi va bilim va amaliy faoliyatning istiqbollari sifatida amalga oshirilishi kerak.

ADABIYOTLAR

1. Лозинская, А. М. Системный подход в методике преподавания физики [Текст] / А. М. Лозинская // Философия и наука: материалы третьей межвуз. науч.-практ. конф. аспирантов и соискателей «Философия и наука», Екатеринбург, 21 апр. 2004 г. / Урал. гос. пед. ун-т. - Екатеринбург, 2004. - С. 136-139.
2. Хакен Г. Информация и самоорганизация: Макроскопический подход к сложным системам [Текст] / Г. Хакен; перевод с англ. Ю. А. Данилова; предисл. Ю. Л. Климонтовича. - М . : Мир, 1991. - 240 стр.
3. Кларин, М. В. Технология обучения: обзор идеала [Текст] / М.В. Кларин // Школьные технологии. - 2005. - № 1. - С. 11-20.
4. Беспалько В.П. Образование и обучение с участием компьютеров (педагогика третьего тысячелетия) 2002г. Издательство МОДЭК, МПСИ 171стр.
5. Игошев Б.М. Лозинская А.М. Шамало Т.Н. Модульно-рейтинговая технология как средство повышения эффективности обучения физике (монография) Успехи современного естествознания. – 2012. – № 8 – С. 118-119
6. Влияние модульно-рейтинговой технологии оценки учебных достижений на развитие познавательного интереса студентов Любимова Г.А.,Нестеренко Д.И. -2021. г.Волгоград 132стр.

Fizika o'qitish texnologiyalarini innovatsion modul-reytingli loyihalash

Babaxova G.Z.,Nukus davlat pedagogika instituti

Rezyume: Fizika o'qitish texnologiyalari modul-reyting tizimi sifatida qaralishi mumkin. Funktsional tizimlar nazariyasi sohasidagi tadqiqotlarni tahlil qilish modulli-reyting texnologiyasining tarkibiy qismlarini ta'kidlash imkonini berdi. Sinergetika makroskopik darajadagi yangi fazilatlarning paydo bo'lishi nazariyasini ko'rib chiqishi mumkin.

Kalit so’zlar: modul-reyting, sinergetik yondashuv, paritetlik, kontseptual, tadqiqotlar tahlili

Инновационное модульно-рейтинговое проектирование технологий обучения физике

Бабахова Г.З., Нукусский государственный педагогический институт

Резюме:Технологии обучения физике можно рассматривать как модульно-рейтинговую систему. Анализ исследований в области теории функциональных систем позволил выделить компоненты модульно-рейтинговой технологии. Синергетика может рассматривать теорию возникновения новых качеств на макроскопическом уровне.

Ключевые слова: модульный рейтинг, синергетический подход, паритет, концептуальный, анализ исследований

Innovative modular-rating design of physics teaching technologies

Babakhova G.Z., Nukus State Pedagogical Institute

Resume: Physics teaching technologies can be considered as a modular rating system. The analysis of research in the field of functional systems theory allowed us to identify the components of the modular rating technology. Synergetics can consider the theory of the emergence of new qualities at the macroscopic level.

Key words: modular rating, synergetic approach, parity, conceptual, research analysis

ИСТОРИЯ. СОЦИОЛОГИЯ.
ФИЛОСОФИЯ. ЮРИСПРУДЕНЦИЯ.

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА МАФКУРАНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Алимбетова Г.А
Қоракалпок давлат университети

Жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги динамик ўзгаришларни шарҳлаш ва изоҳлаш, ўрганиш учун сиёсатшунослик “сиёсий жараён” тушунчасидан фойдаланади. Сиёсий жараён сиёсатшуносликнинг универсал категорияси сифатида сиёсий амалиётни ҳам характерлайди. Сиёсий жараённи сиёсий тизимнинг шаклланиши, ривожланиши, ўзгариши ва фаолияти билан боғлиқ бўлган, давлат ҳокимиятига воситачилик қилувчи сиёсий муносабатларнинг барча субъектларининг умумий фаолияти сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. Мафкураларни, уларнинг асосий турлари сифатида консерватив, ислоҳотчи (либерал), инқилобий ва мухолифатчи деган тўрт турга бўлиш мумкин. Консерватив мафкуралар одатда мавжуд тартибни ҳимоя қилади, деб ҳисобланади. Таърифга кўра, консерваторлар учун "мавжуд қоидалар ва тартибларни сақлаш" масаласи устувор бўлганлиги сабабли, бу далил унчалик нотўғри эмас. Бироқ, бу ердаги консерватизм дин, маданият ва ахлоқ тизимини ёки давлатда ҳукмронлик қилаётган ҳозирги сиёсий тизимни ҳимоя қилишни мақсад қилгани нуқтаи назаридан муҳим. Бошқа томондан, ислоҳотчи мафкуралар мавжуд тузумни янги шароитларда янгилашни мақсад қилади. Улар тартибга қарши эмас, балки мавжуд тартибни такомиллаштириш ва керакли ислоҳотларни амалга ошириш тарафдори. Инқилобий мафкуралар эса мавжуд қадриятлар тизимини тубдан ўзгартиришга асосланган. Улар эски тузумни бекор қилиб, уни ўзлари ҳимоя қилаётган янги тизим билан алмаштиришни мақсад қилганлар. Якуний категория сифатида қарама-қарши мафкуралар ўрнатилган қадриятлар тизимига зид бўлган муносабат ва хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда оқлашга интилади.

Яна бир таснифлашга кўра, мафкураларни **замонавий** ва **анъанавий** деб, ҳисоблаш мумкин. Замонавий маънода мафкура умумий ва тизимли фикрлаш усуллари орқали вақт ҳамда маконни қамраб олишга даъво қилади. Миллатчилик, фашизм, нацизм, либерализм ва марксизм каби замонавий мафкуралар Француз инқилоби билан пайдо бўлди, деб ҳисоблаш мумкин. **Анъанавий мафкуралар** – бу замонавий даврдан олдин пайдо бўлган мафкуралар. Анъанавий жамиятларда мафкуралар бошқариладиганлар орасида кенг тарқалган ва маълум йўналишларга эга бўлган чекланган ҳамда ноаниқ ғоялар мажмуасидан иборат мафкуралардир[1]. Мафкураларни бошқа томондан нисбатан **юмшоқ** ва **қаттиқ** мафкуралар сифатида ҳам ўрганиш мумкин.

Юмшоқ мафкуралар – бу ижтимоий ҳаётда тўлиқ кўриниш ёки муқобиллик келтирмайдиган, индивидуал йўналтирилган қарашлар ва фикрлар тарқоқ ҳамда марказлашмаган тизимлардир. Шунинг учун улар осонгина эгилиб, турли йўналишларда шакллантирилиши мумкин[2]. Бошқача қилиб айтганда, "омманинг шаклсиз эътиқоди ва когнитив тизимлари"[3] юмшоқ ёки заиф мафкура сифатида тавсифланиши мумкин. Диний эътиқодлар кўпинча юмшоқ мафкураларга мисол сифатида келтирилади. Бироқ, баъзи ҳолларда, "қаттиқ мафкура" доирасида баҳоланиши керак бўлган диний мафкура шаклларини ҳам кўриш мумкин.

Бошқа томондан, қаттиқ мафкуралар "тизимли қайта ишланган, асосий назарий қарашларга асосланган, элита маданияти билан чегараланган, кучли мазмунга эга" тузилмани тақдим этади. Қаттиқ мафкуралар юмшоқ мафкураларга қараганда анча кенг қамровли ва ички жиҳатдан изчилдир. Шунингдек, улар тарихни жуда яхши ўрганганлик ва ҳис қилганлик асосида ишлаб чиқилади. Бу мафкуралар маълум бир мақсад йўлида турли гуруҳлар ёки сегментлардан ташкил топган жамоавий тузилмаларнинг қарашлари ва фикрларидан иборат. Асосий қаттиқ мафкуралар: фашизм, нацизм ва коммунизм. Макс Галло фашизм ва социализм даврида ваҳшийликнинг кутилмаганда пайдо бўлишини тасвирлайди. Бу мафкураларда тасаввур тизими, образлар, мифлар ва дунё ҳамда тарих ҳақиқати ўртасидаги фарқнинг кучайиши билан боғлиқ[4]. Бу қатъият эса қаттиқ мафкуралар тўқнаш келган нуқтани очиб бериши билан аҳамиятлидир. Ўрта асрларда ҳатто Галилейнинг “Дунё айланмоқда” деган гапини ҳам жиноят деб ҳисоблаган инквизиция тушунчаси ва бугунги кунда баъзи экстремал диний тушунчалар динни қаттиқ мафкура сифатида қабул қилиш ва қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

Мафкуранинг вазифалари. Мафкуралар турли мақсадларга хизмат қилувчи восита сифатида қўлланилади. Мафкуравий фикрлайдиган, яъни ўз тафаккурига мафкурани асос қилиб олган одам бир қарашда мафкурани пировард мақсад қилиб олгандек кўринади. Бошқа томондан, мафкура "бошқа мақсадларга эришиш воситаси" сифатида кўрилади. Фрейд мафкура ҳақида фикр юритар экан, асосий мақсад "дунёни талқин қилиш эмас, балки уни ўзгартириш" эканлигини таъкидлайди.

Грамши ва Алтуссер сингари, Сорел ҳам мафкура тўғри ёки нотўғри деб баҳо бериладиган масала эмаслигини айтади. Унинг сўзларига кўра, биз ҳақиқат тушунчасини мафкуралар учун ишлатишимиз мумкин: "Улар тирик, ташкил этувчи тамойиллар сифатида ишчилар синфида олижаноб ва чуқур илдиз отган туйғуларни очиб, уларни инқилобий ҳаракатга ундайди"[5, 262]. Бу ерда мафкура “ишчилар синфи диктатураси” деб таърифланган социалистик ҳокимиятга хизмат қилсагина тўғри, деб қабул қилинадиган ёндашув мавжудлиги тушунилади. Бу қарашнинг илмий "ҳақиқат" билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Сорелнинг мафкура ҳақидаги бундай "ички" қараши ҳатто ўзи каби фикрлайдиган Эаглетон учун ҳам ҳаддан ташқари нотўғридир: У Сорелнинг "ҳеч қандай оқилона индукция социализм атрофидаги сир булутини

йўқотмайди" деган гапини "одатдаги нодонларча хатти-ҳаракатлар" деб таърифлайди[5, 262]. Ҳақиқати мақсад сари интилишдан иборат бўлган мафкура одамларни шу мақсадда қандай сафарбар этади? Ҳаракат қилиш учун унинг ҳақ эканлигига ишониш керак. Мафкура онг остига ёки ғайритабиий онгга эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлмаган фактларни суриш орқали ҳаракат учун зарур бўлган "онгни" таъминлайди[6, 18].

Совет социализми амалиётидан маълум бўлдики, мафкурани назарий жиҳатдан бўлгани каби амалиётда ҳам бирдек муваффақиятли жорий қилиш қийин. Бунда мақсадга хизмат қилувчи восита сифатида муваффақият қозонган бўлса-да, эришиладиган натижада ҳал қилувчи бўла олмайдиган ва “бахтли келажак” нуқтаи назаридан заифлик кўрсатган тузилма пайдо бўлди, аслида бу унинг энг кучли томони бўлиб кўринган эди. Мафкуралар рационализаторлик вазифасини бажаради. Эргилнинг фикрича[7], мафкура “у ўз табиатига кўра синф ёки гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилса-да, у тўғридан-тўғри ёлғондир, чунки у уларни умуминсоний ҳақиқат сифатида тақдим этади, аммо ўзида бутун ҳақиқатни акс эттирмайди”. Бу ерда мафкура ёлғон онг бўлишдан ташқари, алдамчи ва оғишганлиги аниқланади.

Шариф Мардин[1, 100] мафкуравий тарафкашликка олиб келадиган учта омилни аниқлади. Булар: "(1) "шахс мансуб бўлган гуруҳнинг таъсири; (2) воқеалар кўриладиган маданий кўзойнак ва (3) жамиятнинг рамзий репертуарини ҳимоя қиладиган ва ундан фойдаланадиган зиёлиларнинг таъсири. Бунда мафкуравий рамзлар ёзма ёки оғзаки шаклда ёки оммавий тарзда бўлиши мумкин. Ушбу фикр батафсил ўрганилганда, бирор киши мансуб бўлган гуруҳнинг етакчи таъсирини шахснинг гуруҳга содиқлик даражаси билан баҳолаш мумкинлиги ойдинлашади. Унда шакллантирилган маданият ҳам одамларга истиқбол ва асосий ёндашув йўналишларини ўртагади. Учинчидан, бу ўринда гуруҳдаги одамларнинг ҳис-туйғулари ва фикрлари билан озиқланадиган фикр етакчиларининг таъсири ҳақида гап боради.

Мафкуравий тарафкашлик ёки тўғри йўлдан оғиш ҳақиқий маънода “хато”ми? Маълумки, “хато” натижани билиб, тавакка қилиб қилинадиган иш эмас. Ҳолбуки, мафкуравий хатолик "баъзи турдаги сабаблар ва функцияларга эга бўлган хатодир"[5, 57]. Яъни, натижа маълум ва одатий ҳол сифатида қабул қилинади. Лекин хато ёки тўғри йўлдан оғиш ҳар доим рационализация билан ниқобланади.

Эаглетон[5, 57] мафкура ижтимоий манфаатни ифодаловчи эмас, балки уни рационализация қиладиган ёндашув эканлигини айтади. Мафкуралар рационализацияси мантиқий изчил ёки ахлоқий жиҳатдан мақбул тушунтири, беришга уриниш сифатида изоҳланади. "Мафкураларни рационализация қилиш деганда – улар ҳимояланмайдиган нарсани ҳимоя қилишга, қандайдир ножоиз, шармандали ниятларни ўз “чўнтакларида” яширишга ҳаракат қиладилар"[5, 85]. Мафкура рационаллаштириш орқали номувофиқликлардан халос бўлишга, ўзини монолит воқелик сифатида тасдиқлашга йўл очади. Бунинг натижаси шуки, тарафдорга ҳақиқатни гўёки изчил тушунтириш орқали уни мамнун қилади ва олий мақсад сари юришга ундайди. Яъни у ўзининг рационализаторлик функцияси билан шахсларга изчил деб аталмиш нуқтаи назарни шакллантиради ва уларни мафкуравий оммавий ҳаракатда иштирок этишга тайёрлайди. Мафкуралардан ҳокимиятни қонунийлаштириш воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Грамши томонидан "гегемония", Алтуссер томонидан "давлатнинг мафкуравий аппарати" сифатида рамзий кўрсатилган қарашлар мафкуранинг ҳокимиятни қонунийлаштириш воситаси сифатидаги функциясини очиб беради. Грамшининг илмий қарашларига кўра, айнан мафкура халққа давлат ҳокимиятини “розилик” билан қабул қилишга имкон беради. Бу ўринда гегемонликка давлат ва иқтисодиёт ўртасидаги барча институтлардан фойдаланиш орқали эришилади. Алтуссердаги давлат эса мактаблар, матбуот, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар каби мафкуравий воситалардан фойдаланиб, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлайди. Одатда анъанавий мафкуралар ҳокимиятни қонунийлаштириш вазифасини бажаради, деган қараш мавжуд. Аслида, анъанавий мафкуралар дастлаб "қонунлаштириш формулалари" сифатида ўйлаб топилмаган[13]. Бироқ ҳукуматларнинг қонунийлик излаб мафкуравий таълимотлардан бошпана топиши уларнинг зиммасига бу вазифани ҳам юклади. У қандай мафкура бўлишидан қатъи назар, ҳокимиятга келганда қонунийлик вазифасини бажаришига тўсқинлик қила олмайди.

Маълумки, ҳокимиятни оқлашдан ташқари, айниқса кескин ва тизимли мафкуралар оммани ўз ортидан эргаштириш салоҳиятига эга. Умуман дунё ҳукмронлигини кўзлаган бу мафкуралар Иккинчи жаҳон урушидаги каби фожиали оқибатларга олиб келди. Бу мафкураларни урушлар орқали йўқ қилиш ёки улар келтириб чиқарадиган ёмонликларга мутаносиб равишда қандайдир йўл билан тугатиш – инсониятнинг энг асосий вазифаларидан бирига айланган. Бошқа бир нуқтаи назардан қараганда, инсоният эришган юксак илмий даража туфайли хаёлий эътиқод тизимини ташкил этувчи мафкуравий тушунтиришларга эҳтиёж қолмайди ва шу сабабдан ҳам улар барибир бир кун келиб тугайди, деган фикр ҳам бор.

Өзликти аңлаў социал әмелиятта әҳмийетли фактор есапланады. Себеби өзлигин аңлаў арқалы инсан беккем исеним ҳәм еркке, пазыйлетли минез қулыққа ийе болады.

«Инсанды мәнаўий болмыс- деп түсиниў- онда өлмес қәлиб, муқаддес рух,әжайып ийман, шексиз мехрибанлық ҳәм уллы хужданның бар екенлигин тән алыў болып есапланады. Бул болмыстың өмири сырлы, ишки ўақыялық болып. өзликти аңлаўда көринеди. Инсанның мәнаўий болмысы мәнаўий мәденияттың дереги болып есапланады» деп жазады философ илимпаз И.Ильин өзиниң «Мәнаўий жаңаланыў жолы» деп аталған мийнетинде. [4,277]. Ҳақыйқатында бундай қарас миллий эткамыз раўажланыўыда да өз көринисин тапқан болып, ол «мәнаўий болмыс» қәлиплестириў деп аталған. Мысалы Хожа Аҳрар Валий «Мәнаўий болмыс бул – керексиз ҳәўеслерден, характердан ҳәм талаплардан ўаз кешип, руўхый болмыс пайда етиў» [5,281] дейди. Демек өзликти аңлаў менен инсанның мазмуны ашылады, бул мәнаўий идеалдың ең әҳмийетли функционал ўазыйпасы болып есапланады. Себеби өзин аңламаған инсан жаманлыққа, жаўызлыққа ҳәм ўайранагершиликке мейил болады. Өзин аңламаған инсанда әсте ақырынлық пенен пикирсизлик, әдеп-икрамсызлық ҳәм ҳәрекетсизлик қәлиплесип барады.

Жаманлық, жаўызлық – бул талаплардың, мүтәжликлериниң нәтийжеси деп есаплайды гей биреўлер. Бул әлбетте надурыс пикир.Себеби инсан жаман минез-қулық, әдеп-икрамлылық пенен туўылмайды.Оны надурыс тәрбия, саламат емес шараят ҳәм бийпарықлылық, исенимсизлик қатнасықлары жаман жолға баслайды. Итибар берилсе, жынаяты ушын қамақта жынайый жазасын өтеп атырған адамдада жақсылық сезими болыўы мүмкин. Я болмаса бүгинги күни итибарсыз қалып баратырған жаслар билимсизлиги, тәрбиясызлығы себепли өз тилеклерин унамсыз ҳәрекетлерге араластырып жибермекте. «Инсан өз ақылы, қәбилетин ҳәм сезимлерин илим арқалы раўажландырып, хуждан деп аталатуғын руўхыят ҳәм ой-пикир бирлигинен ибарат жеке өлшемлерди тәрбиялайды. Бул өлшем, яғный хуждан ҳәрекети ҳәм ерки инсанның ким ҳәм нелерге уқыплы екенлигин көрсетеди. Жақсы ис ҳәм минез-қулықлар белгиси болған хуждан адамның абыройын көтерсе, хуждансызлық адамды жоқ етеди, ел-журт алдында масқара етеди» [6,75]

Өз дәўиринде А.Авланий: «Жақсы минез қулықлардың жақсылығын, жаман минез қулықлардың жаманлығын дәлил ҳәм мысаллар тийкарында ең дәслеп баянлайтуғын китап әдеп икрамлылық делинеди, ол инсанларды жақсылыққа шақырыўшы, жаманлықтан қайтарыўшы илим болып есапланады» - деп сыпатлама берер екен, микро, мезо, сакро шараятлардың кәмиллигин мине усы мәнаўий-әдеп икрамлылық тәрбия дәрежеси менен байланыстырған. Саламат мәнаўий-әдеп икрамлылық шараятты қәлиплестириў ҳәм мәнаўий идеалды тәрбиялаў ҳуқықый демократиялық мәмлекет ҳәм пуқаралық жәмийети тийкарларын турақластырыўда үлкен әҳмийетке ийе. Себеби мәнаўий идеал инсанды жақсылық мақсетлерине қарай бағдарлайды. Сондай екен, жәмийет мәнаўий идеалға тийкарланып әдеп икрамлылық шараятын жетилистириўи керек.

Мәнаўий идеал инсанның әдеп икрамлылық өмиринде әҳмийетли орын ийелейди. Усы мәнисте мәнаўий идеал инсанның жетиклик өлшеми болып есапланады. [7,204]. Демек мәнаўий идеалды мектепке шекемги тәрбия орынларынан жоқары оқыў орынларына шекем болған дүзимде қәлиплестириўге дыққат қаратыў лазым болады. Мәнаўий идеалды инсан санасында қәлиплестириўде дәлиллер мәселесине айрықша итибар бериў керек. Дәлилленбеген мәнаўий идеал адам қәлбинде орналаса алмайды, есте сақланбайды.

Өзбекстанда пуқаралық жәмийетиниң ҳәзирги раўажланыў процесинде мәнаўий идеал әҳмийетли орын тутады. Инсан эәмийетте белгили бир мақсет арзыўларсыз жасай алмайды.Ҳәр бир адам өзиниң келешегин қандай да бир мақсет формасында алдыннан көз алдына келтире алмаса, оның дөретиўшилик ҳәрекети пәсейеди, нәтийжеде инсанның кейпиятында түскинлик, хызметинде болса бийпәрўалық сыяқлы иллетлер пайда болады. Усы мәнисте мәнаўий идеал ҳәм шахсқа жәмийеттте өз орнына ҳәм белгили социал статусқа ийе болып жасаўы ушын бағдарлаўшы идеялар, түсиниклер ҳәм әдеп икрамлылық көз-қараслар системасы усыныс етиледи. Идеялар топламы шахс өмири ҳәм хызметине тәсир қылыўшы тийкар ҳәм факторлар болып есапланады. Идеялар топламы мәнаўий идеалға айланыўы ушын тәжирийбелер дигиршигинен өткен болыўы лазым. Ҳәр қандай идея мәнаўий идеал ушын тийкар бола алмайды. Инсанның өзлигин сақлаўға хызмет қылыўшы идеялар мәнаўий идеал көринеди.

Мәнаўий идеал улыўма пәраўанлық ҳәм бахытка ерисиўде айрықша адамның мәплери тийкарында улыўмаинсаный мәплерге қарай бағдарлайды. Яғный мәнаўий идеал инсанның санасы ҳәм ой-пикиринде ең алдыңғы қатардағы өзгешеликлерди улыўмаластырыў жолына тийкарланады, инсанның адамгершилиги ҳәм әдеп-икрамлылығы улыўма жәмийетлик көлемде үлги болып хызмет қылады. Мәнаўий идеалдың мақсетлери, терең билими, дүньяға көз қарасы ҳәм нәтийжели хызмети элементлериниң жүзеге шығыўы ушын адамда пуқаралық сезими қәлиплесиўи шәрт. Пуқаралық сезим шахстың жәмийет әдеп-икрамлылық шараятында мәнаўий идеал инсан сыпатында хызмет жүритиўи ушын тийкарғы әхмийетли фактор болады.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Аристотель. Метафизика. −Ростов на-Дону.«Феникс», 1999
2. Фрагменты греческой философии. Тексты.Т.2. −М., «Наука»,1989
3. И.Кант. Лекции по этике. (1780-1782).//Этическая мысль. Научно-публистические чтения. Ипл.1991.
4. И.А.Ильин. Сочинения. В 2-х томах, том 2, −М., «Медиум»,1994
5. Алий Сафий. Рашаҳату айтул-ҳаёт. –Ташкент, “Ибн Сино номли нашриёт”, 2004
6. Маҳмудова Г. Жадидизм ва Туркистанда ахлоқий-эстетик фикр тараққиёти. −Тошкент. «DAVR PRESS», 2006
7. Э.В.Ильенков Философия и культура. −М., «Ипл»,1991

Мәнаўий идеал ҳәм пуқаралық жәмийетиниң раўажланыўы

Максетова М. К. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме: Мақалада бүгинги жәмийетимиздиң раўажланыўында мәнаўий идеалды қәлиплестириў ҳәм оны жәмийет әдеп-икрамлылық шараятының тийкарғы негизи сыпатында қабыл қылыўкөрип шығылады. Мәнаўий идеал – бул шахс әдеп-икрамлылық санасын қәлиплестириўши, бағдарлаўшы ҳәм ҳәрекетлендириўши үлгилер топламы. Мақалада саламат мәнаўий-әдеп икрамлылық шараятты қәлиплестириў ҳәм мәнаўий идеалды тәрбиялаў ҳуқықый демократиялық мәмлекет ҳәм пуқаралық жәмийети тийкарларын турақластырыўда үлкен әҳмийетке ийе екенлиги анализ етиледи.

Таяныш сөзлер: әдеп-икрамлылық, ҳуқықый мәмлекет, демократиялық мәмлекет, пуқаралық жәмийети

Маънавий идеал ва фукаролик жамиятининг ривожланиши

Максетова М. К. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме: Мақолада фуқаролик жамиятини ривожландиришда маънавий идеалнинг шаклланиши ва уни жамиятнинг ахлоқий қадриятларининг асоси сифатида кўриб чиқилади. Маънавий идеал - бу шахс онгини ривожлантиришнинг шакллантирувчи, йуналтирувчи ва харакатландирувчи ахлоқий қадриятлар мисоллари тўпломи. Мақолада хукуқий демократик ва фукаролик жамиятининг ривожланиши ва барқарорлигига соғлам ахлоқий муҳитлар ва маънавий идеаллар шаклланишининг катта таъсири таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: ахлоқ, хукуқий давлат, демократик давлат, фукаролик жамияти

Духовный идеал и развитие гражданского общества

Максетова М.К. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается формирование нравственного идеала в развитии гражданского общества как основа нравственных ценностей общества. Нравственный идеал – это совокупность примеров нравственных ценностей, формирующих, направляющих и мотивирующих развитие сознания личности. В статье анализируется большое влияние формирования здоровой нравственной среды и духовных идеалов на развитие и стабильность правового демократического и гражданского общества.

Ключевые слова: мораль, правовое государство, демократическое государство, гражданское общество

Spiritual ideal and development of civil society

Maksetova M.K. Karakalpak State University

Summary. The article examines the formation of the spiritual ideal in the development of civil society and its consideration as the basis of moral values of society. The spiritual ideal is a set of examples of formative, guiding and acting moral values of the development of person consciousness. The author analyzes the great influence of formation of healthy moral conditions and spiritual ideals on development and stability of a legal democratic and civil society.

Key words: morality, constitutional state, democratic state, civil society

ЧЕХОВ АСАРЛАРИДА ИНСОН ФАЛСАФАСИ

Абдуллаева Н. Б.
Узбекистон миллий университети

Кириш. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотлар самара-сининг инсонга, унинг дунёқараши, маънавий қиёфасига боғлиқлиги тобора кўпроқ аён бўлиб бормоқда. Дарҳақиқат, «Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради»[1,39]. Шунинг учун инсон фалсафаси, инсон, унинг ўзига хос сифати ва имкониятларининг чексизлиги, бунёдкорлик фаолияти, айни пайтда индивидуализм, эгоизм (худбинлик), манфаатпарастлик, инсон табиатининг ҳам инсониятнинг бир хил манфаатлари муштараклашадиган муҳим нуқталар борлиги тўғрисида қарашлар ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди.

Инсон фалсафаси фалсафанинг энг қизиқарли айни пайтда мураккаб масалаларидан саналади. Фалсафа тарихида шахс табиатини тадқиқ қилишга доир кўплаб назарий ёндашувлар ҳукм сурган. Бадиий адабиётда ҳам инсон фалсафаси турли ракурсларда тасвирланган бадиий асарлар кўплаб топилади. Уларнинг бирида инсон шахсининг бир жиҳатига эътибор берилган бўлса, бошқасида мутлақо ўзга атрибутларга диққат қаратилади.

Рус ёзувчиси Чехов асарлари унинг жанри, қачон ёзилганидан қатъий назар инсоннинг хато ва камчиликлардан холи бўлмаган ҳатти ҳаракатларини тушуниш, инсонийлик, бағрикенглик ғоялари билан замонавий аҳамият касб этади. Чеховнинг фалсафий қарашлари, адабиёт фалсафасига қўшган ҳиссаси ҳали тўла тадқиқ этилмаган, зеро адибнинг давлат, жамият, халққа оид инсонпарварлик тасаввурлари, тинчликпарварлик позицияси, маънавий-ахлоқий мезонларини таҳлил қилиш замонавий фалсафани бойишига билан бирга одамларни доимий муросага келтириш ва умумий мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назарда адиб фалсафий дунёқарашини таҳлил қилиш, инсон маънавияти ва ижтимоий муҳит ўзаро алоқадорлиги хусусидаги қарашларини тадқиқ этиш долзаб масалалардан саналади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: Чехов дунёқарашига таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш; Чехов асарларида инсон индивидуаллигини намоён этувчи жиҳатларни асослаш; Чехов асарларида инсон ахлоқий табиатининг ўзига хослигини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Чехов асарларидаги инсон, унинг ўзига хос сифати ва имкониятларининг чексизлиги, индивидуализм, инсон табиатининг ҳам инсониятнинг бир хил манфаатлари муштараклашадиган жиҳатлари мавжудлиги хусусидаги қарашлардан инсон фалсафасига доир олиб борилаётган тадқиқотлар учун назарий-методологик манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Методлар. Чехов асарларида инсон фалсафасини ўрганишда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, таққослаш каби мантиқий усуллардан фойдаланилган.

Илмий муаммони қўйилиши. Чеховнинг дунёқараши, диний-фалсафий қарашлари баҳсли ва ҳали тўла ўрганилмаган бўлсада аммо рус олимлари томонидан ёзувчи ижодига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, П.М. Бицилли, В.Е. Хализевлар Чехов ижоди, услуби ва унинг ўзига хос жиҳатлари, адиб фалсафий қарашлари ва асарларидаги фалсафий ғоялар, С.Г.Бочаров, В.Б. Катаев, Л.Кубасов, Л.Кройчик, Б.И. Лазерсон, В.Я.Линков, О.И.Родионовалар томонидан таҳлил этилган [2].[14]

Ўзбекистонда инсон фалсафаси, шу билан бир қаторда шахс, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар А.Чориев, С.Чориев, Н.Шермуҳамедовалар томонидан тадқиқ этилган. Аммо Чехов асарлари фалсафий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Чехов асарлари Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Наби Алимуҳамедов, Зуҳриддин Исомиддиновлар томонидан таржима қилинган. Наим Каримов, Иброҳим Ғафуров, Хуршид Дўстмуҳаммад, Иқбол Қўшшаева каби филолог олимлар, адабиётшунослар томонидан адиб ижодининг бадиий-услубий ва эстетик жиҳатларига доир мақолалар эълон қилинган [3][15].

Асосий қисм. Бугун маданият фалсафаси, санъат фалсафасига оид бир қатор тадқиқотлар мавжуд бўлсада адабиёт фалсафаси, ҳали файласуфлар томонидан ҳам адабиётшунос олимлар томонидан ҳам махсус ўрганилмаган. Шундай экан жаҳон ва ўзбек мумтоз адабиёти, замонавий адабиёти фалсафасида ўрганиш керак бўлган масалалар талайгина. Чехов ижодининг фалсафий жиҳатлари деярли тадқиқ этилмаган, кўп жиҳатлари ҳали ўртага ташланмаган.

Чехов инсон нима учун дунёга келган, ҳаётнинг маъноси нимада, инсоннинг мақсади нима, инсон тақдири, инсоният тақдири каби экзистенциал саволларни ўртага ташаган, асарлари орқали инсон маънавий ҳаётининг динамикасини кузатиш ва бу масалалар хусусида хулоса чиқаришни китобхонга қолдириши билан у ўзига хос фалсафий позицияга эгалигини намоён қилган. Хусусан, замонавий психология тилида натижа атрибути деб аталадиган ҳодисаларни батафсил тавсифлаб, баён қилган адиб ижоди ва фалсафий қарашларини ўрганиш ва таҳлил этиш фалсафани ҳам адабиёт фалсафасини ҳам бойитишга хизмат қилади.

---

[14] Бицилли П. М. Трагедия русской культуры. Исследования. Статьи. Рецензии. М., 2000. С. 215. Бочаров С. Г.: Чехов и философия Поэтика Чехова. М., 1970; *В.Б.* Катаев В. Б. Чехов плюс...: Предшественники, со-временники, преемники/ В. Б. Катаев. – М., 2004. – С. 82.4. Линков В. Я. Скептицизм и вера Чехова/ В. Я. Линков. – М. : Изд-во Моск. гос. ун-та, 1995. – 78 с. *В. Кубасов* /Проза А.П. Чехова: искусство стилизации. Екатеринбург, 1999. *Л. Кройчик*. Неуловимый Чехов: этюды о творчестве писателя. Воронеж, 2007, Лазерсон Б. И. Примечания/ Б. И. Лазерсон// Чехов А. П. Полное собрание сочинений и писем: в30 т.: Сочине-ния: В18 т. Т. 7 / А. П. Чехов. – М. : Наука, 1985. – С. 669 – 680Родионова, Ольга Ивановна. А.П. Чехов как мыслитель. Религиозные и философские идеи : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.03 / Родионова Ольга Ивановна; [Место защиты: Моск. гос. ун-т им. М.В. Ломоносова].- Москва, 2013.-212с.

[15] Чориев А. Инсон фалсафаси. Мустақил шахс. Иккинчи китоб.- Т.: Чинор, 2002. Н.Шермуҳамедова .Инсон фалсафаси. –Т.: Ношир 2016. https://ziyouz.uz/jahon-nasri/anton-chexov/ **https://ziyouz.uz/jahon-nasri/anton-chexov/** А.П.Чехов. Бўйинга осилган Анна.Ўқитувчи нашриёт матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2018.304 бюСочинениеяhttps://saviya.uz/ijod/nasr/anton-chexov-yozuvchi-monologi/?imlo=k

Чеховнинг кўплаб замондошлари (Д. Григорович, В. Вересаев, В. Короленколар) ноширлар, муҳаррирлар (А. Суворин, И. Сытин, А. Тихонов ва бошқалар), театр арбоблари (К. Станиславский, Вл. Немирович-Данченко) ёш ёзувчилар (М. Горький, И. Бунин, А. Куприн, Н. Телешов ва бошқалар)га ёзган мактуб ва ёзишмаларида кўплаб файласуфларнинг номи тилган олинган. «Чеховнинг кутубхонасида Марк Аврелийнинг «Мулоҳазалар» А. Шопенҳауернинг «Афоризмлар ва ҳикматлар», Н. Минскийнинг» Виждон нури»китобларини кўриш мумкин. Хат ва асарларида М.Аврелий, Диоген, Демосфен, Конфуций, Суқрот, Эзоп, Цицерон, Лессинг, Декарт, Дидро, Руссо, Кант, Ницше, Шопенгауэр, Эмерсон, Герцен, Белинский кабиларни номларини, асарларини кўплаб тилган олиб ўтганлиги, файласуфлар фикрларидан келтиргани, уларга мурожаат қилинганини таъкидлаш лозим [4, 168]. Бу Чеховнинг фалсафий билими, дунёқараши чуқур ва кенглиги, инсон фалсафасини теран билганлигини кўрсатади. Шунингдек, унинг бадиий асарлари ва мактубларида мотив ва мотивация ўртасида аниқ чегара қўйилади. Чехов рус фалсафаси учун муҳим бўлган айрим муаммоларга, масалан, жамият ва зиёлиларнинг ролига эътибор қаратар экан зиёлилардаги ҳам ижобий ҳам салбий жиҳатларни бир-бирига қарама-қарши хусусиятларини очиб беради.

Антон Павлович Чехов «Семиз ва орик», «Чиновникнинг ўлими», «Буқаламун», «Ниқоб», «Унтер Пришибеев», «Орик ва семиз», «Хамелеон» каби ҳикоялари, «Чайка», «Ваня амаки», «Уч опа-сингил», «Олчазор» пьесалари билан ўзбек китобхонлари қалбидан жой олган. Чехов асарларини асосан ҳазил-мутойиба тарзида ёзган бўлсада унда ҳаётнинг дабдабали ва ғариб, фожиали ва кулгили томонлари, инсоний муносабатлар ишонарли, самимий тасвирланган. Маълумки, инсон шахсининг шаклланиши жараёнига энг салмоқли таъсир кўрсатадиган объектив шарт-шароит вазифасини ижтимоий муҳит ўтайди. У шахс онги ва фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир ўтказади. Бир томондан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзи (макромуҳит) шахсни шакллантирувчи қудратли шарт-шароитдир. Чунки инсон жамиятда яшар экан, унда қабул қилинган қадриятлар, меъёрларни турли каналлар орқали ўзлаштиради ва уларга мос равишда фаолият кўрсатишга одатланади. Иккинчи томондан, ижтимоий муҳит шахс истиқомат қилаётган манзилдаги, оиладаги, у меҳнат қилаётган жамоадаги, у одатда ташриф буюрадиган муассасалардаги вазиятга (микромуҳит) таъсир ўтказади. Шу орқали инсон табиатининг ҳам бир хил эмаслиги, айни пайтда инсон билан инсониятнинг манфаатлари муштараклашадиган муҳим нукталар борлиғи тўғрисида хулосалар чиқариш, ҳар одамнинг у шаклланган ижтимоий шароитларга нақадар боғлиқлигини кўриш мумкин.

Чехов яшаган давр, ижтимоий муҳит адиб қаҳрамонлари полициячилар, доялар, актёрлар, тикувчилар, маҳбуслар, ошпазлар, тақводорлар, тарбиячилар, заминдорлар, руҳонийлар, цирк ходимлари (ўша давр таъбири билан айтганда циркчилар), барча идоралардаги турфа амалдорлар, шимолий ва жанубий губерняларнинг деҳқонлари, генераллар, ҳаммомчилар, муҳандислар, от ўғрилари, монастир хизматчилари, савдогарлар, ҳофизлар, аскарлар, совчилар, фортепьяно созловчилар, ўт ўчирувчилар, суд терговчилари, дьяконлар, профессорлар, подачилар, адвокатлар, хуллас жамиятнинг турфа қатламига мансуб кишилар ва улар ўртасидаги инсоний муносабатлар, тўқнашувлар орқали очиб берилади. Чехов асарларида оилада, қаҳрамонлар меҳнат қилаётган, ёки кўча кўйда содир бўлган воқеалар қизиқарли ва ишонарли тасвирланган, ижтимоий муҳитнинг кишига таъсири, инсоннинг лоқайдлиги, баъзан бебурдлиги нафақат маънавий-психологик балки ижтимоий жиҳатдан ҳам тадқиқ этилган. Масалан, деярли барча ўзбек китобхонига таниш бўлган, «Хамелон», «Семиз ва орик», «Чиновникнинг ўлими» ҳикояларида Порфирий, Очумелов, Червяков образлари инсон бебурдлиги ҳаққоний кўрсатиб берилган. Ёзувчи кулги ёрдамида ҳаётни, воқеа ва ҳодисаларни, ижтимоий муносабатлар ва маиший тўқнашувларни ихчам ва лўнда тасвирлайди, шу орқали жамиятнинг қиёфасини шафкатсизлик билан очиб ташлайди.

Ёзувчи асарларининг фалсафий моҳияти умидсизлик, зерикиш ва иложсизлик билан тўла инсон мавжудлигининг экзистенциал фожиасини чуқур акс эттириши билан ўзига хосдир. Жумладан, «Ҳасрат» Чеховнинг ёркин ижтимоий-психологик ҳикояларидан бири бўлиб 1886 да ёзилган. Ёзувчи ёлғиз ўғлининг ўлими ҳақидаги ҳасратини ҳеч ким эшитмаган извошчининг ғами, дард ва ёлғизлигини катта маҳорат билан тасвирлаган. Ҳикоянинг бошида Чехов қиш манзараси, ёғаётган қор тагида ҳаракатсиз турган Иона ва отини тасвирлайди. Ёлғизлик, ҳаракатсизлик, оқшом, ҳўл қор. «Извошнинг курсисидан букчайиб қимир этмай ўтирган Иона Потаповнинг ҳаммаёғи оппоқ, худди арвоҳга ўхшайди. Агар устига катта қор уюми босиб тушганида ҳам қоқиб ташламайдиган кўринар эди..»[5, 304]. Иона елкасидаги қор уюмига ҳам эътибор қилмайди, уни қоқиб ташламайди ҳам. Дарҳақиқат, унининг елкасини босиб турган ғам юки олдида бу қор ҳеч нима эмас. У бу шаҳарда ёлғиз, унга ҳеч ким муҳтож эмас, ҳеч ким уни тушунмайди. Ионанинг ёлғизлигини, айниқса, унинг ўғли ҳақида турли одамларга мурожаат қилган оддий, қайғули сўзларни эшитганда ва унинг қайғусига атрофдагиларнинг бефарқлиги, камтар одамнинг жим, чуқур, сокин ҳасратлари ва сершовқин шаҳар, ёркин чироқлар, қаттиқ қийқириқлар бир бирига қарама-қарши ҳолатлар тасвирланган. Ёлғизлик таассуроти, ғам-андуҳ айниқса ҳикоянинг охирида теран ифодасини топган. Унинг ягона содиқ дўсти от, барча ҳасратини унга айтади, у эса жим тинглайди. Адиб шундой сершовқин шаҳарда Иона ҳасратини ёлғизгина от жимгина тушунгандек тинглаганини тасвирлар экан қаҳрамонига ачиниш билан бирга китобхонни оддий, кичкина бир одамнинг тақдири ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Ҳикоянависликда юксак ўринларда турган ҳаёт ҳақиқатини, қаҳрамонлар руҳиятидаги ўзгаришларни маҳорат билан тасвирлаган Чехов ижоди Л.Толстой, В.Короленко, М.Горький, И.Бунин сингари ёзувчилар эътирофига сазовор бўлган. Улар адиб ижоди ва шахсига доир кўплаб мақолалар ёзишган. Жумладан, С. Н. Булгаков Ялтада ва Санкт-Петербургда (1904) ёзувчининг вафот этган йилида қилган «Чехов мутафаккир» номли

маърузасида адиб ижоди ҳақида атрофлича фикр билдирган ва таҳлил қилган. Булгаков рус бадиий адабиётининг рус фалсафаси билан органик алоқасини таъкидлар экан, Достоевский ва Толстой каби «инсон руҳияти таҳлил қилган гигантлар»ларнинг вориси сифатида Чеховни кўрсатади. «Чехов адабиётимизнинг муносиб намояндаси энг яхши анъаналарининг давомчиси, у ҳар иккала ёзувчи билан ҳам умумийликка эга ва улардан кейин асарлари катта фалсафий аҳамиятга эга ёзувчи»[6, 138].

Ўша давр сиёсий тузуми, турли партиявий-сиёсий йўналишлар ёзувчи дунёқарашига камдан-кам мустақиллик берган бир пайтда у маънан мустақил ёзувчи сифатида ўзини намоён этган. Чеховнинг қаҳрамонлари турли табақа ва ижтимоий қатламларга хос бўлиб адиб уларни руҳий ҳолати, инсон ва муҳит муносабатларини самимий, ишонарли, ҳаққоний ёритади. Унинг қаҳрамонлари ҳар доим ҳаракатда, ҳаракат билан бевосита боғлиқ бўлган фикр ва ҳис-туйғуларда намоён бўлади. У инсонни хатти-ҳаракати орқали ўрганди. Чехов прозасида объектив ҳикоячилик услубини ривожлантирди. Унинг ҳикоясида муаллиф-ҳикоячи қаҳрамонлари ёки тасвирланаётган нарса ҳодисага очиқдан очиқ ўз баҳосини бермайди. У яширин бўлиб, ўқувчи унинг нуқтаи назарини сюжетдан, асардан, қаҳрамонларнинг ҳатти ҳаракатидан сезиб олади. Зоҳиран тасвирланган нарса қаҳрамон қарашлари орқали берилади. Унинг яна бир ўзига хос хусусияти ижобий қаҳрамонларига салбий хусусиятлари, салбий қаҳрамонларига эса ижобий хусусиятлар беради.

«Чеховни Толстой ва Достоевскийдан кейин кашф қилган ўқувчи бутунлай бошқа дунёда тушиб қолади: яхлитлик ва уйғунлик ўрнига парчаланганлик ва баъзан бетартиблик; чуқур имон ўрнига шубҳа ва скептизм; қаҳрамонларнинг ҳаётий, амалий эътиқоди ўрнига догмалар ва иллюзиялар; бирдамлик ўрнига парчаланиш ва ёлғизлик»[9,133]. Адиб буни « Ғилоф бандаси»,»Болохонали уй», «Менинг ҳаётим», «Лайча етаклаган хоним» каби асарларида ижтимоий муносабатлар ва маиший тўқнашувлар орқали акс эттиради.

Инсон ва жамият, киши туғилган ва шаклланган давр, у мансуб бўлган халқнинг маданият даражаси, у тааллуқли бўлган ижтимоий гуруҳнинг турмуш тарзи -буларнинг ҳаммаси индивид ҳатти - ҳаракатига ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун инсонга хос бўлган жуда кўп сифатлар, шу жамият ва муҳит таъсирида шаклланади. Чехов ҳам қаҳрамонлари орқали жамиятнинг инсон маънавиятига таъсирини кўрсатади, лекин, ижтимоий муҳит кишиларнинг хатти -ҳаракатларини узил - кесил белгиламайди чунки, ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўз қилмишлари учун маъсулиятни тўла англаши ва жамият олдидаги мажбуриятларини тўла ҳис этиши лозимлигини, ҳар қандай шароит ва муҳитда инсонийлигини сақлаб қолиши лозим ва мумкинлигини қаҳрамонлари мисолида очиб беради. «Қадрдон гўшада,» «Печенег», «Аравада», «Танишларникида»,» Ионич»,» «Кичкина трилогия» каби ҳикояларида заиф одам билан катта дунё ўртасидаги тўқнашув, кичкина одамнинг катта дунёдан ҳимояланиш учун бурчакларга яширинишга ҳаракат қилиши, катта олам ва кичик инсон тақдирининг номутаносиблигини, «воқелик ғашини келтирган, қўрқитган кишининг ташқи таъсирларда қўрийдиган бир ғилоф яратиш йўлидаги ҳаракати» [5, 272] тасвирланади. Адиб ҳаётни тасвирлаш билангина чекланмайди, у ҳаётни тубдан ўзгартиришни хоҳлайди ва тор манфаатпарастлик туйғуларига қарши курашиш учун энг аввало ўзини ана шу иллатлардан поклаш зарурлигини англаб етган эди. Унинг назарида манфаатпарастлик илдиз отган инсон вужудида икки иллат яшайди: бири такаббурлик қилиб ўзидан ожизларни таҳқирлаш бўлса, иккинчиси ўз қадр-қимматини ерга уриб, кучли одамлар олдида эгилиб-букилиб яшаш. У айнан ана шу иллатлардан холи бўлишган қарор қилади. Қўполлик, такаббурлик, кибр-ҳаво, димоғдорлик, кеккайиш, манманлик, мақтанчоқлик, ўринсиз ғурур сингари турли шакл-шамойилда намоён бўладиган иллатларни образлар орқали кўрсатади ва ижтимоий ахлоқ, ҳар бир киши юксак ақидаларга таянгандагина кучли бўлиши таъкидлайди. Ўзини тарбиялаш, ўзига юксак маънавий талаблар қўйиш ва уларни қандай бажараётганини қатъий назорат қилиш −инсон ҳаётининг мазмунини шунда кўрди ва ўзини-ўзи тарбиялаб бориш ва муросасиз ички тарбиячи туфайли шахсияти камолга етиш мумкинлигини ўз ҳаёти орқали намоён қила олди. Чехов ҳеч қачон шахсий ахлоқни ижтимоий ахлокдан ажратиб қараган эмас. Шахсий ҳаётда бахтсиз бўлган одамлар Чеховнинг эътиқодига кўра, ижтимоий адолат учун оташин курашчи бўла олмайдилар. «Жамият эҳтиёжларига кўра ахлоқий жиҳатдан сайқалланиб борса, у ижтимоийлашади[10, 229]. Чеховнинг табиатига хос саховат, меҳмондўстлиги, ҳаётсеварлиги, ҳар қандай одам билан бир лаҳзада тил топишиб кета олиши асарларида кўплаб қаҳрамонларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Унинг барча ҳикоялари қаҳрамонларга бой ва уларнинг таржимаи ҳоли, гап сўзлари ишонарли ва ҳаётий очиб берилган. Қаҳрамонлари ясама эмас ўзи ҳаётда кўрган билган, суҳбатлашган, гўё сиз ҳам уларни танийсиз, ҳамсуҳбат бўлгандек таассурот қолдиради.

Адиб ҳикояларидаги ҳар бир қаҳрамонларининг қиёфасини, ҳатти ҳаракати, юриш туриши, қилиқларини, ишонарли, бетакрор тасвирлайди. Чунки қаҳрамонлари ичида яшаб, уларнинг дард ҳасратларини тинглади, уларга қўлдан келгунча ёрдам берди. «Орден» , «Жарроҳлик», «Йилқибоп фамилия», «Альбион қизи», «Қопдаги бигиз», «Тирик солнома», «Дорихоначи аёл», «Аёллик бахти» ва яна бошқа кўплаб ҳикоялари китобхонни кулиб туриб кўз ёш тўкишга мажбур қилади, қайғудошлик, ҳамдардлик уйғотади. Ғазаб ва нафрат, муҳаббат ва садоқат, кулги ва ҳасрат адиб асарларида доим ёнма ён юради. Бугунги даҳшатли воқеалар, қўрқинчли саҳналардан иборат асарлардан фарқли равишда ҳазин, мунгли ҳикоялари билан одамларни бугун ҳам йиғлатади. «Антон Павлович Чехов ҳикояларидаги кулсанг ўзинг хижолат чекадиган, йиғласанг ҳақинг кетадиган персонажлар маърифатпарвар рус зиёлисининг ҳасратлари, кўзойнаги шишасини намлаган милт-милт кўзёшлари эди. Чеховдаги гўзал ички маданият қаҳрамонлари устидан қаҳ-қаҳ отиб кулдиришга, ожиздан ожиз одамларни масхаралатишгача олиб бормайди»[13].

Адибнинг инсон фалсафасида ҳаётга муҳаббат, борликдаги барча ҳодисаларни икир-чикирларигача билишга туганмас иштиёқ намоён бўлади ва бу инсон туйғуларининг қарама-қарши қутбларини моҳирона

тасвирлашга ёрдам беради. Чехов фалсафасида бунёдкорлик, яратувчанлик қаҳрамонларининг табиатни, инсонни, ҳаётни севиши боғбонлар, ўрмончилар каби бир қанча образлар орқали кўринади. Чеховнинг ўзи ҳам табиатан меҳнаткаш инсон бўлган, ерни севиши, ўз ҳовлисида бир неча туп узум кўкартиргани, унинг соясида ўтириб дам олишни жуда яхши кўргани, бўш ётган ерларга олча кўчати, кесилиб кетган ўрмонзор ўрнини арча, четан, арғувон, қайрағоч, қарағай, дуб ва заранг дарахтлари экканини ҳақида замондошлари кўп бор таъкидлаб ўтишган. У асарларида ҳам инсон иллатларини ерга, табиатга бўлган муносабати орақали кўрсатади. Масалан «Дуэл» асарида текинхўр Лаевскийнинг тубанлигини кўрсатар экан, ўз боғига «лоақал бironта кўчат экмагани ва бironта майсани ундирмагани»[15] учун қаттиқ қоралайди. Ўз хатларида боғбонлик − энг севимли машғулотим» деб таъкидлайди.

Толстой «Инсонга қанча ер керак?» ривоятида одам бепоён ҳудудларни эгаллашни хоҳласа ҳам аслида унга дафн учун ажратиладиган уч аршин ер етади, деб айтиб ўтган. Аммо Чехов бу шафқатсиз мулоҳазани катта эҳтирос билан рад этади.»Уч аршин тирикка эмас, ўликка керак, − деб ёзади у «Малиназор»да. − Одамга уч аршин ер, чорбоғ эмас, бутун ер шари, борлик, табиат керак, токи у ана шу кенгликларда ўзининг кимлигини, ўз руҳий эркинлигини тўла намоён эта олади» [7, 212]. Чехов Владивосток, Гонконг, Цейлон, Сингапур, Ҳиндистон, Истамбул, Вена, Венеция, Рим, Неапол, Монте-Карло, Париж каби кўплаб мамлакатлар ва шаҳарларга саёҳат қилган. Бу эса унинг инсон ҳақидаги қарашларни бойитди. Сахалин саёҳатида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тарихи, этнографиясига доир материалларни ҳамда оролдаги турмалар тарихи билан батафсил танишди, пухта билимдон олим сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ёзувчи, шоир ёки файласуф ўз ғоялари ва интилишларидан келиб чиқиб, хилма-хил жараёнлар, инсонлар фаолияти, нарса-ҳодисаларни яхши-ёмон, фойдали-зарарли, савоб-гуноҳ кабиларга ажратади, уларни баҳолайди. Чехов фалсафасининг ўзига хослиги ўқувчиларига мустақил фикрлаш, баҳолаш имконини бериши, инсон ички оламини ранг-баранглигини, оддий инсон ва унинг ҳаёти, тақдири, катта олам ва кичик инсон муносабатларидаги номутаносиблик масалаларида кўринади. «Чехов турли табақа ва ижтимоий қатламларга назар ташлаб, ўз қаҳрамонининг руҳий уйғониш, муҳитга қаршилик кўрсатиш, ҳаётини қайта қуриш қобилиятини муттасил равишда текшириб туради.»[13].

Чеховнинг қариндошлари, дўстлари ва танишларига йўллаган тўрт ярим мингга яқин хатлари бизгача етиб келган. Бу мактублар орасида даврининг буюк ёзувчилари, оиласи билан бирга оддий китобхонлар, ёш ёзувчилар билан ёзишмаларнинг борлиги унинг бағрикенглиги, инсонни ўрганиш, унинг ички оламини кашф қилишга нақадар ташна эканлигини кўрсатади. Шу ўринда Чехов услубининг ўзига хос жиҳатларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Чехов қисқа ҳикояларда инсоннинг бутун ҳаётини, ҳаёт оқимини етказишга муваффақ бўлди, кичик ҳикоя эпик ҳикоя даражасига кўтарилди. Чехов янги адабий тур - қисса, романни ўзига сингдириб олган кичик ҳикоя яратувчисига айланди, унинг асарларида лўнда ва ифодали гаплар, услуб формулалари пайдо бўлди. Қисқа ва лўндалик Чеховнинг ажойиб маҳоратининг моҳиятини белгиловчи хусусиятдир.У адабиётда, қаҳрамонлар характерини тасвирлашда қисқа ва лўндалик орқали шаклнинг кенглигига эришди, тилнинг мислсиз имкониятларга эга эканлигини исботлади. Ҳар қандай мавзу, ҳар қандай одам ҳақида Чехов жуда содда ва шу билан бирга ундан бошқа ҳеч ким айтмаган янги, ноанъанавий сўзни айта олди. Чеховнинг ўзбек адабиётига таъсирини Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор ижоди орқали ҳам сезиш мумкин. Чеховнинг бир қанча насрий асарлари ва пьесалари ўзбек тилига таржима этилиб, пьесалари республикадаги ўзбек ва рус театрларида саҳналаштирилган. Бугун мактаб дарсликларида унинг кўплаб ҳикоялари киритилган.

«Адабиёт ва фалсафа инсоният тарихи ва тадрижининг умумий ҳосиласи, фалсафий ва бадиий тафаккурнинг уйғунликда намоён бўладиган яхлит натижаси, биринг мавжудлиги иккинчисининг зарурлигини албатта тақозо этадиган, ўзаро чамбарчас боғлиқ феноменал ҳодисалардир. Бу эса, бадиий тафаккурни фалсафа, фалсафий ғоя ва қарашлардан айрича қараш, узвий алоқадор бўлган бу ҳодисаларни бир-биридан ажратишнинг ниҳоятда хато эканлиги ва салбий натижаларга олиб келиши мумкинлигидан далолат беради»[11]. Чехов ижоди ҳам бадиий тафаккур кенгликларини очиб бериш, қисқа ҳикояларда инсоннинг бутун ҳаётини, ҳаёт оқимини етказишга муваффақ бўлди. Хулоса қилганда, биринчидан, Антон Павлович Чехов фалсафасида инсон ички оламининг ранг-баранглиги, оддий инсон ва унинг ҳаёти, тақдири, катта олам ва кичик инсон муносабатларидаги номутаносиблик масалалари ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда ёритиб берилган; Иккинчидан, Чеховнинг воқеа ва ҳодисаларни, ижтимоий муносабатлар ва маиший тўқнашувларни ижтимоий жиҳатларини очиб бериш орқали инсон бунёдкорлиги, яратувчан кучларининг ҳаётни ижобий томонга ўзгартиришга қодир эканлигини кўрсатади;

Учинчидан, Чехов инсон экзистенцияси орқали маънавий ҳаётининг динамикасини кузатиш ва бу масалалар хусусида хулоса чиқаришни китобхонга қолдириши билан уни фалсафий мушоҳадага ундайди, бу эса ўқувчини фаол фалсафий позицияга эга бўлишига ёрдам беради; Тўртинчидан, ижтимоий ахлоқ ҳар бир киши юксак ақидаларга таянгандагина кучли бўлиши, инсон ҳаётининг мазмуни ўзини тарбиялаш, ўзига юксак маънавий талаблар қўйиш ва уларни қандай бажараётганини қатъий назорат қилиш, ўзини-ўзи тарбиялаб бориш ва муросасиз ички тарбиячи туфайли шахсияти камолга етиш мумкинлигини ўз ҳаёти орқали намоён қила олди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Ж. 3.- Т.:Ўзбекистон, 2019.- Б.39.
2. Бицилли П. М. Трагедия русской культуры. Исследования. Статьи. Рецензии. М., 2000. С. 215. Бочаров С. Г.: Чехов и философия Поэтика Чехова. М., 1970; *В.Б.* Катаев В. Б. Чехов плюс...: Предшественники, со-временники, преемники/ В. Б. Катаев. – М., 2004. – С. 82.4. Линков В. Я. Скептицизм и вера Чехова/ В. Я. Линков. – М. : Изд-во Моск. гос. ун-та, 1995. – 78 с. *В. Кубасов* /Проза А.П. Чехова: искусство стилизации. Екатеринбург, 1999. *Л. Кройчик*. Неуловимый Чехов: этюды о творчестве писателя. Воронеж, 2007, Лазерсон Б. И. Примечания/ Б. И. Лазерсон// Чехов А. П. Полное собрание сочинений и писем: в30 т.: Сочине-ния: В18 т. Т. 7 / А. П. Чехов. – М. : Наука, 1985. – С. 669 – 680Родионова, Ольга Ивановна. А.П. Чехов как мыслитель. Религиозные и

философские идеи : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.03 / Родионова Ольга Ивановна; [Место защиты: Моск. гос. ун-т им. М.В. Ломоносова].- Москва, 2013.-212с.
3. Чориев А. Инсон фалсафаси. Мустақил шахс. Иккинчи китоб.- Т.: Чинор, 2002. Н.Шермуҳамедова .Инсон фалсафаси. –Т.: Ношир 2016. https://ziyouz.uz/jahon-nasri/anton-chexov/ **https://ziyouz.uz/jahon-nasri/anton-chexov/** А.П.Чехов. Бўйинга осилган Анна.Ўқитувчи нашриёт матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2018.304 бюСочиненеияhttps://saviya.uz/ijod/nasr/anton-chexov-yozuvchi-monologi/?imlo=k
4. Философия Чехова: Материалы Международной научной конференции (Иркутск, 27 июня– 2 июля2006 г.) / Под ред. А. С. Собенникова. – Иркутск: Изд-во Иркут. гос. ун-та, 2008. С.168.
5. А П.Чехов. Бўйинга осилган Анна .Ўқитувчи нашриёт матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2018.304 б.
6. Булгаков С.Н.Чехов как мыслитель // Булгаков С.Н. Соч.: В 2 т. М., 1993. Т. 2.с.136
7. А.П.Чехов. Сочинения. Москва. Художественная литература.1982, с.212.
8. Чехов А.П. Полн. собр. соч. и писем: В 30 т. М., 2009: Письма. Т. 5, 8; Соч. Т. 17.
9. Линков В. Я. История русской литературы XIX века в идеях: учеб. пособие/ В. Я. Линков. – М. : Изд-воМГУ, 2002. – С. 133.
10. Клаханов К.Х. Зеркало для человека, Введение в антропологии. – Спб. Евроазия, 1998. –С. 229.
11. Назаров Қ. Адабиёт фалсафаси.»Жаҳон адабиёти», 2016 йил, 7-сон
12. П. Чехов: pro et contra: Творчество А.П.Чехова в русской мысли кон-ца XIX — начала XX в. (1887—1914): Антология. СПб., 2002.
13. .Наим Каримов. Антон Павлович Чехов https://ziyouz.uz/jahon-nasri/anton-chexov/
14. Иқбол Қўшаева .https://saviya.uz/ijod/nasr/anton-chexov-yozuvchi-monologi/?imlo=k
15. https://www.100bestbooks.ru/files/Chekhov_Duel.pdf

Чехов асарларида инсон фалсафаси
Абдуллаева Н. Б. Узбекистон миллий университети

Резюме. Мақолада рус ёзувчиси Чехов асарларининг фалсафий моҳияти таҳлил қилинган. Инсон бунёдкорлиги, яратувчан кучларининг ҳаётни ижобий томонга ўзгартиришга қодир эканлиги, ҳар бир киши юксак ақидаларга таянгандагина кучли бўлиши, инсон ҳаётининг мазмуни ўзини-ўзи тарбиялаб бориш ва муросасиз ички тарбиячи туфайли шахсияти камолга етиш мумкинлигини ўз ҳаёти орқали намоён қила олганлиги таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: инсон фалсафаси, инсон ички олами, ижтимоий ҳаёт, ижтимоий муносабатлар, адабиёт фалсафаси, экзистенциализм, дунёқараш, ўзликни англаш.

Философия человека в произведениях Чехова
Абдуллаева Н.Б. Национальный университет Узбекистана

Резюме. В статье анализируется философская сущность произведений русского писателя Чехова. Была проанализирована способность сил человека, которая может изменить жизнь в положительную сторону, что каждый может быть сильным только тогда, когда, опираясь на высокие убеждения, может воспитывать себя, предъявлять к себе высокие моральные требования и строго контролировать их, заниматься самообразованием и развивать личность благодаря бескомпромиссному внутреннему воспитателю.

Ключевые слова: философия человека, внутренний мир человека, социальная жизнь, социальные отношения, философия литературы, экзистенциализм, мировоззрение, самосознание

Human philosophy in Chekhov's works
Abdullaeva N.B. National University of Uzbekistan

Summary. The article analyzes the philosophical essence of the works of the Russian writer and playwright Anton Pavlovich Chekhov. There has been analyzed the abilities of a person's creative forces that can change life in a positive way, that everyone can be strong only when, relying on high beliefs, he can educate himself, make high moral demands on himself and strictly control them, engage in self-education and develop personality thanks to an uncompromising inner educator.

Key words: philosophy of man, inner world of man, social life, social relations, philosophy of literature, existentialism, worldview, self-awareness

---

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРКИБИДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Айтмуратов Р.Б.
Қорақалпоқ давлат университети

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, Қорақалпоғистоннинг мақоми суверен республика даражасигача кўтарилди. Бу мақом Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар икки республика ўртасидаги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий муносабатлар Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Конституцияларида ўз ёрқин аксини топди. Натижада, икки томонлама ҳурмат асосида қорақалпоқ халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаши, мустақил тараққиёт ҳамда миллий давлатчиликни мустаҳкамлашдаги роли ошди. Келажакка қатъий ишонч билан қарайдиган, олис истиқболни яратишнинг кафолатини берадиган ҳуқуқий мақомга эга бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий мақоми ва унинг Ўзбекистон билан муносабатларининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVII бобида мустаҳкамланган, жумладан, суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради. Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас. Конституциянинг 75-моддасига кўра: "Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон

Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади" деб қўйилган [1, 370]. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон муносабатларини шартномалар ва битимлар кўринишида ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйиш бу муносабатларни маъмурий-ҳудудий тузилмалар билан юқори ҳокимият органларининг муносабатларидан кўра баландроққа олиб чиқади.

Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон Республикалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 28 октябрдаги № 354 қарорига биноан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг доимий Ваколатхонаси ташкил этилган[2, 13].

Кейинроқ Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ўзида демократик принципларни мужассамлаштирган янги низом ишлаб чиқиш зарурати туғилди ва шу тариқа Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши 1999 йил 15 январдаги 18-1-сонли қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий Ваколатхонаси тўғрисида Низом қабул қилди. Бу Низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий Ваколатхонаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва бошқа ташкилотлари билан хўжалик ҳамда маданий қурилиш масалалари бўйича кундалик алоқаларини амалга оширувчи орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади. Ушбу вакил қоида тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раисидир. Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистон Республикасини ўз таркибига олган унитар давлат сифатида таърифланади. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг давлат тузилишида федерализмнинг баъзи хусусиятлари ҳам мавжуд. Бу хусусиятлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг ўз ҳудуди ва аҳолисига эга бўлган алоҳида давлат – ҳуқуқий тузилма сифатида мустаҳкамлаб қўйилганлиги; б) Ўзбекистон қонунчилиги тизимида Қорақалпоғистон Республикасининг мустақил қонунчилик ҳужжатлари тизими, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига эга эканлиги, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас; в) Қорақалпоғистоннинг олий давлат ҳокимияти органлари, яъни парламенти, олий суд органлари, ҳукумати ва бошқаларнинг фаолият кўрсатиши; г) Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ва чегараларининг дахлсизлиги; д) Қорақалпоғистон Республикасининг ўз маъмурий, ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилиши; е) Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгалиги Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга; ж) Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг шартномалар ва битимлар билан тартибга солиниши Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади[2, 13].

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади; з) Қорақалпоғистон Республикасининг ўз давлат рамзлари: байроғи, герби ва мадҳиясига эгалиги;

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасига унинг таркибий қисми сифатида киради. Ўзбекистон Республикаси эса Қорақалпоғистон Республикасининг мустақиллигини кафолатлайди ва муҳофаза қилади.

Қорақалпоғистон суверенитетининг Ўзбекистон томонидан кафолатланиши ва муҳофаза қилиниши тизимини қуйидагилар ташкил қилади:

-Ўзбекистон Конституциясида Қорақалпоғистон Республикаси суверен ҳуқуқлари ва ваколатларининг мустаҳкамлаб қўйилганлиги;

-Ўзбекистоннинг олий давлат ҳокимияти органлари бўлмиш Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий судида Қорақалпоғистон Республикаси ваколлигининг мавжудлиги (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 86-модда, 98-модда, 108-модда);

-Ҳудуд устуворлиги принципи, унга кўра Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди унинг розилигисиз ўзгартириши мумкин эмаслиги;

-Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиш масаласи бўйича референдум ўтказиш ҳуқуқи;

-Қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилиши (Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, 4-модда);

-Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ташқи иқтисодий, маданий, илмий ва бошқа алоқалар ўрнатиш ҳуқуқи (Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, 17-модда) [3., 9].

МДҲ мамлакатлари орасида ҳуқуқий мақомига кўра ягона ҳисобланадиган Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг суверентетига эга эканлиги боис қатор мамлакатлар ҳуқуқий мақомидан ажралиб туради.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқий тизимига кўра романа герман оиласига мансуб, чунки бу давлатда ҳам худди Ўзбекистон Республикаси каби Конституция ва Қонуннинг устуворлиги умумжамият томонидан тан олинади. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақомини белгилашда кўпчилик олимлар томонидан ушбу республикага "автоном" республика мақоми берилган. Юқоридаги мамлакатлардан фарқли равишда Қорақалпоғистон Республикаси: **Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70-моддасида эса "Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверинитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза қилинади." [4.,23]. деб белгилаб қўйилган. Бундан кўриниб турибдики, Корақалпоғистон Республикаси автоном мақомига эга эмас, у ўз суверинитетига эга. **Иккинчидан,** Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолат юқоридаги 3 та давлатда ҳам мавжуд эди. **Учинчидан,** Қорақалпоғистон Республикаси ўз ҳудудига эга ва ушбу ҳудудни унинг розилигисиз ўзгартириш мумкин эмас, ҳамда у ўз маъмурий ҳудудий тузилишини ўзи мустақил ҳал қилади. Ушбу нормага кўра Қорақалпоғистон ўзининг ҳудудга эга бўлган мустақил давлат сифатида гавдаланади. **Тўртинчидан,** энг аҳамиятли жиҳати шундаки, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиши мумкин. фақат бунда Қорақалпоғистон Республикаси халқининг хоҳиш истаклари алоҳида мазмун моҳият касб этади. Юқоридаги давлатларда, айниқса, Озорбайжон ва Украина давлатларида автоном давлатларнинг бўлинмас таркиб эканлиги таъкидланган эди. Ушбу давлатларнинг ҳуқуқий тизимида автономия тушунчасининг кенг қўлланилишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Автоном давлат деганда ҳудуднинг ҳам, ахоли сонининг ҳам аҳамияти йўқ. Асосийси автоном бўлган давлат қайси давлат таркибида бўлса, бевосита ўша давлат ҳудудининг юрисдикцияси доирасида бўлади. Шу боисдан, бошқа давлатлардан фарқли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиши мумкин. **Бешинчидан,** Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўзаро муносабатларда ҳар иккаласининг давлат суверинитетини ҳурмат қилиши зарур. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни шартнома ва битимлар билан мустаҳкамлаб қўйилишининг ўзи Қорақалпоғистон Республикасининг суверен давлат эканлигидан далолатдир. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий ваколатхонаси тузилган.

Ушбу ваколатхонанинг мавжудлиги ҳам Қорақалпоғистон Республикасининг мақоми бошқача эканлигини билдиради.

Шундай қилиб, юқорида ҳам кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза қилинади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: «Ўзбекистон», 2001. 370-373-бетлар.
2. Нажимов М., Утемуратов М. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Қорақолпоғистон Республикаси . /Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – Б 13-14.
3. Қарақалпақстан Республикаси Конституциясы. Нөкис. «QARAQALPAQSTAN», 2021. - Б 9.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: "Ўзбекистон", 2019 – Б. 23.

Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон республикаси таркибидаги ҳуқуқий мақоми

Айтмуратов Р.Б. Қорақалпоқ давлат университети тадқиқотчиси

Резюме. Мақолада Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидаги ҳуқуқий мақоми, унинг қонуний асослари тадқиқ қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги муносабатларининг ҳуқуқий асослари кенг мазмунда очиб берилган.

Калит сўзлар: суверен республика, Конституциявий мақом, олий давлат ҳокимияти органлари, мустақил қонунчилик, ҳуқуқий муносабатлар.

Правовой статус Республики Каракалпакстан в составе Республики Узбекистан

Айтмуратов.Р.Б. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье исследуется правовой статус Республики Каракалпакстан в составе Республики Узбекистан, его правовая основа. Также подробно описана правовая база отношений между Республикой Узбекистан и Республикой Каракалпакстан.

Ключевые слова: суверенная республика, конституционный статус, высшие органы государственной власти, самостоятельное законодательство, правоотношения

Legal status of the Republic of Karakalpakstan as a part of the Republic of Uzbekistan

Aytmuratov R.B. Karakalpak State University

Summary. This article examines the legal status of the Republic of Karakalpakstan within the Republic of Uzbekistan, its legal basis. The legal framework of relations between the Republic of Uzbekistan and the Republic of Karakalpakstan has also been described in detail.

Key words: Sovereign Republic, constitutional status, supreme bodies of state power, independent legislation, legal relations

ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аманиязова С. Б.
Қорақалпоқ давлат университети

3. Давлетова Г.А. Тахтакупырское восстание 1929 года в Каракалпакстане. - Автореф. дисс. канд. ист. наук.- Нукус. 2001.
4. Бабашев Ш.Б. Қарақалпақстандағы сиясий репрессия //Әмиўдәрья, 2001.-№1.
5. Бабашев Ш.Б. Қарақалпақстандағы сиясий репрессия //Әмиўдәрья, 2001.-№1.
6. Алланиязов Б. Қарақалпақстандағы репрессиялар // Қарақалпақстан жаслары, 1999. 12 апреля, 28 мая, 17 июня
7. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, л.246
8. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, л.250.
9. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, л.264.
10. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, лл.270-272.
11. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, л.208.
12. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, л.88-96.
13. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, л.16.
14. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, л.17.
15. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, л.32.
16. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, л.67.
17. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.130, л.69.

Qosim Avizov rahbarligi davrida qoraqalpoqiston jamoat hayoti
Matsalaeva G. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume. Qoraqalpoǵistonning yirik davlat arbobi Qasım Avezov davrida tóplangan keng va xilma-xil manbalaridan analitik foydalanish asnosida shu davrning yorqin kórinishin namoyon qilish.

Kalit sózlar: Qoraqalpoq, avtonom, Orol, Qozoǵiston, okrug, Tamdı, Sovet, kolxoz.

Общественная жизнь Каракалпакстана в период руководства Касыма Авезова
Матсалаева Г. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье дается наиболее точная картина эпохи крупного государственного деятеля Каракалпакстана Касыма Авезова на основе аналитического использования всех собранных обширных и разнообразных фактических материалов.

Ключевые слова: каракалпакский, автономный, Аральское море, Казахстан, округ, Тамди, советский, колхоз

Public life of Karakalpakstan during the leadership of Kasym Avezov
Matsalaeva G. Karakalpak State University named

Summary. The article gives the most accurate picture of the era of the great statesman of Karakalpakstan Kasym Avezov based on the analytical use of all the collected extensive and diverse factual materials.

Key words*:* Karakalpak, autonomous, the Aral Sea, Kazakhstan, district, Tamdi, Soviet, collective farm

---

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Каукышев Р.М.
Жиноят ишлари бўйича Нукус шахар судининг судьяси

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади. Мамлакатимизда давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан Ҳаракатлар стратегияси асосида «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»[1] деган ғояга асосланган замонавий давлат бошқаруви жорий этилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан мамлакатда давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонун 2018 йилнинг 8 январь куни Президент томонидан имзоланган ва 2019 йилнинг 8 январидан кучга кирди. Унинг мақсади маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, асосий вазифалари сифатида маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир. 2018 йил декабрь ойида қабул қилинган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг мавжудлигидан мамлакатимиз аҳолисининг қанча қисми хабардор? Бизнингча, бу кўрсаткич 2-3 фоиздан ошмаса керак. Ҳатто, ҳалигача давлат хизматчиларининг кўпи бу қонуннинг мазмун-моҳиятини англаб етмаганликлари ҳеч кимга сир эмас. Ахир бу қонуннинг асосий вазифаси маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат эмасми?

Бу борада мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: «Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин? Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли – қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир»[2]. Хўш, Ўзбекистон Республикасининг *“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги”ги Қонун амалиётда нега тўлиқ “ишлаб” кетмаяпти?* Мазкур қонунни такомиллаштирмасдан, унинг ҳаётийлигини таъминламасдан туриб, жамият ривожига эришиб бўлмайди. Маъмурий идоралар халққа хизмат қилмас экан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиниши амалда таъминланмас экан фуқаролик жамияти қуриб бўлмайди.

Ваҳоланки, мазкур ҳужжат айнан аҳолини бирон бир масала юзасидан давлат органларига мурожаат қилган вақтида турли расмиятчиликларга ва бюрократик тўсиқларга дуч келмай, иши осон ва қисқа вақт ичида битишига хизмат қилади. Тўғри, бу янги Қонун. Шундай бўлсада, унинг тўлиқ ишлашини кутиб ўтириш эмас, балки уни амалиётга жорий этишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш талаб этилади. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни амалиётга тўғри тадбиқ этиш орқали маъмурий органлар томонидан маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини ягона тизимга солиниши ва енгиллаштирилиши сабабли давлат органларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан бўлган муносабатларининг қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлашга ҳизмат қилади. *Жўрабек Нематовнинг фикрича, мамлакатимизда маъмурий тартиб-таомилларнинг тўлақонли ишлаб кетиши учун биргина қонуннинг ўзи етарли эмас. Энг асосий масала – маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш, уни тўғри англаш (тушуниш) ва амалиётда татбиқ этиш ҳисобланади. Тан олиш лозимки, маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асослари мамлакатимизда ҳали етарлича ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган. Шу маънода, «маъмурий тартиб-таомиллар» тушунчаси, унинг асосий қойдалари нималардан иборатлигини тушуниш муҳим аҳамият касб этади[4].* Шунингдек, мазкур қонунларда учрайдиган баъзи тушунчаларга ойдинлик киритиш керак, жумладан, “маъмурий органлар”, “маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)”, “маъмурий ҳужжат” каби тушунчаларни нотўғри талқин қилинишини олдини олган ҳолда, уларни соддароқ ва кенгроқ ёритиш, бу тушунчаларнинг аниқ белгиси ва меъзонларини кўрсатиб ўтиш талаб этилади.

Маъмурий органларга “маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) нима эканлигини ва нималарда хато қилинаётганини тушунтириб ўтиш лозим. Масалан, маъмурий орган ўзида шундай ваколат борлигини тушунмайди ва ундан фойдаланмайди; ваколат доирасини ўзича кенгайтириб олади; мазкур ваколатини нотўғри ёки хато қўллайди. Мазкур хатоларни бартараф этиладиган бўлса, судларда маъмурий органлар чиқарган маъмурий актлар устидан шикоят қилиш ва уларни бекор қилиш ҳолатлари камаяди.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик маълум бир маънода Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида»ги қонунида ҳам келтириб ўтилган дейиш мумкин. Чунки ушбу қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига қиладиган турли мурожаатлари, жумладан ариза ва шикоятларини кўриб чиқишнинг маълум бир тартиб-таомили ўрнатилганини кўриш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам хусусий шахсларнинг маъмурий органларга мурожаатлари ва ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш тартибига оид умумий қоидалар ўрнатиб қўйилганини эътироф этиш лозим. Бироқ, мазкур процессуал қоидалар биз тадқиқ этаётган маъмурий тартиб-таомиллардан кескин фарқ қилишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик ўз мақсади, мазмун-моҳияти, принциплари ва бошқа процедуравий қоидаларига кўра маъмурий орган ва хусусий шахслар ўртасидаги муносабатнинг адолатли жараён асосида ўтишини таъминлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Шунга кўра, қуйида асосан маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги фикр юритилади.

Ҳуқуқшунос олимлар И.А.Ҳамедов ва И.М.Цайнинг фикрига кўра, 2005 йилда ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси МДХ давлатлари ўртасида энг илғор бўлган[3]. Мазкур қонун лойиҳаси 2007 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан маъқулланмаган. Шу тариқа қонун лойиҳаси муваффақиятсизликка учраган дейиш мумкин.

2007 йилги қонун лойиҳаси муваффақиятсизликка учраганининг асосий сабаби сифатида ушбу Қонун лойиҳасида назарда тутилган маъмурий пропедура, маъмурий акт, тинглаш жараён ва маъмурий тартиб-таомилларнинг бир қанча муҳим қоидаларининг назарий-ҳуқуқий асослари етарлича ишлаб чиқилмагани, кўпчилик амалиётчилар томонидан қабул қилинмаганини (тушунилмаганини) келтириб ўтиш мумкин. Шунинг учун ҳам аввалида 143-моддадан иборат бўлган Қонун лойиҳаси кескин қисқартирилган ва 34-моддадан иборат таркибда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинганини кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда нафақат суд-ҳуқуқ тизими, балки маъмурий ҳуқуқ ривожланишининг янги даври бошланди.Жумладан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий қонунчиликни тубдан такомиллаштириш белгилаб олинди. Шунингдек, мазкур Фармоннинг 8-иловаси билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 15-бандида Ўзбекистон Республикаси МТТтҚонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгилаб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида ҳам давлат бошқарувида бюрократлаштиришнинг олдини олишга қаратилган аниқ мезонлар ҳамда тартиб-таомиларни жорий этиш, маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш, давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича маъмурий тартиб-таомилларни жорий этиш, ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш орқали тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштириш каби маъмурий тартиб-таомиларга бевосита боғлиқ масалалар 2017-2021 йилларда маъмурий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинган эди.

Шундан сўнг Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилар тўғрисидаги қонунни қабул қилишнинг ҳал қилувчи босқичига ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан GIZ (Германия) ташкилотининг кўмагида қисқа вақт ичида хорижий ва миллий тажриба яна бир бор ўрганилди ва тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. 87 моддадан иборат бўлган қонун лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 27 декабрь 3/10-4298/1-сон хатга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Қонун лойиҳаси юзасидан бир неча вазирлик ва идораларнинг таклиф ва тавсиялари инобатга олиниб, бир неча бор қайта ишланди. Ҳатто Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳам қонун лойиҳасини қайта ишлаш юзасидан 2017 йил сентябрь ойида Вазирлар Маҳкамасига қайтарганини кўриш мумкин. Албатта, ушбу эътирофлар таҳририй характерга эга бўлиб, қонун лойиҳасининг асосий мазмун-моҳиятига таъсир этмаган. Бироқ шуни ҳам тан олиш лозимки, Адлия вазирлигида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан Вазирлар Маҳкамаси ва Қонунчилик палатаси тақдим этилган қонун лойиҳасида бир қанча таҳририй ўзгаришлар билан бирга муҳим ўзгартиришлар ҳам киритилганини кўриш мумкин. Мисол учун, маъмурий актнинг ҳақиқийлигига доир бир қанча муҳим меъёрлар ушбу меъёрларнинг мазмунини етарлича тушунилмаган ва қабул қилинмагани боис чиқариб юборилганини келтириб ўтиш мумкин.

Бундан ташқари 2018 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг ҳам қабул қилиниши Ўзбекистонда маъмурий-ҳуқуқий қонунчиликни бир бутун ҳолатга келтирди ҳамда бу борада Марказий Осиё давлатлари ичида 2018 йил январь ойи ҳолатида амалга оширилган маъмурий ислоҳотлар кўламига кўра Ўзбекистон етакчи ўрнига чиқди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунининг амалиётда қўлланиш самардорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни билдириш жоиз бўлади:

Биринчидан, бу борадаги қонунчиликни тизимлаштириш ва хатловдан ўтказиш. Шу йўл билан соҳага оид қонуности норматив ҳуқуқий ҳужжатлар (қарор, низом, йўриқнома кабилар)ни Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунига мослаштириб, қонунга зид келадиган нормаларни ўзгартириб, устуворлик принципини амалиётда қўллаш керак. Шунингдек, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун нормаларини қайд этилган қонунга мувофиқлаштириш зарур;

Иккинчидан, аҳолининг маъмурий тартиб таомиллиллар тўғрисидаги қонунни қўллаш бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш, бу борада оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг бу борадаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган Давлат дастурини қабул қилиш;

Қайд этилган таклифлар мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳатларни жадаллаштиришда муҳим қадар бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. «Қонунларни қабул қилиш — бу ишнинг бир қисми, холос». Ўзбекистоннинг Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрь куни мамлакат Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тантанали йиғилишдаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2016 йил 7 декабрь.https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/11/qonunlar/
2. Нематов Жўрабек Нематиллоевич. Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқ институти сифатидаги илмий-назарий таҳлили. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. -2018. - №9. Б. 41-
3. Ҳамедов И.А., Цай И.М. Институт административных процедур в свете реформирования административно-процессуального права в Узбекистане. // Ежегодник публичного права -2014.
4. Нематов Ж.Н. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтини такомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). Монография. – Тошкент, 2018. - Б.29

Ўзбекистонда давлат қурилишини модернизация қилишда маъмурий тартиб-таомиллар институтини такомиллаштириш масалалари

Каукышев Р.М. Жиноят ишлари бўйича Нукус шахар судининг судьяси

Резюме. Мақолада маъмурий тартиб-таомиллар институтини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган, шунингдек бир қатор хорижий давлатларнинг маъмурий тартиб-таомилар тўғрисидаги қонуни ўрганиб чикилди.

Таянч сўзлар: Маъмурий тартиб-таомиллар, *қонун,* маъмурий органлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини.

Вопросы совершенствования института административных процедур при модернизации государственного строительства в Узбекистане

Каукишев Р.М. Нукусский городской суд по уголовным делам

Резюме. В статье рассматриваются вопросы совершенствования института административных процедур, а также были изучены законы некоторых зарубежных стран об административных процедурах.

Ключевые слова: административные процедуры, законы, административные органы, права и свободы граждан

Issues of improving the institute of administrative procedures in the modernization of state construction in Uzbekistan

Kaukishev R.M. Nukus City Court for Criminal Cases

Summary. The article discusses the issues of improving the institute of administrative procedures, the laws of some foreign countries on administrative procedures have also been studied.

Key words: administrative procedures, laws, administrative bodies, rights and freedoms of citizens

---

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЕТАКЧИ СОҲА–ЧОРВАЧИЛИКНИНГ РИВОЖИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Бабаева З. Д.

Қорақалпоқ давлат университети

Ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётимизни чорвачилик маҳсулотларисиз тасаввур эта олмайиз. Чунки, инсоният кундалик ҳаётда истеъмол қилаётган деярли барча маҳсулотлар чорвачилик соҳаси маҳсулотлари саналади. Жумладан гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, ҳатто кийим-кечакларнинг ҳам айрим турлари чорва ва унинг терисидан тайёрланади. Чорвачилик махсулотлари нафақат озуқа манбаи сифатида балки, мудофаа ишлари ва транспорт воситаси сифатида ҳам бир неча асрдан буён фойдаланиб келингани тарихдан барчага маълум. Мисол учун ўтган асрда юртимиз хонликларида ўз худудини мудофаа этишда асосий ролни отлиқ қўшин ўйнаган. Бундан ташқари халқимиз ер хайдашда чорванинг йирик турлари: хўкиз, сигир, от ва эшакдан фойдалангани ҳамда, улардан асосий транспорт воситаси сифатида бир неча аср давомида фойдалангани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан бу соҳа шу давргача қандай босқичларни бошидан ўтказганини билиб олишимиз, айнан кейинги даврда унинг ривожини таъминлаш учун фойдадан ҳоли бўлмайди. Чорвачилик асосан кўчманчи халқларда қадимдан ривожланиб келгани тарихдан барчага маълум. Ўтроқ аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Чорвачиликнинг ҳам ўндан ортиқ тури мавжуд бўлиб уларга қуйидагилар киради: қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, туячилик, эчки боқиш, чўчқачилик каби бир неча турларга ажралади. Ўз навбатида бу йўналишларнинг ҳам бир қанча турлари бор.

Ҳозирги даврда чорвачиликда эришилган ютуқлар албатта ўтган давр тажрибараидан ўрнак олган ҳолда юзага келган. Аслини олганда чорвачиликка асос солиниши ўрта тош даврларига бориб тақалади, расман деҳқончиликдан ажралиб чиқиши эса, бронза даврида юз берган [1.17]. Кейинги даврларда асосан чорвани ўтлоқ ва яйлов ҳудудида боқиш анча самарали бўлгани сабабли бу юмуш кўчманчиларнинг асосий вазифасига айланади [2.9]. Бундан билиб олишимиз мумкинки, чорвачилик беш минг йилдан буён тараққий этиб келмоқда. Аммо айтиш жоизки унинг асосий ривожи сўнгги асрларга тўғри келади. Жумладан урчитиш, қочириш орқали наслдор зотлани яратиш, баъзан ҳудудий иқлимга хос ва мос бўлган чорва наслини яратиш ҳам унинг тараққий топиши учун замин яратди. Ривожланган мамлакатларни олиб қарайдиган бўлсак, улар асосан иқлимига мос ва асосан сергўшт ва серсут наслларни кўпайтириш устида янги-янги ишларни олиб боришмоқда. Буларнинг ҳаммаси албатта халқ эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳал этилмоқда. Мавзунинг долзарблиги ҳам айнан мана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда ташкил этилган. Буларга қўшимча равишда яна бир қанча жиҳатларни санаб ўтишимиз мумкин. Биринчидан, озиқ-овқат маҳсулотларининг ярмидан кўпини чорвачилик соҳаси етказиб беради; Иккинчидан, ҳар бир давлат иқтисодий ҳаётида чорвачилик етакчи соҳа бўлиб, бу соҳа унинг моддий базасини таъминлашга кўмаклашади. Учинчидан, ривожланган давлатлард ўз аҳолисини сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, балки уни катта миқдорда экспорт қилиш қобилиятига ҳам эга бу эса миллий тадбиркорликни жахон иқтисодиётига олиб чиқишга кўмаклашади. Тўртинчидан, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва унинг саломатлиги ҳақида қайғуриш ҳар бир давлатнинг ижтимоий ҳаётдаги асосий вазифаси саналади.

Шу ўринда айтиш жоизки, айнан аҳоли саломатлиги республикамизда ҳар йилги дастуларда ҳам ўз аксини топмоқда жумладан, 2021-йил ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб юртбошимиз томонидан ном берилгани ҳам бунинг ёркин намунасидир.

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик ривожига эътибор йил-йилдан кучаётганини ҳам сўнгги йилларда бу соҳага қаратилган юртбошимизнинг бир қанча қарор ва фармонларидан ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, 2019-йил 18-март куни “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар” юзасидан берган фармони асосида анча салмоқли вазифалар бажарилгани ҳам эътиборга лойиқ. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “ЎЗНАСЛЧИЛИК” давлат корхонаси бюджет маблағлари ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан олиб берилган моддий-техника воситаларининг мақсадли ишлатилиши ҳамда ушбу воситалардан фойдаланиш орқали олинган маблағлар ҳисобидан уларни тўлиқ доимий янгилаб бориш ва унинг фаолиятини кенгайтириб борилиши таъминлансин[3].

Шунингдек, шу йилнинг 9-феврал санасида Президентимизнинг қарори билан Ўзбекистонда чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш мақсадлари учун 2022-йилда Жаҳон банкидан 3000 миллион доллар миқдорида кредит маблағлари жалб қилинади. Қолаверса, “Ветеринария фидойиси”ва “Чорвачилик фидокори” кўкрак нишонлари таъсис этилади[4]. Чорва соҳасини тараққий этиши нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари балки енгил саноатда, аграр соҳа ва шунингдек, тиббиётда юксалишни англатади чунки, чорва гўнги табиий ўғит сифатида, ёғлари эса тиббиётда дори-дармон сифатида териси эса кийим-кечак сифатида қайта ишланиб тайёр маҳсулот ҳолига келади. Айнан қимматбаҳо қалин кийим-кечаклар хақиқий чорва терисидан тайёрланиши унинг сифатини ва нархини баҳолайди. Чорвачиликнинг тараққий этиши ва маҳсулдорлиги деҳқончиликнинг ривожланиши, ердан интенсив фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ.

Хонлик ва советлар даврида Хоразмда чорвачилик ва наслли қорамол, қўй ва отларни етиштириш масаласи жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий хаётида долзарб масала бўлиб, ҳанузгача илмий – назарий жихатидан кам ўрганилган. Хоразмнинг чорвачилик маданияти тарихини ўрганишда халқ тажрибаси, дехқончилик анъаналари ва ёзма манбалардаги маълумотлар муҳим ўрин тутади. Хоразм чорвачилик маданияти тарихини махсус ўрганиш, қўшни тарихий давлатлар: Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудудлари чорвачилик маданияти тарихи билан бирга таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб чорвачиликнинг илмий базасини яратиш, ҳудудларнинг табиий-иқтисодий шароити ва озуқа базаси ресурсларига қараб минтақалар бўйича ривожлантириш ишлари бошланди. Суғорма деҳқончилик ҳудудларидаги хўжаликларда сут, сут ва гўшт йўналишидаги қорамолчилик, паррандачилик ва чўчқачилик, тоғ олди минтақалари, Амударёнинг қуйи оқими ва Орол бўйи қамишзор ва тўқайли ҳудудларида гўштдор қорамолчилик, гўшт-ёғ қўйчилиги, йилқичилик, чўл яйловларида қоракўлчилик ривожлантирилди. Каммаҳсул молларни чатиштириш ва республикага кўплаб наслдор молларни олиб келиш натижасида қорамолларнинг қораола, қизил чўл, швитс, бушуев зотлари сони кўпайиб маҳсулдор подалар гуруҳи шакллантирилди. Зотларнинг мослаштирилган ҳудудлари белгиланди. Қоракўлчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ихтисослаштирилган йирик қоракўлчилик хўжаликлари катта иқтисодий самара келтирди. 1930-33 йиллардан бошлаб чорвачиликнинг наслчилик зотлари, хўжаликлари, фермалари, стансиялари ва корхоналарининг ташкил этилиши наслчилик тизимининг шаклланишида муҳим бурилиш бўлди[4]. Миллий чегараланиш натижасида Хоразмда яйлов худудлари камайиб кетган. Натижада чорва боқиш ва ўстириш ишлари янада оғирлашган. Чорва насллари камайиб кетгани ҳам юқоридаги омиллар туфайли юзага келган.

Чорва молларининг сонини кўпайтириш ўз навбатида уни ем-хашак билан таъминлаш заруратини келтириб чиқаради. Ўлкамизда эса ўша даврда асосий суғориладиган майдонларга катта кўламда пахта экилгани тарихдан маълум. Ем-хашакнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, чорвачиликнинг мутахассислари бундай ҳолатда, мол бош сонини кўпайтириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, лекин қишлоқ хўжалигини тиклаш ва мустаҳкамлаш масаласи чорвачиликни сифат жиҳатдан бўйича тадбирлар, мумкиндир ва кераклидир деб

кўрсатдилар. Чорвачиликни озуқа базасини мустаҳкамлаш тадбирлари олиб борилмоқда. Республика экин майдонларининг 10% га яқин кисмига емхашак экинлари экилади [2.109]. Барча даврларда ҳам ем-хашак тақчиллиги ўз навбатида қорамолчилик соҳасига катта зарар келтириши ўз исботини топган. XX асрнинг 30-йилларига келиб, жамоа хўжаликлари барпо этиш зарурати юз ага келди ва жамоа хўжаликларини қуриш жараёнида жамоа чорвачилигини ривожлантириш бўйича янги бўғин–қолхоз-товар фермалари вужудга келган. Бироқ бу босқичда ҳам анчагина оқсоқлик кузатилади. Бунга амалга қўйилган дастурда маҳаллий муҳит ҳисобга олинмагани ҳамда жамоат мулкининг бир қисми талон-тарож этилгани сабаб бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ўсиш сурати пасайишининг асосий сабаблари иқтисодий қонунларни қолхоз ва совхоз ишчиларининг жамоат хўжалигини ривожлантиришдан кўра, моддий манфаатини устун қўйганлари ҳам асосий сабаблардан бири бўлган бўлса ажаб эмас.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида давлат хўжаликлари жамоа, ширкат хўжаликларига айлантирилди, чорвачилик, аксарият хўжаликларнинг қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди, деҳқон ва чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ташкил этила бошлади. Бу воқеалар ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида бошланди. Дастлаб аграр соҳа ва чорвачилик соҳаси хусусийлаштирилди. Хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад эса тадбиркорликка йўл очиш ва сифатли озиқ-овқат товарларини яратиш эди. Айнан хусусийлаштириш дастуридан кўзланган мақсадга эришилди десак, муболаға бўлмайди. Ҳозирги кунга келиб, табиий ва маданий яйловлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишлари давом этмоқда. Аралаш ем, оқсилминерал ем қўшимчалари, ем озуқа ачитқилари ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпаймоқда. Чорвачиликда ветеринария хизмати кўрсатиш касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, чорвачилик маҳсулотлари ветеринария санитария экспертизаси ҳайвонлар касалликларига карши кураш стансиялари, ветеринария шифохоналари ва пунктларида, ветеринария лабораторияда олиб борилади. Шу ўринда айтиш жоизки, Самарқанд ветеринария медитцина институтининг Тошкент филиалини ташкил этиш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. Ветеринария соҳасининг ривожи ўз навбатида чорвачилик тараққиётини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишлари ичида чорвачилик етакчи соҳа ҳисобланади. Мисол учун шарқий Европа ва Скандинавия мамлакатлари асосан экспортга сут ва сут маҳсулотларини чиқаришади ва бу мамлакатга келаётган даромаднинг катта қисмини ташкил қилади. Фақат чорвачиликдан кўзланган мақсад бош сонини ошириш эмас балки, уни қайта ишлаш тизимини ҳам самарали ташкил этишдан иборатдир. Қайта ишлаш жараёнларини тўғри ташкил этиш орқали биз миллий маҳсулотимизнинг тан нархини оширибгина қолмай уни рақобатбардошлигини ҳам таъминлаймиз. Агар ҳар бир вилоят ўз худудида чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйса, махаллий аҳоли учун арзон ва сифатли махсулотла базаси яратилади ва маҳаллий тадбиркорлик ҳам ривож топиб юксалади. Демак, бундан билиб олишимиз мумкинки, чорвачиликка қилинган эътибор ҳеч қачон самарасиз бўлмаган.

Юртимизда чорва учун катта яйлов, сув ҳавзалари етарли эканлигини ҳисобга олган ҳолда юртбошимиз айнан шу соҳа қаратилган қарорларни йил-йилдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Буни биз Президентимизнинг қарори билан Ўзбекистонда чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш мақсадлари учун 2022-йилда Жаҳон банкидан 300 миллион доллар кредит маблағларини жалб қилганидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Бу дастурни амалга оширишнинг бир қанча устувор йўналишлари мавжуд бўлиб, улар асосан, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, ҳамда чорвачилик ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш,чорвачилик соҳасида сифат назоратини кучайтириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни тизимли йўлга қўйиш кабилардир. Шунинг учун ҳам, ушбу соҳага ажратилган маблағлар ҳам борган сари кўпайиб бориши ҳам бежиз эмас, албатта.

Дунё тажрибаларидан шуни кўришимиз мумкинки, ҳар бир ривожланган мамлакат хоҳ аграр соҳа бўладими, хоҳ чорвачилик соҳаси бўладими биринчи навбатда ўз аҳолисини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашдан уни чет давлатларга катта миқдорда экспорт қилиш босқичига кўтарилиб борган. Асосан, Марказий Осиёда ҳам чорвачилик соҳасидан буджетининг катта қисмини таъминлай оладиган давлатлар ҳам кузатилади. Жумладан, Қозоғистон ва Қирғизистонда қўйчилик ва подачилик соҳалари, шунингдек, Туркманистонда йилқичилик соҳалари тараққий этгани ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бугунги кунда юртимизда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи завод ва фабрикалар сони кун-кундан ортиб бораётгани хам халқимизни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашдаги катта ютуқ бўлиб хизмат қилмоқда. Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш борасида юртбошимиз янги-янги дастурларни амалга киргизмоқда. Жумладан, қорамолчилик билан шуғулланишни истовчи аҳолига кам фоизли кредит суммалари ажратилмоқда. Бу дастур натижасида ишсиз аҳоли қатлами ўз даромад манбасига эга булиши кўзда тутилган. Кичик хўжаликларда 2-3 бош қорамолёки сигирнинг мавжудлиги томорқадаги ортиқча ем-хашакнинг исроф бўлмаслигини англатади. Ҳамда оиланинг доимий кичик даромад манбаи мавжудлигини билдиради. Буларнинг ҳаммаси юртимиз тараққиёти ва халқ саломатлиги учун йўлга қўйилган амалий ишлар натижасидир.

АДАБИЁТЛАР

1.Сагдуллаев А. С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Тошкент, “Ўқитувчи”. 1996. 178 бет.
2. Б.Абдолниёзов “Хоразм чорвачилиги – қадим замонлардан ҳозиргача” –Урганч, “Хоразм”. 1992. 384 бет.
3. https://lex.uz/docs/-5317849
4. https://www.gazeta.uz/oz/2022/02/09/husbandry/

Аўыл хожалығындағы жетекши бөлими-шарўашылықтың раўажланыўы ҳәм оның социаллық турмыстағы орны
Бабаева З. Д. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Усы макала ханлык дауринде шаруашылык тарийхы маденияты хам онын халык социал-экономика омириндеги басланган болып, онда откен аср дауринде халык мадений омиринде шаруашылык болган итибар хам онын рауажланыуы, сондайак хазирде халыкны сыпатлы онимлер менен таминлеуге лайык откизилген катар дастурлер баянаты хам сапасы келтирилген.

Таяныш сөзлер: Салқын, Әмиўдәря, Зоотехника, Зеб-зийнет, Қаракөл, Ветеринария, Нәсилшилик, Субсидия.

Қишлоқ хўжалигидаги етакчи соҳа–чорвачиликнинг ривожи ва унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти
Бабаева З. Д. Корақалпоқ давлат университети

Резюме. Ушбу мақола хонлик даврида чорвачилик тарихи маданияти ва унинг аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнига бағишланган бўлиб, унда ўтган аср давомида аҳоли маданий ҳаётида чорвачиликка бўлган эътибор ва унинг тарққиёти, шунингдек, ҳозирда аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга доир ўтказилган қатор чора-тадбирлар баёни ва самараси келтирилган.

Калит сўзлар: Салкин, Амударё, зоотехника, зебу, қоракўл, ветеринария, ўзнаслчилик, заём, субсидия.

Ведущее направление в сельском хозяйстве - развитие животноводства и его значение в общественной жизни
Бабаева З.Д. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Данная статья посвящена культуре животноводства в ханский период и ее месту в социально-экономической жизни населения. Приведены описание и эффективность ряда предпринятых мер по обеспечению.

Ключевые слова: Салкин, Амударья, зоотехника, зебу, каракуль, ветеринария, родословная, кредит, субсидия

The leading sector in agriculture - livestock development and its significance in social life
Babaeva Z.D. Karakalpak State University

Summary. This article is devoted to the culture of animal husbandry in the khanate period and its place in the socio-economic life of the population. A description and effectiveness of a number of measures taken to ensure are given.

Key words: Salkin, Amudarya, zootechnics, zebu, karakul, veterinary, pedigree, loan, subsidy

---

УДК 32.019.5

ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Давидов У. Х.
Ўзбекистон Миллий университети

Ёшларда миллий маънавий хавфсизлик маданиятини шакллантириш масаласи – бу ўзбек миллати руҳиятини, маънавий салоҳияти ва иродасини ифода қилиб, улкан давлатчилик маданиятини кенг тарғиб этиш билан боғлиқ вазифаларни қамраб олади. Айни пайтда, маънавий хавфсизлик тарихий жараёнлардан шаклланиб келган ахлоқий қадриятлар орқали жамият ва унинг маданиятини сақлашга қаратилган яхлит тизимлар ҳосиласини ифода қилади. Ёшларни давр юкини зиммасига олишга кодир бўлган баркамол инсон қилиб вояга етказиш, уларнинг таълим-тарбияси эса стратегик аҳамиятга молик масалалар сифатида эътироф этилади. Уларга замон талаблари асосида пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятда муносиб ўрин топиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Зеро, «Миллий маънавият - миллатнинг ўзига хос ҳусусиятлари, анъана, урф-одатлар, қадриятлар ва менталитетини ўзида акс эттирувчи, унинг «мен»лигини кўрсатувчи, ўзлигини белгиловчи интеллектуал-руҳий қудрати ва уни тараққиётга етакловчи ботиний салоҳиятдир». [1]

Илмий мқаоланинг асосий мақсади – Ўзбекистонда миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлашда миллий ўзликни англаш заруриятининг сиёсий фанлар нуқтаи назаридан бугунги кун воқелиги асосида функционал ўрганишдан иборат.

Жамиятнинг маънавий ҳаётига оид ижтимоий тадқиқотларнинг бирида Россиялик олим Л.Н.Коган: “Маънавий ҳаёт муаммолари ижтимоий фанлар мажмуаси томонидан мудом ўрганилган. Ҳеч қандай ижтимоий тадқиқотлар йўққи, унда бир томонлама, тўғридан-тўғри ёки билвосита жамиятнинг маънавий ҳаётига дахлдор бўлмаган масала бўлса” [2], дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, ушбу фикр ҳам маънавий масалалар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг негизи эканлигига ишора. Россиялик олимлар миллий ва маънавий хавфсизликни ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилишнинг ғарбда шаклланган анъанасини давом эттиргани ҳолда, асосан, ундаги тушунчалар аппаратини кенгайтиришга ҳаракат қилишади. Хусусан, О.В.Каширина ижтимоий муносабатлар тизимида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўрнини, М.В.Головушкина тарбиянинг маънавий-ахлоқий асосларини шакллантиришда Шарқ ва Ғарб олимларининг қарашларини, Ф.И.Тютчев маънавий тарбия соҳасида инновацион жараёнларни амалга оширишни тадқиқ этилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ушбу олимларнинг тадқиқотларида ижтимоий-сиёсий жараёнларда миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлашда миллий ўзликни англашнинг ривожланиши ва барқарорлиги билан боғлиқ айрим жиҳатларга эътибор берилган.

Шу ўринда, профессор С. Отамуродов миллий-маънавий хавфсизлик масаласига чуқурроқ қараш зарурлигини эътироф этади Олим таъкидлаганларидек, “юксак тараққий қилган мамлакатларда инсонларнинг ўзаро бегоналашуви, бир жинсли никоҳнинг қонунлаштирилиши, ота-она, оила, фарзанд, қон-қариндошлик ва бошқа бир қатор умуминсоний қадриятларга қарама-қарши бўлган индивидуализм, «ўзингни бил, ўзгани қўй» тамойилини амалиётга айлантириш ва уларни оммавийлаштиришга бўлган интилиш кучайиб бормоқда. Ҳудди ана шу оммалаштириш, энг аввало, маънавияти қашшоқ якка шахсларга, улар орқали эса бутун миллатга қаратилганлиги билан хатарли тус олмоқда. Шу тариқа бугун мавжуд хавфсизлик шакллари тизимига янги,

миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш жаҳондаги халқлар ва миллатлар тараққиётидаги глобал муаммо сифатида юзага келди. Зеро, миллий маънавиятнинг барбод бўлиши бугун инсоният эришган тамаддуннинг (цивилизациянинг) барбод бўлишига олиб келиши муқаррардир. Шунинг учун ҳам миллий маънавиятни асраш бутун инсониятни, унинг жозибаси ва са лоҳиятини таъминлаш вазифасига айланиб бормокда.” [3]:

Фалсафа фанлар доктори, профессор Р.Самаров хавфсизликка маълум тизим сифатида қарайди ва хавфсизликнинг бир йўналиши бўлган миллий хавфсизликка қуйидагича таъриф беради: “Миллий хавфсизлик ҳар бир инсонни жинси, миллати, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳаётий муҳим манфаатларининг ҳимояланганлиги, жаимиятнинг моддий, маънавий бойликлари, ижтимоий меъёрлари ҳамда давлатнинг конституциявий тузими, суверенитета, ҳудудий яхлитлигини ташқи ҳамда ички турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш мақсадида институтционал тарзда яратиладиган шарт-шароитлар мажмуасидир”. [4]

Бунда, муаллиф миллий хавфсизликни яхлит тизим сифатида талқин этиб, миллий: ижтимой, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, экологик каби омилларини ҳам назарда тутади.

Маҳаллий тадқиқотчиларимизджан яна бири А.Э.Ишмуҳаммедов “Хавфсизлик тушунчаси жуда кенг бўлиб, жамият ҳётига алоқадор деярли ҳамма масалаларни — чегара хавфсизлиги, регион ичидаги тинчлик, экстремистик, миллий гуруҳларнинг йўқлиги, порахўрлик, жиноят кўрсаткичларининг камайиши омилларини ўз ичига олади ва ҳоказо»[5], — деб ҳисоблайдию

Ёшларнинг маънавияти фақат таълим-тарбия давомида шаклланиб, ҳаракатга келтирувчи кучга айланади. Энг муҳими глобаллашув жараёнида, оммавий маданиятларнинг тажаввузкорлик ҳолатида ўзбек маданияти ва унинг ўзига хослигини сақлаб қолиш, анъанавийлик, авлодлар ворисийлигини таъминлаш ва бунда ёшларни оммавий маданият тазйиқидан сақланиш бош масала бўлиб ҳисобланади. Зеро, глобализмнинг шиддатли, баъзан бешафқат оқимлари бизни вужудга келиши мумкин бўлган янги ижтимоий иллатлардан огоҳ бўлишимизни тақозо қилади. Бу муаммолар информацион технологик жамиятга ўтиш, маънавий ахборот оқимларининг ортиб бориши, ёшлар тафаккурининг мафкуравий хуружларни ҳазм қилиш ва ижобий хулосалар чиқариш имкониятида намоён бўлмоқда. Бу эскилик билан янгиликлар ўртасидаги тўқнашув, жамиятда янги маънавий қарашларнинг вужудга келиши, моддий имкониятларнинг маънавий олам ўртасидаги зиддиятларида ифодаланади. Шу тариқа ёшлар икки олам ўртасида ўзи учун, жамият учун устувор ахлоқий мезонлар танлови доирасида ўзлигини излайди, ўзини ифода қилиш имкониятларини ахтаради.

Жамиятда маънавий-маърифий ишларни олиб боришнинг замонавий методлари ва технологиялари ишлаб чиқишда **Маҳалла институтининг** роли ва аҳамияти каттадир. Дарҳақиқат, ҳозирда маҳаллада маънавий ишларнинг муҳим ва долзарб йўналиши – ғоявий тарбиядир.

Бу эса фарзандлар онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни миллий истиқлол ғояси руҳида мақсадли шакллантиришнинг ижтимоий педагогик жараёни демакдир. Шу маънода маҳалла – том маънода ёшларнинг мафкуравий тарбиясининг асосий пойдевори ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бузғунчи мафкуралар айнан маҳаллага, оилага ва у орқали ёш авлодларга ўз ғояларини сингдиришга интилмоқда. Маҳалла-аввало, соғлом ижтимоий муҳит маскани. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг ҳулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс. Шу маънода маҳаллани демократия дарсхонаси, деб ҳам аташ мумкин.

Маҳалла институти томонидан жамиятда маънавий-маърифий ишларни олиб боришнинг қуйидагиларни замонавий технологиялари қўлланилмоқда: маҳаллалардаги ички имкониятларидан келиб чиқиб уюшмаган ёшларни турли тўгаракларга, спорт мусобақаларига жалб этиш; уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида танлов ва мусобақалар ўтказиб бориш; фан-таълим, маданият ходимлари иштирокида маданий-маърифий тадбирлар уюштириш давомида уларни Ўзбекистонда кечаётган демократик жараёнлар билан таништириб бориш; янги старт-ап, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали фермерлик, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлашга ҳисса қўшиш; ёшларимизнинг маданий-тарихий анъаналармизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ота-оналар ва ёшлар билан алоҳида-алоҳида учрашув ва суҳбатлар ўтказиб бориш; маҳалла ёки туман имом-хатиби ва тумандаги отинлар билан учрашув ҳамда давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказиб бориш; Кўп ҳолларда, шарқона ахлоқ-одоб қоидаларини, юксак маънавият ва бой маданиятимизни, қадриятларимизни қалкон қилиб қўйишимиз керак. Биз маънавий хавфсизлик ҳақида қайғурар эканмиз, энг аввало, ёшларда юксак маънавиятни шакллантиришнинг аҳамияти қанчалик баланд эканлигини тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Негаки, маънавияти юксак даражада ривожланган халқ, миллат тараққий этади, келажакка қараб дадил, изчиллик билан қадам босади ва аксинча, маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат ёки давлат таназзулга учрайди.

Фикримизча, ҳозирги кунда жамиятда маънавий-маърифий ишларни олиб боришнинг **замонавий методлари** қуйидагилар ҳисобланади: анализ-синтез методи орқали давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ва жамоат бирлашмалари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ёшлар учун жамиятда маънавий-маърифий ишларни олиб боришнинг таҳлили амалга оширилди. Бундан кўзланган асосий мақсад брача ташкилотлар ушбу йўналишдаги фолиятини мониторинг қилиш, мажуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат; ёшларимизнинг турли халқларнинг кўп асрлик маданиятига, илмий ва маданий меросига

ўрганиш, миллий қадрият, урф-одат, байрам ва анъаналаримизни тиклаш; фуқароларда юксак маънавиятни шакллантириш жараёнини янада чуқурлаштиришда компровистик методдан фойдаланиш орқали маннавий-маърифий ишларнинг олиб борилиш янгича усуллари, самарадорлигини таҳлил қилиш лозим; дедуктив методлар орқали ёшларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, билимдонлик ва шу каби маънавий-маърифий фазилатларни шакллантириш; миллий ўз-ўзини англаш, миллий онгни ўстириш йўли билан миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини тарбиялаш; индуктив метод орқали хлақимизнинг руҳий поклик ва ҳалоллик, имон ва диёнат, меҳр-шафқат, ота-онага ҳурмат, Ватанга, оилага садоқат каби ахлоқий меъёрларга амал қилишни ёшларга узвийлик орқали етказиш; умумлаштириш методи орқали ушбу йўналишда амалга оширилаётган барча ишларни давлат бошқаруви органлари, ҳокимликлар, бошқа фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари каби кўплаб фуқаролик жамияи институтлари томонидан аҳоли, айниқса ёшлар, орасида тушунтириш ишларини жонлантириш, уларнинг доимийлигини таъминлаш ҳамда бу ишга жамоат бирлашмаларини кенгроқ жалб этиш, оммавий-ахборот воситаларида тегишли масалаларни ёритиш.

Бугунги кунда юртимизда маънавий-маърифий ишлар соҳасида қуйидаги ишларни амалга ошириш бўйича ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан: аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва давлат дастурлари аҳамиятининг тарғибот ва ташвиқотини ташкил қилиш; ҳудудда аҳолининг маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш; Аҳолининг, айниқса ёшларнинг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, маънавий-маърифий меросни, урф-одат ва қадриятларни сақлаш, тарғиб қилиш; Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган оммавий тадбирларни ўтказиш; ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш; ёшлар аҳоли орасида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” таҳдидларидан огоҳ қилишга қаратилган профилактик маърифий, тарбиявий чора-тадбирларни кучайтириш; аҳоли орасида меҳр-оқибат, меҳр-шавқат, мурувват ва ҳиммат, инсофу диёнат, виждонийлик, аҳиллик ва тотувлик, фидойилик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бошқа фазилатларни тарғиб қилиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш; мамлакатда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича сиёсатнинг мақсад ва вазифаларини янада такомиллаштириш ва бошқалар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий» деган тамойил асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктирилди ва маҳалалларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг фикримизча, «Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий» деган тамойил асосида ҳар бир маҳаллада аҳоли ўртасида “фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш керак; оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш “маҳалла–туман–вилоят–республика” принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш лозим.

Ҳар бир маҳалла “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш лозим; тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш; аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш.

Фикримизча юқоридагиларнинг баричаси мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

2019 йилда қабул қилинган “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйичақўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан қуйидаги ишлар белгилаб берилган. Хусусан: а) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқиш: маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторлари; бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш шакллари; маънавий тарбияни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш механизмлари; тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб боришни назарда тутувчи узлуксиз маънавий тарбия тизими; маънавий тарбияни шакллантиришнинг ҳомиладорлик давридан бошланиши ва тарбиянинг ҳар бир босқичдаги ўзига хос хусусиятлари; маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши; [6]

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда маънавий тарбияни индикаторлари ҳамда бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқлари фойдаланиш мақсадида аввало оилада боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топишга ҳаракат қилишимиз керак.

Ёшлар учун тайёрланган тадбирларда маънавий-ахлоқий қадриятлардан фойдаланиш, уларни йиғиб тўплаш, китоб устида ишлаш ва бошқа шакл, метод ва воситалар асосида ҳаётдаги намуналарга таянилди. Зеро, таълим-тарбия жараёнида қўлланилган шакл, метод ва воситалар маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда ёшлар билимини бойитишга ва таълим-тарбияни улар билан уйғун ҳолда ташкил этишга ёрдам берди.

АДАБИЁТЛАР

1. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. - Т. .«O`zbekiston», 2013.-Б.164
2. Коган Л.Н. Цель и смысл жизни человека /Личность. Культура. Общество. Екатеринбург, 2009. С.203.
3. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. -Т.: Ўзбекистон, 2013. -Б. 164.
4. Самаров Р.С. Хавфсизликнинг методологии асослари. — I "Akademiya», 2010. 14-6.
5. Ишмуҳаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик (ўқув қўлланма). Т.: ТДИУ, 2004. 18-6
6. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйичақўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 04.05.2019. www.lex.uz.

Жамиятда маънавий-маърифий ишларни олиб боришнинг замонавий методлари ва технологиялари ривожлантириш
Давидов У. Х. Ўзбекистон Миллий университети

Резюме. Мазкур мақолада бугунги кунда жамиятда маънавий-маърифий ишларни олиб боришнинг замонавий методлари ва технологияларини янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган фикрлар баён қилинган. Бугунги кунда ёшларнинг маънавий-маърифий муаммоларини маънавий таҳдидлар доирасида англаш, мазкур масала хусусидаги йўналишларнинг замонавий ечимларини тақдим қилишда давлат органлари билан биргаликда махалланинг ўрни ҳам жуда катта аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Калит сўзлар. давлат, ёшлар, миллат, миллий маънавий хавфсизлик, барқарорлик, тараққиёт, таълим-тарбия.

Разработка современных методов и технологий проведения духовно-воспитательной работы в обществе
Давидов У.Х. Национальный университет Узбекистана

Резюме. В данной статье представлены научно обоснованные представления о дальнейшем развитии современных методов и технологий ведения духовно-просветительской работы в современном обществе. Сегодня нельзя забывать, что роль общины совместно с государственными органами очень важна в осмыслении духовно-воспитательных проблем молодежи в рамках духовных угроз, в обеспечении современных решений этого вопроса.

Ключевые слова: государство, молодежь, нация, национальная духовная безопасность, стабильность, развитие, образование

Development of modern methods and technologies for spiritual and educational work in society
Davidov U.H. National University of Uzbekistan

Summary. The article analyzes scientifically grounded ideas for the further development of modern methods and technologies of spiritual and educational work in modern society. While understanding the spiritual and educational problems of young people today in the context of spiritual threats, we must not forget that the role of the community, along with government institutions, is very important in providing modern solutions to this problem.

Key words: state, youth, nation, national spiritual security, stability, development, education

---

TÚRKSTAN GENERAL GUBERNATORLIǴI DIYWANXANA HÚJJETLERI TARIYXIY DEREK SIPATINDA

Jumaniyazov D.Q.
Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Ózbekstan Respublikası Milliy arxiviniń I-1 fondı Túrkstan general gubernatorlıǵınıń diywanxanası húJjetleri esaplanadı. 1873-jılı 12-avgusttaǵı Gendimian shártnaması tiykarında Xiywa xanlıǵı Rossiya vassalına aylanıp, Ámiwdárya tómengi aǵısınıń oń jaǵalıǵında dáslep Ámiwdárya áskeriy okrugi dúzilip, bir jıldan soń okrug Ámiwdárya bólimine aylandırıladı. Jańadan dúzilgen húkimet áskeriy xalıq basqarıwı tiykarında óz jumısın baslaydı. Ámiwdárya bóliminde bólimdi basqarıw ushın kancelyariya yaǵniy diywanxana dúziledi. Bólim eki uezdden, yaǵnıy Shoraxan hám Shımbay uezdlerinen ibarat bolıp, bólim hám uezd baslıqları imperiya áskeriy oficerlerinen(sárkarda) tayınlanǵan. Bólimdi basqarıw dawamında dáslep áskeriy garnizon, xristian pravoslav shırkewi hám áskeriy sárkardalardıń balaları ushın mektep qurıldı. Bunı biz sol dáwirdiń ájayıp xudojnigi Nikolay Karazinniń kartinalarınan da kórsek boladı.

Arxiv húJjettleriniń I-1 fondi, 19-opis, 72-is qaǵazı Ámiwdárya okrug diywanxanasına tiyisli bolıp Petro-Aleksandrovsk bekinisinde mektep ashıw hám onıń qárejetleri dep atalǵan. Bul húJjet chinlerdiń(mámleket xızmetshileri, puqaralıq hám áskeriy xizmetshilerdiń rásmiy lawazım dárejesi, oktyabr awdarıspaǵına shekem Rossiyada chinniń on tórt dárejesi bolǵan) balaları ushın dáslepki rus mektebiniń halatın úyreniwde áhmiyetli derek esaplanadı.

Bul mekteptiń shólkemlestiriliwiniń baslamashısı jergilikli ruwxaniy Andrey Ilinskiy ekenligin 1874-jılı 18-avgusttaǵı 1973-sanlı málimlemede polkovnik Nikolay Ivanov tilge alıp ótedi, yaǵniy ruwxaniy Andrey Ilinskiy arzasına muwapıq Petro-Aleksandrovck bekinisinde tómengi dárejeli chinlerdiń 12 balası ushın dáslepki mektepti bekiniste ashıwǵa Túrkstan general gubernatorınan ruxsat soraydı. Sonday-aq mektep ashılıwına ketetuǵın bir jıllıq qárejet 500 rubldi bólimniń bazar hám tárezi jıyımınan alıwǵa hám smetanı tastıyıqlap beriwdi Túrkstan general gubernatorinan soraydı. Málimlemege qosımsha Petro-Aleksandrovsk bekinisinde mektep qurılısı ushın smeta dep jazılǵan húJjet bar.

Onda talap etilgen qárejet summaları tómendegishe: mektep imarati ushın-150 rubl, mebeller ushın-70 rubl, oqıw hám jazıw quralları ushın-100 rubl, oqıtıwshılar ushın-60 rubl, imarattı jaqtılandırıw hám jılıtıw ushın-120 rubl, jámi-500 rubl. Tastıyıqlap qol qoyǵan diywanxana baslıǵı kapitan A.Efremov bolǵan.

Hújjettıń 4 betine názer awdaratuǵın bolsaq ol jerde Ámiwdárya bóliminen Túrkstan general gubernatorına jollaǵan «raport»tı (málimleme) kóriwimizge boladı. Hújjettiń shep tárepinde Túrkstan áskeriy okrugi Ámiwdárya bólimi, 1874-jıl 31- dekabr, №4162, Petro-Aleksandrovsk bekinisi dep, oń tárepinde Túrkstan general gubernatorı waziypasın atqarıwshıǵa dep jazılǵan. Petro Aleksandrovsk bekinisinde áskeriy chinlerdiń balaları ushın mektep 1874-jılı 10-oktyabrde ashılǵanlıǵı, oqıwshılar sanı házirgi waqıtta 22, sabaqlar jaqsı alıp barılmaqta dep jazılǵan bolsa, 1875- jıldıń 30- iyunda Petro- Aleksandrovsk bekinisinen Túrkstan general gubernatorına jollanǵan 1833-sanlı málimlemede sońǵı bes ayda bul mektepte ámelge asırılǵan isler boyınsha maǵlıwmatlar beriledi. Bul maǵlıwmatlar tómendegishe: Mektepte 15 bala hám 8 qız tálim almaqta. Qısqa waqıt ishinde bul balalar qudayǵa sıyınıwdı nızamlıqların, eski hám jańa diniy nızamlıqlar haqqında waqıyalardı rus tilinde oqıy aldı, oqıǵanların aytıp bere aldı. Olardıń kópshiligi kitaplardaǵı ayrım ápiwayı gurrińlerdi hám Krilovtıń tımsalların yaddan aytıp bere alw dárejesine jetti, sonday-aq kitaptan háriplerdi, sanlardı kóshirip jaza aladı. Arifmetikadan kópshiligi sanlardı qosıw hám alıwdı jaqsı bilse, kobeytiw tablicasın az sandaǵıları biledi. Bunnan tısqarı oqıwshılardıń teń jartısı jer haqqında, okeanlar, Rossiyanıń qalaları, ataw, yarım ataw, kóller, kún hám tún haqqında dáslepki túsinikke iye. Rossiya tariyxınan birazı Rus mámleketiniń tiykar salınıwı hám rus xalqınıń shoqındırılıwı haqqında maǵlıwmatqa iye bolǵan. Oqıwshılarǵa tálim awızsha usılda alıp barılıwı qabıl etilgen, yaǵnıy olarǵa geografiyadan, diniy tariyxtan waqıyalar aytıp berilip, balalar onı este saqlap soń ózleriniń sózi menen túsingenlerin aytıp beriw talap etiledi. Mektepte sabaqlar ruwxaniy Ilinckiy hám 8-Túrkstan batolyonı qatardaǵı ásker Prozvickiy tárepinen alıp barıladı. Bul málimleme Ámiwdárya bólimi baslıǵı artellerya polkovnigi Nikolay Ivanov hám kancelyariya baslıǵı kapitan Appolos Efremov tárepinen tastıyıqlanǵan. Haqıyqatdan da mektep ushın 500 rubl ajıratılǵanlıǵı Túrkstan general gubernatorlıǵınıń diywanxana hújjetiniń I-1 fondı, 16-opis, 781-is qaǵazındaǵı málimlemede óz tastıyıǵın tabadı. Yaǵniy Ámiwdárya bóliminiń qalalıq kirim-shıǵım maǵlıwmatınıń 20-betiniń arqasında 1874-jılı qalalıq kiris bolǵan jıyım jámi-12547 rubldiń 500 rubli tómengi chinlerdiń balaları ushın mektep salıw hám oǵan kerekli qárejetleri ushın jumsalǵanlı kórsetilgen. Bul mektep 1878-jılı jawılıp onıń ornında 1872- jılǵı Nizamǵa tiykar 2 klasslı qalalıq uchilishe ashıladı. Túrkstan general gubernatorlıǵınıń diywanxanası I-1 fondı, 1-opis, 2686-is qaǵazında Ámiwdárya bólimi nachalnigi general mayor Aleksandr Grotengelmniń bas shtab arqalı Túrkstan general gubernatorına bólimniń 1885-jılǵı halatı boyınsha bergen jıllıiq esabat málimlemesinde tuzemlilerdi (rawajlaniwdan artta qalǵan jergilikli xalıqtı usılay ataǵan) evropalasqan bilimlendiriwge tartıw maqsetinde úlkenlerge keshki kurslar hám Petro-Aleksandrovsk qalalıq uchilishesinde jergilikli balalar ushın internat ashılǵanlıǵı bildiriledi.

XIX ásirdiń aqirinda Amiwdárya bóliminde bes oqıw orni bolip, sonnan bir qalaliq uchilishe (1878 j.), bir hayal-qızlar uchilishesi (1885 j.) hám úsh rus-tuzem mektepleri(1887-1890j.) bolǵan[1.64]. 1909-jılǵı áskeriy statistikaliq esabatta Ámiwdárya bóliminde orıslar tárepinen 6 qalalıq mektep hám jergilikli millet wákillerine qaraslı 771 oqıw ornı bolǵanlıǵın kóremiz. 6 oqıw orınnıń ekewi Shimbay hám Shoraxan awıllarında jaylasıp olar rus-túzem uchilishesi bolǵan, Shoraxanda taǵi keshki kurslar bolǵan. Petro-Aleksandrovsk qalasinda 2 klasslı qalalıq hám 3 razryadlı tatar uchilishesi, sonday-aq 1 klasslı hayal-qızlar shirkew uchilishesi bolǵan, olarda jámi 180 oqiwshı bilim alǵan.

1909 jılı Petro-Aleksandrovsk hayal-qızlar prixod uchilishesiniń muǵallim-basliǵı Gerasimova Olga Fedorovna, Shoraxan russ-túzem muǵallim-basliǵı chin bolmaǵan Abdrasul Mambaev, Shımbay russ-túzem muǵallim-basliǵı kollej-registratorı Karimsak Tengizbaevlar bolǵan[2.60]. Jergilikli millet wákillerine qaraslı 771 oqıw ornınıń ekewi medrese bolip onda 70 talaba, al 669 mektepte 11298 oqıwshı bilim alǵan.

Eger usı dawirdi Xiywa xanlıǵı menen salıstırsaq 45000 oqiwshı bilim alǵan 1500 mektep, 6500 talaba bilim alǵan 130 medrese hám Aq meshitde 20 oqıwshı bilim alǵan 1 menonit mektebi bolǵan[3.68]. Bul dáwirde Ámiwdárya bóliminde 213 740, Xiywa xanlıǵında 858 840 adam jasaǵanlǵın esapqa alsaq júdá kem oqiwshi mekteplerge tartilǵanlıǵın bilsek boladı.

1917- jıl 14- oktyabrdegi bólim diywanxanası saplastırılıp onıń waziypaları qala basqarıwına ótiw maǵlıwmatlarında Petro-Aleksandrovsk qalasında háreketde bolǵan bir hayal-qızlar, bir erler uchilishesi hám joqarı baslanǵısh uchlishesine qalalıq jıyımnan 1430 rublden 2800 rublge shekem aqsha ajıratqanlıǵı kórsetiledi.

1919-jılı oraydaǵı siyasiy jaǵdaylar sebepli Ámiwdárya bóliminde revkom dúziledi, 1920 jılǵı qánigeler diziminde xaliq bilimlendiriw bóliminde tómendegi xizmetkerler islegenligin kóremiz; Xafis Engulatov - Xaliq bilimlendiriw bólimi baslıǵı, kásibi musılman mektebi muǵallimi, Lavr Klugin- járdemshi, kásibi jer ólshewshi, Anatoliy Skorodumov – xatker, kásibi muǵallim, Mariya Sataenko- qol óneri múǵallimi, kásibi qol óneri múǵallimi, Gerasim Kapustin- instruktor, Aleksandra Belyaeva- múǵallim, Margarita Masich-múǵallim, Antonina Kuzmina-múǵallim, Nina Manuilovna-múǵallim, Mariya Kandaurova-múǵallim, Nurdjan Kojurov- múǵallim, Zina Bekenina- múǵallim, Sharif Salimova-múǵallim, Gad Gadilshina- múǵallim, Aziya Ravilova- múǵallim, Raziya Ayupova- múǵallim, Burnasheva- múǵallim, Nazarova- múǵallim, Sharif Nazarov- múǵallim[4.48]. Demek Lavr Kluginnen tisqari hámmesiniń kásibi muǵallim bolǵan. Ámiwdarya wálayatı xaliq bilimlendiriwiniń jumisshi aǵartiwshiliq awqami menen mektepler ushın islep shiqqan programmasında tómendegiler jazilǵan edi:

detdomlardaǵı mektepler ushın -1 klassta musilman álipbesi, jaziw, buwinǵa bólip oqıw, qisqa gúrrińler, pikirdi qısqa túsindiriw, 20 ǵa shekemgi sanlarda islep biliw.

2-klass musılmanlar ushın túrk tilinde jazıw hám oqıw shınıǵıwları, diktant, yadda saqlaw, túrk tili orıslar ushın 1 klasslarǵa arnalǵan musılman programması tiykarında, sonıń menen birge rus tilinde azbuka rus klassları ushın arnalǵan programmada.

1-basqishlı(stupen) mektepler ushın programma

Mektepke shekemgi klasslarda; arifmetika, 100 ge shekem awizeki sanaw, 20 ǵa shekemgi sanlarda tórt ámeldi orinlaw, rus tili, oqıw, oqiǵanı boyinsha sorawǵa juwap beriw hám qisqa jaza alıw.

1- klass 1- ciklinde; arifmetika 100 ge shekemgi sanlarda tórt ámeldi asiriw, 1000 ǵa shekem sanaw, rus tilinde jaziw shınıǵıwları.

2- klass 1- ciklinde, arifmetika 1000 ga shekemgi sanlarda tórt ámeldi asiriw, rus tilinde júritip oqıw, gurriń aytıw.

3-klass 1-ciklinde arifmetika, kólem hám maydanlardı ólshew, rus tili,eritologiya, oqıp aytip beriw, Ivanov avtorlıǵında geografiya baslanǵısh kursı, tabiyiy pán.

4-klass 1-ciklinde arifmetika, rus tili, eritologiya, sintaksis, geografiya, tabiyiy pán, nemis tili.

1-klass 2- ciklinde arifmetika, onliq bólshek, rus tili, sintaksis, geografiya (amerika, avstraliya, evropa elleri), tabiyiy pánde ósimlik hám haywanat dúnyası, algebra, geometriya, fransuz-nemis tilleri oqiw-jazıw, grammatika, awdarmalaw.

2-klass 2-ciklinde algebra, geometrya, rus tili, geografiyada evropa hám Rossiya geografiyasin juwmaqlaw, tabiyiy pánler, fransuz tili boyinsha Klenc kitabin tamamlaw, nemis tili boyınsha Glecer hám Peceldo kitapların juwmaqlaw, Mádeniyat tariyxı, geologiya, fizika.

1-2-cikl mekteplerinde túrk tilin uyreniw múǵállim jetispewshiligi sebepli ámelge asırılmaǵan.

Bul programma wálayat xaliq bilimlendiriw bólimi basliǵı Bersudskiy hám jumisshı aǵartiwshılıq awqamı wákili Belov sonday-aq komissiya quramina kirgen bir neshshe pedagoglar tárepinen qol qoyılıp tastiyiqlanǵan[5.10]. Usı programma tiykarında bilim berilgen hám ol 1922 jıldıń dekabrinde №299 dizim menen Tashkentke Xalıq bilimlendiriw komitetine jiberilgen.

Solay etip úlkemizde yaǵniy Qaraqalpaqstanda áskeriy shaxslardıń balalarin oqitiw ushin birinshi rus mektebi 1874-jıldıń 10-oktyabrinde házirgi Tórtkúl qalasında Andrey Ilinskiy basshılıǵında ashıladı. Joqari oqiw orinlari ushın belgilengen bazı bir tariyx kitaplarında bul er ballar qalalıq uchilishesi dep júritilip kelmekte, buǵan mektep dep dúzetiw kirgizilse maqsetke muwapiq bolar edi.

Juwmaqlap aytqanımızda arxiv hújjet derekleri bugingi kuni bizge jetip kelgen maǵliwmatlardı elede anıqlastırıp, tolıqtırıwımızda úlken áhmiyetke iye.

ÁDEBIYATLAR

1. Urazbaeva. R. Istoriya obrazovaniya v Karakalpakstane (poslednaya chetvert XIX-nachalo XXI v.), T. 2011. S.64.
2. Spisok licam grajdanskogo vedemstvo slujashim v Turkestanskom krae, S. 60.
3. Lobachevskiy V. Voenno statiticheskoe opisanie Turkestanskogo voennogo okuga. Xivinskiy rayon. T. 1912 g. S. 68.
4. ÓzMA R-34 fond, 2-opis, 34- is qaǵaz, 48-bet.
5. ÓzMA R-34 fond, 1-opis, 1857- is qaǵaz, 10-bet.
6. ÓzMA I-1 fond, 19-opis, 72- is qaǵazı
7. ÓzMA I-1 fond, 16-opis, 781-is qaǵazı
8. ÓzMA I-1 fond, 1-opis, 2686-is qaǵazı

Túrkiston general gubernatorliǵi devonxona hujjatlari tarixiy manba sifatida

Jumaniyazov D.Q. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume. Maqolada Ózbekiston Respublikası Milliy arxiv fondi hujjatlari asosida Amuwdarya búlimi va viloyatidagi maktab talim tizimi tadqiq qilingan. Manbalarni tuǵri urganish natijasida kitoblarda yuborilgan kamchiliklarni tuǵirlash kerakligi xulasa sifatida kúrsatilgan.

Tayanch sózlar: Amuwdarya bólimi, raport, harbiy chin, programma, maktab, madrasa, uchilishe.

Канцелярские документы Туркестанского генерал-губернатора как исторический источник

Жуманиязов Д.К. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье анализируются система школьного образования в Амударьинской отделе и области на основе документов Национального архивного фонда Республики Узбекистан. В результате тщательного изучения источников был сделан вывод о необходимости исправления недостатков в книгах.

Ключевые слова: Амударьинский отдел, рапорт, военный чин, программа, школа, медресе, училище

Chancellery documents of the Turkestan General-Governor as a historical source

Jumaniyazov D.Q. Karakalpak State University

Summary. The article analyzes the system of school education in the Amudarya section and region based on the documents of the National Archival Fund of the Republic of Uzbekistan. As a result of a thorough study of the sources, it was concluded that it was necessary to correct the shortcomings in the books.

Key words: Amudarya section, report, military rank, program, school, madrasah, college

---

ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ТИЖОРАТЧИ ЮРИДИК ШАХС КРЕДИТОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ УМУМФУҚАРОЛИК УСУЛЛАРИ

Қутлымуратов Ф. Қ.

Қорақалпоқ давлат университети

Юридик шахсларни қайта ташкил этишда кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари махсус чоралар ҳисобланади. Бироқ бу махсус чоралар кредитор ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоясини таъминлай олмайди. Шу сабабли бу вазиятда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий усуллари бўлган зарарни қоплаш, битимни ҳақиқий эмас деб топши, қайта ташкил этиш жараёнини ноқонунийлиги ва унинг оқибатлари, давлат органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ва бошқаларни қўллаш ўринлидай кўринади.

Умумий қоидага кўра, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда, ҳуқуқларнинг нормал амалга оширилишини таъминловчи чоралар йиғиндиси тушунилади [1, 167]. Юридик адабиётларда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини тушунчаси ва унинг моҳияти борасида бир қатор фикрлар билдирилган. Жумладан, М.И. Брагинский ва В.В.Витрянскийнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда, ҳуқуқ бузилишини олдини олиш, бартараф этиш, барҳам беришга эришиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва ҳуқуқ бузилиши оқибатидаги йўқотишларни компенсацияси қилиш мақсадида қонунчиликда назарда тутилган воситалар тушунилади [2, 776].

И.Б.Зокировнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари деганда қонун томонидан мустаҳкамланган мажбурий тусдаги моддий-ҳуқуқий чоралар тушунилади. Ушбу чоралар ёрдамида бузилган (низолашаётган) ҳуқуқларни тиклаш ва ҳуқуқбузарга муайян таъсир ўтказиш амалга оширилади [3, 136]. Ю.Н.Андреев фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоянинг мақсадига эришиш учун қўлланиладиган усуллар (ҳуқуқни тан олиш, огоҳлантириш, ҳуқуқ бузилишининг салбий оқибатларига барҳам бериш, бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, бир ёки икки томонлама реституция, йўқотишларни компенсация қилиш) [4, 57]. Юридик шахсларни қайта ташкил этишда кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўлланиладиган усуллари бевосита ҳуқуқ бузилиш хавфини баҳолаш ва унга мутаносиб чорани қўллаш ифодаланади. Чунки, қайта ташкил этишнинг бошланиши тўғридан-тўғри қарздор юридик шахс кредиторининг ҳуқуқларини бузмайди, балки бузиш хавфини юзага келтиради. Ҳуқуқ бузилиши эса қайта ташкил этиш якунланганидан кейин юз бериши, яъни кредитор талабларини қаноатлантириш, ҳуқуқий ўтмишдошнинг мажбуриятларини бажариш учун ҳуқуқий ворисда етарли мол-мулк ёки маблағ бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолатда эса қайта ташкил этилган қарздор юридик шахснинг кредитори ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун умумфуқаролик усулларига мурожаат қилишига тўғри келади. Бу усуллар бевосита қайта ташкил этишни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган хатоликлар ва қонун бузилишларини бартараф этиш ва кредитор талабларини қаноатлантиришга қаратилиши лозим бўлади.

М.А.Рожкованинг фикрича, ҳимоя усуллари субъект ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш ва унинг субъектив фуқаролик ҳуқуқлари бузлишидан келиб чиқадиган йўқотишларнинг ўрнини тўлдириш ёхуд ҳуқуқ бузилишининг салбий оқибатларини юмшатишни назарда тутади [5, 244]. Д.Н.Кархалевнинг ёзишича, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини белгилашда уларни мажбурлаш чораларидан фарқ қилувчи белгиларидан келиб чиқиш лозим. Қонун фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини фақат “қайта тиклаш” маъносида назарда тутади ва умумфуқаролик ҳимоя усуллари бузилган ҳуқуқни ҳуқуқ бузилидан олдинги ҳолатга келтиришга қаратилган ҳисобланади [6, 5-7]. М.С.Бериллонинг таъкидлашича, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари деганда субъектив фуқаролик ҳуқуқлари бузилган ҳолларда қўлланиладиган ва уларнинг қайта тикланишига қаратилган ҳуқуқий таъсир чоралари тушунилади [7, 63]. Фикримизча, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларининг асосий мақсади ва йўналиши бузилган ҳуқуқни тиклаш, айрим ўринларда эса ҳуқуқбузарга нисбатан қўшимча мулкий мажбуриятни юклаш саналади. Масалан, маънавий зиённи қоплашда бузилган ҳуқуқни тиклаш вазифасини амалга оширишнинг имкони бўлмайди, бу ҳолатда ҳатто зиён миқдорини аниқлашнинг ҳам имкони йўқ. Шу сабабли бу ҳолатда маънавий зиён ҳуқуқ бузилган шахс учун фақат юпанч вазифасини ўташи мумкин [8, 24]. Бундан ташқари, неустойкани ундиришда мажбуриятни лозим даражада бажармаган қарздорга нисбатан қўшимча мулкий харажат қилиш юкланади [9, 19], бу эса ўз навбатида бузилган ҳуқуқни тиклаш эмас, балки қайсидир маънода кредитор учун “ортиқча маблағ”га эга бўлиш воситаси сифатида кўрилиши мумкин.

Қолаверса, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини қўллаш учун ҳар доим ҳам ҳуқуқ бузилиш ҳолати “кутиб” турилмайди, балки ҳуқуқ бузилиши учун хавфнинг мавжудлиги ҳам ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун асос бўлиши мумкин. Масалан, ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш усулида қайта ташкил этилаётган юридик шахс кредитори бу ҳақда хабар олганидан кейин мажбуриятни бекор қилишни талаб қилишга ҳақли. Бу вазиятда ҳали кредиторнинг ҳуқуқлари бузилиши содир бўлмайди, бироқ мажбуриятни бекор қилиш орқали кредитор келгусида ўз талабларини бажарилмасдан қолишининг олдини олган бўлади. Умуман олганда “ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш” фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кенг қўлланиладиган усул бўлиб, шартномавий муносабатларда контрагент ўз зиммасидаги ҳаракатларни бажармаслик хавфи юзага келганда кредитор томонидан қўлланилади ва универсал ҳимоя усули сифатида аҳамиятга эга бўлади.

Юридик шахсларни қайта ташкил этишда кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кенг қўлланилиши мумкин бўлган умумфуқаролик ҳимоя усулларидан яна бири ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш ҳисобланади. Юридик адабиётларда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бу усули борасида бир қатор фикрлар билдирилган. Жумаладан, О.А.Кузнецова бу усулга қуйидаги таърифни таклиф қилади: ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш деганда, ваколатли шахснинг ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларни ҳуқуқ бузилишидан олдинга ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқбузарликни бартараф этиш мақсадида зудлик билан ва тугал тўхтатишни оператив равишда талаб қилиши тушунилади [10].

Фикримизча, мазкур таърифда ҳал содир этилмаган ҳуқуқ бузилиш ҳолати учун ҳуқуқ бузлишидан олдинги ҳолатни тиклаш мақсадига урғу берилиши ўринсиздир. Чунки, ҳуқуқни бузадиган ва унинг бузилиш хавфини туғдирадиган ҳаракат ҳали содир этилмади, балки унинг олди олиш чораси кўрилмоқда. Шу боис бу ҳолатда ҳали

ҳуқуқ бузилиш ҳолати мавжуд эмас. Шундай экан, бу вазиятда ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ҳақида эмас, балки уни бузиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг олдини олиш ҳақида фикр юритиш ўринлидир.

Ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш юридик шахсни қайта ташкил этишда унинг кредиторлар томонидан талаб қилинганида, қайта ташкил этишда иштирок этаётган шахслар кредиторга тегишли ҳужжатлар билан танишиш, қарз ўтказилаётган ҳуқуқий ворис ва унинг молиявий имкониятлари бўйича маълумотларни тақдим этиш ҳамда кредиторга унинг талаби қайта ташкил этиш якунланиб бўлганидан кейин ўз вақтида тегишли ҳуқуқий ворис томонидан бажарилиши юзасидан муайян таъминотни беришлари мумкин. Бу вазиятда эса танлаш ҳуқуқи кредиторнинг ўз томонидан амалга оширилади. Кредитор ўз хоҳишидан келиб чиқиб қайта ташкил этилаётган юридик шахс ёки унинг бўлғуси ҳуқуқий вориси томонидан таклиф этилган таъминлаш чорасини қабул қилиши ёки ФКнинг 52-моддасида назарда тутилган ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ҳам мумкин бўлади. Лекин нима бўлганда қарздор юридик шахснинг қайта ташкил этилиши кредитор ҳуқуқларини бузадиган ёки унинг бузилишига хавф соладиган ҳаракат ҳисобланмайди. Балки, қайта ташкил этиш таомилини ўтказиш тартибининг бузилиши, кредиторга бу ҳақда ўз муддатида хабар юбормаслик ва қайта ташкил этиш жараёни билан таништирмаслик кредитор ҳуқуқларини бузадиган ёки унинг бузилишига хавф соладиган ҳаракатлар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қайта ташкил этишда жараёнида ҳуқуқий ворис масаласини очиқ қолдириб кетиш, қайта ташкил этиш тўғрисида кредиторни хабардор қилиш бўйича етарли маълумотларни бермаслик ҳамда қайта ташкил этилган юридик шахснинг қарзини ҳуқуқий ворисга ўтиши бўйича тегишли таъминотни тақдим этмаслик ҳам кредитор томонидан тегишли талаб қўйилиши асос бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг универсал усулларидан асосий бу зарарни қоплаш ҳисобланади. Зарар категорияси фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқни тиклаш учун қилинган харажатлар ва одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин олинмай қолган бой берилган фойда сифатида талқин этилади (ФКнинг 14-моддаси иккинчи қисми). Шу билан бирга, кредиторнинг муайян йўқотишлари ҳам зарар тушунчаси таркибига киради. Юридик шахсни қайта ташкил этишда кредиторга етказилиши мумкин бўлган зарар сифатида кредитор томонидан мажбуриятни муддатидан илгари бекор қилиниши оқибатида унинг йўқотишлари ва бой берилган фойдаси зарар кўринишида талқин этилиши мумкин. Масалан, “А” МЧЖ “Б” АЖ билан маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузди. Шартномага кўра АЖ МЧЖга 6 млрд сўмлик маҳсулот етказиб бериши керак эди. Бунинг учун МЧЖ АЖга муайян суммани аванс тариқасида тўлаб берди. Келишувга кўра, АЖ маҳсулотни олти ойдан кейин етказиб бериши керак эди. Бироқ шартнома тузилиб аванс ўтказиб берилганидан 15 кун ўтиб АЖ бўлиш шаклида қайта ташкил этилиши ҳақида МЧЖ хабардор қилинди. МЧЖ эса ФКнинг 52-моддасида асосида мажбуриятни бекор қилиб, зарарни қоплашни талаб қилди. Бу вазиятда зарар сифатида МЧЖ харид қилган 6 млрд сўмлик маҳсулотдан қанча фойда кўриши мумкинлигини аниқлаш лозим бўлади. Бу вазиятда ФКнинг 324-моддаси учинчи қисмида белгиланган кредиторнинг фойда кўриш учун амалга оширган чоралари ва тайёргарлиги инобатга олинади.

Қайта ташкил этишда кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида қўлланиладиган зарарни қоплашда ҳақиқий зарарни аниқлаш имкони фақатгина, қайта ташкил этиш натижасида кредитор олдидаги мажбуриятни ижро қилиш муддати ўтказиб юборилганида юз бериши мумкин. Бу ҳолатда ҳуқуқий ворис кредиторга ҳақиқий зарарни тўлаши лозим бўлади.

Юридик адабиётларда тадбиркорлик муомаси шароитида зарарни тўлиқ қоплаш принципи борасида фикрлар билдирилиб, ушбу принципнинг амалга оширилиши кредитор томонидан ўзининг иқтисодий мавқеъини сақлаб қолишга хизмат қилади, деган хулосага келинади [11, 150]. Чунки, жабрланувчига йўқотишларни тўлиқ қоплаш адолатли жавобгарликнинг шаклланиши, ҳуқуқ субъектларнинг ўз мажбуриятларини бажариш ва ҳуқуқларини амалга оширишга ҳалол ёндашишиларга кўмаклашади ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ижтиомий ўзини тутишига ижобий таъсир кўрсатади [12, 82]. ФКнинг 324-моддасида қарздорнинг кредиторга етказилган зарарни тўлиқ қоплаши масаласи очиқ қолдирилган ва бу фуқаролик ҳуқуқидаги бузилган ҳуқуқларни тиклашга оид умумий принципдан келиб чиқади. Бундан фарқли равишда зарарни тўлиқ қоплаш принципи инглиз-саксон ҳуқуқ тизимида амал қилади. Жумладан, L.Koffman ва E.Macdonaldларнинг фикрича, шартномавий йўқотишларни қоплаш принципига кўра, жабрланувчи томон шартнома ижро этилганида бўлиши лозим бўлган ҳолатга келтирилиши лозим [13, 460]. E.McKendrick [14, 1003] ҳам шундай нуқтаи назарни билдиради, яъни бу ҳолатда гап ижобий шартномавий манфаатни (expectation loss) қоплаш, кредиторнинг шартнома лозим даражада бажарилишидан кутаётган қонуний натижалар (performance interest) ҳақида бормоқда.

Шу ўринда инглиз-америка ҳуқуқи билан солиштирганда Германия гражданлик тузукларининг 252-параграфи алоҳида эътиборни тортади. Унга кўра, бой берилган фойда сифатида одатдаги муомала шароитида ёки алоҳида ҳолларда, хусусан кўрилган чоралар ва тайёргарлик асосида кутилаётган даромадни тушуниши мумкин [15, 50].

Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 393-моддаси 2-қисмида зарарни тўлиқ қоплаш принципи қуйидагича белгиланган: йўқотишлар ушбу Кодекснинг 15-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича аниқланади. Йўқотишларни тўлиқ ҳажмда қоплаш шуни англатадики, уларнинг қопланиши натижасида кредитор агар мажбуриятлар лозим даражада бажарилганида қайси ҳолатда бўлса, шу ҳолатга келтирилиши лозим.

Фикримизча, мазкур қоида ФКнинг 324-моддаси иккинчи қисмида ҳам ўз аксини топиши лозим. Чунки, зарарни тўлиқ қоплаш принципининг амал қилиши қайта ташкил этилаётган юридик шахс кредиторларининг

манфаатларига ҳам тўлиқ мос келади ҳамда қайта ташкил этилган юридик шахс ва ҳуқуқий ворисларнинг масъулиятини янада оширади.

Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида бой берилган фойда юз бериши эҳтимол бўлган категория сифатида эмас, балки кафолатланган, шубаҳасиз ва реал даромад сифатида кўрилади [16, 69-96].

Бой берилган фойдани ундиришда жабрланувчи нафақат ишлаб чиқариш қуввати, фойдали фаолиятни олиб бориш учун ташкилий омилларни, меҳнат ресурслари мавжудлигини, хом-ашё заҳирасини исботлаши лозим, балки жабрланувчининг контрагентлар билан шартномавий ёки шартнома олди муносабатлари мавжудлигини ҳам исботлаши зарур. Айрим мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда бу бой берилган фойдани аниқлашда ҳукм суриб турган вазият ва у жабрланувчини фойда олиш учун кўрган чоралари ва тайёргарлигини тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлаши лозимлигини англатади. Талаб этиладиган ҳужжатлар жумласига буюртмачилар ва истеъмолчилар билан тузилган шартномаларни, дастлабки шартномаларни, шартнома тузиш таклиф қилинган хат, жабрланувчининг шартнома тузиш таклифига контрагентларнинг ижобий жавоби, шартнома тузиш нияти тўғрисидаги баённомаларни [17, 35] киритиш мумкин. Мазкур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, кўп ҳолларда бой берилган фойдани ундириш тўғрисидаги даъво талабини рад этиш учун асос бўлади.

О.И.Агапованинг фикрича, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг умумфуқаролик усуллари диспозитив тусга эга ва тарафлар томонидан ўзгартирилиши мумкин. Қайта ташкил этилаётган юридик шахс кредиторларининг ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатловчи мажбуриятни муддатидан илгари бажариш ва мажбуриятни бекор қилиш ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш, кредиторни қарздорлар билан қопланиши лозим бўлган зарар миқдорини кўрсатиб шартнома тузишига тўсқинлик қилмайди. Масалан, тарафларнинг келишувида зарарни камроқ ҳажмда (фақат ҳақиқий зарарни) қоплаш имкониятини назарда тутилиши мумкин. Бундан ташқари, зарарга нисбатан тўланишини назарда тутилган неустойканинг туси (ҳисобга ўтказиладиган, жаримали, муқобил) аниқланади [18, 25].

Фикримизча, қайта ташкил этилаётган юридик шахс кредиторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи умумфуқаролик усуллар кредитор ва қарздор қайта ташкил этилаётган юридик шахс ва унинг ҳуқуқий ворисллари ўртасидаги келишув бўйича ҳам ёки умумий тарзда кредиторнинг талаби билан ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда кредиторнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, бузилганида эса унинг тикланиши, зарар ва бой берилган фойдани ундириш талабини ҳалоллик, оқилоналик ва адолат талабларидан келиб чиқиб таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Раҳмонқулов Ҳ., Рўзиназаров Ш., Оқюлов О., Азизов Х., Имомов Н. Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми. – Тошкент: 2008.
2. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая: Общие положения. – М.: 2001.
3. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. И.Б.Зокиров; Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.
4. Андреев Ю.Н. Механизм гражданско-правовой защиты. – М.: 2010.
5. Рожкова М. А. Средства и способы правовой защиты сторон коммерческого спора. – М.: Волтерс Клувер, 2006.
6. Кархалев Д. Н. Защита гражданско-правового интереса // Российская юстиция. 2016. № 2.
7. Берилло М.С. Непоименованные способы защиты гражданских прав // Вестник КемГУ. Серия: Гуманитарные и общественные науки. 2018. – № 2.
8. Ҳамроқулов Б.М. Маънавий зиённи қоплаш асосларини такомиллаштириш: юрид. фан. докт. (DSc) дис. ... автореф. – Тошкент: 2020.
9. Одинаев А.С. Мажбурият ҳуқуқи соҳасида неустойка қўллашни тартибга солиш: юрид. фан. фалс. докт (PhD). дис. ... автореф. – Тошкент: 2021.
10. Кузнецова О.А. Пресечение действий, нарушающих право, и признание действ ий незаконными: соотношение способов защиты // https://cyberleninka.ru/article/n/presechenie-deystviy-narushayuschih-pravo-i-priznanie-deystviy-nezakonnymi-sootnoshenie-sposobov-zaschity
11. Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). /Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртлари "Хусусий ҳуқуқ" йўналиши магистратура талабалари учун. – Т.: ТДЮИ, 2005.
12. Богданов Д.Е. Возмещение убытков: проблемы теории и практики // Вестник Московского университета МВД России. 2011. – № 2.
13. Koffman L., Macdonald E. The Law of Contract. Fourth Edition. Tolley, 2001.
14. McKendrick E. Contract Law. Text, Cases and Materials. Second Edition. Oxford, 2005.
15. Гражданское уложение Германии: Вводный закон к Гражданскому уложению: пер. с нем. / под ред. А.Л. Маковского и др. −М., 2004.
16. Егоров А.В. Упущенная выгода: проблемы теории и противоречия практики // Убытки и практика их возмещения: сб. ст. / под ред. М.А. Рожковой.
17. Евтеев В.С. Возмещение убытков, как вид ответственности в коммерческой деятельности. – М.: 2005.
18. Агапова О.И. Защита прав кредиторов при реорганизации юридических лиц: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2007.

Қайта ташкил этилаётган тижоратчи юридик шахс кредиторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумфуқаролик усуллари

Қутлымуратов Ф. Қ.Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларининг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини қайта ташкил этилаётган қарздор юридик шахс кредиторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўлланилиши ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилади. Мақола хулосаси бўйича келтирилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларнинг қайта ташкил этиш жараёнида тўғридан-тўғри қўлланилиши, уларнинг қайсилар кўпроқ татбиқ этилиши масалаларини тадқиқ этиш ва ушбу усулларни қўллашда вужудга келадиган муаммоларни бартараф этиш йўллари таклиф этилади.

Калит сўзлар: бузилган ҳуқуқни тиклаш, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш, қайта ташкил этиш, ҳуқуқий ворис.

Общие способы защиты прав кредиторов хозяйственного юридического лица при реорганизации
Кутлымуратов Ф.К. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье исследуются особенности применения норм Гражданского кодекса Республики Узбекистан к защите прав кредиторов юридического лица-должника, подвергающегося реорганизации. Согласно заключению статьи, предлагается непосредственное использование способов защиты гражданских прав в процессе реорганизации, исследование вопросов о том, какие из них наиболее применимы, и пути устранения проблем, возникающих при применении этих способов.

Ключевые слова: восстановление нарушенных прав, предотвращение нарушения прав, реорганизация, правопреемник

General ways to protect the rights of creditors of an economic legal entity during reorganization
Kutlymuratov F.K. Karakalpak State University

Summary. The article examines the features of the application of the norms of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan to the protection of the rights of creditors of a legal entity-debtor undergoing reorganization. According to the conclusion of the article, there have been proposed the direct use of methods for protecting civil rights in the process of reorganization, the study of questions about which of them are most applicable and ways to eliminate the problems that arise when applying these methods.

Key words: restoration of violated rights, prevention of violation of rights, reorganization, successor

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА XIX АСРНИНГ ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИДА АМУДАРЁ БЎЛИМИДА ЮЗ БЕРГАН АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАР ТАЛҚИНИ

Абдуллаева А. А.
Нукус давлат педагогика институти

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин ҳуқуқий-демократик жамият қуришни амалга оширишга киришди. Мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обру-эътибори ошди. Давлат ривожининг барча соҳаларида кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилди ва давом этмоқда. Шу жумладан, тарих фанига, мамлакат тарихига бўлган эътибор ортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4390-сонли «O`zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, Ўзбекистон Марказий телевидениеси да «Ўзбекистон тарихи» телеканалининг расмий ишга тушиши ҳам буюк тарихимизга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг белгисидир. Бу эса ўз навбатида тарихимизни ўрганиш бўйича тарихчилар олдига кўплаб масъулият ва вазифаларни юклайди. Бу борада давлат бошқаруви, давлатчилик масалалари, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнларни тадқиқ қилиш билан бирга, энг кичкина қишлоқ, овул тарихини ўрганиш ҳам жуда муҳимдир.

Айниқса, XX асрнинг бошларида Жанубий Оролбўйи халқларининг ҳаётида юз берган воқеа ва ҳодисалар, ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий жойлашувига оид чоп этилган материаллар, ҳужжатларни ўрганиш қизиқарли мавзулардан бири ҳисобланади. XX аср бошларида Амударё округи ҳақида, шу жумладан ушбу ҳудудда яшовчи халқлар ҳақида Россия империяси подшосининг маслаҳатчилари, ҳарбийлар ўз ҳисоботлари маълум даражада қизиқарли маълумотлар қолдирган. Россия императорининг Туркистон бўйича махфий маслаҳатчси Ф.К.Гирс[1] ўз ҳисоботларида Амударё бўлимига алоҳида эътибор қаратилган, ўлканинг жуғрофий жойлашуви, аҳоли сони ҳақида қизиқарли маълумотларни қолдирган. К.К.Пален[2] ўзининг бир қатор ҳисоботларида маъмурий қурилишдан тортиб, аҳолининг туғилиши, ўлиши ва табиий ривожланиши ҳақида фикр юритган. Туркистон Бош штабидан полковник В.Лобачевский[3] Хивадаги аҳоли сони, қорақалпоқ уруғлари таркиби ҳақида маълумотларни берган. Туркистонда, Амударё бўлимида Россия империяси босқини даврида кенг тарқалган ва ягона империя сиёсати тарғиботчиси ҳисобланган расмий газета «Туркестанские ведомости», «Русский Туркестан» газеталари ҳам қорақалпоқлар ҳақида қизиқарли маълумотлар чоп этиб борган.

Шунингдек, А.В.Каульбарснинг[4] «Низовья Амударьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г.» асарида ушбу ҳудудда яшовчи халқларнинг этник таркиби, уруғларнинг жойлашуви, сони, хўжалик юритиши, яшаш шароитлари ҳақида ёзган. О.Жалилов[5] «XIX – XX аср бошларидаги қорақалпоқлар тарихига оид муҳим ҳужжатлар» номли асари алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Унда Хива хонлиги таркибидаги қорақалпоқларнинг ҳаётига бағишланган кўплаб ҳужжатлар илмий муомалага киритилганлиги билан ажралиб туради. Шундан фақат маъмурий тузилишига 43 та ҳужжат бевосита ва қисман бағишланганлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон фанлар академиясининг Қорақалпоқ филиали илмий тадқиқотчиларининг 1980 йили чоп этган «Этнография каракалпаков. XIX – начало XX века». (Материалы и исследования) [6] китобида қорақалпоқлар яшаган ҳудудлар, уларнинг кийим-кечаклари, овқатлари, урф-одатлари, хунармандчилик соҳасида олиб борган фаолиятлари ҳақида кенг қамровли маълумотлар берилган.

Совет даврида эса, ўлкани бошқарув мустамлака даврига нисбатан фарқ қилувчи хусусиятга эга бўлиб, у турли усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда бошқарилган. Октябрь (1917) тўнтаришидан кейин ўлкада Муваққат ҳукумат органи (Дума) 1918 йилнинг октябрь ойигача мавжуд бўлди[7]. 1918 йил октябрда[8, 33-35] Туркистон советларининг VI съездида Туркистон АССР Конституцияси қабул қилингандан кейин советлар ва большевиклар партияси ўз фаолиятларини янада аниқлаштиришга киришди.

Совет даврида бошқарув тизимига оид муҳим ҳужжатлар тўпламлар шаклида ҳам чоп этилган. «Декретлар, буйруқлар тўпламлари…» (Сборник декретов, приказов и распоряжений центральной власти Туркестанской республики Российской советской федерации)да, Советларнинг съездларига тегишли материалларда (Материалы к IX съезду Советов рабочих, крестьянских, дехканских, казачьих, красноармейских депутатов Туркестанской

советской социалистической республики), «Муҳим декретлар ва қарорлар тўпламлари…» (Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства Т.С.С.Р.) каби ҳужжатларда бошқарув тизими шакллантирилганлигини кўриш мумкин[9]. Уларда Туркистонни, шу жумладан, Амударё бўлимини (кейинчалик вилоятини) маъмурий бошқаришга тегишли Туркистон советлари МИҚ, ХКСнинг декретлари, қарорлари, буйруқлари чоп этилган бир қатор материаллар мавжуд.

Натижада, Амударё бўлимида метрополиянинг ҳарбийлаштирилган бошқарув тизими советлар даврида ҳам давом этди. 1918 йил 8 октябрь куни Амударё бўлими депутатлари Советини қайта ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Ушбу мажлисни фавқулодда ҳодисалар бўйича ҳарбий комиссар Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архивининг 12-жамғармасида Амударё бўлими депутатлари фаолияти ёритилган[10]. Ушбу архив материалларида маъмурий бошқарувга оид материалларни кўриш мумкин. Масалан, 1919 йил январь ойининг охирида Амударё бўлими совети ижроия қўмитаси аъзолари иштирокида Ижроия қўмита девонхонаси, Маъмурий-фуқаролик бошқармаси, Халқ хўжалиги, Миллий, Адлия, Меҳнат ва ижтимоий таъминот, Ҳарбий бўлим, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бўлими, Озиқ-овқат бўлими девонхонаси, Молия бўлимлари ташкил этилган[11]. «Декрет ва буйруқлар тўплами…» [12] (Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики. С 23 ноября 1917 года по 1 июля 1918 г.) ҳам чоп этилиб борилган. Унда совет ҳокимияти ўлкани назорат остида ушлаб, ва бошқариш учун ҳарбий ҳолатлар эълон қилиб турганлигини кўриш мумкин.

Энг «Муҳим декретлар, қарорлар…тўплами»да [13] (Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР. За 1917–1922 гг.) 1920 йил октябрда Туркистон МИҚнинг 361-сонли Низомига асосан, Амударё бўлимининг аввалги ҳудудий чегаралари ўзгаришсиз қолдирилганлиги ва Амударё вилоятига айлантирилиб, Туркистон таркибида қолдирилганлиги айтилган. «Декрет ва буйруқлар тўплами…» [14] (Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики. С 23 ноября 1917 года по 1 июля 1918 г.)да 1918 йил 3 апрелдан бошлаб, Туркистон ўлкасида маҳаллий депутатлар таркибини «демократик» вакиллардан танлаш ва тўлдириш, уларнинг меъёри ва характери маҳаллий советлар томонидан белгиланган. Ўлкада халқни «советча» тарбиялаш, бўйсундириш учун ҳам совет ҳокимияти ходимлари томонидан жуда кўп тадбирлар амалга оширилган. «Известия»[15] газетасининг маълумот беришича, ҳокимият органлари ҳамда айрим раҳбар шахслар ўзбошимчалик билан одамларни оммавий равишда қамоққа олиш билан шуғулланганлиги, хоҳлаган орган, хоҳлаган кишини қамоққа олишда давом этаётганлиги ҳам билдирилган. Қорақалпоғистондаги марказий давлат архивининг 12–жамғармаси, 1-рўйхати, 32-йиғма жилдининг 16-варағида, 2-рўйхат, 30-йиғма жилд, 42-варағида[16] Амударё бўлимида совет ҳокимияти аҳолини бўйсундириш, унинг миллий қадриятлари ва менталитетига ёт бўлган мафкурани ҳамда совет турмуш тарзини қарор топтиришда турли жазо органлари ташкил этилганлигини ва улар «унумли» фаолият олиб борганликларини кўриш мумкин. Улар қуйидагилар эди: Фавқулодда комиссиялар, Давлат сиёсий бошқармаси, Инқилобий трибуналлар, Адлия бўлими қошида Жазо бўлимлари каби мустабид тузумга хос бўлган бошқарув тизими органлари фаолияти йўлга қўйилган.

Ўлкада сиёсий назорат кучайтирилиб борилган сари барча соҳа вакиллари сиёсий нуқтаи назардан текширила бошланганлиги, «учлик»лар фаолияти ҳақидаги материалларни 12 жамғарманинг 2-рўйхати, 30-йиғма жилди, 30, 42-варақларларида учратиш мумкин[17]. Ушбу архивнинг 31-йиғма жилдида[18] 1919 йил 26 сентябрда инқилобий трибунал Амударё бўлимида ҳам ташкил этилганлигини кўриш мумкин.

Ушбу архивнинг 67-жамғармасида[19] халқ ниҳоятда моддий томондан қийналаётган бир даврда советлар ва большевиклар партияси томонидан ҳарбий коммунизм сиёсати (1919 йилдан бошлаб) амалга оширилганлиги ҳақидаги материалларни учратиш мумкин. «Декретлар, қарорлар… тўпламида…»[20] 1920 йил 24 сентябрда Туркистон Конституцияси қабул қилинганлигини, Туркистон советларининг МИҚсига қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи орган мақоми берилганлигини билиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳужжатлар таҳлилидан шуни кўриш мумкинки, ҳокимият тизими жуда чалкаш бўлган. Ўлкада фаолият юритаётган совет ижроия қўмиталари, халқ комиссарлари советлари, ишчи-деҳқон инспекциялари, большевиклар партияси бир-бирининг фаолиятига аралашган, бирон бир масала кўтарилса, барчаси ушбу муаммо билан бараварига шуғулланган.

Ўлкадаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, аҳолининг оғир иқтисодий ҳаёти, совет мустамлака тузумига хос бўлган юқоридан бошқариш тузуми ўрнатилди. Совет тартиб-қоидаларини ўрнатиш учун фавқулодда комиссиялар, давлат сиёсий бошқармаси, инқилобий трибуналлар, ишчи-деҳқон инспекцияси ва шу каби идоралар ҳам ташкил этилди. Мазкур даврда ҳарбийлаштирилган, тазйиқлар билан бошқарилган тузум шаклланган ва фаолият юритган.

АДАБИЁТЛАР

1. Отчет ревизующего, по высочайшему повелению, Туркестанский край, тайного советника Ф.К. Гирса. –Санкт-Петербург: 1882. – 196 с. Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Ф.К.Гирсом, командированным для ревизии края по Высочайшему повелению, в 2-х частях. Ч. I – Администрация. Управление краем. Ч. П. Суд. Финансы. – Спб.: 1888. –212 с.
2. Отчет по ревизии народных судов Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором, гофмейстером графом К.К.Паленом. Народные суды. – Санкт-Петербург: Сенатская типография, 1909. – 309 с.; Унинг ўзи. Краевое управление: Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером Графом. К.К.Паленом. – Санкт-Петербург: Сенатская типография, 1910. – 270 с.; Унинг ўзи. Тюремное дело. – Санкт-Петербург: Сенатская типография, 1910. –142 с.

3. Военно-статистическое описание Туркестанского военного округа. Хивинский район. Составитель генерального штаба полковник В.Лобачевский. Под редакцией Окружного ген.Квартирмейстера генерала-майора Федяй. – Т.: Изд. Штаба Туркестанского военного округа, 1912. – 120 с.
4. А.В.Каульбарс. Низовья Амударьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. СПб. 1881. т. IX.
5. О.Жалилов. XIX – XX аср бошларидаги қорақалпоқлар тарихига оид муҳим ҳужжатлар. Т. Фан. 1977. 150 б.
6. Этнография каракалпаков. XIX – начало XX века». (Материалы и исследования). Т. Фан. 1980. 206 с.
7. Қаранг.: История Каракалпакской АССР. Т. II. – Т.: Фан, 1974. – С. 24; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 303; Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қарақалпақстан XIX әсирдиң екинши ярымынан XXI әсирге шекем. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2003. – Б. 186; Қощанов Б. Қарақалпақстан тарийхнамасы. – Нөкис: Билим, 2016. – Б. 23.
8. История советского государства и права Узбекистана. Т. I. (1917-1924 гг.). – Т.: Изд-во. Академии наук УзССР., 1960.
9. Сборник декретов, приказов и распоряжений центральной власти Туркестанской республики Российской советской федерации. За 1918г. №5. – Т.: Издание бюро печати при Туркестанском центральном исполнительном комитете советов, 1918. – 83 с.; Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики. С 23 ноября 1917 года по 1 июля 1918 г. Т.: Тип. Т.А.Р.Р.С.Ф., 1918. – 50 с.; Доклад по Комиссариату юстиции Туркестанской Республики. 1920 г. // Материалы к IX съезду Советов рабочих, крестьянских, дехканских, казачьих, красноармейских депутатов Туркестанской советской социалистической республики. – Т.: Походная. Путурка, 1920. – 7 с., и др.
10. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви. 12–жамғарма, 1-рўйхат, 30, (13), йиғма жилд, 1, 17-варақлар; 32-йиғма жилд, 4-варақ. Бундан кейин ҚР МДА….
11. ҚР МДА. 12–жамғарма, 1-рўйхат,
12. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики. С 23 ноября 1917 года по 1 июля 1918 г. – Т.: Тип. Т.А.Р.Р.С.Ф. 1918. – С. 32; История Каракалпакской АССР. Том. II. – Т.: Фан, 1974. – С.25.
13. Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР. За 1917–1922 гг. –Т.: Изд. Комиссии СНК., 1923. – С. 52-53.
14. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики. С 23 ноября 1917 года по 1 июля 1918 г. – Т.: Тип. Т.А.Р.Р.С.Ф. 1918. – С. 32, 34.
15. Известия. Орган ЦИК Туркестанской Республики. 1919 год. 10 мая. № 94.
16. 16. ҚР МДА. 12–жамғарма, 1-рўйхат, 32-йиғма жилд, 16-варақ. 2-рўйхат, 30-йиғма жилд, 42-варақ.
17. ҚР МДА. 12–жамғарма, 2-рўйхат, 30-йиғма жилд, 30, 42-варақлар.
18. ЎзР МДА. Р–38-жамғарма, 2-рўйхат, 65-йиғма жилд, 183-183-варақлар; Айрим архив ҳужжатларида 1921 йил февраль деб ҳам кўрсатилган. Қаранг.: ҚР МДА. 12–жамғарма, 1-рўйхат, 31-йиғма жилд, 2-варақ.
19. ҚР МДА. 67–жамғарма, 22-йиғма жилд, 2-5-варақлар.
20. Конституция Туркестанской Республики Российской Советской Федерации, принятая 9-м Туркестанским съездом Советов 24 сентября 1920 года. // Сборник декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР. За 1917–1922 гг. – Т.: Изд. Комиссии СНК., 1923. – С. 8, 9.

Тарихий манбаларда XIX асрнинг охири -xx аср бошларида амударё бўлимида юз берган айрим ўзгаришлар талқини

Абдуллаева А. А. Нукус давлат педагогика институти

Резюме. Ушбу мақолада XIX охирлари - XX асрнинг бошларида Амударё бўлимида юз берган ўзгаришлар тарихий манбаларда акс этганлиги ўрганилган. Октябрь тўнтаришидан кейин ҳудудда ижтимоий-сиёсий соҳада, шунингдек, бошқарувга оид амалга оширилган ишлар совет ҳокимияти томонидан қабул қилинган муҳим ҳужжатлар тўпламларида, архив ҳужжатлари ва матбуотда чоп этилган материалларда мавжудлиги кўрсатиб берилган. Совет мафкураси ҳамда совет турмуш тарзини қарор топтириш учун турли жазо органлари ташкил этилганлигига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Манба, ҳужжат, тўплам, совет, Амударё бўлими, бошқарув, тизим, қўмита, тарбия.

Толкование некоторых изменений, происходивших на участке Амударьи в конце 19-начале 20 века в исторических источниках

Абдуллаева А.А. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В данной статье рассматриваются изменения, происходившие в Амударьинском отделе в конце XIX - начале XX веков, отраженные в исторических источниках. После октябрьского государственного переворота общественно-политическая и административная деятельность края отражена в сборниках важных документов, принятых советской властью, архивных документах и материалах, опубликованных в печати. Обращается внимание на то, что различные пенитенциарные учреждения создавались для навязывания советской идеологии и советского образа жизни.

Ключевые слова: источник, документ, сборник, совет, Амударьинский отдел, управление, система, комитет, образование

Interpretation of some changes that occurred in the Amudarya section at the end of the 19th century and the beginning of the 20th century in historical sources

Abdullaeva A.A. Nukus State Pedagogical Institute

Жоқарыда келтирилген мағлыўматлардан төмендеги жуўмаққа келемиз: 1) барлық түркий халықларында Мойнақ топониминиң жийи қолланылыўы (Алтайдан Қырымға шекем) оның шығысы түркий топоним екенлигиниң белгиси; 2) Түркий халықлардың мәкан еткен аймақларында бул топонимниң өз көринисин табыўы түркий қәўимлердиң ҳәм халықлардың әййемнен өзара байланысының сондай-ақ, этномәдений қатнасықларының бар екенлигиниң дәлили болып табылады. 3) Түркий тиллес халықлар жасаған жерлерде қәлиплескен бул топонимди анықлаў ушын аңызларға сүйениў шынлыққа туўры келе ме? Бул жерде топонимист тек бир топоним емес, ал бир типтеги топонимлик қатар [12,33] менен қәлиплескен топонимди изертлеўи керек. Бул қатардағы топонимниң барлық элементлери географиялық атама мәнисин билдирип тур. 4) «Мойнақ» топоними б.э. алдыңғы I әсирдиң басы ҳәм б.э. IV әсирлер аралығында пайда болған.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Атаев Б. Бойнак Великий. Махачкала. 1998.С.5.
2. Әбдимуратов Қ. Неге усылай аталған. Нөкис 1965. 14-бет.
3. Баскаков А.Н. Тюркская лексика в «Слове о полку Игореве». М., 1985. С. 83;
4. Бушаков В. Роль географічніх терминів в утворені топонімів Крыму// Східній світ. 2002.2.С.84-100.
5. Досимов З., Эгамов Х. Жер атамаларының қысқаша түсиндирме сөзлиги. Нөкис. «Билим» 1991. 107-б.
6. Камалов С. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиўи ҳәм оның мәмлекетлигиниң тарийхынан. Нөкис. 2001. 6-бет.
7. Кызласов И. Л. Об этнонимах хакас и татар и слове хоорай (ответ оппонентам) // Этнографическое обозрение. 1992. № 2.
8. Kirzioglu Fahrettin. Yukari-Kur ve Coruk boylarinda Kipcaklar. Ankara. 1992. S.92-93.
9. Магомедов З. М. Великие Бойнаки. Истории в деталях. Махачкала. 2008.
10. Мўйноқ тумани паспорти. 01.01.2020.
11. Насыров Д.С. Становление каракалпакского общенародного разговорного языка и его диалектнаяи система. «Каракалпакстан» Нукус-Казань. 1976. С. 239.
12. Никонов В.А. Введение в топонимику. «Наука» Москва 1965. с. 33.
13. Поспелов Е.М. Географические названия мира. Топонимический словарь. Москва. «Русские словари» 1998. стр. 277.
14. Поспелов Е.М. Имена городов: вчера и сегодня (1917-1992).
15. Салпагаров А. Старо-тюркские (карачаево-балкарские, ногайско-кумыкские) названия основных северо-кавказских городов или прилегающих местностей. февраль 2014г. стр.2. #turk@turk_kaganat #balkar@turk_ kaganat #qarachay@turk _kaganat #qumyq@turk_kaganat #nogay@turk_kaganat
16. Топонимический словарь. Москва. «Русские словари» 1993. стр. 40; 144.
17. Tunmann. Der Krimische Staat. Troppau. 1784. P. 32.
18. Уббениязов Ж. Түслик Аралда балық аўлаўшылық ҳәм балық санаатын раўажландырыўдың гейпара мәселелери». Нөкис. 1961. 21-бет.
19. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. «Ўзбекистон» Ташкент. 1985. 78-бет.
20. Шопен И. Исторический памятник состояния Армянской области в эпоху ее присоединения к Российской империи. СПб., 1852. С.535.

Мўйноқ топоними ҳақида

Есемуратов А. Е. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти илмий ходими.

Резюме: Мақолада Мўйноқ топоними ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, топонимларнинг тиллик ҳусусиятларини лингвистик ва нолингвистик жиҳатдан тадқиқ қилиш ва илмий хулосага келиш бугунги қорақалпоқ онамастикасининг аҳамиётли муоммоларининг бири ҳисобланади. Сабаби қорақалпоқ тилидаги топонимлар бир томондан замонавий материал ҳисобланса, иккинчи томондан, улар жуда қодимий номлардир. Уларни тадқиқ қилишни фақат бир усул билан амалга ошириш қийин. Шу туфайли топонимларини тадқиқ қилишда тарихий-археологик маълумотлар, география, этнография, фолклор каби фанлар томонидан қўлга киритилган натижалар ҳам амалий ва назарий аҳамиятга эга. Мақолада топонимларнинг пайдо бўлиши белгили бир географик ҳудудда яшаган қадимий тарийх билан боғлиқ ўрганилган.

Калит сўзлар: топоним, этнография, фолклор, тарих, илм, муаммо, лингвистика, нолингвистик таҳлил.

О топониме Муйнак

Есемуратов А.Е. Каракалпакский научно-исследовательский институт гуманитарных наук Каракалпакского филиала Академии наук Республики Узбекистан

Резюме: В статье представлены сведения о топониме Муйнак, изучение языковых особенностей топонимов с лингвистической и нелингвистической точек зрения и научный вывод является одной из важных проблем современной каракалпакской онамастики. Причина в том, что топонимы в каракалпакском языке – это, с одной стороны, современный материал, а с другой – очень древние названия. Их трудно изучать только одним способом. В связи с этим результаты, получаемые такими историко-археологическими данными, географией, этнографией, фольклористикой при изучении топонимов, имеют практическое и теоретическое значение. В статье рассматривается происхождение топонимов в связи с древней историей проживания на той или иной географической территории.

Ключевые слова: топоним, этнография, фольклор, история, наука, проблема, языкознание, нолингвистический анализ

About the toponym Muynok
Esemuratov A.E. The Karakalpak Research Institute of Humanities of the Karakalpak Branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Summary: The article presents information about the toponym Muynak, the study of linguistic features of toponyms from linguistic and non-linguistic points of view and scientific conclusion is one of the important problems of modern Karakalpak onamastics. The reason is that toponyms in the Karakalpak language are, on the one hand, modern material, and on the other, very ancient names. They are difficult to learn in just one way. In this regard, the results obtained by such historical and archaeological data, geography, ethnography, folklore in the study of toponyms have practical and theoretical significance. The article discusses the origin of toponyms in connection with the ancient history of living in a particular geographical area.

Key words: toponym, ethnography, folklore, history, science, problem, linguistics, nonlinguistic analysis

---

ЖУРНАЛИСТ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМПЕНТЕНТЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Дусимбетова Н. Б.
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Бугун дунёда йирик ахборот марказлари ўртасида информацион кураш кундан кун авж олиб бормоқда. Шу боис, мамлакатимиз олдидаги энг долзарб вазифалардан бири ёшларимизнинг чет манбалар таъсирида бир томонлама фикрлайдиган бўлиб қолишларини олдини олишдир. Бунинг учун эса мустақил фикрга эга, танқидий фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш керак. Д.Муитов ўзининг “Геосиёсат ва журналистика” китобида шундай ёзади, “жаҳон ҳамжамиятида салбий ахборот тўлқини тўғрисидаги бахс мунозаралар авжига чиқиб кетаётир. Бунда мен қайси ахборотга таянсам яхши бўлади, ким ҳақу ким ноҳақ қабилидаги савол ҳар бир эркин жамият сайин интилаётган фуқаро олдида ўзгача намоён бўлади. Ўз навбатида ҳозир геосиёсат марказлари ахборот дунёсини ўз қўлига олишда ҳаракатларни аямаётганлигини унутмаслигимиз муҳим бўлади [1]. Айни шу вазиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этади. “Ахборот хавфсизлиги – бу ахборот истеъмолчиларига ва кўплаб ахборот тизимларига зарар келтирувчи табиий ёки сунъий ҳарактерга эга тасодифий ва уюштирилган таъсирлардан ахборотларни ва ахборот коммуникация тизим объектларининг ҳимояланганлигидир. Уни таъминлашда эса, фойдаланувчининг ахборотларини ҳимоялашга қўйилган меъёр ва талабларни бажариш вазифалари кўзда тутилади” [2]. Мана шундай бир вазиятда глобал ахборот тизмида писихологик хавсизлик масалалари долзарб муаммога айланди. Ахборот ҳужумлари авж олган бир давирда глобаллашув жараёнининг ўзига хос ижобий томонлари билан бирга, бир қатор салбий жиҳатлари ҳам намоён бўла бошлайди. Бугунги кунда давлатларнинг бир қанча тармоқларда ҳамкорлиги шуни кўрсатмоқдаки, бир минтақадаги салбий ёки ижобий воқеа – ҳодисалар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалиб, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Вазиятнинг кескинлашуви, ташқи таҳдидларнинг ички таҳдидлар билан, яъни анъанавий таҳдидлар билан ўзаро қўшилиши, улар орасидаги масофа яқинлашуви ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ўсиши кузатилмоқда. Бу ҳолат эса ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, бугунги кунда жаҳон геосиёсатида геостратегик кучлар мувозанатининг ўзгариши, кўп қутбли марказлар юзага келиши, улар орасидаги рақобат ҳамда айрим давлатларнинг дунё ҳукмронлиги учун очиқдан-очиқ даъволари янги мустақил давлатларда жамиятни эркинлаштириш ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнига, минтақавий хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ахборот хавфсизлиги масаласи долзарб муаммо сифатида кўтарилиб Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги 250 сонли қарори билан, Ўзбекистонда элекрон ҳукумат тизмини янада ривожлантириш мақсадида, махсус марказлар – “Електрон ҳукумат тизмини ривожлантириш маркази” ҳамда “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази”ни ташкил этиш белгиланган. Қарорга мувофиқ “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази”нинг асосий вазифалари бири этиб қонун бузувчиларни таҳлил этиш, индентификациялашда, ахборот маконида олиш тақиқланган ахборотларни рухсатсиз олишга ёки бузишга бўлган ҳаракатларни таҳлил қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти 2015 йил 4 февралдаги фармонига асосан “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги” ташкил этилиб, мамлакатимиздаги ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари амалга ошириш лозим бўлган чора-тадбирлар механизми белгилаб берилди. Шунингдек, президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан бу ислоҳотлар тубдан ўрганилиб муаммо ва камчиликлар хусусида йиллик дастурлар белгилаб олинди. Масалан “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегия”сида “V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устунвор йўналишлар”ига бағишланиб унинг “5.1 Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таминлаш соҳасидаги устунвор йўналишлар”ни қамраб олади. Шу нуқтаи назардан қараганда журналист кадрларни тайёрлашда ахборот хавфсизлиги коммпетентлигини тарихий типалогик қадриятлар воситасида ривожлантириш алоҳида зарурият касб этади [3]. Ахборот хуружларини олдини олиш ҳамда таҳдидларга қарши курашиш учун жудда катта маблағ ёки қўшин йиғишимиз талаб қилинмайди. АҚШнинг собиқ президенти Ж.Картер “Тарғиботга сарфланган бир доллар қуролланишга сарфланган 10 доллардан самаралироқ”— деб бежиз таъкидламаган. Хўш савол пайдо бўлиши табиий хол Ахборот хавфсизлигини

таъминлашда мафкуравий иммунитетни шакллантиришни аудиториянинг қайси қисмидан бошлаган мақул? Фикримизча олий таълим муассасалари талабаларининг мафкуравий иммунитетини ҳосил қилиш орқали ахборот таҳдидларига қарши курашиш мумкин. Бугунги кунда барча олий таълим муассасалари талабалари ахборот таҳдидлари мавжудлиги ҳақида етарлича билим кўникмаларига эга аммо ахборот таҳдидлари каналлари уни инсон онги алгоритимларини психологик бошқариш хусусиятига эга эканлиги ҳақида етарли билим кўникмаларга эга эмаслар. Шу нуқтаий назардан ҳозирда олий таълим муассасалари мутахассисликлари орасида ахборот билан бевосита ишлайдиган журналист кадрларнинг ахборот саралаш қобилятини шакллантириш орқали аудиторияга таъсир этиш. Журналистика соҳаси вакиллари ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш билан шуғулланувчи касб вакилларидир. Шу жумладан журналист тайёрлаган ахборот коммуникативлик ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантириш хусусиятига эга.

Ахборот хавфсизлиги муаммоси давлат ва жамиятнинг барча соҳалари – иқтисодиёт, сиёсат, илм-фан, маданият, миллий ва халқаро хавфсизликнинг сифатли ахборот алмашинуви, ахборот ва телекоммуникация тизими, технология ва воситаларига тобе бўлиб қолганига асосланади. Мазкур ҳолат шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг ҳимоя механизмлари мажмуининг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши билан богъликдир. “Булар таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайдиган ташкилий, техник, дастурий, ижтимоий, ҳуқуқий механизмлар бўлиши мумкин” [4]. Сҳу ўринда ахборот хавфсизлиги соҳасининг терминоелиментларини кўздан кечирсак мазкур соҳага доир лексик бирликлар турли адабиётлар таркибида жамланганига гувоҳ бўламиз. Ахборот (араб. ахбор– хабарлар, маълумотлар)–муайян воқеа ҳодисалар ҳақида хабар ёки маълумот, уларни тушунтириш ва идрок этишда қадим замонлардан бери қўлланиб келинаётган, кибернетика ва информатиканинг тараққиёт туфайли кейинги вақтда янги, кенг маъно касб этаётган маълумот тушунилади [5]. Умумий тушунчада таснифлайдиган бўлсак “ахборот” инсон тана аъзолари билан сезиши мумкин бўлган барча таъсир воситаларини қамраб олади. Инсон эҳтиёжидан келиб чиқиб ахборот каналларини танлаши “ахборот истеъмоли маданияти” уч компонентли атаманинг юзага келтиради. Тадқиқотчи олим *Муҳаммад Амин Яҳё* “*Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя”* ўқув-услубий қўлланмасида “Ахборот истеъмоли маданияти” – эзгулик ва тараққиётга хизмат қилувчи маълумотларни ахборот дунёсидан саралаб олишдаги билимлар, қобилят ва малакани ўзида ифода этади[6]”- дея таърифлайди. “Ахборот истеъмоли маданияти” атамаси кенг маънода жамиятни ахборотлаштириш сиёсатидан келиб чиқади. “Ахборотлаштириш” – жамиятнинг маънавий ҳаётида рўй бераётган ижтимоий техник ҳодиса бўлиб, замонавий информацион технологик воситалар ёрдамида ижтимоий тузилма ва жараёнларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва кескин кучайтиришни англатади [7]. Жамиятни “ахборотлаштириш” соҳасида энг муҳим натижада “авторитар онг”ни шакллантириш. “Авторитар онг” – янгилик ва ижодийликдан маҳрум бўлган бир қолипдаги тафаккур тарзи. Авторитар онг– ижодий онгга зид бўлиб, фикр-мулоҳаза юритиш ва уни исботлашда фақат бир тамойилга таянадиган кишилар тушунилади [8]. “Авторитар онг” истеъмол қилинётган ахборот таъсирида вужудга келади шунингдек турли хил ҳужумлар натижасида маълум бир мақсадларга хизмат қилади. Илмий адабиётларда инсон онгига ахборий ҳужум “агрессия” – деб аталади. “Агрессия” (лот. Агрессио– ҳужум) бирор бир бузгъунчи гъоя, вайронкор мафкурага таяниб амалга ошириладиган информацион-психологик ҳужум, ахборот хуружи, гъоявий террор ёки маънавий мафкуравий бузгъунчилик [8]. Мазкур ҳужумлардан инсон ўзида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиши “хавфсизлик” дея таърифланади. “Хавфсизлик” – узоқ давом этадиган, турли баҳс-мунозаралар мавзуси бўладиган абстрак категория эмас, балки вужудга келган иқтисодий, ҳарбий, дипломатик, маданий ва ижтимоий муносабатлар кенг ривожланаётган бир даврда дунёқарашга айланиши лозим бўлган илмий масалалардан бири ҳисобланади [8].

Юқорида келтирилган асосларни инобатга олган ҳолда журналистика факултети талабаларини ахборот саралаш лаёқати яъни илмий тилда айтганда компитентлигини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. *Компитентлик* тушунчаси ўзи нима? Унинг коммуникатсиён воситалар билан боғлиқ хусусиятини илмий адабиётлардаги фикрлар ёрдамида аниқлаштирамиз. Психологик манбаларда – компетентлик тушунчаси индивидда юқори даражада ривожланган маълум бир сифатлар йиғиндисини уоки ўз аксини меҳнат самарадорлигида, аниқлигида, тезкорлигида намоуон этадиган фаолиятни амалга оширишни билдиради [9]. Компетентлик масалаларини қуйидаги чет эл ва рус олимлари ўрганишган: S.Bhawuk, R.W.Brislin, Г.Коптельцева, Д.Маккей, Ю.Рот, Т.Г.Стефаненко, Г.У.Солдатова, К.Торн, Л.А.Петровская.

Компетентлик тушунчаси деганда, маълум бир соҳада талаба (масалан, бўлажак ўқитувчи) томонидан эгалланган компетенция, яъни маълум бир сифатларнинг тўлиқ шаклланган мажмуи тушунилади. Компетентлилик тушунчаси (лотинчадан competenlia, compete сўзидан олинган бўлиб — “биргаликда эришаман, қозонаман, мос келаман, тўғри келаман” деган маънони билдиради) луғатларда эса “нимадир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш”, “хабардор бўлмоқ, ҳуқуқли бўлмоқ” деган маънони билдиради. Амалда барча луғат тузувчилар “компетентлик” ва “компетенция” категорияларини чегаралаб қўяди. Компетентлик таърифи ўхшаш ва бир-бирини ўрнини эгаллайди (тўлдиради), шу билан бир вақтда компетенция сўзи учун ягона изоҳлаш йўқ, бу тушунча “ваколатлар йиғиндиси (ҳуқуқ ва мажбуриятлар) қандайдир орган ёки лавозимли шахснинг қонун, низомлар билан белгилаб қўйилган ушбу орган ёки бошқа ҳолатлар”, “ниманидир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш (эгалик қилиш)”, “кимдир яхши хабардор бўлган саволлар тўплами (соҳаси)” тушунилади [5]. Компетентлик тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда

мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик"ни англатади. Фикрларни умумлаштирадиган бўлсак журналистика факултети талабалари ахборот саралаш компитентлигини шакллантиришни таълим орқали шакллантирилган лаёқат дея баҳолаш мумкин. Таълим орқали биз келажакда хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга қарши ёш-авлодни иммунитетини шакллантирамиз аммо бугунги ахборотлашган жамиятда ахборот таҳдидларига қарши аниқ механизмлар ишлаб чиқмай туриб ахборотлашган жамият маданиятини юксалтира олмаймиз. Халқаро тажрибага таянган ҳолда ҳукумат томонида технологик жиҳатдан ахборот психологик хавфсизликни конструктив механизмини ишлаб чиқиш лозим. Бу жараёнда хориж тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда хавфсизлик тизимлари технологик ҳамда мафкуравий қисмлар орқали шакллатириш лозим. Бўлажак журналистлир учун ахборот хавфсизлигини фан доирасида компитентлик қобилятини шакллантириш жамиятда содир бўлаётган воқейликларни таҳлил қилиш ахборотинг ижобий ва салбий томонларини мушоҳада этишга йўл-йўриқлар бериш. Шунингдек, глобаллашув жараёнида очиқ ахборот тизимларида психологик хавфсизлик масалаларида мафкуравий имунитетни шакиллантириш демократик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, шиддат билан ўзгарётган бугунги дунёда ахборот хавфсизлигини таъминлаш нафақат ён-атрофимизда юз бераётган жараён ва ҳодисаларга муносиб жавоб бериш, балки уларнинг ўз вақтида олдини олиш, юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолли хавф-хатарларни олдиндан кўра билиш, ҳамда тегишли эҳтиёт чораларини ишлаб чиқиш ҳамда таҳдидларни бартараф этишни талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Муитов Д. Геосиёсат ва журналистика. –Тошкент, "Турон-Иқбол", 2014. –Б.67.
2. Ғуломов С.С. бош. Ахборот тизимлари ва технологиялари. -Т.: 2000.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017-йил, 6-сон, 70-модда. https://lex.uz/docs/3107036.
4. Алиев И.Т. Педагогнинг касбий компетентлиги // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. — Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. — 55 б.
5. Маннопов Ж., Холматова А. Касб таълими ўқитувчисининг мустақил педагогик фаолият юрита олиш компетентлигини шакллантириш // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. 208-209 б.
6. Ахборот хавфсизлиги: ечим ва муаммолар. - Т: Истеъдод, 2004. - Б. 25.
7. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғат. - Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт. 2009.Б.46.
8. Муҳаммад Амин Яҳё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. Ёрдамчи ўқув қўлланма. –Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2016, Б.55-88-207.
9. Самаров Р. Хавфсизликнинг метадологик асослари. - Т.: Академия, 2010. – . 221-222.

Журналист кадрларни тайёрлашда ахборот хавфсизлиги компентентлигининг аҳамияти
Дусимбетова Н. Б. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

Резюме. Ахборот хуружлари таҳдид солиб турган айни даврда шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш давлатлар олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Аммо шахсинг ахборот саводхонлигини таъминлашда компитентликни ривожлантириш мавзуси илмий тадқиқотчилар томонидан етарли даражада ўрганилмаган бўлиб, ушбу асос мақола мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Калит сўзлар: копитентлик, ахборот таҳдиди, психологик хавфсизлик, амалий механизм, ахборот саводхонлиги.

Важность развития компетенций в области информационной безопасности при подготовке журналистов
Дусимбетова Н.Б. Узбекский государственный университет мировых языков

Резюме: В условиях угрозы информационных атак сегодня обеспечение информационной безопасности человека является одной из важнейших задач, стоящих перед государством. Однако тема формирования личностной компетентности в области информационной грамотности изучена исследователями недостаточно, и это обстоятельство подчеркивает актуальность темы статьи.

Ключевые слова: авторское право, информационная угроза, психологическая безопасность, практический механизм, информационная грамотность

The importance of developing information security competence in training journalists
Dusimbetova N.B. Uzbek State University of World Languages

Summary. At a time when information attacks are threatening today, ensuring an individual's information security is one of the most important tasks facing nations. However, the topic of developing personal competence in information literacy has not been sufficiently studied by researchers and this circumstance emphasizes the relevance of the topic of the article.

Key words: copyright, information threat, psychological security, practical mechanism, information literacy

---

П.ҚОДИРОВНИНГ "ОЛМОС КАМАР" РОМАНИДАГИ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚ КОНЦЕПЦИЯСИ

Джалматова З. Дж.
Жиззах давлат педагогика институти

Пиримқул Қодировнинг "Олмос камар" романи шаҳар муаммолари ва шу шаҳарда яшайдиган кишилар туғрисида бадиий ёритилган урбанистик мавзуда ёзилган роман бўлиб, унда образлар тизими кўп сонли ва ранг-

барангдир. Шунинг учун асарнинг образлари тизимида одамлар билан бирга Тошкентдек улкан шаҳар образи ҳам яратилган. Роман марказида Тошкент шаҳрини қайтадан бунёд этиш жараёнида фаол иштирок этган, Ўзбекистоннинг азим пойтахтини обод қилиш учун курашган меъморлар, шунингдек турли касб эгалари, ҳамда бу гўшада истиқомат қилувчи турли ёш ва тоифадаги кишиларнинг бадиий қиёфаси тасвирланган. “Олмос камар” П.Қодировнинг шаҳар муаммолари ёритилган биринчи асари эмас. Бу романдан олдин ёзувчи “Эрк” қиссасини яратган. Асарда метро қурилиши билан алоқадор бўлган қаҳрамонлар ҳаёти тасвирланган эди. Қиссада, шунингдек, шаҳар ҳаётининг муайян қирралари номоён бўлган эди. “Эрк” қиссаси билан “Олмос камар” романининг узвий боғлиқлигига адабиётшунос Абдулла Матёқубов ҳам ўз вақтида эътибор берган эди. Унинг ёзишича: “ ... адиб мазкур асарида (“Олмос камар”да – З.Ж.) янги Тошкентни бунёд этиш, унинг гўзал ва кўркам бўлиши учун шаҳарда яшовчи одамлар ҳаётидан ҳикоя қилади. Асарда кўтарилган масала илк бор, қисман бўлсада, “Эрк” қиссасида тасвирланган. Бироқ бу қисса ёзувчининг “Олмос камар”ни ёзишдан аввалги разведкасига ўхшайди”[1]. Асар эрталабки қуёш нурининг шаҳар, унинг бинолари, кўчалари, кўм-кўк табиатини ҳаётбахш меҳр нурига ўраши тасвирлари билан бошланади. Бунда ўзига хос рамзий маъно бор. Чотқол тоғларидан бўй чўзиб шаҳарга нур, чирой тарқатаётган қуёш нурини учинчи қаватнинг айвонида турган қаҳрамон кузатаяпти. Аброрнинг бутун хаёли жонажон шаҳрини қайта қуриш, Бўзсувдан метро тоннелини ўтказишда табиат гўзаллигини асрабгина қолмасдан, уни имкон қадар кўркамлаштириш билан банд. Лавҳада тасвирланган “кўкаламзор боғлар, азамат чинорлар ва эманлар”, булар-шаҳар четида вақтинча сақланиб қолган табиатнинг бир парчаси, холос. Лекин улар бугун бўлмаса, эртага йўқ қилиниши мумкин. Шаҳарнинг ўзи эса, дарахтлар ва кўкаламзор ерлардан тозаланиб, бус-бутун қурилиш майдонига айланган. Қурилиш суръати жадаллашган сари табиат чекиниб, янги-янги ерлар қурилиш майдонига айлана бошлайди. Чунки қурилиш назариясига кўра, бино ва иморатлар тезроқ бўй чўзишга бирор нарса халақит бермаслиги талаб қилинади.

“Олмос камар” урбанистик - шаҳар ҳаёти муаммолари ва уларнинг инсон руҳияти, характери, дунёқараши ўзгаришига кўрсатган таъсирини бадиий ёритишга бағишланган романдир. Ўзбек адабиётида бу йўналишда ёзилган асарлар кам. Айни вақтда шаҳарнинг ўзи ҳам асарда образ даражасига кўтарилган дейиш мумкин. У улкан бунёдкорлик, ўзига хос муаммолар, янгилик ва анъана, одамлар ва табиатдан иборат шаҳар образи асар сюжети ва композициясида ўзига хос ўринга эга. Романнинг бошланиш манзарасида Тошкент шаҳрининг қуришга ва унинг қиёфаси, гўзаллигини, кўркам ва салобатлигини ёритишга бутун ҳаётини, билимини, ақли-заковати, истеъдодини бағишлаган Аброрнинг тепадан шаҳарга назар ташлашининг чуқур маъноси бор.

Аброрнинг кўз ўнгида “...тунука ва шифер томлар, асфальт ва бетон кўчалар..., бетиним ҳаракатланаётган ранг-баранг машиналар...” оқими намоён бўлади. Шаҳар манзаралари романнинг асосий қаҳрамони Аброр Аъзамовнинг нигоҳи билан кўрилади. Маълумки, асарда муайян даражада ёзувчи тафаккурини, концепциясини, умуман, асарнинг бадиий-фалсафий йўналишини ифода этувчи қаҳрамон бўлади. “Олмос камар” романининг фалсафий-аҳлоқий концепциясини ифода эувчи қаҳрамон-меъмор Аброр.

Юқорида келтирилган Тошкент манзараси, аввалambор, шаҳар, унинг ҳол-аҳволи ҳақида қисқача ва аниқ тасаввур беради. Шу билан бирга Тошкент қурувчилари олдида турган жиддий муаммога ҳам ишора қилади. Бунга ўхшаш манзара Аброрнинг кўз олдида, доимо бўлмаса, ҳам, тез-тез кўриниб туради. Бу манзараларни ёзувчи қайта-қайта чизади. Чунончи: “Соат кундузги учдан ошган, кўчаларда машиналар тиғиз. Айниқса, Куйбишев шоссесидан бораётганда очиқ юк машиналари шундай кўп эди ва бир-бирига халақит бериб, шундай тутун буруқситиб боришар эдики, Аброр ҳамма деразаларини очса ҳам, ҳаво етишмаётгандек бўғилиб кетди” [2.3]. Шаҳарнинг шунга ўхшаш манзаралари, романнинг бошқа саҳифаларида ҳам куп тасвирланган. Шаҳар йўллари манзараси романда қайта-қайта келтирилади. Бу манзараларнинг тасвирида катта маъно ва бадиий мантиқ бор. Улар асарнинг бошидан охиригача қизил ипдек ўтади. Бироздан кейин ёзувчи яна шаҳар манзарасини тасвирлашга қайтади ва манзараларни кузатиб борган Аброр Аъзамов ўз фикр, ғоялари ва туйғулари тўғрилигига яна бир бор амин бўлади. У табиат шаҳардан ташқарида эмас, шаҳарнинг ўзида бўлиши даркорлигини, шаҳарни бетон исканжасига олиш эмас, уни дарахтлар билан безаб, кўкаламзорлаштириш керак, деб ҳисоблайди. Аброр Тошкент гўзаллигини сақлаб қолмоқчи, унинг янги гўзал қиёфасини яратмоқчи бўлганлардан бири.

“Олмос камар"да урбанистик асарларга қуйиладиган асосий талаблар - шаҳарларнинг ўсиши, қиёфасини ўзгартириши, шаҳарликлар ҳаётининг жадаллашиши, техниканинг шаҳар ҳаётига фаол кириб бориши фонида шу жараёнларнинг инсон руҳиятига, онги, қалби, қарашларига таъсири бадиий ёритилган.

Адабиётшунос У.Норматов "Олмос камар"да машина образ даражасига кўтарилганини эътироф этган эди. П. Қодировнинг ёзишича, Аброрнинг асаблари чарчаган пайтда "ҳайдаб бораётган машинаси ҳам унинг ўзидек асабий ҳаракат қилади. Гоҳ юлқиниб секинлайди, гоҳ сакрагудек кескин кўзғалади"[3.175]. Аброрнинг ички монологида машина инсон ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилувчи дастёрга, деярли оила аъзосига айлангани ўз аксини топган. Аброрнинг асабийлашгани машинага таъсир қилган бўлса, машинаси бошқа машинага урилганда "Аброрнинг баданидан ўт чиқиб кетгандай бўлди" (210).

Фақат шаҳар қиёфаси ва манзаралари тасвирингина урбанистик роман хусусиятлари сифатида тушуниш бирёкламалик бўлур эди. Бизнингча, адиб шаҳарни тарихий ва замонавий, ижтимоий ва иктисодий, экологик, маданий-маиший, борингки, оилавий дарду ташвишлар - бор муаммолари билан бир бутун ҳолда қамраб олади. Ва унинг марказига шу куннинг кишиларини қўяди. Чунончи, шаҳардаги табиат мувозанатини сақлашдан тортиб, то шаҳар оиласигача - бўлар бари шаҳарга хос муаммолар. Чунки бу - шаҳар экологияси, бу - шаҳарда яшайдиган инсон, бу - шу инсонга хос ғаму ташвишлар ва ҳоказо.

П. Қодиров "Олмос камар" романида тасвирлаган Аброр янги қурувчилар типидир. Унинг тафаккур ва эътиқодига кўра, шаҳар қурилиши табиатни барбод қилмаслиги керак. Шунда инсон турмуши, макони, муҳит ҳам яхшиланади, соғломлашади. Шаҳарни табиатдан ажратиб бўлмайди. У табиат билан уйғунликда бўлиши керак. Адиб буни эътироф этиш билангина чекланмайди. У мазкур муаммонинг бадиий таҳлилини беради.

Аброр янги, энди шаклланиб келаётган соҳа-ландшафт меъморчилиги бўйича мутахассис. Шаҳар ҳам одамларга ўхшаб асар саҳифаларида кун кечиради ва образлар тизимининг ажралмас қисми бўлиб қолади. Бунга эришиш осон эмас. П.Қодиров бунинг уддасидан чиқади.

Гегель "Эстетика" асарида ёзади: "Романда адабий қаҳрамон жамият билан, ҳаттоки давлат билан туқнашувга киришади".

"Олмос камар" қаҳрамони Аброр Аъзамов жамиятда, меъморчиликда кенг тарқалган турли назариялар, ҳаттоки, давлатнинг шаҳар қурилиш лойиҳаларига қарши чиқади. Бу ҳолат, айниқса, романнинг биринчи (1977-йилдаги) вариантида кучли эди. Кейинги нашрда бу йўналиш, Аброрнинг ён бериш, эҳтиёткорлик қилиш тарзида бир мунча юмшатилгандек таассурот қолдиради. Фикримизча, бу нарса, адибга замон таъсирининг, замонга бўйсинишнинг, хусусан, Москов томонларга қарши чиқолмаслик касаллигининг оқибати, бўлса керак.

Аброр шаҳар меъморчилиги идоралари ва расмий муассаса раҳбарлари билан баҳс, мунозара ва зиддиятга киришишдан ҳайиқмайди. Чунки у табиатни севади, уни ардоқлашни, эъзозлашни ўзининг биринчи навбатдаги вазифаси деб билади. Фақатгина шаҳарда эмас, қаерда табиат бўлмас экан, атроф-муҳит муҳофаза қилинмас экан, у ерда ҳаёт бўлмайди, деб ҳисоблайди. Асар муаллифи фикри билан ҳамоҳанг бўлган Аброрнинг бу сўзлари романнинг бошидан охиригача қизил ипдек ўтади ва қаҳрамон учун бир умр ҳаётий эътиқод бўлиб хизмат қилади. Роман матнидаги шаҳар манзараларида катта ва жиддий муаммолар акс эттирилган.

Режага кўра қурилиш жараёнида шаҳар ичидаги табиат яксон қилиниши керак. Буни шаҳарни қуриш назариялари талаб қиларди. Иқлими салқин бўлган Россия учун мўлжалланган лойиҳалар асосида қурилаётган уйлар ўлкамизнинг иссиқ шароитига тўғри келмасди. Лекин шунга қарамасдан шахар ўзининг яшил либосидан маҳрум бўларди. Табиат ўрнини темир-бетон, асфальт эгалларди, шаҳар цементга қопланарди. Аброр бу таклифларни рад қилиб, янги шаҳар қуриш назариясини амалга оширишга ҳаракат қилади. Асар билан танишган ўқувчи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни асраш, шаҳарни кўкаламзорлаштириш масаласини биринчи ва асосий муаммо деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам китобхонда **“**Олмос камар" экологик роман деган тушунча пайдо бўлиши мумкин.

Профессор О. Шарафутдиновнинг ёзишича, П. Қодиров “бутун ижоди давомида она табиат куйчиси сифатида ҳам кўринади... Пиримқул табиатни севишгина эмас, уни сақлаб қолиш учун кураш ёзувчининг муқаддас бурчи ҳам эканини тушунди...Пиримқул сўнгги романларидан бири «Олмос камар»ни ҳам шу масалага бағишлади»[4]. Фикримизча, адиб "Олмос камар"да Тошкент асосий қаҳрамон эканлигини таъкидлаган. Бу биринчидан, иккинчидан, ҳозирги техника тараққиёти кундан-кунга ривожланиб бораётган даврда ҳар қандай шаҳар учун экология муаммоларини тўғри ҳал қилиш муҳим вазифадир. Тошкент ҳам бундан истисно эмас. Учинчидан, роман-шаҳарни қайта қуриш, уй-жой, экология, оилавий-маиший (оила, эр-ҳотин, ота-оналар ва болалар, қариндошлик...), авлодлар ворисийлиги, шаҳар зиёлилари, раҳбарлар ва ходимлар, миллийлик ва космополитизм, ўз она юрти учун авлодлар олдида жавобгарлик, шаҳарларнинг йириклашиш жараёни, шарқона анъаналар, техника тараққиёти ва бошқа кўпгина жамиятга, айниқса, шаҳар ҳаётига хос бўлган муаммоларни инсон ҳаётига, руҳиятига таъсирини бадиий акс эттирган. Яъни, асар марказида урбанизациянинг инсон қалби, тафаккури, характерига таъсирини бадиий кўрсатиш муаммоси ётади.

Асарнинг ўзаги урбанизация таъсиридаги инсон деб тасаввур қилсак, "Олмос камар"даги барча муаммо ва масалалар худди олмоснинг қирраларидек адибга уни ҳар томонлама ёритишига хизмат қилади.

Роман турғунлик даврига хос ҳолат ва хусусиятларни ҳам ўзида бадиий акс эттирган. Шунинг учун "Олмос камар"нинг баъзи бир эпизодларида (айниқса, иккинчи нашрида) конфликт ва тўқнашувлар юмшатилганини, баъзи бир ўринларда эса йўққа чиқарилганини сезамиз. Романда Аброр жамият билан тўқнашувга киришади ва оқибатда ғолиб ҳам чиқади. Бунга Москвадан ҳакамликка таклиф этилган таниқли меъмор Павел Данилович Катинов сабабчи бўлади. У давлат илмий-текшириш институтида чизилган лойихани эмас, Аброр ўз дўстлари-метро инженери Фарид ва исми романда кўрсатилмаган ирригатор билан ишдан бўш вақтларида яратган лойиҳани қуллаб-кувватлайди. Шу ўринда бадиий конфликтнинг ҳал этилишида ёзувчи трафарет, сийқаси чиққан йўлдан чиқолмаганини ҳам эътироф этиш лозим. Гуё баъзи қийинчилигу баъзи муаммоларни Москвадан келган одам ҳал қилиб бермаса, бу ердагиларнинг боши ишламайдиганидек. Бу масаланинг бир томони, иккинчи томондан эса, Москов чиндан ҳам баъзи масалаларда хўжайинликни, ҳакамликни ўз қўлига олган бўлиб, асардаги бу ҳолат ҳаёт ҳақиқатининг ифодаси ҳам эди.

Асар қаҳрамонининг ҳамма вақт ўз раҳбари ва бошқалар билан бахслашиб юриши, айниқса 70-80-йилларда бўлганидек, асосий персонажни фақат ижобий томонини кўрсатиш, уни идеаллаштиришдан ташқари барча бадиият намуналари учун асосий мезон бўлган талаблардан бири ҳамма конфликтларни рус миллатига мансуб кишилар оқилона ҳал қилиши турғунлик даври адабиётига хос бўлган асосий белгилардандир. Афсуски, "Олмос камар" ҳам қусурлардан ҳоли эмас. Аброр билимли ва талантли меъмор. У институтни битиргач эндигина шаклланиб бораётган ландшафт архитектураси бўйича илмий иш ёзиб, уни Москвада номзодлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилади ҳамда бу янги фан соҳасининг Ўзбекистондаги -тарғиботчиларидан бири бўлиб қолади. Аброр ўз ватанини, халқини, тарихини астойдил севадиган шахс. У Шарқ меъморчилиги қонун-қоидалари ва анъаналаридан яхши хабардор. Шу боис Тошкент шаҳрини Шарқ меъморчилиги тажрибаси асосида қайта

қуриш лойиҳаларини чизиш ва уларни амалга ошириш тарафдори. У ўз фуқаролик бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис этади, меъморчиликда миллий анъаналарни қўллашга харакат қилади.

Миллийлик, миллий меъморчилик анъаналарига, аждодларнинг меъморлик тажрибасига муҳаббат Аброрга ёшлигидан, деярли она сути билан кирган. Буни роман лавҳаларида муаллифнинг ўзи ҳам тасдиқлайди: Аброр ландшафт меъморчилигидаги халқ анъаналарини ёқлаб олдинга сураётган ғоялар унга отасидан ўтган ва мана шу Бўзсув бўйида кечирган ҳаётига илдиз отиб ўсган эди. Романда тасвирланишича, қурилаётган, қуёш тиғи остида қолган Тошкент хаста одамга ўхшайди. Кўчалар дуд ва бензин ҳидига тўла, нафас олиш оғирлашган, дам олишга ҳаво етишмайди. Чунки шаҳар яшил либосидан маҳрум бўлиб бораяпти. Аброр янги Тошкент шаҳрининг қиёфаси ва образини бошқачароқ тасаввур қиларди. У кўрмоқчи бўлган янги Тошкентда кўп асрлик дарахтлар - тут, чинор, эман, қайрағочлар сақлаб қолинган, минглаб фавворалардан сув отилиб, дарё ва каналлар зилол сувга тўлиб, мавжланиб оқиб туриши керак. Албатта, янги Тошкент шаҳрини, унинг гўзал образини яратиш жуда қийин ва оғир. Лекин Аброр мақсад қилиб қўйган режасини амалга оширишда тиним билмайди ва қаршиликларни аста-секин, ўзига хос матонат билан енгиб боради. Тошкентни қуриш лойиҳасини чизар экан, у доимо аждодлар- нинг тажрибасини ўрганиб, ўзлаштириб боради ва уларга суянади. Қадим Тошкент шаҳрини кўрган вақтларида ота-боболаримиз уни табиий ва ясама дарёлар, каналлар, анҳор, ариқларга ўраган. Шунинг учун бу кўкаламзорлаштирилган азим шаҳар қиёфаси ҳам, ҳавоси ҳам тоза ва мусаффо бўлган. Ёзувчи романда дарё, канал ва ариқларнинг ўнлаб номларини келтиради. У зўр меъмор, тарихчи ва ирригатор олимлардан қолишмайди. "Бўзсув, Анҳор, Қорасув, Салор. У ёқда Кайковус, Бўржар, Кўкча ариғи, Жанггоҳ ариғи, Чорсу ариғи, Ботирма, Қайирма, Яланғоч...Тол ариқ, Гурунч ариқ, ...Қиёт, ...Пулемас...Бунақа ариқлар Тошкентда саксондан ортиқ" (30).

Аброр мажоз ишлатиб, шаҳарни кесиб ўтадиган бу дарё, канал ва ариқларни Тошкентга қувват берадиган олмос камарга ўхшатади. Романда камар тушунчасига чуқур маъно юкланиб, ҳаттоки, “олмос камарлар" ҳақида ўзига хос фалсафа яратилади. Олмоснинг қирралари кўп бўлганидек, "Олмос камар"нинг ҳам қирра ва тармоқлари кўп. Романдаги ҳар бир образ, мажоз янги бир образ ва мажозларга ҳаёт беради. Оқибатда, асарда мажозлар силсиласи пайдо бўлади. "Олмос камар", "пулат камар", "оила камари", "маънавият фазилатлари камари", "меҳр-оқибат камари"... каби образли иборалар асарнинг нафосати яхлитлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаб, унинг турли қисмларини катта эпик шаклда битилган романга айлантирган ва ундаги фалсафий-ахлокий йўналишнинг кучайишига ёрдам берган.

Аброр-ижодкор. У ўз соҳасида катта мутахассис. Аммо у кундалик турмушнинг ташвиши ва машаққатларидан ҳам ўзини олиб қочмайди: ўз оиласини, ота-онасини, қариндош-уруғларини севади ва қўлидан келганча уларга ёрдам беради. Оила юкини тортишда ҳам хотини Вазирадан кам иш қилмайди ва доимо елкасини энг оғир юкка тутади. “Олмос камар"да оилавий-маиший йўналиш тасвири ҳам кучли. Шунинг учун ёзувчи турмушнинг қийинчиликларини, бахтли онларини, фожиавий қирраларини, умуман, ҳаётнинг барча пасту-баланди ва икир-чикирларини изчил тасвирлаб боради. Асарнинг бу томонларини баъзи бир танқидчилар яхши идрок қилиб, ўз фикрларини билдиришган.

Танқидчилигимизнинг талантли ва нозик фикрли намоёндалаларидан Иброҳим Ғофуров роман ҳақида қуйидаги мулоҳазани билдирган: Ёзувчи шаҳар ҳаёти билан чамбарчас боғланган ва унинг органик томонларига айланиб кетган барча югур-югурлар, ташвишларини уларнинг энг майда турларигача батафсил тасвирлашдан ўзини олиб қочмайди. Атай бир ижодий мақсадни кўзлаб туриб шундай қилади. У ТАШВИШ деган феноменни унинг бор замонавий бўй-басти ва ўзига хос характерли томонлари билан кўрсатади. Табиатнинг ва тарихий тараққиётнинг гултожи бўлмиш инсон ўзи яратган шу ташвишлар дунёси ичида ўзини қандай тутади?"[5]. Бу тўғри фикр. Танқидчи таъкидлаганидек, ёзувчи барча югур- югурлар, ташвишларнинг энг майда турларигача тасвирлашда аниқ мақсадни кўзлайди. Гап шундаки, Тошкентдек улкан шаҳарнинг ўзига яраша ташвиши ва машаққатлари бор. Хизматдан кейин уйга келиб яна оила ва маиший ишларни бажаришга киришиш анча мушкул. Болаларга қараш, уларнинг овқати, кийимини тайёрлаш, дарсларини текшириш, уларнинг ўзини тутишини кузатиш, кундалик ҳаёт ва мактабдаги хатоларининг олдини олиш ва тузатиш-бу ҳам бир олам ишларни бажаришга тенг. П. Қодировнинг "Олмос камар" романи уч авлод ҳақидаги роман ва асарда ҳар бир авлоднинг қараш ва эътиқодлари, вазифа ва бурчлари, оила, жамият ва давлат олдидаги масъулияти бадиий гавдалантирилади.

Шаҳарликларнинг бу ишлари ва машаққатларини романда кузатган И. Ғофуров уларни муайян ва аниқ белгилаш учун жуда образли ибора топади - "ТАШВИШ феномени".

Қайд қилиб ўтиш жоизки, "ТАШВИШ феномени" Тошкентга ҳам, улкан шаҳарда яшаётган барча кишиларга ҳам тааллуқлидир. Роман мазмуни ва тасвири учун хос бўлган яна бир нарсани танқидчи тўғри белгилайди. Адабий образларни тасвирлашда ёзувчи "ташвишлар, юмушлар ва муаммоларни бири устига иккинчисини қалаб ташлайди". Асарнинг маълум бир ўринларида бу ташвишлар, югуришлар, қилинган ва қилинмаган ишлар қаҳрамонларни баъзан «босиб» қўяди. Айниқса, кўп машаққатлар, ташвиш ва ишлар романнинг бош қаҳрамони зиммасига тушади.

Югур-югурлардан машина тормозининг найи узилди, мотори хаддан ташқари зўриқиб, қизиб кетди. Темир машина чидамаган бу машаққат ва қийинчиликларга фақат одам бардош беради. П.Қодиров урбанизация таъсиридаги мана шу одам бардошини, орзусини, армонини, курашини, дардини, севинчлари, аламларини, ташвиш ва ишончларини бадиий тасвирлашга алоҳида эътибор беради ва буларнинг барчасини ифодалашда миллийлик туйғуси, миллий урф-одатларни жуда чуқур билимдони эканини намойиш этади.

Устма-уст қаланиб кетган ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни қаҳрамон қандай енгади? Ёзувчини масаланинг ана шуниси қизиқтиради. Вазира илмий командировкага кетгач, Аброрнинг юмуш ва вазифалари аввалгидан ҳам кўпайиб, уни толиқтириб, асабини емира бошлайди. Аммо шу асабий ҳолатда ҳам зиммасидаги юмуш ва ташвишларини камайтириш Аброрнинг ҳаёлига келмайди. У касалманд эканлигига қарамасдан, тун бўйи фавворалнинг лойиҳаси устида ишлаб, эрталаб яна ишга отланади. Ҳаёт ташвишларининг охири бўлмас экан. Бу югур-югурлар, ташвишларни ёзувчи асарда бир қарашда ҳаддан ташқари кўпайтириб юборгандек таассурот қолдиради. Лекин чуқуррок ўйлаб қарасангиз, улар худди шу урбанистик асарга хос эканига ишонч ҳосил қиласиз. Бошқа бирор асарга бу қадар "юк" чиндан кўплик қилган бўлиш мумкин эди. Бироқ бу ҳолда эса у “Олмос камар" урбанистик асарнинг белгиларидан бири сифатида намоён бўлади.

Урбанистик асарнинг ўз мавзу, муаммолари-мезон ва қоидалари мавжуд. Ана шу талаблардан бири демографик ўсиш за саноатнинг ривожи таъсирида шаҳар худудининг жадал кенгайиши ҳамда шу муаммолар билан алоқадорликдаги инсон табиатида рўй бераётган ўсиш-ўзгаришнинг тасвирланишидир. Буни кўрсатишда, инсон ҳаёти билан боғлиқ барча томонларини ёритишда П. Қодиров реалист ёзувчи сифатида биронта қийинчиликни кўрсатишдан қочмайди ва роман саҳифаларида уларни кетма-кет тасвирлаб, доимо китобхонларга эслатиб боради.

АДАБИЁТЛАР

1. Матёқубов А.Ёзувчининг “Олмос камар” (тақриз)// Тошкент ҳақиқати.-1997.- 26 август.
2. Қодиров П.Олмос камар.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-Б.3(кейинги иқтибослар шу нашрдан олиниб, бети қавс ичида кўрсатилади.-З.Ж.).
3. Норматов У. Турмушнинг теран таҳили//Шарқ юлдузи.- 1994.- N 8.- Б. 175.
4. Шарафутдинов О. Ҳамиша ҳалқ хизматида // Ўзбекистон маданияти.- 1999.- 2 февраль.
5. Ғофуров И. Инсонийлик - яхлит туйғу // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 17 февраль.
6. Ортега-и-Гассет Хосе. "Дегуманизация искусства" и другие работы. Сборник / Перевод с испанского (Послесловие Н. Матяш). - М.: Радуга, 1991. - 638 с.

П.Қодировнинг “Олмос камар” романидаги фалсафий-аҳлоқ концепцияси
Джалматова З. Дж. А.Қодирий номидаги ЖДПИ

Резюме. Мақолада П.Қодировнинг «Олмос камар» романига бағишланган. Унда ҳар бир инсоннинг оила, жамият ва давлат олдидаги масъулияти, шаҳар ҳаётига урбанизацияни таъсири ва шу ташвишлар ичида инсон ўзи яратган дунёсида қандай тутиши ёритилган. Шу ўринда асарнинг образлари тизимида одамлар билан бирга Тошкентдек улкан шаҳар образи ҳам яратилганлиги очиб берилган.

Калит сўзлар: ташвиш феноменни, фалсафий-аҳлоқий концепция, бадиий мантиқ, урбанистик асар, миллий анъаналар

Философско-нравственная концепция в романе П.Кадырова “Алмазный пояс”
Джалматова З.Дж. ДГПИ имени А.Кадыри

Резюме. Статья посвящена роману П.Кадырова «Алмазный пояс». В ней показана ответственность каждого человека перед семьей, обществом и государством. Также в статье отражена тема влияния урбанизации на жизнь города и поведение человека в рамках проблем им же самим созданного мира, показан образ такого мегаполиса как город Ташкент.

Ключевые слова: проблемный феномен, философско-нравственная концепция, художественная логика, урбанистический роман, национальные традиции

Philosophical and moral concept in P.Kadirov’s novel “The Diamond Belt”
Djalmatova Z.Dj. Djizak State Pedagogical Institute named after A.Kadiri

Summary. The article is devoted to P.Kadyrov’s novel “The Diamond Belt”. This work shows three generations: their views, beliefs, duties and responsibilities; it shows the responsibility of each person to the family, society and the state. The article also reflects the theme of the impact of urbanization on the city’s life and human behavior within the frameworks of the problems of the world he himself created, it shows the image of such a megapolis like the city of Tashkent.

Key words: thorny phenomena, philosophical and moral concepts, artistic logic, an urban novel, national traditions

---

САНЛЫ ТЕХНОЛОГИЯНЫҢ ФИЛОЛОГИЯ ТАРАЎЫНА ТӘСИРИ

Айтмуратов А.
Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Термин ҳәм терминология мәселелери тил билиминде илимий жақтан да ең әҳмийетли мәселелердиң бири. Қарақалпақ тилиниң сөзлик қурамындағы терминлерди ҳәр тәреплеме үйренип, оларды ҳәзирги заман талаплары әдебий тиллердиң объектив раўажланыў нызамларына сәйкес унификациялаў ҳәм қолланылыў бойынша белгили бир нормаға түсириў, системаластырыў теориялық тийкарын ислеп шығыў күн тәртибине қойылып киятыр. Демек, терминлер теориялық ҳәм әмелий жақтан әҳмийетли мәселелердиң бири. Тил жәмийетлик қубылыс, жәмийеттеги ҳәр қандай жағдай тәбийий түрде тилге тәсир етип отырады. Санлы технологиялар арқалы мағлыўматларды алмасыў процесслери, информация тезлиги мәселелери санлы технологиялардың раўажы менен тиккелей байланыслы. Жәмийеттиң тийкарғы буўыны болған билимлендириў тараўыда санлы технологиялардың раўажланыўы менен тығыз байланысқан. Бүгинги күнде тез пәт пенен раўажланған санлы технологияның кирип келиўи, ҳәр бир тараўға өз тәсирин тийгизип отырыўы сөзсиз. Жәмийетимиздеги ҳәр қыйлы тараўлардағы жүз берип атырған өзгерислер қарақалпақ тил билиминде де өз көринисин табады.

Қарақалпақ тилиниң сөзлик қурамында қарақалпақ халқының пүткил тарийхый өнери, күн көриси, ақыл-ойы, психологиясы, руўхый дүньясы, интелектуаллық раўажланыў жағдай, пүткил турмысы барлығы өз сәўлесин

тапқан. Экономикалық-сиясий ҳәм мәдений турмыстың тарийхый жәмийетлик раўажланыўлардың пүткил көриниси уғымлар ҳәм сөзлер түринде халықтың санасында қәлиплескен ҳәм олар тил арқалы қатнасты тәмийин етип, өзиниң соцаллық хызметин атқарып киятыр [1, 8]. Тилдиң раўыжланыў сол тилде сөйлеўши жәмәәт ағзаларының өсип, раўажланыўы менен тығыз байланыслы болады. Жәмәәттиң өсип раўажланыўы менен тили де байып, жетилисип барады [2, 183]. Ҳақыйқатында да, инсаният жәмийетиниң раўажланыўы илим, техника, информациялық ҳәм информация технологиялар менен тиккелей байланыслы болмақта. Сонлықтан да, усы кубылысларды үйрениў илим ушын зәрүрли әҳмийетке ийе болмақта.

Биз бул мақаламызда жәмийеттеги өзгерислер тийкарында тилимизге жаңадан кирип келген, педагогикалық, экономикалық ҳәм билимлендириў тараўларына әсиресе, лексикамызды кеңейиўине өз үлесин қосқан санлы технологиялар арқалы кирип келген терминлерге тоқтап өтпекшимиз.

Ҳәзирги күнде дүньяның басым көпшилигинде жүз берген, әсиресе 2020-жылы пандемия шәраятында санлы технологияларының заманагөй билимлендириў системасы ушын зәрүрлигин көрсетти. Жәмийеттеги бул өзгерис қубылыслар пандемия шараятында қарақалпақ тил билимине де бир қанша таза терминлер кирип келди. Қарақалпақ тил билимине соңғы ўақытлары белгили дәрежеде технологиялар арқалы да терминлер киритилди – видео сабақлар, видео лекциялар, модул-платформасы, кредит системасы, электорн сабақлықлар, онлайн, офлайн, дәстүрий, аралықтан ҳ.т. басқа билим бериў қуралларын өз ишине алады. Санлы технологиялар сабақты тез өзлестирип алыўды, нәтийжели билимлендириўди жаратыўдың имканиятын береди. Улыўма алғанда бүгинги күнде санлы технологиялар жәмийеттиң барлық тараўларында өзиниң әҳмийетлилигине ийе болмақта.

